

М24
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА УРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МАШРИҚЗАМИН-
ҲИҚМАТ
БЎСТОНИ

НАУЧНАЯ
БИБЛИОТЕКА
ТашГУ

В1440

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
КОНЦЕРНИНИНГ БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 1997 ЙИЛ

Таржимон, тўпловчи ҳамда изоҳ муаллифлари
ҲАМИДЖОН ҲОМИДИЙ ва МАҲМУД ҲАСАНИЙ
Масъул муҳаррир: ФАЙБУЛЛОҲ АС-САЛОМ

Машриқзамин — ҳикмат бўстони. //
Тарж., тўпловчи ҳамда изоҳ муаллифлари: Ҳ.
Ҳомидий ва Маҳмуд Ҳасаний. Масъул муҳаррир: F. Ас-
Салом/. — Т.: Шарқ, 1997. — 400 б.

Сарл. олдида: Ўзбекистон Республикаси Олий ва
ўрта маҳсус таълим вазирлиги.

ББК 94.8

© «Шарқ» нашриёт-матбаа концер-
нининг Бони таҳририяти, 1997

МАШРИҚЗАМИН - ҲИКМАТ БҮСТОНИ

Буюк аждодларимизнинг бекиёс маънавий мероси, минг йиллик тарихимиз ва маданиятилизга асосланган маънавий ҳаётимизни тиклай бошладик. Динимиз ва тилимизга қайтдик, миллий урф-одатларимиз ва анъаналаримиз, хуллас, инсон маънавиятига дахлдор барча бойликларимиз қайтадан қад ростлаяпти. Одамларда ўзлигини англаш, миллий гуурур, ўтмишдан фахрланиш, порлоқ келажакни бунёд этишини ўз қўлимизга олганимиздан гуурланиши каби туйгулар камол топаяпти, уларнинг бугунги ва эртанги кунга ишончи ортиб бораяпти.

И.А. КАРИМОВ,

Ўзбекистон Республикаси Президенти.





ДОНИШМАНДЛАР СҮЗЛАЙДИ

Азиз китобхон! Авзойингиздан куриб турибман. «Машриқзамин — ҳикмат бустони» мажмуасини ҳафсала билан олиб, варақлай бошладингиз ва бу хазинани мамнуният билан қўлга киритдингиз. Китобни харид қилдингиз. Муборак бўлсин. Адамиядингиз. Унга сарфлаган пулингиз ўзингиз билан бирга кетди... Аллақачонлардан бўён Сизнинг шундай бир асарга муштоқ, орзуманд эканингизни сезиб юрувдим. Мана, энди бағрингиз бут, кўнглингиз тўладиган бўлди.

Биламан, ҳозиргача дилингизнинг бир чеккаси ғашэди. Дуруст: ялпи саводхон бўлдик. Турфа билим, санъат, хунарларни эгаллаганимиз ҳам ёмон бўлмади. Ҳар ким ўз соҳасининг мутахассиси бўлиб етишиди. Булар барчаси баржой ва гўзал. Лекин!.. Аросатда қолиб кетганимиз ҳам рост. Фарб билан Шарқ рақобатга киришди. «Ким-кимни» савдоси бошланди. Маънавият бозорларига яхши нарсалар билан бирга, сийқа, баъзан чиркин Фарб матоҳлари тинимсиз қўйилиб кела бошлади. Аксарият, ё Фарб маданиятини мукаммал эгаллай олмадик, ё ўзимизнинг том Шарқион ахлоқий қиёфамизни тўқис сақлаб қола билмадик. Моддий турмуш шароитлари, миллий-ижтимоий муҳит ўзгариши билан дунёқараш ва маслагимизда, фикрлаш йўсуни-

миз, муомала-муносабатларимизда туб силжишлар пайдо бўлди.

Мен ҳар бир миллатни ўз миллий қиёфасида кўраман. Ҳинд мардум бошда қалпоги, табассум билан кўкси узра икки кафтини жуфтлаштириб турган бир алфозда намоён бўлади. Худди Лаъл Баҳодир Шастри сингари. Менинг ўзбегим эса, бошда дўпини билан, ўнг қўлини кўкрагига қўйтган ҳолда, тавозе юзасидан қаддини хиёл букиб туради... Ҳужа Насриддин афанди каби.

Ўз қиёфасига эга бўлмаган киши шахс эмас. Ўз қиёфасига эга бўлмаган жамоа, оломон халқ ёхуд жамият эмас. Ўз қиёфасига эга бўлмаган қавм миллат эмас... Айниган, соҳтакор коммунизм гояси барчани ялпи «тengлаштириш» даъвоси билан чиқиб, мавҳум «байналмила», «умуминсоний» шахс андазасини қарор топтиришга зўр берди. Бундай ғалат синфий- фирмавий талқин ва талабга кўра, олайлик, узбекнинг (умуман Шарқ кишисининг) лутфкор таъзими унинг... қуллиги, мутеълиги ифодаси деб эълон қилинди. «Совет кишиси» гус магрур, ҳур инсон, бас, унинг бошқаларга ва бир-бирларига белини букиши мутлақо номатлуб деб топилди. Шу тариқа турмуш, тириклик, фикрлаш мақомига, урф-одатлар, таомиллар ва бошқа инсоний-руҳий ҳолатларга алоқадор барча нарсаларда гарбона тасаввурлар кент тарғиб қилина бошлади. Шарқона миллий қадриялар «феодал-патриархал» қолоқлик аломатлари, «эскилил сарқитлари» деб ҳукм қилинди.

Мен маънавий Farb билан маънавий Шарқни ва бу маънода Шимол билан Жанубни бир-бирига зидлаштироқчи, бирини иккинчисидан устун қўймоқчи ёки камситмоқчи эмасман. Тарихда бундай уринишлар кўп бўлган. Бари — бехуда. Гарчи улар ўртасида сезиларли, катта тафовутларни курсам-да, афзаллик қидирмайман. Ҳикмат тафаккурдан, мантиқдан, тарихий тажрибадан, кундалик ҳаётдан тугилади. Ўз табиатига кўра бу ижодий жараёндир. Бу жараён мантиқий бирлик, зиддият, тафовут, тақозодорлик сингари белги ва хусусиятларга эга. Булар эса ҳамма вақт ҳам тарихий, жўғрофий, диний, миллий ёки минтақавий-маданий муштараклик ёки тафовутлар замирида келиб чиқавермайди. Айни бир маданий-миллий заминда ҳикмат, мақол ёки ўтиг ўзининг аксил кўринишларига, даъво ва талқинларига эга бўлиши ҳам мумкин.

Бизга Гарб ахлоқини жуда күп ва катта «микдорда», кенг күламларда тиқиширдилар. Үзимизнинг күп минг йиллик күхна, мўйсафид Шарқимиз чегараланиб қолди, гоҳо бир чеккага сурib ҳам қўйилди. Астасекин ахлоқ ва маънавиятда қозоқнинг қозоқлиги, қирғизнинг қирғизлиги, татарнинг татарлиги ёки узбекнинг узбеклигини таниб олиш ҳам қийин була бошлиди. Одамларда манқуртлашиш майли кучайди. Айниқса, аҳолининг зиёвий қатламларида, турли ёндағи кишилар, шаҳар билан қишлоқ ёки овул фуқаролари ўртасида бу нарса яққол кузга ташланди.

...Қанчалик қириб-қиришламайлик, баҳор келди дегунча тог-тошлар орасидан, энг қаттиқ жисмларнинг ҳам бағрини ёриб, майин майсалар ниш уриб чиқа бошлайди... Худди шунингдек, узоқ даврлар мобайнида, уша қизил мустабид жоҳилият даврида динга, айниқса Ислом динига «бутун фронт буйлаб» хужум олиб борилганига қарамай, ҳалқимиз асрлар давомида қалбининг турида авайлаб сақлаб келган диний, миллий қадриятларни куз қорачуғидай сақлаб қолди. Чунки билардик, қанчалик «сарқит», «қолоқлик», «жоҳиллик» аломатлари деб жазавага берилешмасин, мазкур маънавий бойликтарнинг кўпиниз учун чинакам инсоний-ахлоқий жавҳар эди. «Ҳикматлар бўстони»ни ўқир экансиз, бугунги кунда у биз учун бамисоли доно муаллим, мураббий, устод вазифасини утайди. Ҳар бир одам боласи бу ёргу дунёга келиб, тө ундан рихлат қилгунига (вафот этгуннига) қадар ўзининг инсоний бурчини қандай уташи кераклигидан баҳс очади, сабоқ беради. У бизни қандай утириш-туриш, одамлар ўртасида ўзни қандай тутиш, ҳатто қандай кулиш ёки йиглашгача, шарм-хаё, андиша, ибо, нималарни эъзозлаш ёки ҳазар қилиш каби минглаб «майда-чўйда» ахлоқ-одоб йўриқ ва қоидаларидан огоҳ этади. Дилемиз тўрида ва тилимиз учидаги турган, узимиз айттолмай қийналётган сон-саноқсиз чигал муаммоларга жавоб беради. Бу ўзига хос «баҳс-мунозараларда» Арасту ҳакимдан — Абу Али ибн Синогача, Афлотундан — Абу Райхон Берунийгача, Жалолиддин Румийдан — Алишер Навоийгача, Соҳибқирон Амир Темурдан — Зебуннисогача, Заҳириддин Муҳаммад Бобурдан — Муҳаммадшариф Гулханийгача юзлаб мутафаккир зотлар иштирок этадилар. Ҳужа Аҳмад Яссавий, Сұфи Оллоёр, Увайсий, Ҳужа Самандар Термизий, Юсуф Хос Ҳожиб, Маҳмуд Кошгариј, Муҳаммад Зехний, Бархур-

дор иён Маҳмуд, Абулбаракот Қодирий, Мажидиддин Хавофий, Муҳаммад Сиддиқ Рушдий сингари зоти олийлардан теран ибратли фикрлар келтирилади. Жуда кўплаб мўъжабулбулдонлар, қомусул аъломлар, маҳзанул асрорлар, мажмуатуш шуарою фузалолар, до-нишномалар, қобусномалар, пандномалар, девон ва лугатлар, ал-қонунлардан далиллар олинади. Мазкур бўстонда инсониятнинг буюк ақл эгаларини ҳамма замонларда банд этиб келган оғрикли масалалар, дорул фанодан то дорул баҳогача, курраи заминдан то самовотгача, «бугунги кундан» то рузи маҳшаргача сон-саноқсиз кузатишлар, тараққиёт, тургунлик ва инқироз, ўтмиш — ҳозирги замон — келажакка дахлдор баҳслар Шарқ ахлоқ йўсими (кодекси) нуқтаи назаридан ёритилган. Бу мажмуя саҳнида тӯс турли замонларда ва минтақаларда эрамиздан олдинги замонлардан то янги замон сарҳадларигача яшаб ўтган кўплаб солим ақл соҳиблари «бирлашганлар». Таниқли Шарқ донишмандлари жамулжам бўлиб, ўзига хос «анжуман курганлар».

Яна бошиқа, гаройиб таассурот туғилади ўқувчида. Китоб саҳнида фақат бугунги бизнинг замондошларимиз ўз ўтмишдошлари, бобокалон донишмандлар билан эмас, балки ул зоти шарифлар ҳам, ўз навбатида, ҳозирги узоқ ва яқин авлодлари билан мулоқот қилгандай бўладилар. Аждодларимиз ўзларининг XXI аср бўсағасида турган авлодлари хузурига ташриф буюришар экан, тийрак наслларнинг турмуш шароити, аъмоли, фикрлаши ва нутқ моромидаги чукур ўзгаришларни куриб завқлангандай бўладилар. Ақл-идрок, тафаккур камолотига таҳсин ўқийдилар. Мустақил ҳаёт тарзимизни қутлаётганлари уларнинг сиймосидан сесилиб тургандай. Гоҳи ҳолатларда эса, ҳатто ўша минг йиллар нарисидаги инсоний ожизликлар «ўша-ўша» ҳолича ҳамон давом этиб келаётганини пайқаб, бош иргайдилар, ҳайрат бармогини тишлайдилар. Она табиатнинг бузилган, рўйи заминда ялпи қирғин қуролларининг инсон наслига таҳдид солиб турганидан воқиф бўлиб, афсус ва надоматлар чекишаётганини сезмаслик мумкин эмас. Уларда биз билан баҳс ва мунозара, мусоҳабаларни давом эттириш истаги борга үхшаб туюлади.

Шу зайл, Шарқнинг панд-насиҳатларидан инсоний муносабатларга дахлдор барча муаммо ва жумбоқларга жавоб оласиз. Кўнглингиз таскин топади. Чунончи:

одамийлик, яхшилик ва ёмонлик, нутқ ва сукут, рост ва ёлғон, дүстлик ва рақобат, улуглик ва ушоғлик, заковат ва ҳасад ҳамда бошқа сифат ва иллатлар хусусида барча мутафаккирларнинг гаплари бир жойдан чиққандай бўлади. Айни вақтда ҳар бир зоти шариф ёки ҳалқ даҳосининг даъво ҳукмларида масаланинг турли қирралари очилади.

Мавлоно Жалолиддин Румий буюрадилар:

Яхшиларнинг суҳбатин кўнглингга сол,
Хеч ёмоннинг суҳбатин қилима хаёл!
Кўр, қизил гул bog ичин хандон қилур,
Мард киши номардни ҳам инсон қилур.
Гарчи сен бўлсанг агар мармар каби,
Яхши бирла бўлгасен гавҳар каби.

Мавлоно Муҳаммад Жабалрудий яхши дустни атторга нисбат берадилар:

У (аттор — F. C.) уз атридан сизга бермаса-да,
сиз унинг атрлари ҳидидан баҳраманд бўлаверасиз.

Энди Муҳаммад Жавҳар Заминдордан эшистайлик:

Беҳунар одам эмас, молу зари булғанда ҳам,
Бўлмагай эшак одам анга либос ёғтанда ҳам.

«Қўрқит Ота китоби» тилга киради:

Қора эшакнинг бошига юган солған билан
тулшор бўлмас.

Бу қиёсларда Шарққа хос лисоний, мантиқий ва ахлоқий алломатлар бўргиб куринади. Булар: bog, қизил гул, мармар, гавҳар, аттор, атр ҳиди, зар... Шарқнинг ҳиди анқиб туради. Шу орада жаҳолат ва бефаросатлик тимсоли эшак пайдо бўлиб, унинг ҳанграган овози ҳам эшитилиб қолгандай бўлади...

Хўжа Самандар Термизий дўст-душман баҳсида минбаъд тайинлайдиларки, зинҳор адашманлар деб:

Синалмаган дустга ва синалган душманга
ишонмоқ катта хато.

«Фавоқиҳ ал-жуласо» Арастуга ҳавола қилади:

Нодон үзига үзи душман бўлади, бас, у ўзгага
қандай дўст бўлсин!

Яна бир нозик огоҳ:

Аҳмоқ одамдан аччиқланмоқ ўлик устида
ашула айтгандай гап.

Муҳаммад Жабалрудий Анушервони Одил тилидан
мана бу доно фикрни илгари суради:

Яхши гап ҳам ёмоннинг оғзидан ёмон бўлиб
чиқади. Кимнинг юрагида яхшилик бўлса,
доимо яхшиликла зикр қилади. Ёмон киши-
лар эса ёмонликдан гапирадилар.

Бундай хулоса чиқазишга туртки берган антиқа бир
воқеа борким, ўзингиз, ҳурматли китобхон, ўқиб
олинг деб, бу ерда уни атайн келтирмадим.

Меъёрлар, нисбатлар, масофалар, мувозанат ҳақи-
да кундалик ҳаётда оғишмай амал қилишимиз лозим
бўлган, эсда нақшланиб қоладиган кўп панд-насиҳат-
лар бор:

Ўзингдан улуғлар сенга раҳм қилишини хоҳ-
ласанг, ўзингдан пастрларга раҳм қил.

Абулбаракот Қодирий:

Ортиқча ширин бўлмагинки, сб юбормасин-
лар ва ортиқча аччиқ бўлмагинки, туфлаб
ташламасинлар (Буқрот ҳакимдан иқтибос).

Пулни ишлатсанг озаяди, ақлни ишлатсанг
сайқал топиб, кўпаяди.

«Махzan ал-улум»дан:

Хушбахт шундай кишики, у ўзгаларнинг феъ-
лу ҳаракатидан ибрат олади. Бадбахт шундай
кишики, унинг аҳволидан бошқалар ибрат
олади (Батлимусдан).

Ҳикматнома мажмуасини яратишнинг қийинчилиги бениҳоя кўп, хилма-хил манбалар орасидан уларни териб-тергилаб олишнинг мушкуллиги билангина эмас, балки не ҳасратда тўплланган инъжу доналарини бир илга тизиш, фикрларни муайян тизимга келтириш, алоҳида-алоҳида олиб қараганда тарқоқ, пароканда узвлар, ашёлардан яхлит вужуд барпо этиш ишининг мураккаблиги билан улчанади. Китобда бу жумбоқ ҳам хийла пухта ҳал қилингандай.

Азизлардан бири дебдурким, «ҳайратланиш учун бир дақиқа вақт кифоя, бирон ҳайратангиз гап айтиш учун эса кўп йиллар керак». Қулимиздаги мана бу мажмуада кўп минглаб ҳикматли гаплар жамланган. Асрлар, минг йилларнинг маҳсулни булар. Қадимул айём қаъридан келаётган руҳий қадрият, бебаҳо маънавий бойлик. Ҳар бири алоҳида митти сўз санъати асари.

Ҳар бир ибратли фикр, мақол, нақл, асотир, оқилона айтилган гап ўзича бир тугал асар. Шуниси борки, ҳеч ким ҳикмат мақомидаги лўнда гап айтиш учун маҳсус қўлига қалам олмайди. Тўгри, ёзувчилар, давлат ва жамоат арбоблари, олимларнинг ен дафтарларидан кўпгина доно фикрларни топиш мумкин. Булар муаллифларнинг бой тажрибасидан, кишиларнинг турмуш тарзлари, атрофдаги воқеа-ҳодисаларни узоқ вақт давомида кузатишларидан туғилади. Ихчам пурмаъно иборалар, мақол ва маталлар турли бадиий асарларда, лугатларда, адилларнинг қалб дафтарларида ноёб дурдоналар, инжу шодалари сингари сочилиб ётади. Улар воқеалар таҳлили замирида, тасвир ичиди, муаллиф муддаосининг лўнда ифодаси, қаймоги сифатида, гуё «уз-ўзидан», «бехосдан», «фавқулодда», «қиссадан-хисса» тарзида туғилали. Бундай иборалар муқаррар суратда ниманидир тасдиқлаши эмас, рад этиши, шубҳа остига олиши ҳам мумкин. Замирида тасдиқ, инкор, ҳукм, муқояса, кесатиқ, пичинг, сифатлаш, ухшатиш, муболага ётади. Уларга лоқайдлик хос эмас. Фикрни тимсоллар, образлар воситасида эҳтирос билан ифодалайди. Юксак ҳаёт довонларида, мураккаб ижтимоий ва маънавий ҳаёт чорраҳаларида, руҳий зиддиятларнинг дучлашган ва кесишган нуқталарида «ярқ» этиб пайдо бўлган бу қўйма асарларда аччиқ ҳақиқатларга, самимий тилакларга, некбин даъватларга, дуойи хайларга дуч келади киши. Улар инсонларни қандай яшашга ургатади. Энг қийин дамларда одамларга доно маслаҳатчи, ҳамдард, мураббий ва руҳий мададкор бў-

либ пешвоз чиқади. Оталар сўзини ўқиган ва уққан ҳар бир инсофли, оқил киши ўз эзгу ниятида янада собит, ўз кори хайридан мамнун, меҳр-шафқатидан масрур, ҳотамлигидан рози ва мағрур бўлиши баробарида, бошқа кимдир бировлар ўз разолатидан пушаймон, жаҳолатидан шарманда, қабоҳатидан юзи қора, шароратидан дили сиёҳ, озурда бўлса ажаб эмас.

Нутқ ва панд-насиҳатнинг бу турига эзмачуриклик, сўзамоллик хос эмас. Умуман, китобда нутқ ва сукутнинг қандай ҳолларда матлуб ёки ноўринлиги ҳақида кўп мароқли фикрлар айтилган. Суз фикрнинг либоси, фикр сўзнинг жонидир. Айни вақтда: зукко кишилардан бири деган экан: даҳо фикрдан барча сўзларни олиб ташлаш мумкин. Буёги қандоқ бўлди!.. Бирон теран, тагдор маънони англатишда сўздан кўра сукут афзалроқ экан-да? Бундай иборалар ўқувчини уйлашга, фаҳм-фаросатни ишга солишга, коса тагидаги нимкосани топишга ундаиди.

Мажидиддин Хавоғийдан:

Бир киши бир ҳакимнинг зиёфатига борди. У бехуда сўзларни ҳаддан ортиқ валдирарди. Сўнг сўз орасида: «Энди сўзлашни бас қилай», — деди. Ҳаким унга эътиroz билдириди: «Йўқ, сен сўз сўзлаганинг йўқ!»

Абулбаракот Қодирий дебдурлар:

Бир куни Бузургмехрдан: «Сўзлаш яхпими ёки сукутми?», — деб сўрадилар. У: «Сўзлаш!» — деб жавоб берди. Ундан яна сўрадилар: «Нега бўлмаса ўтмиш ҳакимлари доимо бунинг аксини айтиб келдилар?». Бузургмехр жавоб қилди: «Сўзлаш афзал деганинг маъноси шуки, агар бу восита бўлмаганда эди, сукутдаги бекиёс хислатлар очилмай қоларди!»


Икки биродаримиз: Ҳамидjon Ҳомидий билан Маҳмуд Ҳасаний тартиб берган «Машриқзамин — ҳикмат бўстони» эканига ҳеч кимда шубҳа йўқ. Аммо бошқа бир истакни ҳам эътироф этишга тўгри келади. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Ҳамир учидан патир. Биринчи тажриба ва уриниш. Аминманки, кейинги нашрларда китоб янада тўлишади, сайқалланади, таржималарга


ищлов берилади, кам-құстлари тузатилади, таҳриртаб жумлалар янада қиёмиға етказилади. Нашрнинг илмий мақоми тагинам пухталанади. Ҳар хил күрсаткичлар — индекс илова қилинади. Калит-сузлар берилади. Бирок ҳозирғи ҳолида ҳам у бизнинг бутунги талаб ва эҳтиёжларимизни тула қондиради, деб үйлайман.

Яхши одамлар, холис ниятли, олийжаноб ҳазрати инсонлар орасыда бұлмоқ накадар улуг мұкофот, улкан баҳт киши учун! Сиз, азиз китобхон, Шарқ ҳикматлари бустони ичра кезиб, юзлаб донолар, оқиллар, физилу фузалолар, адibu үдаболар яратған ҳаёт сирларидан хабардор булаёттан экансиз, амин булингки, улуглар даврасидасиз, улар билан мулоқотдасиз. Демак, баҳтлisisiz.

Гайдуллоҳ ас-САЛОМ.

ОДОБ,
ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ,
ИСТЕ҆ДОД
ФОЙДАЛАРИ ҲАМДА
БЕОДОБЛИКДАН
ЕТАДИГАН ЗАРАРИ





Одоб шундай тожки — поку ёсгубор,
Бошингта қўйгину қайга борсанг бор!

Бархурдор ибн Маҳмуд

Оллоҳ такаббурларни севмайди.

Ҳадис

Адаб кичик ёшдагиларни улуғлар дуосига сазовор
этади ва у бу баракотдин умрбод баҳраманд бўлади.

Навоий

Одоб шундай узукки, агар у ҳар кимсанинг тасар-
руф бармогига мувофиқ келса, унинг улуғлик оти ҳам-
ма маъракаларда жавлон қиласди.

Одоб дебочадур инсон учун иззат китобига,
Бўлар, ҳар ким одобсиздур, нишон тири маломатга.
Бархурдор ибн Маҳмуд

Айтдилар:

— Фазилат наслу насаб билан эмас, балки одоб
билан топилади.

Муҳаммад Зсҳний

Бўлмас адабсиз кишилар аржманд,

Паст этар ул хайлни чархи баланд.

Навоий

Одоб аҳли билан ҳамсуҳбат бўлиш — туллар ҳидини уфураётган тонг насимидан ҳам ширин.

«*Оталар сўзи*»

Кишида одоб бўлса, илм ҳам бўлиши лозим. Одоб ақлга боғлиқ нарса. Ақл устига одоб ҳам қўшилса нур устига аъло нур бўлади. Улуғлик ақлу одоб билан вуҷудга келади. Ақлнинг қадри одоб билан, бойлик қадри саховат билан, қувват қадри баҳодирлик билан ошади.

«*Фавоқиҳ ал-жуласо*»

Адаб ирфон илми ичрадур шамъ.

Анбар Отин

Одамлар одоб тўтиёсини ташқи ва ички дунё ахлоқ кўзининг равшанлигини оширувчи сабаб, деб билганлар ва бу қимматли оқ йўлнинг отлиги бўлмай туриб иззат ва ҳурмат мартабасининг идрок каъбасига етмаганлар.

Саодат мулкининг йўлида доим бехатар юргай,
Одобнинг ҳассаси бўлса кишининг қўлида ҳар дам!
Бархурдор ибн Маҳмуд

Хулқ гўзал бўлса, барча халқ севади,
Хулқи тўгри бўлган киши тўрга чиқади.

Юсуф Хос Ҳожиб

Бир куни Букротдан:

— Одобли билан одобсизнинг ўртасидаги фарқ қандай? — деб сўрадилар.

— Гапирадиган ҳайвон билан гапирмайдиган ҳайвон орасидаги фарқ каби, — деб жавоб берди Букрот.

«*Фавоқиҳ ал-жуласо*»

Агар одам эсанг, сайр эт бу гулшанда адаб бирла,
Қадам ҳар сори қўй мулсифат ким.govу ҳар густох.

Оғаҳий

Кимки аслида бадумид эрур,
Яхшилик ул кишидан этма умид.

Алмайӣ

ҲИКОЯТ. Одоб хазинасини юрагига жойлаган бир йигит бор эди. У ўз баҳтини тополмай бир неча вақт

сарсон-саргардонликда юрди. Кунлардан бир кун Анушервоннинг ходимларидан бирининг хизматига кириб қолди. У ердаги қийинчилик ва макру ҳийлаларниңг азобига қанчалик бардош бермасин, бирор фойда күрмади. Қоронги тунларни эса оғир хаёллар билан ўтказди: Байт:

Куннинг жамолини күрай деганга,
Тунда сабр қилмоқ ёлғиз чораси.
Гавхар қидирувчи меҳнатдан қурқса,
Қулига чиқмагай дурнинг сараси!

Кунлардан бир кун Анушервон уз мулозимларидан: «Энг юмшоқ нарса нима?» — деб сүради. Биров: «Шоҳи», деб жавоб берди. Биров: «Товуқ патлари», деди. Яна бирори-эса: «Шоҳидан ҳам юмшоқроқ нарса нима булиши мумкин», деди. Шу пайтда ҳалиги йигит сарой тепасида турган эди. У мулозимларнинг жавобидан Анушервоннинг күнгли тўлмаганини кўриб, сузлашга ижозат сўради. Ижозат бўлгач деди: «Энг юмшоқ нарса тинчликдир!» Анушервон унга офарин айтди ва яна сўради: «Энг яхши овқат нима?» Йигит: «Шаҳвоний кувватни оширмайдиган ва танда иллат қўзғатмайдиган овқат энг яхши овқатдир», деди. Яна сўради: «Энг яхши шароб қайси?» Йигит: «Ақлни зое қилмайдиган ва касаллик пайдо қилмайдигани», деб жавоб берди. Яна сўради: «Гулларнинг ичиди энг ширин хидлиси қайси?» Йигит: «Ота-она тириклигига уларни хурсанд қиласидиган, улгандан кейин эса уларнинг номини бойийлаштирадиган ҳаёт гули бўлмиш фарзанд», деб жавоб берди.

Анушервон йигитни тақдирлади ва уз ҳакимлари орасига олди. Байт:

Доно ноҷорлиқда қолса ҳам бир кун,
Умиди ҳосилдан кўрсатар нишон.
Мушкни кур, либосга бекитилса ҳам,
Ҳид сочиб ўзини қилур намоён!

Муиниддин Жувайнӣ

Одоб — улуглик ва юксаклик қасрининг нарвони, бу нарвон орқали барча мақсад ва манзилга етиш мумкин. Шарм гулзоридан эса барча муддао гулини дасталаш мумкин. Латиф сирларнинг ҳақиқатини англовчилар ва ҳар қандай рамз маъносини тадқиқ қилув-

чилар айтадиларки, одамийлик рисоласининг дарсларини ўқишига азм қилиб, баҳтиерлик кӯчасига қадам қўювчи ҳар бир инсонга, аввало, шарму одоб қоидасини ёд қилмоқ шартдир. Токи баҳт муаллимининг йўлланмаси билан ҳаёт қонунининг илмини идрок қилишда билимли ва уста бўла олсинки, ҳақиқатан ҳам, инсоният учун одоб ажойиб тож ва одамийлик безаги учун қимматбаҳо гавҳардир.

Бархурдор ибн Маҳмуд

Дегул инсон десанг ани не ажаб,
Бўлмаса қирқ яшарда ақлу адаб.

Сайфи Саройи

Одобли одам табибга ўхшайди, у билан суҳбатлашиш кўнгилдаги ғамни қувади.

«Оталар сўзи»

Бир куни халифа Маъмун одоб билан сўзлаётган бир боладан: «Кимнинг ўғлисан?» деб суради. Бола: «Одобринг ўғлиман», деб жавоб берди. Бу жавобни эшитган Маъмун: «Қандай чиройли отанг бор экан-а», деб унга таҳсин ўқиди.

Муҳаммад Зеҳний

Улгаюрсан, санда бор бўлса адаб,
Улгаюрсан, санга ёр ўлса адаб,
Одам эрсанг, ташқи сурата берма зеб,
Она юртингни ҳамиша айла зеб.

Анбар Отин

Одоб бир булатки, унинг бир томчи ёмгири яхши кишиларнинг амал экинзорига ёғса, умид полизини абадий кўкаламзорга айлантиради ва яхши ном ҳосилидан фойда хирмонини барпо қиласди.

Бархурдор ибн Маҳмуд

Отанг-онанг тарбиятига қил гузар,
Холина айлаб назар, олгил хабар.

Сайд Қосимиј

Ўзингдан кейингиларга ибрат бўлай десанг, ўзингдан илгаригилардан ибрат ол.

«Оталар сўзи»

Ҳақиқий инсон ҳамиша илм ва ҳунар олишга инти-

лади. Илм бир дараҳт бўлса, одоб унинг мевасидир. Одобсиз олим мевасиз дараҳтдир.

Муҳаммад Зеҳний

Ҳар бир киши касб-корни мукаммал билмоғи, яхши тарбия олмоғи ва яхши хулқ-одоб, фазилатларга эга бўлмоғи керак.

Абу Наср Фаробий

Ҳикмат арбобларининг айтишларича, кишининг вужуд гули одоб ранги ва ҳидидан холи бўлса, у киши одамлар назарида тикандек хору бекадр булади, халқ кўнгли у билан сухбатлашишдан қолади ҳамда бегона-оцинолар ундан юз ўтирадилар. Унинг аҳволи саҳифасига нафрат қалами билан узоқлик ва бегоналиқ белгисини қўядилар. Шунинг учун бешарм ва одобсиз кишилар давронинг даккиси ва танбиҳидан узларининг озодлик қанотларини синган ҳолда кўрадилар ва уларнинг меҳру-муҳаббати ҳеч кимнинг дилига ҳеч қачон ўтирамайди.

Бархурдор ибн Маҳмуд

Ҳаёт энг яхши мураббийдир.

«Оталар сўзи»

Тарбия таъсир қиласиган кишилар уч тоифага бўлиниадилар.

Биринчиси — ҳануз оқ билан қорани танимаган бола. Унинг табиати ҳали ёмонлик губори билан булганмаган, юраги эса ботил ишлар зулмати билан қоралмаган булади. Бундай болага насиҳат тез таъсир қиласи. Бундай болани түрги йўлга осонлик билан ургатиш мумкин.

Иккинчиси — оқ билан қорани ажратадиган бўлиб қолган бола. Улардан баъзилари уз нафсининг галабаси билан яхшилик томонга бурила олмай юрган булади. У қилаётган ишининг ёмонлигини билади. Нуқсонларини эътироф этади. Бундай одамни тарбиялаш биринчисига нисбатан қийинроқ, аммо унга доимий тарбия берилиб, ҳар хил насиҳатлар ва танбиҳлар бериб борилса, албатта, яхши йўлга кириб кетади.

Учинчиси — оиласда ботил ҳаёт ва фосид фикрлар билан усив улғайтан киши. У умр бўйи ноҳақ ишларни ҳақ деб билиб келган ва шунга астойдил эътиқод кўйган булади. Ёмонлик қиласа ҳам уни ўзича яхшилик

деб ўйлайди. Бундай кишини тарбия қилиш жуда оғир. Унинг тарбиясига киришиш — тирноқ билан қудук қазиш ёки ҳали қызаб чүкқа айланмаган темирни болгалаш билан баробар.

Донолар яхши ёки ёмон хулқли бўлишни оилага боғлайдилар. Уларнинг айтишларича, бузук хотиндан туғилган ва разил ота қўлида тарбияланган фарзанддан яхшилик кутиш қийин. Чиройли хулқ офтобга ухшайди, офтоб музни эриттани ёки сув тузни эритиб юборгани каби чиройли хулқ ҳам барча ёмонликларни эритиб юборади.

Абульбаракот Қодирий

Онадан тарбия кўрмаган қиз ёмон,
Отадан таълим олмаган ўғил ёмон.

«Қўрқит Ота китоби»

Ҳар кимки илм-ҳикматни ўрганаман деса, уни ёшлигидан бошласин, саломатлити яхши бўлсин, яхши ахлоқ ва одобли бўлсин, сўзининг устидан чиқсин, ёмон ишлардан сакланадиган бўлсин, хиёнат, макрҳийладан узоқ бўлсин.

Абу Наср Фаробий

Мураббийси бўлмаган одамни ҳаёт ўзи тарбиялаб қўяди.

«Оталар сўзи»

Ҳаёли киши имонлидур, имонлилар жаннатийдир.
Хадис

Ҳамма ишларингизда тўгри бўлинг, одамларга муо-
малада хулқингиз чиройли бўлсин.

Хадис

Одами ақлу назокатда сулув,
Бўлса ахлоқи садоқатда сулув.

Анбар Отин

Истеъдод эгаларини тарбиялаш шундай бир ким-
дирки, у қора тупроқни тоза олтинга, ноқис тошни эса
айбсиз гавҳарга айлантиради. Чунончи айтадилар:

Тарбиядан тупроқ гавҳар бўлади.
Ноф ичра қон мушки асгар бўлади.

Қийматсиз қора бир темирни иксир,
Тарбия айлагач соф зар бұлади!

Хожа Самандар Термизий

Истеъдод әгасини тарбиясиз қолдирмоқ зулмидир.
Истеъдодсиз кишини тарбиялаш эса умрни зое үтка-
зишдір. Байт:

Кишида бұлмаса агар истеъдод,
Минг ҳийла қыл таълим кор қылмас асло.
Гумон қылма, бузоқ худо бұлмайди
Бутпараст олтин-ла берса ҳам оро.

Муннаддин Жувайний

Кимики ахлоқи зоҳири хушшур,
Ани ҳаргиз ёмон гумон қылма.

Оразий

Азизим, ҳунар аҳлининг тарбиясига сайъ-ҳаракат
қыл. Ҳунарсиз кишиларга отасининг хизматлари ту-
файли эътибор қылма! Одамларни отасининг хизматла-
ри туфайли эмас, узларida бұлған қобилият туфайли
тарбиялаш лозим! Байт:

Уликдир ҳаётда ҳунарсиз киши,
Ҳунарсиз бұлғандан улгани яхши!

Хожа Самандар Термизий

Отага итоат — Оллохга итоат қилишдир*.
Хадис

Одамларга таом едиңгилар ва шириңсүз бүлинглар.
Хадис

Таълим фақат сўз ва ургатиш билангина бұлади.
Тарбия эса амалий иш, тажриба билан бұлади.

Абу Наср Фаробий

Сабабсиз култи — беодоблик белгиси.
«Оталар сўзи»

*Баъзи ҳикматлар мавзу тақозосига қура атайн тақорланган. — Мух.

Ҳар ким агар ёшлигидан беодоб кишилар ичида ўсиб улгайса, катта бўлгач, унинг вужудига ўрнашиб олган бадфесълик иллатини чиқариб ташлаш қийин бўлади.

Гўдакликдан ёмон феълга ўрганса,
Юз меҳнат-ла уни кам қилиб бўлмас.
Яхши йўлга солай дебон уринма,
Ўсиб қотган шохни хам қилиб бўлмас!

Хожа Самандар Термизий

Қсрак тарбият ёшлиқдан керак,
Улуг бўлса лозим келур гам смак.

Абдулла Авлоний

Одобсизлик ота-она уйини хароб қиласди.

«Оталар сўзи»

Болага отанинг меҳнати сингтан бўлса,
Сўнг у боланинг хулқ-атворида билинади.
Ота болани назоратда тутса,
У яхши, эзгу бўлади.

Юсуф Хос Ҳожиб

Беодоблик шундай селки, у обру ва виқор қасрини қўпориб, идрок бўйини ҳар хил арқонлар билан боғлаб ташлайди. Оқил кишиларнинг айтишича, одобриояси шундай сурмаки, унинг гардидан ҳар бир кишига сурса, эътибор кўзининг равшанлиги ҳеч қандай сабаб билан заифлик ва иллатга йўлиқмайди. Замонанинг катта-кичиклари унинг ҳузурини меҳру муҳаббат базмининг чироги, деб биладилар. Кундан-кунга иқбалининг юлдузи юксакликка кўтарилаверади.

Кишида барча ахлоқи ҳамида,
Чу жамъ ўлди қўярлар отин эҳсон.
Бири ондин саходур, бири муруват,
Булар гар йўқтур, инсон эрмас инсон.

Навоий

ҲИКОЯТ. Хушёрликнинг киме табиатли саррофлари бу ҳикоятнинг бебаҳо олтинини шундай пул қилиб чекадиларки, бир куни Бағдод вилоятида бир неча бола бир кўчада ўйин билан машғул эдилар. Ўша шаҳарнинг ҳокими дам олиш мақсадида отга миниб, ўша

кучадан үтиб борарди. Ҳокимнинг асари у ерда зоҳир булгач, бир бола ақлининг муаллими кўмагида бу ҳолни сезиб, ўрнидан турди ва одоб юзасидан чеккага чиқиб, девор остида турди. Бошқа болалар эса хеч нарса сезмагандек туравердилар. Қизгин ўйиндан эса тухтамадилар, буни кузатиб турган подшога бу боланинг ҳаракати ёқди. У отини бола томонга бир оз юргизиб, унинг дикқатини ўзига қаратди. Уни имтиҳон қилиб куриш мақсадида кўлидан узугини чиқариб, болаларнинг ўртасига отди ва деди: «Кимки узукни олдинроқ топиб келса, шоҳона ҳадя олади». Болалар олдинроқ узукни топишга ҳаракат бошладилар. Ногоҳ биттаси топиб, уни подшога олиб келди. Ҳалиги бола эса уз оғини одоб чегарасидан чиқармай, жойидан жилмай туарди.

Фикр гар яхши тарбият топса,
Ханжар, олмосдан бўлур ўткур.
Фикрнинг ойнаси улурса занг,
Руҳи равшанзамир бўлур бенур.

Абдулла Авлоний

Меҳмонни эшиккача кузатиб қўйиш суннатидир.
Кошифий

Ҳар ким одоб сурмасидан тортса ҳаё кузига,
Мақсад келинин кўрап қарписида беҳижоб.

Подшо куз қири билан унинг ҳолатини кузатиб турар эди. Бу сафар узукни унинг олдига ташлади. Бола эса узукни ердан кўтариб олиб, чангини артди-да, бир упиб, одоб ва ҳаё юзасидан секин-секин юриб келиб, икки қўллаб подшога узатди. Подшога унинг одоб ва ҳаёсининг чиройлилиги ёқиб деди:

Одоб уз эгасин бир қун еткизар
Иzzату обруға ва саодатга.
Одобнинг бояидан терса ҳар ким гул,
Ҳаёти тўлади хуш тароватга.
Одобли кишилар топар яхшилик,
Беодоб нишондир, бил, маломатга!

Подшо болаларнинг ҳар бирига инъом ҳадя қилди. Сунг ходимлардан бирига қараб деди: «Мана бу бола-

нинг ота-онасини топиб рози қил, болани бизга берсин, тарбиялашга арзийдиган бола экан».

Ота болани кичиклигидан бебош қилиб қўйса,
Болада гуноҳ йўқ, барча жафо отада.
Ўғил-қизга билим, ҳунар ўргатиш керак,
Токи бу ҳунарлар билан фсыл-автори гузал бўлсин.
Кимнинг хулқ-автори, феъли яхши бўлса,
У тилагини топади, ою кун унга кулиб боқади.
Юсуф Ҳос Ҳожиб

Одоб, бу ёмон сўздан ва ёмон ишдан ўзини тиймокдир ҳамда ўзининг ҳам, ўзганинг ҳам иззатини сақлаб, обрусини тўкмасликдир.

Кошифий

Ёшлиқда заҳмат чскиб, илм ўргансанг, касб-ҳунар эталласанг, қариганда роҳат топасан.

Кошифий

Яхши ишлов берилмаган ердан яхши ҳосил унмайди.

«Оталар сўзи»

Мусиқа фани шу маънода фойдалики, кимнинг феъл-автори мувозанатини йўқотган бўлса, уни тартибга келтиради.

Абу Наср Фаробий

Яхши қилиқ оқ сут билан кирса,
Ўлим келиб тутмагунча ўзгармайди.
Юсуф Ҳос Ҳожиб

Одамига яхши қилиқдур биҳишт,
Етти тамуғдин баттар, ул хўи зишт.
Ҳайдар Ҳоразмий

Не хуш хислат эрур ахлоқи иску,
Неки қилдинг келур олдинга ўтру.
Мурувват пеша қилким, ҳайи сонеъ,
Етургай қилмайин ажрингни зоеъ.
Талибий

Кишини ёмон дема (гийбат қилма).

Мұхаммад Сиддик Рушдий

Күрқоқнинг олдида ҳақ сұзни айтма.

Мұхаммад Сиддик Рушдий

Нодондин йироқ қочқон донодур.

Мұхаммад Сиддик Рушдий

Үзингни шубҳадин йироқ тут.

Мұхаммад Сиддик Рушдий


Муноғиқликтің белгиси учтадыр: өлғон сұзлаш, вайдастардың устидан чиқмаслик ва омонатта хиенат қилиш.

Хадис

Кимки гайридинни ҳақорат қылса, қиёмат куни үтдан ясалған қамчи билан урилади.

Хадис

ОЛИМ, ИЛМ,
КИТОБ, ҚАЛАМ,
УСТОЗ, КАСБ-
ХУНАР, ЯХШИ
ФАЗИЛАТЛАР





Касбнинг энг яхшиси кишининг ўз қули билан бажарилган иши ва ҳалол саводидир.

Ҳадис

Илм ўқуб қилмаган амал мақбул,
Дона сочиб кутармади маҳсул.

Навоий

Ер юзи бир дашту саҳро бўлса, гулзори илм,
Саҳнаи оламни бўлмоқда намудори илм.
Илму фан бирла қуролланмоқда сардори илм,
Илм ўқи, ҳеч бир жонга сткурмайди озор илм.

Оразий

Олим киши сўзидан олгил ўгит,
Яхши сўзлар таъсири дилга сингар.

Маҳмуд Кошгарий

Олим кишини эзгу тутиб сўзин эшишт,
Хунарини ўрганибон амал қилғил.

Маҳмуд Кошгарий

Олим кишилар ҳар с尔да азиз ва ҳурматлидурлар.

Абдулла Авлоний

Эмиш ҳар элга қадри илм бало,
Ула илм мақоми баски боло,
Кишиким илму фандин бохабардур,
Ҳалойиққа мұтабардур.
Тириклика кишиким қылса ҳар кор,
Анинг осонлигина илм даркор.

Абдулла Авлоний

Илм урганиш ҳар бир мусулмон учун фарздор.
Хадис

Жаңон равшан зиёйи илмдантур,
Күнгил софи сафойи илмдантур.
Анбар Отин

Кимда бұлса донишу, ақлу, тамиз,
Илм ила ҳылм ахлині тутган азиз.
Сен хатолардан узингни тут узок,
Эй угил! Оқыл эсанг солғыл қулоқ!
Фариқиддин Аттор

Бирорким қылса олимларга таъзим,
Қилур гүёки пайғамбарға таъзим.
Навоий

Эй угил! Қайси фан булмасин, то уни мукаммал
әгалламагунингча ҳаракатни тұхтатма, бир илм иккинчи
илмни әгаллашта өрдам беради. Бир илмни әгаллашта
ақлинг йўл бердими, уни охиригача әгалламай туриб,
чала ташлаб кетма!

Абдибек Шерозий

Билимни буюк, үқувни улуг бил,
Бу иккиси танланған бандасини улуглайди.
Заковат қаерда бұлса, улутглик бұлади,
Билим кимда бұлса буюклиқ олади.
Юсуф Ҳос Ҳожиб

Илм ила кимнинг дили равшан эрур,
У замон ичра саломат тан эрур.
Фариқиддин Аттор

Илм үрганищдан уялган ва такаббурлық күчасига
кириб қолған кишилар ҳеч қачон илмга эга була ол-

майдилар. Эй угил, сен илм ўрганишдан уялма! Нодонлик ёмои хислат!

«Жовидони хирад»

Билимсиз, шубхасиз, аниқ курдир,
Кел, эй нодон, билимдан ҳисса ол.

Юсуф Ҳос Ҳожиб

Агар инсон илм нури билан уз йулини ёритмаса, зулмат ва нодонлик күчесида қолади. Киши қалбининг нури илм ва маърифат билан бақувват бўлади. Инсониятнинг қадри илм билан ҳосил бўлади. Илмдан ҳали ҳеч ким зарар курган эмас. Илмни эгаллаб олиш эса бир санъатdir. Дунёда қандай ёвузлик содир бўлган бўлса, уларнинг ҳаммаси нодонлик орқали келиб чиққан. Энг зўр ҳалокат нодонлик, инсонийликни битирувчи ҳам нодонликдур. Яхши таҳсил курган ва илм нури билан ҳулқини яхшилаган аёл ҳар ерда иззат топади. Илм — аёл учун зийнат. Ақлини нодонликдан куткарған ҳар бир аёл номус, иззат, аёллик қадрини тушуниб етади. Бундай аёл ҳеч бир ишда адашмайди. Илмсиз аёл эса бола тарбиялашда турли хатоларга йўл кўяди.

Абдибек Шерозий

Бешикдан қабргача билим иста.

Хадис

Муяссар бўлса тилтадин сенга тахт,
Узингдин пастга зинҳор айламагин саҳт.
Агар берса сенга жаҳон сultonлиги даст,
Киши уз ҳолини билмак керак паст.
Агар рутбанг эрур аълоий оғоқ,
Иккىлғон хасталарни ҳолина боқ.
Такаббур қилмагил эй бемаоний,
Фалонни ўғлидурмен деб фалоний.

Суфи Оллоёр

Ҳакимдан:

— Шунча илмни қандай ҳосил қилдинг? — деб сурадилар:

У айтди:

— Илм ўқиётган пайтларимда ёндирган чироқ мойини ҳисобласант, еб-ичган нарсаларимдан кўпроқ

бұлади. Бундан маълум бұладики, вақтни еб-ичиш ва ўйнашта сарфлашдан күра илмга сарфлаш зарур экан.

«Фавоқиҳ ал-жуласо»

Билиб дарсингиз айлаб азбар ўқунг,
Ўқунглар, ўқунглар, ўқунглар, ўқунг.
Ҳавоу ҳавасларни айлаб раҳо,
Сабоқларни тақрор этинг борҳо.

Роқим

Илм мартабаси мартабаларнинг зўридир, деган гап шубҳасиз тўғри. Қайси ерда илму маърифат кучли бўлса, уша ер баҳт маскани ҳисобланади. Қайси ерда нодонлик мавжуд бўлса, у ер қуруқ ёки тошлоқ жой кабидир.

Гузал хулқ билан пайваста бўлган илм одамларни баҳтиёр қиласди, мартабасини баландлатади. Илмдан мақсад кўркам ва эзгу ишларни амалга оширишдир.

Фаҳрулбанот Сулаймоний

Бир соаттина илм ўрганиш бир кечалик ибодатдан яхшидидир.

Ҳадис

Уламолар суҳбатида бўл, пок, соф ниятли кишиларга талпин.

«Амир Темур ўғитлари»

Илмсиз иликсиз сўнгак каби бўшдир, иликсиз сўнгакка кўл урилмайди.

Билим билан кишининг мартабаси ошди, илмсизлик эса кишини тубанлаштириди.

Билимли киши керакли сўзни сўзлайди, кераксиз сўзни кўмиб ташлайди.

Аҳмад Юғнакий

Муродингни ҳаётинг ичра ахтар,
Ки мавҳум илм ичинда бўлма ахгар.

Анбар Отин

Қайси бир олимнинг илмидан сўралганда қизғониб гапириб бермаса, қиёматда оғзига ўтдан тизгин солиб қўйилади.

Ҳадис

Илмсиз инсон — мевасиз дарахт.
Недонга илм ўргатмоқ умрни зое ўтказмокдир.
Илм бир хазина бұлса, бу хазина калити савод.
Илм келинчакка үхшайды, у хилват ва пинҳонлик-
ни ёқтиради.
Илм инсон зийнати.
Қоғозга туширилмаган илм унудишиб кетади.
Кимки илм билан ақлини оширишга уринса, молу
давлат үзи келаверади.
Илм булмаса одамнинг ҳайвондан фарқи булмас
эди.
Молни ишлатганинг сари озаяди, илм эса кўпаяди.
Ҳар кимки эрур улума моҳир,
Бўлгай анга сузнинг хусни зоҳир.

Шавқий Каттакурғоний

Аввало олим бул! Лоақал таълим оловчи ёки тинг-
ловчи, илму уламоларни севувчи бўлгин.

Ҳадис

Заковатли уқади, билимли билади,
Билимли, заковатли тилакка етади.

Юсуф Ҳос Ҳожиб

Ҳар кишининг руҳи илм бирла қувватланса, шаф-
қатли ва бетамаъ бўлур.

Сидқий Ҳондойлиқий

Одамга фақат хусн эрур рўйига зеб,
Ботинда жамил улмаса, бу хусн бекор.

Дилшоди Барно

Сайри жаҳон қилинг, сувга үхшаб. У доим оқишида-
дур — тоза ва хушдур ва агар бир ерда кўп тўхтаб
қолса, бадбўй бўлур.

Муҳаммад Сиддик Рушдий

Амалсиз илм — мевасиз ёғоч.

«Оталар сўзи»

Ҳамма эзгуликлар билим туфайлидир.
Билим туфайли гўё кўкка йул топилади.
Сўз бўз ерга яшил кўқдан тушди,
Сўзи туфайли инсон ўзини улуг қилди.

Юсуф Ҳос Ҳожиб

Борди-ю кишининг учта фарзанди булса, ҳар уччо-
вига ҳам илм ўргатгани яхши. Агар бундай имкониятга
эга бўлмаса, биттасига илм ўргатсин, биттасига хунар
ва яна биттасига зироат ёки тижорат ўргатсин. Ўму-
ман, уларни бирор фойдали иш билан машгул килиш,
нобакор ва қабих кишилар билан улфат, ҳамсуҳбат
булишидан қайтариш керак.

Мұхаммад ибн Мұхаммад ал-Жомий

Эй келди фунуни илм таслим санга,
Қылмоқ анга лозим бўлди таъзим санга.
Гарчи йўқ эрди қувват оёқимда, vale,
Келдим бош ила оғали таълим санта.

Отахий

Яхши хислат жаҳонда олий мартаба ва юксак дара-
жага етказувчиидир. Аммо бунга етишиш воситаси илм
ва одоб бойлигидир.

Илм саодатга йўлловчи машъал,
Жоҳиллик үлимга бошлар ҳар маҳал.
Қитъа:
Билим кишиларни улугвор қилас,
Одамдан кетмайди то у улгунча.
Олтин, кумуш билан керилма зинхор,
Бу иззат олтину-кумуш тургунча.

Мунинндин Жувайнин

Олимлар қалами шаҳид қонидан муқаддас.

Хадис

Китоб — барча бунёдкорлик, яратувчилик ва ақл-
идрокнинг, илму донишнинг асосидир. Ҳаётни ўрга-
тивчи мураббийдир.

«Амир Темур ўтиллари»

Садақанинг афзали мусулмон кишининг илм ўрга-
ниб, сунг бошқа мусулмон биродарларига ҳам ўргати-
шидир.

Хадис

Илму фан уйига юборинглар болангизни,
Анда ўқутганлар бори яктои жаҳондир.

Аваз Утар

Дунёни билмакка идрокинг гаров,
Зедн қўймоққа дили покинг гаров.
Яхши иш қўлмоқ учун йуқса ўқув,
Санга лозимдур ўқув бирлан ўқув.

Анбар Отин

Илмнинг чеки йуқ, қанча кўп ўқисант, билмаган нарсаларинг шунчалик кўпаяверади.

«Фавоқиҳ ал-жуласо»

Ҳар кишида илму санъат бордур,
Бахту давлат ул кишига ёрдур.

Камий

Илм ва ҳунар урганиш инсон учун энг зарур нарсалардан ҳисобланади. Ҳар қандай нарсанинг моҳиятини англаш, жаҳондаги воқеаларнинг яхши-ёмон томонини билдиб олиш, одамларнинг қадру-қимматини тўғри тушуниш, оиланинг фаровон яшашини тўғри ташкил этиш, қисқаси, ҳар томонлама мукаммал бўлиш учун илм ва ҳунар урганиш зарурий эҳтиёжлардан биридир.

Фахрулбанот Сулаймоний

Оз-оз урганиб доно бўлур,
Қатра-қатра йигилиб дарё бўлур.

Навоий

Фойдали бирор нарса ёзадиган бўлсанг, шундай хат билан ёзи, токи уни осон ўқиб, тезроқ фойда олиш имконияти бўлсин. Қандай фойдали нарсани ёдлаб олган бўлсанг, шундай тушуниб ёдлаки, токи уни қайтариб ёзиш ва туппунтириш имконига эга бўлгин. Қалам сўз элчиси ҳисобланади, ёзув эса қўлнинг тилидир.

«Фавоқиҳ ал-жуласо»

Ҳаял айламанглар, ўқунг муттасил,
Утар кўз юмуб-очгунча ою йил.

Роқим

Қилмаган илм сари кимса назар,
Халқ беҳуд касб майл айлар.

Қолмади ҳеч қадри илму ҳунар,
Курди беилм қавм неча зарар.

Камий

Билмаганни сұраб үрганған олим,
Орланиб сұрамаган үзига золим.

Навоий

Устоз ва муаллимлар ҳурматини урнига қыйғанлар
бу дунёда ҳам, охиратда ҳам саодат топар.

Кошифий

Илм асосига қурилмаган улугликнинг охири хор-
лиkdir.

Нодон агар улуг булса унга күнгил bogлама,
Чунки амал нодон билан бокий эмас жаҳонда.
Чароҳ ҳеч қачон жоҳилларнинг амалини билмайди,
Қора ҷоҳга тиқар уни, қўймас бир кун омонда.
Кишини йилқидан билим фарқлади,
Билим билан инсон мартабали булди.
Заковатли киши гўзал ва тил-сўзи тўгри,
Ва тамоми қилиқлари тугал — тўкис бўлади.

Юсуф Ҳос Ҳожиб

Ҳалол қасбдан чарчаб ухлаган одам гуноҳлари кечи-
рилган ҳолда тунаиди.

Хадис

Тўрт нарса саодат далилидир: тўгри сўз, тавозеъ,
ҳалол қасбу ҳунардаги меҳнат, сир сақлаш.

Кошифий

Илм, Навоий сенга мақсад бил,
Эмдики, илм ўлди, амал айлагил.

Навоий

Аёллар ҳам эрлар каби истеъоддога эга кишилар
булиб, ҳурмат ва эҳтиромга лойик бўлишларидан таш-
қари, оиланинг асосий тарбиячиларидир. Шундай
экан, улар ҳам зарур илм билан қуролланишлари ке-
рак.

Фахрулбанот Сулаймоний

Билим билан саодат йўли очилади, шунга кўра,
Илмли бўл, баҳт йўлини изла.

Аҳмад Юғнакий

Ўзи ҳақида ўйламай, фақат элга билим бериши ҳақида
ўйлаган олим киши худди шамга ўхшайди, у ўзини
ёндиради ва халқни зиёли қиласи.

Ҳақиқий олим шундай кишики, унинг сўзи, ўйи,
фикри ва иши бир хил бўлади.

Олимнинг ёмонлиги кеманинг синишига ўхшайди.
Чунки кема синса ҳам ўзи чўкади, ҳам ўзгаларни чўктиради.

Олим қачонки ўзининг барча ҳис-эҳтиросларининг
устидан ҳоким бўлолса, шундагина уни олим дейиш
мумкин.

Олимлар билан ўтиранг фойда оласан, чунки гул
еннида ўтирган одамга гул ҳиди уриб қолади.

Олим кўр бўлса ҳам дунёни кўради.

Жоҳил соғ бўлса ҳам узоқни кўрмайди.

Одамнинг энг ёмони нодон бўлиб, фойда келтирма-
ганидир.

«Оталар сўзи»

Илмни ёзиб қўйиш билан боғлаб олинглар.

Хадис

Билим қидиришга урдим бошимни,
Бекорга ўтказмадим умримни бир дам.
Қайдаки эшитсам илму донишни,
Эшиги тагида ўлтиридим маҳкам.

Носир Хисрав

Билимсиз кишиларнинг кўнгли хурофотга мойил
бўлади.

Абу Райҳон Беруний

Ибн Аббосдан:

— Сен қандай қилиб шунча илмга эришдинг, — деб
сўрадилар.

У шундай деб жавоб берди:

— Савол берувчи тил, билувчи қалб ва чидамли
үқитувчи билан.

«Фавоқиҳ ал-жуласо»

Одамиидур илму дониш бирла одам, йүқ эса,
Жумлай ҳайвонгадур яксон қаду рухсору лаб.

Оғажий

Қүш ов күрса юксаклардан пастта тушар,
Олим киши утит берса, дархол үқар.

Махмуд Кошғарий

Кишиким илм ила бұлса тавонгар,
Не ғам гар йүктүр анго зару гұдар.

Оразий

Шаъбий айтади:

— Илм бобида ниманики эшитсанг өзіб құй, қоғоз
булмаса деворга бұлса ҳам өз. Чунки әдланған нарса
унутилади, өзилған нарса эса абадий қолади.

«Фавоқиҳ ал-жуласо»

Илм ва диннинг машхур кишилари үз маслаҳатлари
билин подшоҳларга ёрдам бериб келгеннлар.

«Амир Темур утитлари»

Агар булмаса йул бошлагучи пир,
Солур буйнунга шайтон доми тазвир.
Ажаб йүлдур тамоми меҳнату ранж,
Ва лекин ҳар қаричда бир ниҳон ганж.

Суфи Оллоёр

Кимки устодига ихлос ила иззат қылса,
Ҳақ аниң манзилини жаңнати ризвон айлади.

Роқим

Хурмус ҳаким сұзларидан:

Одам учун сазовор нарса шуки, у ҳикмат үргансин,
донолик илмени билсін ва уни юрагига нақш қылсін.
Ҳикмат ва фазилатта етишга қарилік түсқінлік қи-
ломайды. Ҳикматни кимки дилига жойлаган бұлса, на
ботир, на қаҳрамон, на подшо, хеч ким уни тортиб
ололмайды. Киши үз ниятини сұз билан мувофиқ қи-
лин, токи тили бошқа-ю, дили бошқа булмасин.

«Жовидони хирад»

Ишлари дарсу сабоқ, илму адаб тақрордур,
Офарин, минг оғарин, бу илм бир асрордур.

Нодим

Айтишларича, Фаробий жуда камбагал экан, қозоз сотиб олишга ҳам баъзан имконияти бўлмас экан. Ўрмонга чиққан кезларида хаёлига келган нарсаларни дарахт япроқларига ёзиб қўяр, қозоз топганида кўчириб олар экан.

«Фавоқиҳ ал-жуласо»

Ул мактаб ароким ўқудунг ноз рамузин,
Гуёки вафо илмини унутмиш эди устод.

Увайсий

Қўшини билан яхши алоқада бўлинглар.

Хадис

Илм ва одоб таги йўқ ҳазина. Кимки унга эга бўлса, қадру қиймати биланд бўлади.

Фазилатга фақат илми шарафи бор одам лойиқ.

Билмаган айб эмас, билмаганни бўйнига олмаслик айб.

Одамлар сендан ўрганмаса, сен одамлардан ўрган.

Илм шундай нарсаки, бутун куч сарф этилмаса, кўлга кирмайди.

«Оталар сўзи»

Билим — қайтариш ва тақрорлаш мевасидир.

Абу Райҳон Беруний

Эр кишига зебу зийнат ҳикмат ва донишдур.

Навоий

Тўрт нарса ўлик дилни тирилтиради: устод, яхши дуст, мувофиқ ёр ва давлату-иқбол сабабчиси бўладиган доно ақл.

Муниниддин Жувайнний

Бу дин илмики хомам қилди таҳрир,

Эрур фиқҳу ҳадису сунгра тафсир.

Чу тақмил ўлди бу уч илм, сен, бил,

Яна ҳар илм майлин қилма, ё қил.

Навоий

Илмдан истасанг, нишон йўқтур,

Бор бошида қазонча салласи.

Бағний

Кимки ёшлигидә илм ўрганмаса, қариганда ҳурмат тополмайды.

Мұхаммад Зекний

Ҳеч ким устозсиз топмас жаҳонда иззу жоҳ,
Нечаким ҳашмат била Искандари даврон эрур.

Пошшохужа

Бир куни Искандардан:

— Сен устозингни онангдан күра яхшироқ ҳурмат қиласан, шу ростми? — деб сүрадилар.

— Ҳа, — деб жавоб берди Искандар, — онам мени йўқлик осмонидан олиб тушди, устозим эса ердан кўкка кўтарди.

«Фавоқиҳ ал-жуласо»

Жаҳон илмики бу кун менга ёд эрур,
Анга барча жаҳл аҳли устод эрур.

Навоий

Бузургмешрдан:

— Нима учун устозингни отангдан афзалроқ ҳурмат қиласан? — деб сүрадилар.

— Чунки отам мени ўткинчи ҳаётга олиб келди, устозим эса боқий ҳаёт багишлади, — деб жавоб берди.

«Оталар сўзи»

Олимларга яқинлаш, баҳра олгил тутиб дил.

Маҳмуд Кошгари

Ҳақиқатан ҳам устоз илм бериши билан кишининг номини улуглаб, авлодлар оғзида қолдиради ва иккими ҳаёт багишлайди.

Илм андоқ ганжи ноғеъдур бани одамгаким,
Кимда ул бўлса, икки олам бўлур обод анго.

Оғаҳий

Шахски, илм нурин тонти зоти,
Анинг то ҳашр қолди яхши оти.
Сикандар чун тонти илму ҳунарни,
Не янглик олди, кўргил, баҳру барни.

Навоий

Бу замонда ҳамдами роз үлмага ўқуш керак,
Ҳар китобни ўқигонда маънисин ўқиш керак.
Андин урганиб адаб илмин газал тўкиш керак,
Норасоликнинг жаҳонда томирини қирқиш керак,
Илмсиз афсунчиларга тири паррондур китоб.

Дилшоди Барно

Кишиларга улардан аввалроқ салом беришга шошилт, бу улуг кишиларнинг фазилатларидан бўлиб, камтарлик нишоналаридан биридир.

Муҳаммад Ҳусайн

Қалам оламни идора қиласди.
Қаламнинг кучи қиличдан ўткир.
Қиличининг кучи қаламнинг уни.

«Оталар сузи»

Билим, ҳунар, эзгу қилиқ ва ё хулқни
Киши ўрганади, сўнг йуриқ тузилади.
Киши зулмат боғсан қоронгу уй кабидир,
Ўқув-идрок бир машъалдирки, уни ёритади.
Кургин, турли яхшиликлар ўқув-идрокдан келади,
Киши билим туфайли улгаяди, машҳур булади.

Юсуф Ҳос Ҳожиб

Саҳл ибн Хорун айтади:

— Қалам қўнгилнинг бурнидир, у қачон қонаса сирларни дафттар юзига сочади ва асарларни юзага келтиради. Қалам қозоз юзига гавҳар тизувчи асбобдир. Китоб бир бояки, ёзувлари унинг гуллари дидир.

«Фавқиҳ ал-Жуласо»

Китоб олимлар фикрининг паноҳоҳи, доно кишилар бустонининг чамани, оддий кишиларнинг тамошоҳоҳидир. У кимсасиз кишиларга дил очувчи бог, қўнгли шикасталарга раҳнамодир. У барча ерда барча билан ошно, дардли кишилар дилига даводир.

Бир дўстки, ҳеч кимга бермаган азоб,
Узоқ синааб кўрдим, билсанг у китоб.
Сирни яширмайди ўқувчисидан,
Хабар берар сенга ёзувчисидан.
Хилватда сен билан булиб у улфат,
Жимгина қуради ёқимли сұхбат.

Ҳеч кимдан қолишмас билимли аҳбоб,
Ундан сўрамасанг бермайди жавоб.

Муҳаммад Жабалрудий

Бўлса гар илму хунардин холи ул,
Эй Камий, оламда билким, хордур.

Камий

Кимки китобга кўп боқса, китоб унинг зеҳнини очади, завқини оширади, сўзга чечан қиласди.

Китоб ёлғизликдаги энг мунис ҳамдамдир.

Китоб ўтмишдан ҳам, келажакдан ҳам хабар берувчи дир.

Китоб инсондан ҳеч нарса тиламайди, аммо уни камолга еткизади.

Китоб одоб-ахлоқнинг кони, билимнинг эса булогидир.

«Оталар сўзи»

Эй азиз! Киши учун китобдан азизроқ ва ёқимлироқ сухбатдош йўқдир. Китоб фасоҳат, балогатда, латофатда тенги йўқ, мунофиқлиқдан холи ҳамроҳдир. Ёлғизликда ва ғамли айёмларда мунис улфатдир. Унда на нифоқ бору, на гина. У шундай ҳамдамки, сўзларида ёлғон ва хато бўлмайди. Сухбатидан эса кишига малоллик етмайди. У ўз дўстининг дилини оғритмайди. Юрагини эса сиқмайди. У шундай рафиқдирки, киши орқасидан гийбат қилиб юрмайди. Унинг сухбатидан сенга шундай файзли фойдалар стадики, бундай фойдани одамлардан топа олмайсан. Аксинча, аксар одамлар сухбатидан кишига зарар стади. Китобдек дўст ичиди барча илму ҳилм мужассамдирки, у кишиларни ўтмишдан ва келажакдан огоҳ қилиб туради. Шунинг учун ҳам: «Китоб ақл қалъасидир», деганлар.

Муҳаммад Жабалрудий

Бизни хорликка солган, бегумон билдик —
билимсизлик

Дегаймиз онг учун, оҳ, онгсизлик —
билимсизлик.

Демоқчиман илм, одоб түгсин, фазл ўлиб номи,
Ўшандоғ бир ўғилдин лаззат олсин бу жаҳон

коми,

Билим шундог булганда, ер юзида қолмасин
оми,
Бўлур ул онда инсон бир-бирига лутф-эҳсонлик.
Оразий

Абу Бакр ал-Хоразмий улим тушагида эди. Ундан:
— Кўнглинг нимани хоҳдайди, иштаҳанг нимани
тусамоқда? — деб сурадилар.
— Китоб юзига бир қарасам, — деди у.
«*Фавоқиҳ ал-жуласо*»

Уқиб ўрганилган ҳар битта ҳунар,
Ҳунармандга бир кун фойда келтирар.

Низомий Ганжавий
Мол-дунёни қанча термагин, у тугайди, олқинади,
Ёзилсачи, суз абадий қолади, оламни кезади.
Юсуф Ҳос Ҳожиб

Агар одам илм ва ҳунар таҳсили билан улуг киши-
ларнинг ҳунарини ўрганса, вужуд матосининг қадри
ҳаёт дуконида аъло даражага етиб, топиш-тутиши ҳам
кўпроқ булади.

Бархурдор ибн Маҳмуд

Билимнинг шундайки, у ялангоч бўлганингда ҳам
ўзинг билан қолади уни ҳаммомга кирганингда сув ҳам
йўқота олмайди.

Абу Райҳон Беруний

Ҳунар ва санъат шундай нарсаки, у кераксиз бўлиб
қолмайди, ишлатмасанг ҳам йўқолиб кетмайди, керак
пайтда эса сенга кўмакчи булади. Эркак қишига қирқ
ҳунар ҳам оз. Эркак бўла туриб, «мен буни бил-
майман» дейиш уятдир.

«*Фавоқиҳ ал-жуласо*»

Камол эт касбким, олам уйидин
Сенга фарз ўлмагай гамнок чиқмоқ.

Навоий

Эй ўғил! Фазлу-ҳунар ортиришга бутун кучинг би-
лан кириш, уни мукаммал эгаллаб олишга ҳаракат қил.
Абдивек Шерозий

Хунарингдан бир кун етарсан бахтга,
Хунарсиз ким етар тож ила тахтга.

Низомий Ганжавий

Касб этар оҳиста-оҳиста киши фазлу ҳунар,
Богаро булбул боласи хушнаво кам-кам булур.
Мурғи ваҳшини қилолмас ҳеч ким якбора ром,
Донаю домини қурдинг, мубтало кам-кам булур.

Анбар Отин

Ки қилгуси санга бу камлик иштимол камол,
Камолсиз киши ҳар срдалур хижолатманд,
Етурмагай кишига ҳаргиз инъфиол камол.

Увайсий

ХИКМАТ. Ҳар кимнинг зари бўлмаса-да, аммо ҳунари бўлса дунёда ҳеч бир ҳавф-хатари бўлмайди. Шунинг учун киши ҳунар зийнати билан безанмоги керак. Ҳунарсиз киши қуруқ савлатдир. Қуруқ савлат қотиб турган суратта уҳшайди. Сен суратга бок, у одамга уҳшасада, жони бўлмайди. Дараҳт шохи мевасиз бўлса, кийикнинг шоҳларидан нима фарқи бор. Қалам гарчи чўп бўлса-да, илму ҳунарни ошкор қилгани учун азиздир. Ойна эса гўзаллар юзи туфайли қўлда юради. Сен Абу Жаҳл тарвузини кўр, ширин тарвузлар каби чиройлидир. Аммо аччиқ бўлгани учун қиймати йўқ.

Бесхунар одам эмас, молу зари бўлганда ҳам,
Бўлмагай эшак одам анга либос ёғданда ҳам.

Муҳаммад Жавҳар Заминдор

Кимдаким аҳли жаҳондин бор илму маърифат,
Қилгуси они бархурдор илму маърифат.

Талибий

Кимки маърифатни этса эъзоз,
Ани ирфон этар, албатта, мумтоз.

Анбар Отин

Дониш эрур отган ўқим нишони,
Дадиллик манбаи билимим кони.
Эзгулик осмонини маҳбусиман,
Занжирим фаною само уммони.

Паҳлавон Маҳмуд

Ҳакимлар беҳунар кишини, «қанотсиз қүш» деб атаганлар. Яъни күшнинг парвози учун қанот булиши шарт. Ҳунар ҳам барча ишларда киши учун зарурдир. Қудратли подшолар ва шон-шавкатли улуг кишилар ҳам, молу неъматлари ер куррасини қоплайдиган дараҗада кўп бўлса ҳам, ўз фарзандларини касбу камол ва қобилиятга тарғиб қиласидилар. Демак, оддий ҳалқ ҳунар үрганиши ўз фаровонлигининг ва майшатининг асосий шарти, деб билишлари зарур.

Бархурдор ибн Маҳмуд

Ҳақ йулинда ким сенга бир ҳарф уқутди юз ранж ила,
Айламоқ осон эмас ҳаққин адо минг ганж ила.

Навоий

Билаги зўр бирни йиқар, билими зўр — мингни.

«Амир Темур ўтиллари»

Кимда ким ўз изланишларининг афзаллиги қонуниятларини излаб толища деб биларкан, ул албатта, ҳамиша ўз қарашларини амалда исботлаш йулидан боради.

Абу Райҳон Беруний

Кишида бўлмаса фазлу ҳунардан,
Ундайнинг сувратдан нима фарқи бор.
Ҳунар дунё туплаш учун эмасдир.
Ўзгалар кунглини шод қилгин такрор.

Мухаммақ Жавҳар Заминдор

Касби илм этмай киши гар қолса маҳз жаҳл ила,
Икки олам обруси бўлгуси барбод анго.

Отахий

Ҳақиқатан ҳам, ҳунар меҳрибон дуст, шафқатли ер ва файз етказувчи бир чопогон оттирки, у ўз чавандозини тезгина роҳат ва эътибор манзилига еткизади ва шундай ҳимоячидирки, ўз соҳибини тамъ оловидан кутқариб, омонда сақлайди.

Бархурдор ибн Маҳмуд

Айди: «Ҳалқ ичра бу бир касбдур,
Касбни бошинга кийсанг насбдур».

Гулханий

Ким бўлса ҳунарсиз иши — ўқ ранжи эрур,
Бу важҳ ила ҳунари ганжи эрур.

Навоий

Эй ўғил! Бу насиҳатларга қулоқ сол, касбу ҳунар ўрганишдан ор қилма, меҳнат қилишни ўрган. Юрт ва элнинг ривожи ҳам ҳунарга боғлиқ. Энг ҳалол ва энг ёқимли смиш ва кийиш ҳунардан ҳосил булади. Ҳунар — яширин хазина. Куни келиб дунё тасодифлари туфайли мол-мулқдан ажралсанг ҳам, ҳунардан ҳеч қачон ажралмайсан. Ҳунар сенинг доимий ҳамроҳинг, маддакорингдир.

Муҳаммад Жавҳар Заминдор

Инсоннинг ҳунари унинг бойлиги.

Пул тугайди, бироқ ҳунар тутамайди.

«Оталар сўзи»

Ҳунар бир бўлуб ёпмиш айб,
Қилур дўст ул бир ҳунарга назар.

Оразий

Агар одам учун ҳунар дарахтининг мевасига эҳтиёж булмаса ҳам, бироқ бир куни ҳунар унинг ҳаётини сақлаб қолишида асосий восита бўлиб қолиши мумкин. Шунинг учун ҳам оталар ўз фарзандларининг истеъдод уйини қобилият мулки билан безашга бор кучлари билан ҳаракат қиласинлар.

Бархурдор ибн Маҳмуд

Неча арзи ҳунар қилсанм сўз ичра,
Тутарлар ул ҳунарга айб ила ном.

Мунис

Бир-бирингиз билан саломлашиб юринглар, шунда урталарингда меҳру муҳаббат уйғонур.

Хадис

Эй ўғил! Дунёда энг ёқимсиз ва энг ёмон хислатлардан бири ишламасдан бирорларнинг инъом-эҳсонига тамаъ кўзини тикиб ўтиришдир. Касбу ҳунар эгаси тамаъдан холидир. У ўз ҳунарининг фазилати туфайли ўз меҳнати билан ҳалол топиб, ҳалол сайди.

Муҳаммад Жавҳар Заминдор

Хунар саҳифасига рақам чекувчилар ҳужаста сийратли ҳар бир юрт-мамлакатдан қизил тилла сингари мұльтабар шириң сүзли катта ва кичикнинг раҳматига мұяссар бұладилар. Агар кишининг құл остида қоби-лиятнинг тоза олтинидан бир дирам бұлса оғирчилик пайтларыда ҳам унинг күзи тамаъ чанги билан булған-майди ва рұзгор сандиги бойликнинг кумуш-олтинидан холи булмайди.

Бархурдор ибн Маҳмуд

Асл гизо касб ва ҳунар билан топилған гизодир.

Мұхаммад Сиддик Рушдий

Хислати хұб ҳамадин, бас адаб үрган зинҳор,
Билимию ҳунари булған киши бұлмас хор.

*Толиб Толибий**

Ҳунарни қадрламаган оч қолади.
Хар ким аңжир сотиб, қорни бұлса тұқ,
Унга шу ҳунардан устун ҳунар йүқ.
Инсон ҳунаридан хурмат күради,
Дунеда не экса шуни үради.

«Оталар сузи»

Ҳунар құргыл айб күргүнча зинҳор,
Чечак тер боққа кирсанг, олмагил хор.

Күтб

Айтишларича, Гүштосб күнлардан бирида үз ватаниндан айрилиб, Кустантания шаҳрига келиб қолди. Унинг ёнида бирор тийин ҳам йүқ эди. Ейишга нарса тополмай, оч қолди. Бирордан сұрай деса, иззат нафси йұл күймас эди. Унинг ёдига ўшлиги ту shedi. У болалик пайтида мактабга бораркан, йұл четида жойлашған темирчи дүкони олдіда бироз тұхтаб, темирчиларнинг пічоқ ва болта ясашларини томоша қиласа әдісінен үннеге сиридан бир мұнча воқиға булиб қолған эди. Гүштосб күп үйлаб үтиrmай, темирчилар олдига борди ва уларға деди:

— Эй, биродарлар, мен ҳам темирчилик сиридан анча хабардорман, мени ҳам үзларингизга шерик қилиб олсаларингиз.

Темирчилар рози булишди. Гүштосб бир неча мұд-

* XVIII асрда яшаган шоир, «Доробнома» достони мұаллифи.

дат ишилаб пул йиғди. Сунг ватанига қайтиб борди. У мартабага эришган пайтида барча ёшу қарини касбу ҳунар ўрганишга даъват қилди. Болаларни куннинг аввалида ўқитиб, иккинчи қисмида ҳунар ўрганишга фармон берди.

Мұхаммад Жабалрудий

ҲИКОЯТ. Келтиришларича, бир ҳаким үз ўғлига насиҳат қилиб, шундай дер экан:

Олтининг харж билан охир бўлар кам,
Хунар шундай ганжки, камаймас ҳеч дам!
Уларнинг фарқини айтсан агарда,
Хунар чашма эрур, олгин-чи шабнам!

Хуррамий

Одамнинг баракалий ва бадавлат бўлиши учун касбу ҳунардан қимматроқ мато йўқ ва улуғлик ҳамда саодат осмони учун эса қобилиятдан ёрқинроқ юлдуз йўқдир. Ҳунар суви билан сугорилмаган киши тўёки мева ва сояси йўқ қуруқ дарахтга уҳшайди. Ёки ҳид ва рангдан холи гулга монандири. Дарҳақиқат, бу фирдавсмонанд гулшаннинг райҳонлари ҳидидан димогини муаттар қилган киши хилма-хил камёб лаззатли нсыматлардан баҳраманд бўлади. Бу нсыматнинг ёқимли майдан бир журъа тотмаган киши доимо баҳтсизлик ва ожизлик билан оғриб, хумор бўлиб юради. Кўп азоб ва уқубатлар юкини елкасида кўтариб юришга мажбур бўлади. Билим ва ҳақиқат bogининг боғбонлари касбу ҳунарсиз кишиларни жамиятнинг разил ва пасткаш кишила-ри, деб ҳисоблаганлар. Касбу камолсиз кишининг муҳаббати ҳеч бир дилдан жой топмайди ва ҳеч ким касбу ҳунарсиз кишига ёрдам қўлини чўzmайди.

Ҳунар билан ҳаёт нахлин эгаллаганларга,
Саодат хазинаси калити мұяссардир.

Бархурдор ибн Маҳмуд

Агар боши била чоҳ қазиса банда,
Кўзини ёшича сув топса анда.
Ва гар қазса ариғ киприк била мард,
Агар бир хўшаи жав қилса парвард.
Бу мсҳнат бирла топсанг парча нон,
Кишининг миннатидин улдур осон.

Сўфи Оллоср

Косибдан шоду зуррам йүқ жаҳонда,
Хунардан яхши дур ҳам йүқ жаҳонда.
Кимки шогирдликка чин дилидан шод,
Бир куни ўзи ҳам бўлгуси устод.

Носир Хисрав

Илм ибодатдан афзал.


Ҳадис

Куним кундан-кунга бўлсин дессанг хуш,
Илм пайидан бўл борида эс-хуш.
Ҳар варакни ўқиб чиққанда мудом,
Ҳаракат қил, тушун барисин тамом.
Бўйра тўқувчиким, тўқиса аъло,
Ёмон кулоҳдўздан бўлади аъло!

Низомий Ганжавий

ОТА-ОНА, ОИЛА,
ҚАРИНДОШ ВА
ҚҮШНИЛАР





Бошни фидо қылғыл ато бошига,
Жисмни қыл садқа ано қошига.
Тун-кунингга айлагали нурфош,
Бирисин ой англа, бирисин қүөн.

Навоий

Гар бу гулшанда ано бұлса гulu сарв — ато,
Сен каби тұғмағуси сарви гуландом ўгул.

Оғажий

Хар бир дарахтнинг меваси бор, кўнгилнинг меваси
эса фарзанддир.

«Оталар сўзи»

Ўшал фарзанд бирла шод булгай,
Бори қайгусидин озод булгай.

Сайёдий

Бахтиёр бўлишни истасанг қуйидаги хислатларни
ўзингда мужассам қилгин: аввало ота-онанинг ҳаққини
адо қил, ота-она хурсандлыги киши учун дунёда катта
давлатдир.

Муҳаммад Ҳусайн

Ота-она беҳад бўлади хурсанд,
Фарзанд бўлолса муносиб фарзанд!

Муҳаммад Жавҳар Заминдор

Шуни англамоқ керакки, ота учун фарзанддан күраяқинроқ кимса йўқ ва отанинг фарзандга бўлган муҳаббатининг қанчалик юксаклигини баён қилиш қийин! Лекин шунга қарамай, фарзанд отага нисбатан озгина бсолоблик қиласа, фарзанд муҳаббати ота назарида пастлайди ва унга жазо ва танбех беришга киришади. Агар ота билан фарзанд ўртасидаги аҳвол шу экан, бир-бирига алоқаси ва яқинлиги бўлмаган кишилар орасида беадаблик юз берса, қандай нохушлик булади.

Бархурдор ибн Маҳмуд

Ўзинг ҳам, молинг ҳам отангницидир.

Хадис

Атога ким бу янглиғ қиласа хизмат,
Уз ўғлиндин анингтек тобғай иззат.

Кутб

Намози бомдоддин кейин волидангни зиёрат қил ва хизматида бўл.

Муҳаммад Сиддик Рушдий

Аввало онангта яхшилик қил, яна онангта, яна онангта яхшилик қил, сунгра отангта яхшилик қил!

Хадис

«Аҳё» ва «Кимё» китобларида фарзанд ҳақида қуйидаги гаплар битилган: «Фарзанд ота-она қўлидаги омонатdir, унинг дили эса нафис гавҳарга ухшайди. Гавҳарга ҳар хил нақшлар солиш мумкин бўлгани каби, бола дилига ҳам турли фикрлар нақшини солиш мумкин. Бола тоза ер кабидир, унга қандай уруг сепсанг, уша уруг унади. Шунинг учун ота-она ва муаллим бу ишда ўзаро ҳамкор бўлиб, унинг дилига яхшилик урганинига сепмоқлари лозим».

Бархурдор ибн Маҳмуд

Уз диеrimda мени ҳоли маконим бор эди,
Ақраб қавми қобил меҳрибоним бор эди.

Бир неча фарзандларим — ширинзабоним бор эди,
Уз қулимда ихтиёру ҳам имконим бор эди,
Давр жаври бирла курки, кетди илгимдин имон.

Сайқалий

ҲИКОЯТ. «Равзаи хулд» асарининг муаллифи Мавлоно Мажилиддиннинг ёзишича, у бир куни Язд шаҳ-

рида ваъз айтаётган экан. Гап ота-она ҳақида кетаётган пайтда бир қария ўрнидан туриб, йиглаганича: «Эй мавлоно, отасининг соқолидан тутиб, бошига калтак билан урган фарзанд ҳақида нима дейсан?» — деб суради. Мен ундан: «Отаси уни нима ишга ўргатган эди?» — деб сурадим. У эса: «Эшакни ижарага беришга», — деб жавоб берди. «Айб унинг отасида, — дедим унга, — болани ёшлигидан илм ўрганишга жалб қилганида ва яхши кишилар сұхбатига юборганида, ундан бундай иш содир булмас эди. Ота бундай қилиш ўрнига эшакни ижарага беришга ўргатигити. Натижада бола эшакни жиловидан тортиб, бошига чүп билан уришга ўрганиб қолган. У ўз отасининг соқолини эшакнинг жилови, деб уйлаб тортган, бошига эса эшакнинг боси, деб ёғоч билан туширган».

Фарзандни жаҳл зимиstonидан илм рўйнолиги томон етаклагинки, илм инсон фахри, жоҳиллик эса гафлатдир.

Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Жомий

Ўғил-қиз кичиклигига нимани урганса,
То қариб улмагунча унутмайди.

Юсуф Хос Ҳожиб

Оталарнинг ўз фарзандлариiga нисбатан бўлган муҳаббат қасри асосларидан бири — бутун куч ва қувватларини фарзандларини фаросат, камолот билан безатиб, уларнинг вужудини касбу ҳунар либоси билан кийинтирмоқларидан иборатдир.

Бархурдор ибн Маҳмуд

Эрур мақсад авлоди или фарзанд,
Икки дунёда қилгучи баруманд.
Улуғлардин бу сўз бордур муқаррар,
Ки ҳар одамда фарзанд улмаса гар.
Ани бўлмас замири коми ҳосил.
Булур балким сабоби доғи зойил.

Толибий

Жаннат она оёғи остидадир.

Хадис

Отамиз оиланинг узогини яқин ва йўгини бор қилиш учун доимий ҳаракатда бўлади. У бизнинг яшашимиз учун уй-жой ҳозирлайди. Кийдириш учун кийим-

кечак топади. Ичишимииз ва сийишишимиз учун овқат топиш пайдан бўлади. Борингки, ҳар бир оиланинг равнақи учун биринчи галда ҳаракат қиласидиган киши отадир.

Болалар! Ота-боболаримиз биз учун тер тўкиб ҳаракат қилишни, қулидан келган барча яхшиликларни биз учун муҳайе қилиш йўлида жон-жаҳд билан меҳнат қиласётганликларини билишишимиз, бунинг шукронаси учун уларга итоат қилиш, айтганларини қулоқ қоқмай бажаришишимиз, отамиз чарчаган онда ва ёрдам керак булган пайтда дарҳол ёрдамга шошилишишимиз, фарзандлик бурчини уташ учун ҳамиша шай туришишимиз керак.

Ҳар бир фарзанднинг ота-онага ҳурмат ва эҳтиром курсатиши ва уларга нисбатан шафқат ва марҳаматларини ишга солиши муҳим вазифаларидан биридир. Уз ота-онасини рози қилмайдиган, уларни ранжитадиган фарзанднинг иши ҳеч қачон олга босмайди ва элнинг олдида обруйи бўлмайди!

Мустафо Ҳомийпошшо

Угил онаси ва отасидан
Аччикланиб кетиб қолди.
Яна ғамгин бўлиб қайтиб келди.
«Онам насиҳатини олайин,
Отам пандини эшитайин»
Деб келди, — дейишиди.
Билиб қўйинг: бу — яхши.

Таъбирнома

ҲИКОЯТ. Айтишларича, бир бадавлат кишининг яккаю-ягона ўғли булиб, у ниҳоятда исрофчи ва бехуда сарфловчи эди. Байт:

Давлат ўйин учун эмас жаҳонда,
Ўзни саклаш учун доим омонда!

Ота уз углининг ноқобил эканини билгани учун олдиндан чора қуриб, улар пайтида унга насиҳат қилиб деди:

— Эй ўглим, мен улганимдан қейин бойликларимнинг бари сенга қолади. Йиёнчим комилки, сен уларнинг барини бехуда сарфлаб битирасан. Қулингда ҳеч нарса қолмай, очлик ва ночорлик билан охири ўлимнинг рози буласан. Мен нариги ўйнинг бурчагидаги томнинг

шишига бир арқон бөглаб қүйибман. Жондан түйган пайтингда узингни уша арқонга осгин!

Ота шу гапларни айтиб жон берди. Ноқобил ўғил күп үтмай, барча пулларни сарфлаб тамомлади. Охири гадойлик қилишдан ор қилиб узини осиб үлдиришга қарор қилди. Отаси тайинлаб кетган уйга кириб, арқоннинг учини буйнига солиб, узини осди. Том түсуни уни кутаролмай синиб кетди. Шу он тупрок аралаш отаси атайлаб ўғли учун бекитиб кетган бойликлар ерга тушди. Мехнат билан топиладиган бойлик қадрини тушуниб етган ўғил энди пулни уйлаб ишлатадиган, хайрли йулларга сарфлайдиган бўлди. Отаси хотираси учун халқни хушнуд қилишга ва саховат нуридан баҳраманд қилишга киришди. Назм:

Кишида бўлмаса давлат удир хок,
Давлатли кишига жаҳонда не бок!
Давлат тоҳи келиб, охирда кетар,
Бефаҳм кишилар ўзни йўқотар.

«Махзан ал-улум»

Муяссар бўлса тиллодин сенга тахт,
Ўзингдин пастга зинҳор айтмагил саҳт.

Суфи Оллоер

Болалар! Оналаримиз бизларни вояга етказиш учун меҳру мухаббатини аямай, оромидан кечиб, кечалари ухламай, тарбиямизга машғул булган. Хафа булиб қолсак ёки кунглимиз бироз ранжиса, атрофимизда парвона булган, тобимиз қочиб қолса, хузур-ҳаловатини йўқотган ҳам она. Богбонсиз бирор дараҳтнинг меваси яхши бўлмайди. Она эса биз учун богбондир. У доимо бизни парвариш қилиш пайидан булади. Буни фаҳмланган ҳар қандай бола уз онасини барча нарсадан устун қуяди ва ҳамиша ҳурмат қиласи.

Ақлли фарзанд бир дақиқа бўлса ҳам она меҳрини эсдан чиқармайди, кичкина ишга кўл урганда ҳам онани бундан воқиф қилиб, унинг розилигини олади, айтган сұzlарига қулоқ солиб, маслаҳатларига амал қиласи, ҳар вақт онани миннатдор қилишга уринади.

Вояга етган болалар яхши тарбия олиб, бирор касб эгаллаб олганларидан кейин ҳар вақт оналари олдига келгандаридан бир вақтлар шу онасидан сут эмиб катта бўлганларини, унинг кучогида парвариш топғандарини уйлаб, ҳеч қачон онага қаттиқ галирмайдилар, юм-

шоқ сўзлар билан унинг кўнглини оладилар. Онанинг бир вақт уzlари учун чеккан жафоларини кўз ўнгларига келтириб, шу чеккан жафо ва меҳнатларини унуттиришга уринадилар, уларнинг дил розилигини олиб, бир умрга шодмон қиласидилар.

Мустафо Ҳомийпошишо

Оталарнинг дўстлиги болаларни яқинлаштиради.

Ота-онасини хурматлаган кишининг умри узун будади.

«Оталар сўзи»

Ота-онанинг хизматини қилиш ҳар бир фарзанднинг бурчи. Аммо бу бурч ота-она қачонки фарзанднинг хизматига муҳтож булиб қолганда амалга оширилади.

Фарзанднинг ота-она олдидаги одоблари шундайки, ота-она нима деса дикъат билан кулоқ солади. Уларнинг олдига тушиб юрмайди. Нимаики буюрсалар ва буюрган нарсаларида хиёнат ёки гуноҳ иш булмаса жону дил билан бажаради. Утирган жойларидан турсалар у ҳам иргиб туради. Чакирсалар лаббай деб жавоб беради. Уларни хурсанд қилингча ҳамиша орзуманд булади. Олдиларида таъзим билан туради. Қилган ишларини миннат қилмайди. Ота-онанинг бир хил ишлари учун аччигланниб, уларга ҳўмрайиб қарамайди. Рухсатсиз сафарга кетмайди.

Яна бошқа ҳуқуқларидан баъзилари шуки, уларнинг олдиларида одоб сақлайди. Ечиниб утирмайди. Бирор ери оғриётган бўлса, отани-онани ташвишга солмаслик учун имкони борича яширишга ҳаракат қиласиди. Шунга ухшаш нарсаларнинг ҳаммасида одоб қоидаларини жойига қўяди.

Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Жомий

Саодатманд ақл эгалари фарзандларни худди киши аъзосига ухшатадилар. Ҳар бир аъзо уз эгасига қанчалик иш берадиган бўлса, уша аъзони бошқаларига нисбатан кўпроқ эъзозлайдилар. Фарзанд қанчалик азиз ва мукаррам бўлмасин, агар у одоб зийнатидан бенасиб бўлса, кўриш қувватидан холи кўзга ухшайди.

Фарзанд бўлса агар ноаҳил, бадкор,
Хосилсиз дараҳтлар бесамар, бебор!

Барҳурдор ибн Маҳмуд

Оиладаги иноклик ва тотувлик ҳар қандай мушкул ва қийин ишларни бартараф қилишга ёрдам беради. Фақатгина оила аъзолари эмас, балки эллар ҳам бир ёқадан бош чиқарип иш кўрсалар, ҳар қандай душман устидан галаба қозонади. Бунга куйидаги ҳикоят мисолдир.

ҲИКОЯТ. Косиб ва ҳунарманд бир кишининг бир неча ўғиллари бўлиб, улар ҳар куни узаро низо қилиб урища дилар. Бир куни кекса косиб бир даста чўпларни йигиб, маҳкам қилиб боғлади ва ўғилларига бериб: «Қани, шу чўпларни синдиринглар-чи!» деди. Ўғиллар қанчалик уриниш масин, барি бир синдира олишмади. Шунда ота боғланган чўпларни ечди ва бир донадан ўғилларига бериб: «Энди синдириб кўринглар», деди. Ўғиллар чўпларни синдиришиди. Шунда ота ўғилларига қараб: «Ҳозир ниманики кўрган бўлсаларингиз, у сизларнинг аҳволингизга мисолдир. Агар итифоқ бўлсангиз, ҳеч ким сизларни синдира олмайди. Мабодо муро-са қилмай, бир-бирингиздан ажralиб яшасангиз, қийинчиликлар олдида бошингиз хам булади!» деди.

Гулом Мұхаммад Восиф

Китобларда баён қилинишича, ота-онанинг фарзандга нисбатан саксонта ҳақи бор. Уларнинг қирқтаси тириклик вақтида ва қолган қирқтаси ўлгандан кейин амалга оширилади. Тириклик чоғидаги қирқта ҳақнинг ўнтаси танга, ўнтаси тилга, ўнтаси дилга ва ўнтаси молга таалуқлидир.

Танга тааллуқли бўлган ўнта ҳақ ота-онага сидқидилдан хизмат қилишидир. Бу шундайки, ота-онага ҳамма вақт ҳурмат кузи билан қаралади, қилма деб буюрган ишлари қилинмайди, уларнинг маслаҳати ва розилигисиз ҳеч бир ишга кўл урилмайди, яна улар сен ўтирган жойда ҳозир бўлсалар, сен дарҳол урнингдан туриб кутиб оласан, улар ўтирган бўлишса, сен оёқда тик турасан, улар рухсат қилишгандагина ўтирасан. Улар ўтирадиган ўринга сен ўтирма. Йулда бирга кетаётганда уларнинг олдиларига ўтиб олма. Тупроқли, лойли, сувли ёки умуман хавфли жой келгандагина олдинга ўтиб олишинг мумкин. Уларнинг олдида очик чеҳра билан ўтир. Қовоғингни солма, хўмрайиб қарама, чақиргандарида эса югуриб бор.

Дилга тааллуқли ун нарса ўндан иборатки, **биринчи** — уларга раҳм-шафқат билан қара. **Иккинчи** — уларга доимо қўлингдан қелганча яхшилик қил. **Учинчи** —

чиси сенинг щодлигинг уларнинг хурсандчилиги билан бўлсин. *Тұртингиси* улар ғам тортсалар сен ҳам қайгур ва уларнинг дардига малҳам бўлиш йулини қидир. *Бешинчи* — улар ортикча гапирсалар ҳам ўзинга малол олма. *Олтинчи* — улар танбех берсалар, хафа бўлиш урнига хурсанд бул. *Еттинчи* — уларга қанча яхшилик кўрсатмагин ва ҳақларини адо қилмагин, диллари заррача озор топишини ўзинг учун ор, деб бил. *Саккизинчи* — қандай ниятлари бўлса, уша-ниятларига етишлари учун ҳаракат қил. *Тўққизинчи* — улар қанчалик узоқ умр кўрсалар, шунчалик қувон. *Ўнинчи* — қанчалик дардли бўлса, шунчалик кунглини олишга урин.

Тилга тааллукли бўлган ўнтаси шундан иборатки, *биринчи* — уларга мулойим муомала қил ва доимо тавозеъда бул. *Иккинчи* — уларга баланд овоз билан гапирма. *Учинчи* — уларга кўп гапирма ва кўполлик қилма. *Тұртингчи* — отларини айтиб чақирма. *Бешинчи* — гапирастганларида сўзларини бўйма. *Олтинчи* — айтганларини рад қилма. *Еттинчи* — фалон ишни қил, деб айтсалар сен йўқ, деб жавоб қилма. *Саккизинчи* — улар қичқириб гапирсалар ҳам, сен паст овозда гапир. *Тўққизинчи* — гапларига оҳ-ух деб хитоб қилма...

Молга тааллукли бўлган ўнта нарса қуидагилардан иборат: *биринчи* — ўзингга кийим-кечак қилишдан аввал ота-онантга қилиб бер. *Иккинчи* — уларга ўзинг ейдиган таомлардан ширинроқ таом қилиб бер. *Учинчи* — бир дастурхондан овқатланаётганингда емишларнинг яхшисини уларнинг олдига сурib қўй. Ҳикоя қилишларича, Ханнон ибн Атия ўз онаси билан бир дастурхондан овқат ейишга қўрқиб тураг экан. У доимо: «Онамнинг кузи тушган ва энди емоқчи булиб турган мевасини билмасдан еб қўйсан, онамнинг кўнглига бирор гап келса, мен гуноҳкор булиб қолсан, унда ҳолим нима кечади, мен шундан кўрқаман» дер экан. *Тұртингчи* — қандай нарсани сотиб олиш истаклари бўлса, уша нарсани сотиб олиб бер, чунки сен ёш бўлган пайтингда нимани хоҳласанг, улар уша неъматни сотиб олиб беришган. *Бепинчи* — иморатларини яхшила ва уни жиҳозлаб бер. *Олтинчи* — сўрамасалар ҳам пул бер, чунки улар буни ошқора айта олмасликлари мумкин. *Еттинчи* — уларга: «Топған-тутган нарсаларни сизлар учун, ниманини хоҳласаларингиз бемалол олаверинглар, ҳаммасини ўзингизнидек кўринглар», деган сўзлар билан орадаги уялиш ва тортиниши

ни йүқот. *Саккизинчи* — агар улардан узокроқ ерда турилса, гоҳ-гоҳ меҳмонга таклиф қилиб, иззат-хурматини жойига қўйиш керак. *Тўққизинчи* — ота-онангнинг дустларини ҳам хурмат қил, бу ишинг билан сенинг ота-онанг уз дустлари олдида юзлари ёргу бўлади...

Ота-она ўлгандан кейин қилиниши керак бўлган қирқта ҳақ-хуқуқларга қўйидагилар киради: биринчи — майитни зудлик билан дағн этиш чораларини кур, чунки ўликтининг иззати уни тезда дағн этишдир. Кумицдан аввал жасадни ювишни ва кафанлашни унумла. Узинг доду фигон қилиб йиглама ва ўзгаларнинг ҳам шундай қилишларига йўл қўйма.

Ота-она дағн этилгандан кейин, уларнинг зиёратларига тез-тез чиқиб тур. Агар ҳафтада бир марта зиёратга чиқишини одат қилиб олсанг, улут кишилар йулини тутган буласан. Бошқаларнинг ўлган ота-оналарини ёмон сўзлар билан ёдга олмагинки, улар ҳам сенинг ота-онангни шундай ёдга олмасинлар. Ҳикмат китобларида айтилишича, кимки уз ота-онасини ўлгандан сунг ёмон сўзлар билан ёдга олса, у малъун кишидир.

Ота-она вафот этгандан сунг ёру дустларини уйингта таклиф этиб, улар билан бирга ота-онанг хотирасини ёд эт, ота-онанг яхши курган овқатлардан тайёрлаб, унинг биродарларига нисор айла!

Мұхаммад ибн Мұхаммад ал-Жомий

Фарзанднинг ота-она олдида бурчи бўлгани каби ҳар бир ота-онанинг ҳам фарзанд олдида бурчи бор. Чунончи, ҳар бир ота уз фарзандини номусли аёлдан тугилишига ҳаракат қўлсин, токи тугилгандан кейин одамлар шу фарзандга турли таъналар қилиб юрмасин. Болага яхши ва чиройли исм қўйсин. Унга илму маърифат ургатсин. Ота-она уз фарзандини ҳамиша ҳалол овқат билан боқсин. Ҳаромдан ейилган хўрак болага ёмон таъсир курсатади ва ҳаромхўрликка ўргатади. Ҳикоя қилишларича, бир куни Молик ибн Динор уйида йиглаб утирган экан. Буни курган одамлар:

— Нега йиглайисан? — деб сўрадилар.

У эса:

— Яккаю-ягона қизим бор, гапдан гап чиқиб у менга: «Эй ота, менга ҳаром овқат едирганингдан кўра, очдан ўлдирсанг афзалроқ!», деди. Мен бу ишнинг улдасидан чиқармиканман деб, йиглаб утирибман! — деб жавоб берди.

Демак, ҳар бир ота-она ўз фарзандини фақат ҳалолдан топилган овқат билан боқиши лозим, бунинг учун ота-онанинг ўзи аввало ҳалол овқат сийиши керак. Шундагина пуштидан бўлган бола ҳалол ва покиза бўлиб туғилади. Она ҳомиладорлик пайтида ҳаром ва пораво овқатлардан тийилиши зарур.

Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Жомий

Фарзандлар ота-онага итоат этиб, ҳар бир фурсатни уларнинг ризолигисиз ўтказмасликлари лозимdir. Ҳар бир саодатли ва азиз фарзанд ота-она кайфиятини розилик белгиси билан хандон қиласди, ота-она хурсандчилигини ўзига келадиган яхшиликнинг дебочаси деб билади. Нажот эшигининг калити ва саодат гулзорининг насими ота-она туфайли ҳосил бўлади. Фарзанд ўстиришдан муддао шулки, улар имкони борича ота-она хизматини қилсинар ва ҳеч қачон уларга уят ва шармандалик келтирмасинларки, уят ва шармандалик ота-онанинг фарзандга бўлган меҳру муҳаббат ойнасини хиралаптиради. Бундай ёмон фарзанддан бегона яхшироқ деб ҳисоблайдилар.

Бархурдор ибн Маҳмуд

Оллоҳ ҳар бир ишда мулойимликни яхши кўради.

Ҳадис

Бола стти ёшга стгач, уни илм олишга ва жоҳиллик ботқогидан қутқаришга уринилади, агар унга илм ўргатишнинг иложи бўлмаса, бирорта яхши хунар ўргатилади.

Сенинг молинг қанча кўп бўлса, уларни фарзандингнинг илм ва хунар олиши йўлида сарфла, чунки молу давлатга ишониб бўлмайди, хунар эса ҳеч қачон ўлмайди. Илм ва хунар ўрганмай ўтирувчи кишилар хақида олимлар учта сабаб борлигини гапирадилар. Бундай кишилар ё зоҳид, ё танбал-ёки такаббур кишилардир. Агар у зоҳид бўлса, тез кунда тамаъ балосига гирифтор бўлади. Агар танбал бўлса, гадойлик кўйига тушади. Агар такаббур бўлса, ночорликдан охири ўгирлик йўлига киради. Кимки касбу корга эга бўлса, бундай иллатлардан узоқлашади.

Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Жомий

Бирорвнинг ота-онасини сўккан одам ўз ота-онасини ҳақорат қилган бўлади.

Ҳадис

ҲИКОЯТ. Киз йигитнинг саволига жавобан деди:

— Кишининг қалбида куйидаги бустонлар булади. Биринчи — илм бустони, иккинчи — мулайимлик бустони, учинчи — ихлос бустони, түргинчи — камтарларлик бустони, бешинчи — саховат бустони, олтинчи — ризо бустони, еттинчи — умид бустони!

Йигит:

— Бу бустонларда нималар булади? — деб суради.

Киз деди:

— Киши равнақ топай деса, аввало илм бустонига киради ва у ердаги нодонлик ва жоҳиллик хашаклари ни юлиб, узоққа отади. Сунг мулайимлик бустонига киради ва бустонда адоват ва ҳасад тиканлари ўсган бўлса, уларни олиб ташлайди. Сунг ихлос бустонига киради ва бу бустонда рие, бадгумонлик хашаклари бўлса, уларни юлиб, бустонни тозалайди. Сунг камтарларлик бустонига киради ва бу бустонда тақаббурлик ва магрурлик хашаклари бўлса, уларни юлиб тозалайди. Ундан сунг ризо бустонига киради ва бу бустонда манманлик, қайсалик тиканлари бўлса, бустонни улардан холи қиласи ва тушкунлик тиконлари бўлса, уларни юлиб отади.

Йигит қизнинг ақлига яна ҳам қойил қолди ва шунча ёшга кириб, бундай оқила қизни кўрмаганини хис этди. Сунг қиздан суради:

— Эй қиз, ёш булатуриб, шунча илму ҳикматни кимлардан ургангансан?

Киз:

— Ота-онамдан! — деб жавоб берди.

Мұхаммад Жабалрудий

Агар она янги тутилган болага сут берицда узрли бўлмаса, узи сут бергани маъқул. Чунки онанинг сути бошқаларнинг сугига нисбатан ҳазмлироқ булади. Сут берганда ҳам ҳар икки қуқракдан сут бериш лозим. Бири нон ўрнида бўлса, бири сув ўрнида булади. Агар она сут берицда узрли бўлса, доя қабул қилмоқ керак. Аммо хунук, тентак ва айбли доялардан сакланмоқ керак, яъни сут берувчи доя ҳар қандай нуқсонлардан холи булсин. Чунки сут болага катта таъсир кўрсатади.

Болани эмизиц муддати икки йил булади. Аммо йигирма бир ойни ҳам жоиз топғанлар. Болани етти ёшгача эркин қуйилади. Етти ёшдан эса илму одоб ва олий фанларни урганишга тарғиб қилмоқ лозим.

Болаларни ёмон, билимсиз кишилар билан ҳамсух-

бат булишларига йул қўймаслик даркор. Чунки улар нимани курсалар ва кимга эргашсалар, уша нарсаларга тезда кўнишиб қолишидади. Агар шу ҳол рўй берса, ундан сунг Луқмон ва Афлотуннинг мингта панду-насиҳати билан ҳам уларнинг кўнглидан урганган нарсаларни чиқариб бўлмайди.

Бархурдор ибн Маҳмуд

Ҳақиқий фарзанд ҳар бир соҳада уз отасининг хумига тобе булади.

Бархурдор ибн Маҳмуд

Ота-онага итоат этиш билан бирга уларга чин дилдан ишониш ва барча соҳада сирдош, деб фаҳмлаш ҳам лозим. Чунки болаларга нисбатан ота-она купни кўрган, ақл ва тажриба ҳосил қиласган ва яхши-ёмон йулни билган булади. Шунинг учун ота-она болаларга тўғри йўлни курсатиб, насиҳат ва маслаҳатлар бериши, болалар эса унга амал қилишлари керак.

Ота-онанинг сўзларига ишонмаган, улардан узини ақыли ва ишбилармон деб хисоблаган болалар кўпгина қийинчиликлар ва ҳар хил оғатларга дучор буладилар. Чунки ишончсизлик одамда алдов ва ёлғончиликни тұғдиради, ёлғончилик эса барча қабиҳликни юзага чиқаради. Бирорга ёлғон гапириш энг буюк айб булиши билан бирга ота-онани алдаш энг ярамас одатдир. Ота-онани гафлатда қолдириш, ҳар бир ишининг ҳақиқатидан бехабарлик ота-она учун зур укубат ва хақоратдир. Болалар қийин аҳвол ва оғир кулфатга дучор булғанларидан уз ота-оналарини бундан огоҳ қилсалар, ота-она узининг ақли, тажрибаси билан бу қийин ҳолатдан чиқиши йўлини курсатиб берадилар.

Ҳаётда ҳоҳ кичик бўлсин, ҳоҳ катта бўлсин, бирор болага қараб: «Буни ота-онангдан яшир, уларга айтма» деса, у дуст эмас, балки душмандир. Бундай одамни кўрган бола душман сифатида ундан қочиб кетишини ўйлаши керак. Сузнинг қисқаси шуки, ҳар бир фарзанд ота-онасини уз аҳволидан, қиласетган ишидан воқиф қилиши билан бирга уларнинг панду насиҳатларига қулоқ солиши ва амал қилиши зарур. Уларнинг яхши ишларидан ибрат олиши, тажрибаларидан ҳаётда фойдаланиши керак.

Ҳар бир бола бирор тасодиф туфайли хатога йул кўйса, дарҳол бу хатони тұгрилашга киришиши, бутун күч-қудратини ишга солиб, узини оқлашга, иккинчи

марта бундай ишга құл урмаслик учун жон-жаҳди билан курашиши лозим.

Фарзанд ота-онанинг баҳти ва қувончи булишига қарамай, агар у ота-она ризолигидан ташқари иш тутса, ундаи бераҳм фарзанддан ақлли бегона яхшидир.

Бархурдор ибн Маҳмуд

Отага итоат — Оллоҳга итоат қилишдир.

Хадис

Фарзанд эрур давлат богига ниҳол,
Ундан кулиб боқар баҳт ила иқбол.
Қолдирса агар у яхши деган ном,
Эл ичра обрўйи ошар батамом.
Фарзанд бўлса ҳамки хуршиди тобон,
Безори бўлса у, юз бур ўша он.
Одамлик йўлидан юрса гар узок,
Мехру муҳаббатга лойиқмас мутлоқ.
Хато йўлдан юриб, қилмай орият,
Авлод-аждодингга келтирас уят.
Ноқобил фарзанддан ота қалби зор,
Ундан бегоналар яхшидир зинҳор!

Бархурдор ибн Маҳмуд

Болалар ҳаётда үсиб улгаяр эканлар, уларнинг толъялари икки нарсадан айри бўлмайди: ё баҳт-саодатли бўлади ёки гумроҳлик йўлига кириб, баҳтсиз бўлиб қолади.

Болалар қандай қилиб баҳтли бўлишлари мумкин? Агар бола ота-онасининг гапига қулоқ солса, уларнинг айтган йулидан чиқмаса, берган маслаҳатларини жон деб қабул қилса, уларга шунчаки қулоқ солиб қўя қолмай, бутун кути билан амал қилишга уринса ва доимо ёдида тутса, бундай бола катта бўлганда албатта баҳтли бўлади.

Бола қандай қилиб баҳтсиз бўлиб қолади? Агар бола ўз ота-онасининг беғараз чин кўнглидан меҳри-бонлик қилиб айтган сўзларига қулоқ солмаса, берган маслаҳатларини қулоқча олмаса, бошқаларнинг панду насиҳатларини тингламаса, бора-бора йўлдан адашади, оқибат натижада баҳтсиз бўлиб қолади. Баҳтсиз болалар катта бўлганларидан кейин ўз баҳтсизликларига ўзларини айбдор, деб ҳисобламай, ота-оналарига тухмат тошларини отишади, баҳтсизликларининг сабаб-чиси қилиб уларни кўрсатишади.

Болалар! Сиз ҳаётда куриб турганингиздек, илмли ва маърифатли кишилар ҳамиша иззат ва икромда, билъакс, пули кўп, манман деган бадавлат кишилар эса обру жиҳатидан уларнинг олдида пастдир. Бундан куриниб турибдики, илм кишини эл олдида азизу мукаррам қилас экан.

Мустафо Ҳомийпошшо

Ота ёки бобонгнинг наслу наслаби билан эмас, балки ўз меҳнатинг ва хунарнинг билан керил!

Азизим, лоф урма наслу наслабдан,
Наслабдан кечгилу, лоф ур адабдан!

Яхши сигирнинг боласи ҳам яхши бўлади.
Экиннинг яхши булиши уругнинг тоза булишидан.
«Оталар сузи»

Қўни-қўшни, қариндош,
Курсин сендан яхшилик.

Махмуд Коштарий

Ота-она, қариндош-уругларни иззат-икром қилиш фақат ёшлик айемимизда ёки бой-бадавлатлик пайти-миздагина эмас, балки умр бўйи кучимиз тугагунчадир. Катталарнинг узаро алоқалари ва муносабатлари бошқаларга кучли таъсир қиласи ва ёшлар бу муносабатлардан ибрат олишади.

Биз ота-онамизнинг ёнида бирга яшаётганимизда уларни доимо хушнуд этишимиз, уларга курсатиладиган иззат-икром қоидаларига нуқсон етказмаслигимиз, доимо ҳол-аҳволларини сўраб туришимиз керак. Уйланганимиздан ва бошқа ерга ҳовли жой қилиб чиқиб кетганимиздан кейин эса тез-тез ёnlарига бориб туришимиз, қулларидан упиб, дуоларини олишимиз, келолмаган тақдирда эса хат орқали ҳол-аҳволларидан хабардор булиб туришимиз шарт. Агар бизнинг илмимиз ва касбимиз ота-онаникidan юқори бўлса, биз бунга асло мағрурланмаслигимиз инсоний фазилатлардан ҳисобланади. Ота-она олдида амал ва касб билан мақтаниб керилишдан кура, жоҳил ва илмсиз бўлган афзалроқдир.

Ота-она тириклигига уларни хушнуд этиш, вафотларидан кейин эса тирикликларида айтган насиҳатлари ва маслаҳатларига амал қилиш, уларнинг яхши

хислатлари билан ёдлаб туриш содиқ ва вафодор фарзандларнинг бурчидир. Шуниси ҳам махфий қолмасинки, ота-онадан ташқари валийнеъматлик қылган ва яхшилик күлини чўзиб турган инсонларнинг иззатикромини ҳам бажо келтиришда нуқсонларга йўл қўймаслик керак!

Мустафо Ҳомийопшило

ҲИҚМАТ. Бир улуг киши ўз укасига насиҳат қилиб дерди: Дуст жафо билан душманга айланади, душман эса яхшилик билан дўстга! Агар душманни яхшилик ва ҳадиялар билан дўст қаторига киргизолмасанг, жафо билан душманлар қаторига киргизма!

Одам яхшиликка бандадир доим,
Душману-дустлар ҳам оғир келмайди,
Хеч кимнинг дилига оғир келмайди,
Душман меҳр билан дуст бўлгани дам!

Мажидиддин Ҳавоғий

Бир киши бир улуг одамдар сўради: «Ака-ука дилга яқинми ёки дуст?» У деди: «Ўз ака-укам садоқат йўлини туттгандагина дилимга яқин».

Дуст бўлмаса яқинларинг кечгил улардан,
Бегоналар меҳр қилса, дўст тут уларни.

Мунидиддин Жувайний

ҲИҚОЯТ. Бир улуг киши келтирибдир: «Мен бир қавмни курдим. Ўз ака-укаларини узоқ вақт курмай юраверишар экан. Курганда эса ҳол-аҳвол сурашмас. Фақат ишдан гапиришиб, пул-мол керак бўлса бир-бировидан аямас экан. Бундай яхшиликни эса бир-бировларига ҳеч қаён миннат қилишмас экан.

Яна шундай бир қавмни курдим. Агар бир-бирини бир кун курмай қолишиса, ҳол-аҳволини, қандай яшаётганини, бола-чақа, хотин-халажларини ва бошиқа нарсларини зур эътибор билан суриштиришар экан. Ҳатто агар уйида жужа бўлса, жўжанинг аҳволини ҳам сурашар экан. Агар гап пулдан чиқиб қолса, тезда чап беришиб, қочиб қолишаркан. Арзимас бир нарсани бир-бирига беришга оғринишар экан. Байт:

Юз марта ҳол-аҳвол сурагандан кура,
Бир тийин ҳадия қил дўст экан ночор.

Юзлаб ширин сұздан яхшироқ әрүр,
Бир марта яхшилик айласаң бир бор.
Ердам қилиш агар бұлмаса ділда,
Тилингни тийгину, сұzlама зинхор.
Күп-қуруқ сұз билан алдаса ҳар ким,
У одам әмасдир, тулқидир айер!

Мажидиддин Хавофий

Енида құшниси туриб, фақат үз қорнини түйгазиб
юрадиган одам мүмини комил әмасдир.

Хадис

Қариндош-уругларингни үзингдан узоқлаштирма,
уларға марҳамат күзи билан бок, гапига қулоқ сол ва
хамиша яхшилигингни аяма! Раҳм узоқ яшаш учун
воситадир ва у кишининг тинч, фаровон яшашыга
сабабчи бұлади! Байт:

Кишидан рози булса гар қариндош,
Ошиб обрүйи, булғай барчага бош!

Мұхаммад Ҳусайн

ҲИКМАТ. Құшни ким ва қайси миллатта тааллук-
ли булишидан қатын назар, уни ҳұрмат құлмоқ ва
құшни ҳақ-хуқуқини адө этмоқ одамлық хислатлары-
дан биридир. Құшни итига сабабсиз тош отиц, мушу-
гини ҳайдаш эса, уни ҳақоратлаш билан баробардир.

Бир киши үз дүстининг олдига келиб, үйіда сичқон
күплігидан шикоят қылди. Дүсти үнга мушук боқиши-
ни маслаҳат берди. У эса рози бұлмай: «Мушук бок-
сам, үйимдеги сичқонлар құшнимниңға қочиб чиқар-
микан, деб күрқаман» деди. Үзинг учун нимани но-
лойиқ деб хисобласаң, уни үзға учун ҳам раво курма!

Мұхаммад Жаңғар Заминдор

Үз қариндошларидан алоқа узиш дунё лаззатлари-
дан күз юмишdir.

Яхши құшни яхши йұлға бошлайди.

Яхши кунда ёт яхши, ёмон кунда «вой қардош».

Құшни ёмон бұлса, яхши құшнининг ҳам обрүйи
паstлайди.

«Оталар сузи»

Құшнининг ҳақ-хуқуқларидан бирини айтсам, бу
құшнига ҳеч вақт озор бермаслик ва хафа қымаслик-

дир. Қүшни касал булса, ундан ҳол сураш, бошига мусибат түшсә, ёрдам қилиш, гамли ва шодлик куиларида ғам-шодлигига щерик булиш, ундан хато үтса кечириң, ахлу-аэлига ёмон күз билан қарамаслик, бирор ёкка кетса уйидан хабардор булиб туриш, буларниң ҳаммаси ҳам қүшнининг ҳақ-хүкүқларидан ҳисоблаңади. Бундан ташқари, қүшни қарз сұраса, қарз берилади, мева-чева терилса, мева билан йүқланади.

Бир киши бир доно олдига келиб, ундан:

— Айтинг-чи, мен яхши одамманми ёки ёмонми, буни қандай білса бўлади? — деб сўради.
— Қүшниларингдан сура, агар улар сени яхши десалар, демак яхшисан! — деб жавоб берилди доно.

Мұхаммад Жавҳар Заминдор

Қариндош-уруг киши учун қанот, дўстлар эса курашда қуролдир.

«Махзан ал-улум»

Қарасангки, қүшнинг соқолини олибди, сен ҳам соқолингни қисқартир.

«Оталар сузи»

Келса бирор йўқланиб,
Бергил яхши озук, нон.
Қарғаб кетар меҳмонлар,
Кутар бўлсанг гар ёмон.

Маҳмуд Кошгариј

Кел, эй оқил, буорсанг ақлинг ишга,
Ўзингдин кетмагил доно демишга.
Агар боло чиқиб, кетсанг узунгдин,
Йиқилгайсан тойиб ерга юзингдин.

Суфи Оллоер

Отадан ёш қолган — ақлдан бўш қолган.

«Қўрқит Ота китоби»

Яхшиликнинг энг улуги — отаси
вафотидан сўнг ҳам унинг дўстлари
билин алоқани узмаслиkdir.

Хадис

СУҲБАТ,
СУҲБАТДОШНИНГ
ЯХШИ ВА ЁМОН
ТАЪСИРЛАРИ





Сүхбатта арзимас ҳар бир қора дил,
Сүхбат учун яхши дўстлар пайдо қил!

Муҳаммад Ҳусайн

Фазл аҳлига ҳамсүхбат бўлмоға ибо қилма,
Ким, бўлгусидур ортарға ибо боис.

Оғаҳий

Ўзингни ёмон кишилар сүхбатидан узоқ тут, чунки ёмон кишилар сүхбати жаҳаннам ўтидан ҳам ёмонроқдир. Ҳар сүхбатнинг бир таъсири булади. Чунончи, яхши кишилар сүхбати фазилатни оширса, ёмон кишилар сүхбати заҳматни оширади.

Муҳаммад Ҳусайн

Сүхбатни гулистонда соз айлабон айланг соз,
Ҳам соқийи гулчехра тутсун майи саҳбони.

Бағний

Қозонга яқин юрсанг қораси юқар, деб бежиз айтмаганлар. Шунинг учун доимо яхши кишилар билан сүхбатдош бўл, бебош ва ножинс кишилар сүхбатидан парҳез қил! Назм:

Ножинс кишилардан айлагин парҳез,
Сахийлар кўйида манзил тут ҳар кез.

Паст билан паст бүлгүнг, ёмон-ла ёмон,
Яхшидан яхши-ю, мардан қаҳрамон!
Мұхаммад Жавҳар Заминдор

Навои мутрибу хуш мажлис, анжуман яхши.
Хувайдо

Яқынлар сұхбатини излаб, фисқу-фужур аҳлидан
қоч, сабр қил, шошқалоқликни одат қылма, сириңгни
ҳар кимга айтма, молингни ўйлаб харж қил.
«Махзан ал-улум»

Ҳаромини сұхбатга ёр айлама,
Илон асрөөн қайдадур бегазанд.
Мирий

ҲИКМАТ. Сахий ва олижаноб кишилар билан сұхбатдош бұлмоқ кишини ёқимли феъы ва чиройли хислатларға рағбат қылдира迪. Ёмон феълик ва фасод табиатлик кишилар билан бұлған сұхбат эса ёқимсиз сифат ва қабиғ иллатларға етаклады. Ёмонлар билан яхшилар сұхбати орасидаги фарқ ва улар билан қилинған сұхбат таъсири худди шамол кабидир. Шамол ёмон жойдан үтиб қолса, бадбүй ҳидларни олиб келади. Агар ширин ҳидли жойлардан үтиб қолса, муаттар исларни келтиради. Байт:

Хар кимнинг бор экан танида жони,
Ким билан сұзлашса, таъсири урап.
Ёмонлик бұлмаса кимнинг ағъоли,
Доим яхши билан хуш сұхбат қуар!
Мажидиддин Ҳавофий

Азизим, жоҳил ва ноаҳил кишилар сұхбатидан қоч, қоқыл ва комил кишилар сұхбатига интилгінки, фисқу-фужур аҳлиниң сұхбати бир куни узингі зиён келтирувчи илон сұхбатига үшшайды. Ақлли кишиларнинг хизматини қилиш фойдадан холи бұлмаган аттор дүконига үшшайдыки, атторнинг дүкони ҳамиша кишиларнинг димогиини уз ҳиди билан баҳраманд этади. Байт:

Аттор каби бүлгин, чунончы аттор,
Үзгалар либосини қилас мұаттар!
Хожа Самандар Термизий

Агар бўлса фикринг раиятписанд,
Балогат эли бирла жалис авло.
Қачон суҳбатинг лойиқи ҳар лаванд,
Тут иликини бўлғоч бирор додхоҳ.

Мирий

Эй азиз, сен доимо олим ва фозил кишилар билан
суҳбатдош бўлишга интил, нодон ва бадният кишилар
дан қоч, уларнинг тоифасига қўшилма, сўзларини
эшитма, ҳатто, касал бўлиб қолса ҳам куришга борма!
Сен яхши дўстлар топишга урин, улар сени ҳар доим
қўллаб-қувватлайдилар.

Муҳаммад Жабалрудий

Чун бу давлат бўлгудек бўлди муюссар войким,
Суҳбатим ул лаҳза толеъ заъфидин бўлди газанд.
Хусайн Бойқаро

ҲИКМАТ. Бир ҳаким ўз ўғлига насиҳат қилиб дерди: «Ҳар ким билан суҳбатдош бўлсанг, унга дарҳол
дўстлик сўзларини изҳор қилма. Синалмаган кишига
ишониб бўлмайди. Орадан вақтлар ўтиб, эътиборингта
loyиқ бўлса, дўстликка арзиса, унга яқинлаш ва барча
ишда унга ёрдам қулини чўз!» Байт:

Бирор дўстман десса, ишонма асло
Унинг юрагини қилмай имтиҳон.
Агар дўстликка у бўлса сазовор,
Суҳбатига фидо айла ҳатто жон.
Фақирликда қолса дўстларинг агар,
Бисотингда борин айлагин эҳсон!

Муиниддин Жувайний

Ғам дафъи учун согару саҳбо яхши,
Ҳамсұҳбат анга надиму доно яхши.

Жувайдо

ҲИКМАТ. Оғирчилик ва ғамгинликда қурилган
оқил суҳбати базм ва ишратда ўтказилган жоҳил суҳба-
тидан афзалдир. Байт:

Суҳбат учун топсанг доно кишини,
Ёмонларни яқин йўлатма зинҳор,
Дилга сўқан фақир доно суҳбати,
Нодон бойдан кўра яхшидир минг бор!
Мажидиддин Ҳавофий

Бир киши Молики Динорнинг суҳбатига борган эди. Қараса, Молики Динорнинг ёнида бир ит унинг тиззасига бошини кўйиб ётган экан. Ҳалиги киши итни ҳайдаб юбормокчи булибди. Шунда Молик унга караб:

— Эй фалончи! Итга тегма, ундан менга ва заар бор ва на озор, ёмон суҳбатдошдан кура у билан утирганим афзал! — дебди.

Муҳаммад Зеҳний

Дафу танбуру бенай суҳбат қурмоқ онча хуб
эмас,
Кил, эй мутриб газалхонлик, бу кун айёми
ишратдур.
Хувайдо

Эй азиз! Билгинки, ҳақиқий суҳбат одамнинг қалбига қараб бўлади, яъни одамнинг дилидан бирорвнинг дилига йул очилмагунча икки кишининг орасида ҳақиқий суҳбат, муҳаббат ва пайвандлик ҳосил бўлмайди. Шунинг учун донолар: «Дилдан дилга йул бор» деган мақол тўкишган. Дил дилни топгандагина улар бирбирининг ахволига тушунади, шундагина ҳақиқий суҳбат, соғ дустлик пайдо бўлади. Жалолиддин Румий уз маснавийларида покиза суҳбатни кўйидагича таърифлаган. Назм:

Яхшиларнинг суҳбатин кўнглингга сол,
Ҳеч ёмоннинг суҳбатин қилма хаёл!
Кур, қизил гул bog ичин хандон қилур,
Мард киши номардни ҳам инсон қилур.
Гарчи сен булсанг агар мармар каби,
Яхши бирла булгасен гавҳар каби!

Муҳаммад Жабалрудий

ҲИКОЯТ. Бир фозил киши бир улуг одам билан доим ҳамнафас, садоқат расмини жойига қўйишда эса бир дақиқани ҳам зое утказмас эди. Бир куни ундан: «Фалончининг суҳбат таъсири қай даражада?» деб сурадим. У деди:

Муҳаббат нуридир кўзда, хаёли доимо дилда,
Эзур жоним томогимда ани курмас эсам бир дам!
Мажлидиддин Ҳавоғий

Мусоҳиблар қўрубон ёд ҳилгай,
Бузук ерларни обод қилгай.

Мажлисий

Азизим! Сен шундай йўл тутки, бу билан сен ҳақиқий одамга айлангин, билим ва тажриба соҳиби бўл, яхшилар сұхбатидан үзинг учун бир натижа чиқар, ёмон кицилар қилаётган ишни куриб, уларга асло кунгил берма, беҳуда сўзловчиларнинг бемаъни сўзлари юрагингта таъсири қилиб, кунгил ойнасини хиралантиrmасин! Дустни душмандан айириш йулини ўрган:

Дустинг учун жонни фидо айлагин,
Дустингни душмандан жудо айлагин.
Яхши ишга ундар дустинг ҳар онда,
Ёрдам берар ташвиш етган замонда!

Хожа Самандар Термизий

Ўзунг мажолисинг ила қарор тут, билсанг,
Бўлур қарога сазовор айру чоғида лос.

Шавқий Каттакурғоний

Бир куни Анушервон танҳо ўтирган эди. Шу орада унинг олдига Юнон, Муъбад, Фаррухзод, Бузургмехр ва бошқалар кириб келишиди. Анушервон уларга қараб деди:
— Бу катта анжуман булди. Келинглар, ҳар биримиз биттадан ҳикматли гап айтайлик, токи сузимиз бошқаларга ибрат бўлсин!

Сўнг Муъбадга қараб:

— Сен нима дейсан? — деди.

Муъбад деди:

— Икки нарса борки, улар бир-биридан яхшидир. Масалан, хунар билимдан яхши, иш эса сўздан афзал.

Анушервон:

— Батафсил тушунтири! — деди.

Муъбад давом этди:

— Ҳар кимнинг хунари бўлмаса, у қуруқ девор билан тенг. Ҳар кимнинг сўзи чиройли бўлса-ю, иши ёмон бўлса, фойдасиз шамол кабидир.

Анушервон Хуршидга қараб:

— Сен нима дейсан? — деди.

Хуршид:

— Жаҳонда икки нарса бор, уша икки нарсадан ҳеч нарса яхши эмас, биринчиси — хурсандчилик, иккинчиси — беозорлик! — деди.

Анушервон:

— Кенгроқ тушунтири! — деди.

Хуршид:

— Ҳар ким борига қаноат қилиб хурсанд яшаса, ҳеч кимга әхтиёжи қолмайды. Кимки ҳеч кимга озор бермаса, ҳеч кимни хафа қилмаса, ҳеч кимдан хавф етмайды! — деди.

Анушервон Бузургмөхрға қараб:

— Сен нима дейсан? — деб сүради.

Бузургмөхр:

— Эй Анушервон, одамлар күйидаги нарсаларга амал қилмасалар, ҳеч қачон хурсандчилик юзини күрмайдилар: масалан, борига қаноат қилмаса, етолмайдиган нарсасига интилса, бироннинг күлидаги нарсага тамаъ кўзи билан қараса! — деб жавоб берди.

Анушервон ундан ҳам кенгроқ тушунтиришни сүради, у деди:

— Хурсанд шундай кишики, нима топса, ушанга қаноат қиласди, топганига шукур қилиб, умрини гамсиз ўtkазди. Тамаъ ва очкўзлик эса ўз жонини қийнашдир. Тамаъгир ва очкўз киши ҳеч қачон рост йўлдан юрмайды, ҳамиша кунгли иллатли булади. Ҳар ким ўзини яхшилик йўлига солса, ҳамма ёмонликдан омон булади, жаҳонда тинч ва осуда яшайди.

Анушервон Юнонга қараб:

— Сен нима дейсан? — деди.

Юнон шундай деб жавоб қилди:

— Етти нарса борки, ҳар ким бу етти нарсага амал қилса, дунёда яхши отли булади. Биринчи — дунёда донолар маслаҳати билан иш қилса, иккинчи — ўз ватанида булса, учинчи — одил булса, тўртингчи — сабрли булса, бешинчи — қайсар булмаса, олtingчи — фойдасидан бошқаларни ҳам баҳраманд қилса, еттинчи — камтар булса!

Анушервон Юнондан ҳам бу сўзларни кенгроқ тушунтиришни сүради. Юнон деди:

— Маслаҳат марваридга ухшайди, одамларни тош деб ҳисобланса, шу тошлар орасидан бирорта марварид сўз чиқиши мумкин. Ишни ўз жойида муносиб ҳолда қилмасант, зиёни стади. Одиллик билан иш қилинса, бу ишга ҳеч ким қарши чиқмайди. Сабр ва чидам барча мушкул ишларни енгиш калитидир. Қайсарлик эса энг ёмон хислат. Камтарлик барчанинг ҳавасини ва хурматини кўзготадиган ёқимли одатdir!

Анушервон бу ҳикматларнинг ҳаммасини ёзib қолдиришга фармон берди.

«Жовидони хирад»

Сұхбатдошнинг фикри үз сұхбатдошига катта таъсир курсатади. Шунинг учун ҳам донолар: «Үрик урикни күриб ранг олади» деб айтганлар. Назм:

Яхшиларнинг сұхбати шодон қылур,
Күр, қизил гул бол ичин хандон қылур!
Мұхаммад Жабалрудий

Дүст билан сұхбат қурмоқ гуллар орасида сайр қылмоқ ва гузаллар нағмасига қулоқ солмоқдан хушдир.

«Оталар сузи»

Эй биродар, мунофиққа бұлма улфат,
Ким улфатдур боши узра юз минг күлфат.
Ахмад Яссавий

Үйларига мәхмөн күнмайдиган кишиләр энг ёмон одамлардир.

Хадис

Доно сұхбатидан сира қочмагил,
Таъсириң үтказар сенга ҳам у тил.
Носир Хисрав

Бу дунеда бемаъни гапларни күп гапирадиган одамнинг гуноҳи қиёмат куни күп бұлади.

Хадис

ДҮСТ, ДҮСТЛИК
ҚОИДАЛАРИ,
ДҮСТУ ДУШМАННИ
ФАРҚЛАЙ БИЛИШ





Содиқ ва вафодор дўст улким, ўз дўстидан ранжимайди, дўстининг душманини ўз душмани деб билади.
Агар керак бўлса, дусти учун жонини ҳам аямайди.

«Амир Тсмур ўтитлари»

Доимо дўстлар билан бўл ҳамнафас,
Кўрма душманнинг юзини бир нафас!

Фаридиддин Аттор

Бўлгин давомат хўблар билан ёр,
Қоч аҳли шаррдин, албатта, зинҳор.

Толиб Толибий

«Нодон дўстдан зийрак душман яхши» деб бескорга айтишмаган. Агар сен бирор билан дўст тутинмоқчи бўлсанг, ўша кишининг вужудида учта хислат бўлмаса, дўстлигинга арзимайди. Улар мана булардир.

Ҳар дўстки, дилида уч хислат бўлмас,
Кеч ундан, дўстликка асло арзимас.
Бири вафодорлик, бири сир сақлаш,
Бири — молин сендан аямаса бас!

Муҳаммад Жабалрудий

Чун бўлур ҳар лаҳза бегона бирла ошно,
Ошиолардин кўнгул бегона бўлмай найласун.

Хусайн Бойқаро

Ҳар нарсанинг янгиси, аммо дўстнинг эскиси яхши.
«Оталар сўзи»

ҲИКМАТ. Бир киши бир улуг одамдан: «Бир киши узоқ вақтдан буён менга муҳаббат изҳор қилиб, дўстлик ва ихлос даъвосини урмокда, унинг рост ёки ёлғон эканини қандай билмоқ керак?» деб сўради. Улуг киши унга: «Юрагингни тубига боқ, агар у ерда дўстлик учун жой бўлса, дўстлаш!» деди. Байт:

Бирор сенга меҳр йўлини тутса,
Кўнглинг ойнасига боқиб, қулоқ сол.
Агар юрагингда нафрат қўзғолса,
Аканг бўлса ҳамки ундан қочиб қол!

Мажидиддин Хавофий

Кимники айлай дер эрсанг маҳраминг,
Кўп синамай айламагил ҳамдаминг.

Навоий

Душман агар мўр бўлса, кўрма ҳақир,
Ҳар нечаки бўлса олингда асир.

Сайд Қосими

Дўстлар дилини ранжитиш душманни муродига етказишидир.

Кошифий

Душманинг ожиз бўлганда кўнгилчанлик қилма, у қудратга кирса, сенга шафқат қилмайди.

Кошифий

Бир дона душмандан ҳазар қил ҳар дам.
Мингта бўлса агар дўстларинг оздир.
Душман битта бўлса, кўпу-носоздир!

Муиниддин Жувайнӣ

Мувофиқ шева золим дўстлардин,
Мухолифтабъ душманлар кўп ортуқ.

Навоий

Ақл соҳиби бўлган дўст араз туфайли ўз дўстини ташлаб юбормайди, имкони борича аввалги дўстликни қайта тиклашга ҳаракат қиласди. Кимки айбдор бўлса, айбдор томон аввал узр сураса ва айбига иқрор бўлса, аввалги дўстлик яна қайта тикланади. Аммо ҳар икки томон бир-бирига ҳўмрайиб, «сен узр сўра» қабилида юрса, иттифоқлик нифок билан, муҳаббат эса ҳақиқий адовар билан алмашиши муқаррардир.

Абулбаракот Қодирий

Дўстларим бўлсун десанг аҳли жаҳон,
Хулқи хушлуқни қил одат, эй Азиз.

Аваз Ўтар

Бирор кимса билан дўстлик йўлини тутиш ва сухбатдош бўлишда саккизта ҳақ мавжуд бўлиб, уларга тўла амал қилиш мухимдир. Биринчиси мол ҳақи бўлиб, унда учта даража мавжуд. Биринчи даража шундайки, сен ўз аёл ва фарзандларингни қандай муҳофаза қилиб, бекаму-кўст яшашларини бўйнингга олган бўлсанг, дўстларга нисбатан ҳам шундай йўл тутасан. Иккинчи ва учинчи даража шундайки, сен дўстларингни ҳам ўзингдек тасаввур қиласан, масалан, сен ўз мол-мулкингта қандай эгалик қиласанг, уларни сарфлашда қанчалик эркин бўлсанг, дўстларингни ҳам худди шундай йўл тутишларига имкон берасан. Учинчи ва олий даража шундайки, дўстларингнинг ишини ва уларнинг манфаатини ўз манфаатингдан юқори қўясан.

Иккинчи нафс ҳақидир. Бу шундан иборатки, дўстлар бошига иш тушиб, сендан нарса ёки ёрдам сўраб келмасидан аввал сен уларнинг ҳожатларини раво қилишга киришасан.

Учинчиси тил ҳақидир. Тил дейишдан мурод нутқидир, яъни дўста қаттиқ гапирилмайди, унинг айблари юзга солинмайди, камчилиги одамлардан бекитилади, яхшилиги мақталади, ёлғон муомала қилинмайди, унинг шодлиги ва сурурига сабаб бўладиган ҳақ гаплар гапирилади.

Тўртингчи ҳақ аъзолар ҳақидир, яъни унинг жисм аъзоларидан бирор ёмонлик ёки нуқсон ҳосил бўлса, уни кечиради. Бирор ишда узрни пеш қилса уни кечиради.

Бешинчиси вафо ҳақидир. Вафонинг маъноси эса дўстлик бобидаги сабот, унга ўлгунча риоя қилишdir.

Улгандан кейин эса бу ҳақни унинг болаларига ёки дүстларига нисбатан давом эттиришдир. Шунинг учун донолар: «Тириклигиде кўрсатилган кўп вафодан ўлгандан кейин кўрсатилган озгина вафо афзалдир!» дейдилар. Чунки ўлгандан кейин ҳам давом этган вафо тириклик пайтидаги вафога қараганда соғ ва тоза, риёдан холи булади.

Олтинчиси ихлос ҳақидир. Бу шундан иборатки, дўст узоқда ёки олдида бўлган пайтларда ҳам бир хилда туради, ўзгармайди, икки ўртада бўлган муҳаббат ва садоқатга риоя қилишда заррача нуқсонга йўл қўймайди.

Еттинчиси йўқлаш ҳақидир. Бу шундан иборатки, ўлиқ ёки тириклигиде унинг ўзини ҳам, авлодини ҳам яхши сўзлар билан тилга олади. Уларга ҳамиша омад тилайди, ўзига неки яхши нарса тиласа, уларга ҳам қўшиб тилайди.

Саккизинчиси ўзни тия билиш ҳақидир. Бу шундан иборатки, такаллуфни умуман тарқ этади, ноурин ҳар қандай такаллуфларга йўл қўймайди. Чунки такаллуф носазо иш бўлиб, унинг ўзини ҳам, дўстларни ҳам қийнайди ва нокулай аҳволга солиб қўяди.

Маҳмуд ибн Муҳаммад

Эй ёронлар, норасолар бирла қўлманг ихтилот,
Мардуми бемарҳаболар бирла қўлманг ихтилот,
Гумраҳи бераҳнамолар бирла қўлманг ихтилот,
Йўл йитурган нобинолар бирла қўлманг ихтилот,

Талиб Толибий

ҲИҚМАТ. Дустсиз яшаш мумкинмас, аммо ҳамма ҳам дўстликка арзивермайди. Байт:

Дуст хазина-ю, дўстлик гавҳардир,
Гавҳарни йўқотмоқ айб ила нуқсон!

ҲИҚМАТ. Мингта дуст кам, битта душман кўпдир. Байт:

Кўлингда бор экан токи имконинг,
Бироннинг кўнглига бермагин озор.
Минглаб кишиларни дўст тутмоқ яхши,
Аммо битта душман ундан ҳам бисёр!
Кўп дустнинг танида жони бир бўлар,
Жудо бўлишмайди ўлим келса ҳам.
Бирининг бошига тушса бир бало,
Жонни фидо қиласа дўстига шул дам!

ҲИКМАТ. Бир ҳакимдан сүрадилар: «Қандай сафар энг узоқ сафар?». Жавоб берди: «Садоқатли дүстни қидириш сафари!» Байт:

Қидирган нарсаны топиш мумкиндир,
Бирок содиқ дүстни топмоқ муаммо!

Муиниддин Жувайний

Адувдин дүстликни тутма умид,
Ки, булмас жамъ ҳаргиз үт билан сув.

Оразий

Яхши дүст атторга үхшайди, у үз атридан сизга бермаса-да, сиз унинг атрлари ҳидидан баҳраманд бұлаверасиз. Ёмон улғат темирчига үхшайди, унинг олови сизни күйдирмаса-да, бироқ қора тутуни сизга тасир қылаверади. Шунинг учун ёмон улғатдан қочинг! Уларнинг дүстлиги илон заҳаридан ҳам ёмонроқдир. Бу маънони ҳаким Фирдавсий күйидагича назмга келтирған:

Анбар сотувчининг олдиdan үтсанг,
Либосинг анбарнинг ҳидин олади.
Темирчи ёнидан үтганинг замон,
Қора дуди сенга юқиб қолади.

Мұхаммад Жабалрудий

Гами дунёга чирмашғон сари ҳолинг забун булгай.
Ҳарифи сода табылар күп балога мубтало.

Мужрим Обид

Доноларнинг айтишича, уч гурух кишилар билан дүстлик йўлини тутиш мақсадга мувофиқдир.

Биринчиси, илм аҳли булиб, улар үз ҳаётларини илму одоб билан утказған ва ҳаётнинг барча аччик-чучугини тортган бұладилар.

Иккинчиси, баҳтиёр, табиати саодатманд кишилар, улар үз дүстларининг айбларини одамлардан яширадилар ва ҳеч қачон ошкор қымайдилар. Хилватда дүстдан содир бўлган хатоларни юзларига айтиб берадилар ва улардан ҳеч бир насиҳатларини аямайдилар.

Учинчиси, бегараз ва бетамаъ кишилар булиб, уларнинг дүстликлари ҳақиқий, бирор фойда топиш эвазига курилмаган бұлади.

Абулбаракот Қодирий

Ҳамроз дўст топилса-ю, жонлар фидосидур,
Орзу шулдурки: камина кўнгул муддаосидур.
Хуш сұхбати мажруҳ дилим давосидур,
Мақдами кўзима айни шифо, хоки посидур.

Басний

ҲИКОЯТ. Бир ҳакимдан сўрадилар: «Дустларингдан қайси бири сенга кўпроқ ёқади, қайси бири эса акалик даражасига стиб борди, ҳаммасидан қайсисига муҳаббатинг баландроқ?» Ҳаким шундай жавоб берди: «уришиб қолсам, ярашадигани ва узр сўрасам, кечира-дигани!»

Муиниддин Жувайний

Хар ким беайб дўст истаса, анга дўст
топилмагай
Ва кимки дўстга ҳар хитоб учун итоб қилса,
душман купайгай.
Сидкий Хондоиликий

Буқрот ҳаким айтади: Икки оқилнинг дўстлиги ақл тақозосича бўлиб, бу дўстликнинг умри боқий бўлади. Аммо икки нодоннинг дўстлиги эса барқарор булмайди, чунки улар ўз манфаатлари юзасидан тездагина уришиб қоладилар. Икки жоҳил дўстлиги эса ҳеч қачон боқий бўлмайди, улар бирор нарса устида бир қарорга келолмайдилар, натижаси эса зарар билан туғайди.

Абулбаракот Кодирий

Ўзумдинму, фалакданму ва ё иқболи пастимдин,
Туну кун дўстдин озору душмандин ситам токай?
Увайсий

Доноларнинг айтишича, ҳар кимни ҳам дўст тутиб бўлавермайди. Дунёда дўстдан кўра азизроқ ва қимматлироқ нарса йўқ. Айтишларича, Абу Жаъфар Муҳаммад ибн ал-Хусайн ўз отаси ҳақида қўйидагиларни айтган:

— Дадам бир куни менга: «Эй ўғлим, беш тоифа киши билан дўстлик ва улфатлик қилма, улар билан ҳеч вақт сұхбат қўрма!» деди. Мен ундан: «Эй дадажоним, улар қайси тоифалар экан?» деб сўрадим. Дадам деди: «Биринчиси — фисқу-фужур ахли. Улар сени халқ орасида расво ва шарманда қиласи. Бир луқма

нон учун сени сотишдан қайтмайдилар. Уларнинг одатлари шуки, сендан доим бир нарса тамасида булишади, агар бермасанг, халқ ичидагенинг ҳақингда ёмон гаплар тарқатишади, обруйингни туширишади. Одамлар эса гапнинг тагига етмасдан сен билан ёмон мумомала қила бошлайдилар»...

Мен дадамдан иккинчи тоифа қандай булишини сурадим. Дадам деди:

— Иккинчиси баҳил ва хасис кишилар. Агар сен бирор нарсага муҳтоҷ бўлиб қолсанг улар ҳеч қаҷон сенга бермайдилар. Сенинг молу-давлатингни эса уялмай ейдилар. Тугаса, душманингта айланадилар. Мен буни ўз бошимдан кечирганман. Пулим кўплигидаги дўстларим кўп эди. Камбағалликка тушиб қолганимда эса душманга айланышди, таъна тошини отишди, одам қаторига қўшмай қўйиши!

Дадам давом этиб деди:

— Уларнинг учинчиси ёлғончилар. Кимда бу хислат борлигини сезсанг, ундан узоқроқ юр. Улар сени уз яқинларингдан айришишади ва бегоналарни яқинлаштиради. Тұртқинчи тоифа эса жоҳил, нодон ва аҳмоқ кишилардир. Улар билан бўлган суҳбат кишига астасекин таъсир эта бошлайди, тугри йулдан оздиради, одамнинг ниятини бузади. Бешинчи тоифа эса лақма, лаванд ҳамда дилида меҳри йўқ кишилардир. Бундай кишиларни малъун деб аташ муносабидир!

Муҳаммад Жабалрудий

Қулингдан келса дўстим, бевафога асло дил берма,
Жаҳоннинг моҳи бўлса, норасога асло дил берма.

Жафою жаврпеша сержафога асло дил берма,

Бало кўпроқ истар ошина асло дил берма.

Машраб

Доноларнинг айтишича, дўст уч хил бўлади. Биринчиси «жони дўст» бўлиб, бундай дўст ҳақиқий хисобланади ва у ўз дўсти учун жонини ҳам аямайди. Иккинчиси «тил дўст» бўлиб, у тилда дўстлик изҳор қиласади, аммо бошга бирор кулфат түшса узини олиб қочади. Учинчиси «нон дусти» бўлиб, бундай дўст еб-ичиши – дастурхон учунгина дўст бўлади. Пулинг тутагандан кейин эса қорасини курсатмайди.

Абулбаракот Қодирий

ҲИКОЯТ. Дўст уч хил бўлади. Биринчиси овқат кабидир, улардан ҳеч ажраб бўлмайди. Иккинчиси до-

рига үхшайды ва уларга гоҳ-гоҳ ишиңг тушади. Учинчи-
си дардга үхшайды ва улардан ҳеч қандай яхшилик
келмайды. Байт:

Толеи ёр билар дүстликни қадрин,
Мұхаббат мәхрини тақиб жонига!
Муиннідин Жувайний

Ахли дониши бирла ҳар дам айланғиз базми китоб,
Жамъи нодонлар бирла изҳори улфат құлманғиз.
Дүст улдурким, ёмон күн іюз әвурмас дүстидин,
Мунис ахволин күруб тарки мұхаббат құлманғиз.
Мунис

ҲИКОЯТ. Бир улуг кишидан сүрадим: «Нечта дүс-
ting бор?» У деди: «Билмайман, чунки ҳаётим ҳозир
яхши, молу-қолим эса күп. Дүстнинг кимлиги оғир күн-
да билинади.» Байт:

Қулиб боқса кишига толсъ,
Камаяди душманлари ҳам,
Бесвафолик қылса толеим,
Душманларга тұлар ҳар қадам!
Муиннідин Жувайний

Бұлма инъоми бирла хом тамаъ,
Дүстүм деганига алданма.
Мирний

Баъзи қакимларнинг айтишича, бир дүст иккинчи
дүстнинг айбларидан огоҳ бўлиб қолса, уни ҳаргиз
бировларига айтмайды. Аммо дүстнинг битта яхши
хислати ва ҳунари борлигини билса, уни ўнта қилиб
курсатади. Шеър:

Бир ҳунару бўлса, стмишта айбинг,
Дүст айбингни кўрмас, кўрар ҳунаринг!
Абулбаракот Қодирий

Душманингта душман бўлади дүстинг,
Душманингта ул ҳам бўлади ағёр.
Душманингта дүстлик айласа дүстинг,
Душмандир у аканг бўлса ҳам зинҳор!
Муиннідин Жувайний

Агар (дүст) холис ва тоза чиқса, анинг бирла дүстлик қилғил. Иүқ эрса, они үз сириңгдин огох қилмадыл...

Сидқий Хондойликий

Дунә сафоси билан, дүст вафоси билан гүзал,
Үз дүстининг айбини очиб юрган киши разил
кишидир.
Ёмон одамга йўлдош бўлгандан кўра, утда куйган
яҳши.
«Оталар сўзи»

Азизим, баджаҳл кишилар билан дүст ва ҳамсуҳбат бўлмагинки, уларнинг аҳди буш ва вафо биноси заиф булади. Улар мурувват юзини жафо тирноги билан тирнайдилар, мардоналик чашмасини номардлик тупроги билан лойқалайдилар. Уларнинг назарида дўстликнинг ҳурмати-ю, эски улфатчиликнинг қадруқиймати бўлмайди. Байт:

Хизмат ҳақин билмайдиган кимсаларнинг хизматин,
Қилма асло кўрмайсан на ҳурмату, на мақтов!
Хожа Самандар Термизий

Холис дүст улдурки, суҳбатлашмоқда малул бўлмай, меҳнат бирла роҳатда ўзгача бўлмагай, ҳозир ва гойиблиқда бўлакланмагай.

Сидқий Хондойликий

Аҳбоблар билан ўзаро шафқатда булиш ва дўстлар билан мувофиқлик ва мадоро йўлини тутиш яхшиликни келтириб чиқарувчи сабабдир ва бу билан дўстлар муҳаббати кундан-кунга зиёда будади ва хусумат тубори душманларнинг хотира ойнасидан маҳв бўлади. Фоғил киши бирор дилни жароҳалаш учун қасд ханжарини кўтарса, омонлик жигари интиқомнинг анвои үқига нишон бўлади. Ҳар қандай ноаҳил киши халал ва нуқсон тиканини ялангоёқ кишиларнинг оёги остига ташласа, иқболининг тароватли ойнаси чилпарчин бўлади.

Бархурдор ибн Маҳмуд

Дүст кулбама кўйди қадам, шод-хандонман бу кун,
Гарди пойи тож бар сар, балки сultonман бу кун.
Увайсий

Дүстларга яхшилик йулин унутма,
Душманларга инсоф күзү билан бок!
Муиниддин Жувайний

Эй фарзанд, энт ёмон хислат дунёда дүстларга қи-
линидиган макр билан ҳийладир.
Мұхаммад Жабулрудий

Баҳористон бұлди, ранг-бараң гуллар булып пайдо,
Хазон этмак учун дүстлар, илоҳо, келмагай бодे.
Манраб

ҲИКМАТ. Ҳисоб ва сарф муюмала учун, күмак,
ихлос ва узр дүстлик ва муҳаббат учундир. Байт:

Ҳар кимсага таъна тошини отма,
Гарчи бұлса ҳамки қайсар ёки шум.
Айбсиз дүстларни топмоқ муаммо,
Айт-чи, хатолардан ким поку маъсум?!

Ҳар ким дүстларга хүшфеъл бұлмаса,
Дүстлик иззатидан бұлади маҳрум!
Муиниддин Жувайний

Дүстлик или жуда нозикдир. Ҳар икки томон бу
иини узилмаслиги учун қайғурмоги керак. Бир номақ-
бул иш туғайли орага араз түшса, бу араз кучаймасдан
аввал узр сұраң йүлини тутмоқ керакки, эскимаган
араз тездә иүқ бұлади. Араз эскигач, гарчи у ентил
бұлса ҳам, муҳаббат қайта тикланиши қийинлашади,
тикланғанда ҳам аввалидек бўлмайди: Байт:

Бир хато юз бергач тез уни тузат,
Бўлмаса үзгаси юз берар яна!
Абулбаракот Қодирий

Дүст тутмоқ осон, риоя қымын қийин,
Душман бўлмоқ осон, ярашмоғи қийин.
Юсуф Хос Ҳожиб

Икки турли кишига яқинлашма, узоқлаш,
Үша нарса жон баробарида ширин бўлади.
Юсуф Хос Ҳожиб

Аччиқ сүз жунунлик белгиси, жунунлик эса хусумат

белгиси, хусумат эса адоват келтириб чиқарувчидир. Душманлык мевасини берувчи дарахтни экишдан нима фойда?! Шундай мақол бор: «Таъна ва итоб-уқубат ва азоб белгиси! Байт:

Юрагингда муҳаббат бўлса,
Ачитиб гапирма, кунгил бузилар.
Аксар вақт уланган дўстликнинг ипи,
Таънадан бошланиб, сунгра узилар!

Муиниддин Жувайний

Дўстнинг шапалоги душман ошидан яхши!

«Оталар сузи»

Кимки меҳру аҳлдин бегонадур,
Кўнгли ичра ошнолиг бўйи йўқ.

Оразий

Инсониятнинг етказадиган фойдаларидан ва одамийлик дастгоҳини зебу зийнат билан безатиб турадиган ёқимли сифатларидан бири бу зиёфат ва дўсту биродарларга меҳрибонлик курсатишdir.

Барҳурдор ибн Маҳмуд

ҲИКОЯТ. Ёшлик онларимда дадамдан: «Муҳаббат даъвосини қилиб, ака-укалиқдан лоф урган кишиларнинг уз сузларида содиқ ва қалбан мустаҳкам эканликларини қандай билса булади?!» деб сўрадим. Дадам: «Уз баҳти ва ҳаётини сенга тақлиф қила олиши билан!» деб жавоб берди. Байт:

Киши бўлса нафси кўйида гирён,
Даъвойи дўстлиги пуч ила ёлғон!

Муиниддин Жувайний

Дўстлар ва хайриҳоҳлик қилувчилар ёмонни яхши қилиб курсатишга, халал етадиган йўлни тусишишга, гузалликни изҳор этишишга ва яхшиликларга нисбат беришга тиришадилар.

Абу Райҳон Беруний

Нодон дўстдан ақыли душман яхши.

Жонингга қасд қилган душманинг доно
Бўлса, нодон дўстдан минг карра аъло!

Нодон қылган ишнинг барчаси заар,
Фойдаси бўлса ҳам эрур бесамар!

Муҳаммад Жабалрудий

Дуст жамоли дардни аритади.

Дустнинг ёмони шундайки, яхшилигингни унуди,
ёмонлигингни эслаб юради.

«Оталар сузи»

Ёз фасли, ёр васли, дустларнинг сухбати,
Шеър баҳси, ишқ дарди, боданинг кайфияти.
Дустларнинг сухбатида нехуш ўлгай баҳси шеър,
То билингай ҳар кишининг табъи бирла ҳолати.

Бобур

ҲИКМАТ. Уч нарса уч нарсада бўлмайди: дўстлик лақмада, шафқат сергазабда, ҳалоллик очкўзда!

Байт:

Фазабни сўндириш, гапни кам қилиш,
Яхши кишиларнинг эзгу хислати.
Нафсингдан ҳазар қыл имкон борича,
Очкўзнинг дилида бўлмас ҳиммати!

Муиниддин Жувайнин

Дустни ҳайдамоқ акадан ажралмоқдир!

«Оталар сузи»

Аҳбобо, йигилмоқни фарогат тутингиз,
Жамиятингиз борини давлат тутингиз.

Бобур

ҲИКОЯТ. Бир оқил йигит ҳақида ҳикоя қилишларича, у дўстлари билан ҳамиша улфат, улар билан доимо ҳамдаму ҳамсуҳбат экан. Йигит уз дустларидан меҳрибонлигини ҳеч вақт дариг тутмас экан. Тилида эса қуйидаги шеърни зикр қилгани-қилган экан:

Бугун қулда бор экан йигитликни даврони,
Гайрат қил, оғримасин сендан ҳеч кимнинг жони!
Яхшиликнинг баҳори доим бир хил турмайди,
Бир кун нуқсон етару, пайдо бўлар ҳазони!

Ширин ҳулқи туфайли барча киши унинг ҳузурида бандалик камарини боғлаб, хизматида ҳозир нозир экан:

Гузал юзларига агар чиройли ҳұлқ бұлса ер,
Қайта қадам құймасин, халқдир унга талабгор!
Хуррамий

ҲИКМАТ. Дүст шундайки, сұхбатингни малол олмайды, узоқда юрсанғ унугмайды, бойлик ва камбагаллиқда үзгартмайды, ҳожатинг бұлса амалға ошириш учун жон-жаҳди билан киришади, яхшилигини миннат қылмайды, бирор ҳожати бұлса сендан яширмайды, ахволини сир тутмайды, сенға қанча күп яхшилик қыласа, уни шунча кам деб ҳисоблайды, сендан озгина яхшилик курса, уни күп дейди, барча ишда үзини сенға ҳамнағас деб ҳис қилади. Байт:

Савдогар дилидан меҳр излама,
Хар ким билан қиласар алоқа ҳар он.
Хүш овоз қүшни күр, ҳар бир лаҳзада
Узга гул олдидә күйлар беармон.

Муиннiddин Жувайній

Дүстлар сузи достон бұлды,
Дүстсиз достон жаҳонда қани?

Хоғиз Хоразмий

Тинимсиз зиәратдан малоллик туғилади.
Йүлдошинг ит бұлса, калтакни ташлама.
Йүлга чиқишидан аввал йүлдош қидир.
Түякаш билан дүст бүлған кишининг дарвозаси
кенг булиши керак.
Дүстнинг келиши байрамдир.

«Оталар сузи»

Минг киши мұттағиқ этса ишини,
Босар, албатта, бу юз минг кишини.

Мұхаммад Солих

ҲИКМАТ. Уч тоиға одамлар борки, улар билан дүст тутинищдан әхтиёт бұлмоқ керак. Биринчиси фисқу фасодли одамлар булиб, уларнинг ҳиммати нағси аморасининг остида бекілгән булади. Иккінчиси аҳмоқ кишилар булиб, бошға түшгән заарни даф қишилішда ҳам, бирор фойдага етишишда ҳам уларға ишонмаслик лозим. Күп холларда уларнинг нағи зарар, хайрли иши эса щаорадан баттар булиб чиқади. Үчинчиси өлғончилар булиб, улар билан булған сұхбат

жонга азоб, улфатчилиги эса дил уйини хароб қиласы.
Бегона кишиларга сен ҳақында ёмон гапларни еткази-
шади, улар ҳақида эса сенге дахшатлы хабарларни
көлтиришади.

Байт:

Хар кимсада сероб бұлса ҳар хил дүст.

Бироқ ҳаммасига ишонмоқ хато.

Еғочу чүп бир хил жинсдан бұлса ҳам,

Уду сандал бұлмас тол чүпи асло!

Муиниддин Жувайний

Мен вафо шиор айлаб топмадым висоли дүст,

Ҳамнишину улфатлар бас жафога үрганган.

Басеній

Иттифоқ ахлигә давлат қелишур,

Иттифоқ ахли ҳам они билишур.

Мұхаммад Солих

Дүшман сұзларига ишонса киши,

Пұшаймон тортишдир оқибат иши!

Хожа Самандар Термизий

Дүшманнинг кулгани — сириңгни билгани.

«Амир Темур угитлари»

Қылмаса дүшман элидин ким ҳазар,

Оқибат күргай ҳисобсиз ул зарар!

Фаридиддин Аттор

ХИКМАТ. Мұхаббат ва дүстлик лофини урса ҳам,
дүшманга ишонмоқ хато, жонажонлик лофини ҳаддан
ошираса ҳам сұзларига учмоқ жонга бало! Сув гарчи
утта яқынлашиб, совуқлигини ташласа ҳам, имконини
топса, үтни бутунлай үчиради. Байт:

Дүшманлардан асло чиқмагай дүстлик,

Кулмак сувдан оби ҳаёт чиқарми?!

Муиниддин Жувайний

Тузган пахта бұз бұлмас, қадимий ёв дүст бұлмас.

«Күркіт Ота китоби»

Азизим, дүшманнинг узрнамо сұзларини эшитиб,

гурур отига минмагинки, у қанчалик тамаллук қилмасин, ялиниб ёлбормасин, барибир унинг сўзлари макрухийладан холи бўлмайди. Адоват ниҳоли унинг сийнасида барқарор экан, бу ниҳолнинг меваси заардан узга нарса бўлмайди Байт:

Душманга ишонмоқ самараси гам,
Faфлат тухмин эккан тортажак алам!

Хожа Самандар Термизий

Билгинки, душман насиҳатига қараб иш тутмоқ хато, аммо нима демоқчи эканини билиб қўймоқ раво. Унинг айтганига карши иш тутсанг, тўғри йўлдан юрган буласан. Бирор кимсанинг дўст ёки душманлигини билмоқчи бўлсанг, унга маслаҳат сол. Берган маслаҳатининг тўғри ёки нотўғрилигига қара, шундан холоса чиқарib оласан!

Абулбаракот Қодирий

Бадҳоҳлар ҳамиша оламда хор бўлгай,
Ҳар кимки булса душман хору зор бўлгай.
Адл айлабон карам қил, шудир худо ризоси.

Нодира

Душмандан эҳтиёт бўлувчи заиф киши кучига магрур бўлган кучли кишиига нисбатан саломатликка яқин булади.

Муҳаммад Зеҳний

Туртта нарса бор буюгу мұтабар,
Узи кичик кўринур боқсанг агар.
Биттаси душман, бири оташ эрур,
Ҳам касаллиқ бирла кўнгил ғаш эрур.
Сунгти донишки ул бергай оро,
Кўринур кичик бу туртта доимо.
Ҳар киши ўз душманин кучсиз санар,
Бир куни кучли зиёнидан ёнар.
Бир кичик учқун оловдин илашур,
Оқибат буткул жаҳонга қалашур.
Илм гар оз бўлса, оз тутма хор,
Оз илмнинг қадри ҳам оламча бор.
Дард агар оз бўлса ҳам қилгин даво,
Оқибат бўлмай десанг сен бенаво.
Ким бош оғриққа агар қилмас илож,
Оқибат хавфга тушар буткул мижоз.

Арзимас утни сув била тезда учир,
Вой үшал ҳолингга ут ҳар ён кучар!

Фариқиддин Аттор

Олам аҳли билингким, иш эмас душманлиг,
Ёр үлунг бир-бириңизгаки эрур ёрлиг иш.

Навоий

Ақлли душман нодон дүстдан яхши.
Имтиҳондан киши ё қадр топади ё қаҳр.

Кишининг тойиши оғини қонатади, тилнинг
тойиши барча неъматдан маҳрум этади.

Душманнинг сўзига ишониб иш тутувчининг холи
таажжублидир. Душман ҳеч қачон яхшиликни раво
курмайди.

Муҳаммад Зеҳний

Чу душман қавий бўлса тадбири хуб,
Ки тадбир этар ишни таъсири хуб.

Мирий

Душман агар дүстлик лофини урса,
Ақл соҳиблари санамас ҳеч дўст.

Илон илонликча қолади доим,
Тери узгартириб, ташласа-да пуст!

Хожа Самандар Термизий

Сен душманни бечора санама. Чунончи Шайх Саъдий айтади:

Пашшалар қутирса йўгон жуссали,
Филни ҳам қулатиб ғамга солади.
Узаро бирлашса агар чумоли,
Шернинг терисини шилиб олади!

Душманни заиф деб узоқ гофил бўлма,
Нега қўрқайин, деб сўз билан керилма.

Юсуф Ҳос Ҳожиб

Азизим, сен душман сўзларига дарҳол ишониб куя
қолма, унинг сўзлари ҳийла ва алдовдан иборат бўлиб,
у уз мақсадига эришиш учун узини ниҳоятда мулойим
қилиб курсатади. Ички оламини ташқи олами билан
буюб курсатади. Сени гафлатда кургач, тадбир ўқини
мақсад нишонига уради. У пайтда чора-тадбир куриш

фурсати утган булиб, ҳасрат ва надомат ёрдам бермайди!

Душман иши аввал ҳийла-ю найранг,
Сунг хужум бошлайди, қиласи гаранг.
Бу селнинг йўллари тусилмаса гар,
Юзланар беҳисоб фитна-ю зарар.
Фитна йўлини бугун тусмасанг маҳкам,
Эртага кучаяр булиб мустаҳкам!

Хожа Самандар Термизий

Зиён етказмайдиган душман яхшилик қилмайдиган дўстдан афзал.

Отангни душмани сенга ҳеч вақт дуст бўлмайди.
Душмани кўпнинг роҳати кам бўлади.

«Оталар сўзи»

Душманни узингга маҳрами жон қилма,
Уз жонингга мунча жабру нуқсон қилма.
Эл машварати бирла ҳар иш топар салоҳ,
Иш қилма ўз олдингча, пушаймон қилма.

Мужрим Обид

Оллоҳ таоло наздида тўғри суздан кура яхши садақа йўқ.

Хадис

Душман қасд айласа йўқотмоқ учун,
Оқил бўлсанг жидду-жаҳд айла тамом.
Мақсад ҳосил бўлса баҳтга етарсан,
Акси бўлса, маъзур тутарлар мудом!

Хожа Самандар Термизий

Мингта дўстинг бўлса, уни кўп кўрма,
Битта душманинг бўлса, уни оз дема.

Аҳмад Юғнакий

Душманнинг кўплиги оғир хастиликдан ҳам хавфли.

Душмандан сунг бир кун бўлса ҳам яшамоқ мақсадга етмоқ билан тенг.

«Оталар сўзи»

Ҳакимлар айтади: «Синалмаган дўстга ва синалган душманга ишонмоқ катта хато».

Хожа Самандар Термизий

Дүстлар ҳолимга йиглар, душманим күрсә кулар,
Дард күп, ҳамдард йүқ, душман қави, толеъ забун.
Машраб

Ҳакимлардан бири айтади: «Душманлар билан шундай муомала қилки, бордию душманлиги дүстликка айланиб қолса, сирларинг ошкор бүлмасин».

Абулбаракот Қодирий

Кимнинг дўст ва кимнинг душманлиги оғир кунларда билинади. Душман юзига кулиб боқ.

Гоҳи кулиб боқса, гоҳи тунд инсон,
Ундан узоқ юрган маъкул ҳар қачон!

Душманга бўйин эгиш ўлимдир.
Душманга қарши ҳийла ишлатмасанг, душман ҳийласидан ўласан.

«Оталар сузи»

„Душман фирибин ема,
Ва маддоҳ хушомадин чин дема.

Навоий

Тажрибакор оқил киши душман номини шамширнинг ўткир тиги билан ҳаёт саҳифасидан учирмагунча осойишталик келишини тинчлик йули билан кучолмайди. Мард киши хасм қадаҳини зафар тоши билан синдирмагунча мурод шаробини нуш этолмайди!

Душман зарапидан бўларсан омон
Мозорга чироқ ёқилган замон!
Хожа Самандар Термизий

Кичик теб бермагил душманқа фурсат,
Улуг бўлур қачонким топса рухсат.

Кутб

Азизим, киши ғанимга мубтало бўлса, то ундан куттилмагунча кечани-кундуздан, кундузни эса кечадан ажратадан олмайди. Чунончи айтадиларки, бемор тузалиб кетмагунча емиш неъматидан баҳра тополмайди, мард киши ўз душманларидан қутулмагунча хотиржам нафас ололмайди. Байт:

Ботир бұл, майдоннинг соҳиби — ботир,
Тулки дадил бұлса шерни қулотир!

Хожа Самандар Термизий

Беҳуда кишига қасд қыммоқ,
Беҳуда ўзни ҳалокка солмоқ.

Уваїсий

Бир кишига «сен» деганингdir чу тиг,
Яхши сүзунг қымма кишидан дариг.

Сайд Қосимий

Яхшилик эт эмдики дастинг стар,
Яхши-ёмон ҳар наким қылсанг ўтар.

Сайд Қосимий

Дүсти бор кишилар эмасдир гаріб,
Үйидан юз фарсанг узоқ бұлса ҳам.
Үз шаҳрида дүстсиз бұлғанлар гаріб,
Бошидан аримас бир зумгина ғам!

Муниддин Жувайний

АҚЛ, АҚЛНИНГ
ФАЗИЛАТЛАРИ,
ДОНОЛИКНИНГ
ФОЙДАСИ ҲАМДА
НОДОНЛИКНИНГ
ЗАРАРИ





Инсоннинг шарафи ақлдан маҳкам,
Ундан обрӯ топар ҳар қандай одам!

Хожа Самандар Термизий

Бу куннинг тадбири сабабли эртанинг тадбирига
Эҳтиёжи қолмаган киши ақллидур.

Абу Райҳон Беруний

Нечаки хирад ичра бўлса ками,
Йилондин ямонроқ эмас одами.

Навоий

Ақлу идрок ила қилгин машварат ҳар корга,
Бўладур бемаслаҳат иш онча душвор, эй кўнгул.
Ақл вазирдур, ҳар қаён йўл бошласа ҳамроҳ бўл,
Ҳар сўз айтса сўзига сен қилма инкор, эй кўнгул.

Муаззамхон

Юз ганж кишига ақлдин ҳосилдур,
Йўқлур анга фактру фано, ким оқилдур.

Навоий

Айтишларича, ҳар бир нарса ақлга муҳтоҷ. Ақл эса
тажрибага муҳтоҗдир. Ақл билан тажрибанинг алоқа-

си сув билан ернинг алоқаси кабидир. Сув билан ер ўзаро бирга бўлмаса, ерда бирор нарса униши маҳол!

«Фавоқиҳ ал-жуласо»

Ки ақл, тадбир била айлагил кор,
Буларни бил, бўлур ҳар вақтда даркор.

Сайқалий

Энг ақлли киши шундай кишики, уз нафсига ҳокимлик қила олади. Тириклигига у шундай бир иш қиласиди, бу қилган иши ўлгандан кейин ҳам уни тириклар қаторида олиб юради. Энг аҳмоқ одам шундай одамки, нафси қаёққа бошласа, уша ёққа кетаверади... Ўлганимдан сўнг одамлар мени кечиради, деб ўйлади.

«Махзан ал-улум»

Барча инсонлар ақлга муҳтоҷдир. Ақл эса тажриба-га суюнади. Чунки тажриба ақлнинг ойнасидир. Ҳаётин тажриба кўп умр кўриш натижасида пайдо бўлади.

Кошифий

Билим дарёсининг гавҳари ақл,
Оз бўлса ҳам ундан етар куп фойда!

Муиниддин Жувайний

Ақл фақат инсонгагина хос бўлган тутма қувват-рухий куч билан боғлиқдур.

Абу Наср Фаробий

Луқмони ҳаким айтади:

— Кишининг ақли шараф ва улуглик асосидир!
Кимнинг ақли кўп бўлса, айблари яширин ва дўстлари ундан рози бўлади.

«Фавоқиҳ ал-жуласо»

Кундан-кунга саодатли булав десанг, қанчалик доно бўлмагин, бари-бир ўзингни нодон деб тасаввур қили! Шунда купроқ ўқиб, донороқ буласан. Илмни эса ўз жойида сарф қили.

«Махзан ал-улум»

Мард элига ўзгача ойин керак,
Қавлига феълига таҳсин керак.
Ақлинг агар сенга бўлса раҳнамун,
Жисминг аро жон эрур ул қофу нун.

Нишотий

Баъзи ҳакимларнинг фикрича, одамнинг ақлии әканлитигининг белгиси ҳамма билан муроса қила билишида, одамлар билан тил топа олишида ва уларни тұғрилик томон юргиза билишидадир. «Халқ билан тил топа олмаган киши ақл неъматидан маҳрум киши», дейишади. Халқ билан муроса ва мадоро деганда шундай нарсаны тушуниш керакки, унда ёлғончилік бүлмайди, ҳеч кимни алдамайди, тили билан дили бирбираига мувофиқ бўлади, каттаю кичик билан бирдек муомала қиласди, барчани яхши ишлар сари ундайди, ҳеч кимга зарари тегмайди.

«Фавоқиҳ ал-жудасо»

Ақли расолар йўлдан адашмас,
Марди хирадманд ҳеч ҳаддин ошмас.
Соҳибфаросат ҳар ерда шошмас.

Толиб Талибий

Утган ишга қайгуриб, бехуда фигон чекмоқ ва үзи-
зига озор етказмоқ ақлии кишилар одатидан эмас.
Ақли киши барча оғир ишлар олдида довдирамайди,
үзини маҳкам тутади, сабот ва ирода туфайли гафабага
эришади.

Абулбаракот Қодирий

Ақли киши бир ишга киришишдан аввал, агар у
шу ишнинг устаси бўлса ҳам, бошқа кишилар билан
маслаҳатлашади. Чунки уз ақлига бино қўйган киши
адашади, уз тадбирига ишонган киши тубанлик сари
кетади.

Айбни эътироф этиш ақлии кишининг иши.

«Оталар сузи»

Ақли ва иймонли кимсаларга
Бағишлийман ўодлик, бардам рух...
Эътиқодман, Митраман,
Мудом сабоқ бермоқчиман,
Иймон билан фикр айласин.

Иймон билан сүз сүйласин,
Ва иймонга амал қылсın.

«Авесто»

Ақлли киши шундай кишики, покизалик ва садоқат анхорининг суви билан эгрилик ва қингирлик оловини учиради. Чунки хато йул тутувчи ва эгри үйловчи кишилар катта-кичикнинг эътиборидан ва ёшу қарининг назаридан қолади. Обруйининг оғзи диллардаги муҳаббат неъматининг лаззатидан бебахра, лаби эса мақсад ҳамда ҳаёт шодлигининг зилол сувига ташна булади. Фард:

Эгри учун давлат сари йўл йўқдир,
Эгри ўқ ҳам бориб тегмас нишонга!
Бархурдор ибн Маҳмуд

Хусну суратга боқиб ошифта булма, эй кўнгул,
Ақли бўлмай ҳур талъят бўлса ҳам даркор эмас.
Оразий

ҲИКМАТ. Одамларга хурмат кўзи билан боқмоқ ва раҳм кўзи билан қарамоқ ақдлилик ва донолик белгисидир. Байт:

Яхши назар билан қара ҳар кимга,
Либоси чиройли ё хунук дема!
Мунниддин Жувайнний

Ақлли одам шундай одамки, қийин вазиятда осонтина қутулиб кетади. Доно шундай одамки, қийин вазиятга асло тушмайди.

Ҳар бир халқнинг ақли уз замонасига нисбатан булади.

Ақлли киши қадру камол, нодон киши эса давлатумол қидиради.

«Оталар сўзи»

Хирадманд улдур балият чоги,
Дуруст эрса шарафу ҳикмат чоги.

Мирий

Эй азиз, билгинки, мусибат айёмида күнгли ғамга тулмаган, хомхаәл ва бемаъни режалар тузиб, уз ишини барбод қилмаган киши ақдли киши ҳисобланади. Ақлдек устоддан кўра меҳрибонроқ ва қуллаб-куватловчи дастпир бўлмайди. Киши учун ақл оғир кунларда чора-тадбир топа билиш учун инъом этилган:

Ақл нима? У-да кўмакчи дилдир,
Ақлинг бўлса, сенда барча нарса бор.

Абулбаракот Қодирий

Хирадманд одамий ўхшар ҳумоя,
Етар давлатга кимга солса соя.

Хужандий

Айтадилар:

— Ақлли одам етти хил киши билан ўзаро маслаҳатлашмайди. Улар нодон, душман, ҳасадчи, ёлғончи, кўрқоқ, баҳил, нафсига берилган кишилардир. Чунки нодон йулдан адаштиради:

Ҳар киши уз ақлидан огоҳ бўлар,
Ўзидан гумроҳлиги гумроҳ бўлар!

Душманинг сенинг зарар топишингни ўйлади:

Ҳар киши ўз душманини кучсиз санар,
Бир куни кучли зиёнидан ёнар!

Ҳасадчи бор-будингдан ажралишингни истайди:

Ким ҳасад қилса бироннинг молига,
Охири бўлгай анингвой ҳолига!

Ёлғончи фикрингни бузиб кўрсатади:

Кимки ёлғон сўзласа ризқи кетар,
Бир куни ёлғон сузи бошга етар!

Кўрқоқ дадилликдан қайтаради. Баҳил бойлик тўплашга хирсманд бўлади ва ундан биронга фойда етмайди:

Молу колинг аслида душман эрур,
Зоҳиран боқсанг неча равшан эрур!

Нафсига берилган киши ҳою ҳаваснинг асири бўлиб, нафс домидан қутулишга кучи етмайди:

Меҳнатинг бирла нафсга бер жазо,
Қиласин токи балога мубтало!

Мұхаммад Зесхний

Ақл ва фаросат шундай бир гавҳарки, унинг мадади билан кишиларнинг сүзи ва феълу ҳаракатига қараб, уларнинг ақли доирасини, касбини, яхши хислатли ёки қабиҳ иллатли эканини билиш олиш мумкин.

Мұхаммад Жабалрудий

Қанчадан-қанча одамлар ақл билан пастликдан юқорига кутарилади, қанчадан-қанча қадрли одамлар нодонликка йўл қуйиб, пастлик сари қулайди. Байт:

Эй ўғил, бу сўзим синалган бешак,
Бопшида ақли йўқ мисоли эшшак!
«Оталар сўзи»

Халифа Мансур уз ўглига деди:

— Эй ўғил, мендан икки нарсани урган, бу нарсалар ҳаётингда керак бўлади. Биринчиси шулки, нима иш қилсанг, аввал роса уйла, кейин ҳукм чиқар. Иккинчиси шулки, нима ишга қўл урсанг, аввал уни йўлга сола оладиган ёки қувватини қайтара оладиганchora-tadbirinи кўриб кўй!

Бир ҳакимнинг айтишича, яхши ҳулқининг ўнта белгиси бор. Улар қўйидагилардир: ақл, инсоф, илм, ҳилм, олижаноблик, кўркам феъл, эҳсон, сабр, шукр ва мулоийимлик.

«Фавоқиҳ ал-жуласо»

Сабрлилик мусибатнинг биринчи дақиқаларида билинади.

Ҳадис

Нафсинг тизгини ақлнинг қўлидадир, ақл нафс устидан ҳукм юргизиб, уни ёмон йўлдан асраб туради. Одатда қайси нарса кўпайса, қадри камайиб кетади. Аммо ақл кўпайган сари қадри ошаверади. Ҳамма нарсанинг чегараси ва тўхтайдиган жойи бор, аммо ақлнинг чегараси йўқ.

Арслон ўз қуввати ва шижоати билан овқат топиб, кун кечиргани каби инсон ҳам қайда булмасин ўз ақли билан кун кечиради. Агар кишида молу дуне күп бўлсао, ақли булмаса, қадру қиммати ҳам бўлмайди.

Ақлнинг аломати камтарлик, аҳмоқликнинг белгиси эса такаббурликдир.

«Фавоқих ал-жуласо»

Ҳасми доноки, офати жондур,
Яхшироқ дўстдинки, нодондур.

Оразий

Доно ҳар диёрга азизу мукаррамдир,
Нодон азиз бўлган диёрга лаънатлар бўлсун.

Нодира

Кишиларнинг оқил ёки жоҳил эканлиги уларнинг сўзидан ва туттган ишидан маълум бўлади. Шунинг учун ҳам донолар: «Қозонда бори чумичга чиқади», — деб бежиз айтишмаган. Назм:

Ҳар кимсанинг бўлса ёмон одати,
Узи билмас, такрорланар бу одат.
Чаён тошга урар утқир нишини,
Ваҳоланки, етказолмас ҳеч заҳмат!

Муҳаммад Жабалрудий

Ақлли одамнинг ўзини мақташидан кура ёмонроқ айби йўқ. Агар унинг сўzlари рост бўлса, мақтанган бўлади, ёлғон бўлса қадри кетади.

Ақлли киши ўз нуқсонлари учун узр сўрайди.
Нодон одамнинг гапи кўп бўлади.

«Оталар сўзи»

Бир ҳакимдан: «Сиз кишининг ақлини қандай қилиб биласиз?» деб сурадилар. Ҳаким уларга: «Агар менда бундай истак пайдо бўлса, аввало уша киши билан сұхбат кураман, баъзи нарсалар ҳақида баҳс этаман, агар сўzlари рост ва хатоси кам бўлса, демак ундан кишида ақл бор деб тасаввур қиласман» деб жавоб берди. Яна ундан: «Борди-ю, уша киши билан сўзлаша олмасангиз, сиздан узокда бўлса, унда қандай қилиб аниқлайсиз?» деб сурашди. «У пайтда, — деди ҳа-

ким, — уша киши юборган дўст билан гаплашаман,
дўсти орқали гапи ёки хатидаги фикрлардан мазкур
кишининг ақл доирасини текшираман!»

«*Фавоқиҳ ал-жуласо*»

Ақлли киши шавкатли ва моли кўп булишига қарамай,
душман билан ортиқча адоварат йўлини тутишдан
парҳез қиласди. Байт:

Ҳаддидан оширма жавру-жафони,
Душманинг бўлса-да заиф, ногавон.
Мол-мулкинг душмандан ортиқ бўлса ҳам,
Хорлама ортиқча уни ҳеч қачон.

Муниддин Жувайний

Беақл бўлма ҳеч, беақл киши,
Оёқсиз қурт каби юриши-туриши.
Тузишу, йўқ бўлиш бу нифоқдандир,
Ғалаба доимо иттифоқдандир.

Низомий Ганжавий

Ҳакимлардан бири айтади:

— Одамнинг дилидаги нарсани ақлимиз сеза олиш
кувватига эга. Дилдаги нарсани аввало кишининг ти-
ли, сўнгра эса кўзи билдиради. Шунинг учун: «Куз
кунгил ойнаси» дейдилар.

«*Фавоқиҳ ал-жуласо*»

Сержаҳл бошда ақл булмайди.

Ақлли киши одоб қоидаларини мукаммал ўрганиш-
га интилади. Ақлсиз киши эса одобга амал қиласмаслик-
ка интилади.

Ақлликка бир ишора кифоя қиласди.

«*Оталар сузи*»

Азизим, улуғликнинг сабаби ақл ва одобдир. Ким-
ки соғ ақл ва комил фаросатга эга бўлса, пастлик
даражасидан улуғлик мартабасига эришиши мумкин.
Байт:

Кимда ўткир ақлу фаросат бордир,
Ғалаба байрогини тикир осмонга!

Азизим, узоқни кўрувчи ақлни ва оламни безатувчи
тафаккурни ҳар қандай ишда ўзинг учун одил ҳоким ва

комил синовчи қилиб олки, инсонийлик шарафининг жавҳари бошқа ҳайвонлардан ақлининг ўткирлиги билан ажralиб туради.

Хожа Самандар Термизий

Бузургмөхрдан сўрадилар: «Одам учун энг бебаҳо нарса нима?» Айтди: «Ақл!» Яна сўрадилар: «У бўлмаса-чи?» Айтди: «Одоб ва ахлоқ». Сўрадилар: «У ҳам бўлмаса-чи?» Айтди: «Кўркм ҳулқ». Сўрадилар: «У ҳам бўлмаса-чи?» Айтди: «Бойлик», чунки бойлик билан яхшилик қилиб, ҳар турли тоифалар ичида тинч яшашиб мумкин. Яна сўрадилар: «У ҳам бўлмаса-чи?» Айтди: «Жимликни одат этиш, чунки жим туриш билан одамнинг айблари очилмайди ва ўзгалар таънасини ва маломатини эшишмайди?». Сўрадилар: «У ҳам бўлмаса-чи?» Айтди: «Чақмоқ ва яшин яхши, чунки юқоридаги шунча хислатлардан бирортаси бўлмаган одамнинг чақмоқ ва яшин ўти остида ўлгани маъқул!»

Абулбаракот Қодирий

Шошилмай, ақлу тадбир билан иш тутиш мақсадга стишни тезлаштиради:

Жом ичра чумоли тушса бечора,
Халоскорга кучмас, керакdir чора.
Ҳар кимда ўткир райв ва тадбир бордир,
Жанг ичра галаба доимо ёрдир.
Тадбирдан ҳар кимга кўп нажот етар,
Баҳор ҳар дараҳтдан вақтинча кетар.

Муҳаммад Зеҳний

Бошида ақли йўқ одамнинг ҳайвондан фарқи йўқ.
Ақлли одам шундай одамки, бирордан насиҳат эшитиш ўрнига ўзи ибрат қўзи билан боқиб билиб олаверади.

«Оталар сўзи»

Энг ақлли киши шундай кишики, давлат ва мартабага эришган пайтда ҳам доимо камтарликни ўзига шиор қилиб олади ва таъзим-тавозеъда бўлади, сабр-қаноатли, парҳезгар бўлади. Бадасл кишилар эса бундай кишининг тамоман аксидир. Улар давлат ва мартабага эришиди дегунларича кеккай бошлайдилар ва мағрурлик кўчасига кириб, ҳеч кимни менсимай қўядилар!

Муҳаммад Жабалрудий

Ақл агар күзга күринувчи жисм бұлғанда дунёни
коронгулик босмас эди.

Ақлилікнинг аломати ёлғон гапирмасликдир.

Ақл билан одоб жисм билан жон.

Ақл одамни яшнатади, нодонлик эса қақшатади.

«Оталар сұзи»

Доноларнинг айтишича, ақлли кишилар беш нарсаны яширишлари лозимдир: Биринчи, молу давлатига нұқсон етса, уни халқ олдидә гапириб юрмаслиги керак-ки, уни айттан билан бойлиги қайтиб келмайды, үзини очқұзликда ва бефаҳмликда айблайдилар, хурмати кетади. Иккінчи, ақлли ҳисобланған киши үзгалар қошида гам-андуұдан шикоят қылса, унинг бекарорлығи ва күлфатта чидами йүқтігі мәйлум бұлади, унинг изтироби-ни күрган одамлар ахли тадбір әмаслигидан огох буладилар. Учинчи, ақлли кишининг үзидан еки қавму қариндошидан бирор яхши ехуд ёмон иш содир булса бу ҳақда мақтанса еки, аксина, нолиса, бу ҳам ақлилік сифати саналмайды. Бундай пайтада ҳам ақлли кишига жим туриш ярашади. Ақлли киши бирор учун яхшиликті қылса ва ёрдам құлниң чұзіб күлфатдан халос этса, бу пайтада ҳам жим түрмоги ва бу қылған яхшилигини барчага айттыңдар. Шеър:

Бирорға яхшиликті қылса ҳар инсон,
Ҳар ерда мақтаниб юрса зүр нұқсон!

Абулбаракот Қодирий

Ақлли одам аввал маслаҳатлашиб, сунг ишга қул уради. Ахмоқ эса аввал ишга құл уриб, кейин маслаҳатлашади.

Ақлли киши үз фикрининг меваларидан баҳраманд булади.

Ақлли одам үз дардини түшунадиган ва бунга йүл-йуриқ курсата оладиган кимсага айтади.

Ақлли одам оч қолмас.

«Оталар сұзи»

Бирор киши сен билан үтирганда қимирлаб, у ек бу өккә қарайверса, билгінкі, у сенға нимадир демоқчи булиб турған булади. Баъзи киши бирорға бир нарса демоқчи булса, гапиришдан аввал лабини қимирлатып туради. Агар бирор олдига бориб узоқ үтириб қолсанғ,

ҳалиги киши ўрнидан турса ёки бориб кийимини ушлаб қўйса, у одам сенинг узоқ ўтирганингдан зерикканини билдиради.

«Фавоқиҳ ал-жуласо»

Одамнинг ақли сузидан билинади.

Ақлли, шуурли бўлса ҳар киши,
Фақат керак сўзни сўзлашдир иши!

«Оталар сўзи»

Ақлли киши дунёнинг гам-алами ва бор-йўтига қайтurmайди, ортиқча мол топишга интилмайди. Мол ва пул учун фақат жоҳил кишиларгина интиладилар. Такаббурлик билан тумшукларини кутариб, иззат ва обру топиш кетидан қувадилар.

Муҳаммад Жабалрудий

Гийбат гуноҳи зино гуноҳидан ҳам улкан.

Кошифий

Яхшилар билан ҳамсуҳбат булиш ва донолар билан мулоқот қилиш саодатга элтади.

Кошифий

Бир сандиқ олтиндан бир зарра ақл яхши.

Ақлли киши одамларни мисол ва далил билан ишонтиради, ахмоқ эса қасам билан.

Ақли кўп бўлиб, узи одобсиз бўлган киши овга куролсиз чиққан кишиига уҳшайди.

Ақл баҳтга етиш воситаси.

«Оталар сўзи»

Оқил ўлғон билгай оқил қадрини.

Толибний

Нодон нодон билан дўст бўлса, бунинг асло таажжубли жойи йўқ, бироқ ақлли кишининг нодон билан ҳамсуҳбат булиши таажжублидир. Чунки ҳар бир нарса ўзига зид бўлган нарсадан қочади. Мос бўлганлари эса яқинлашади.

Муҳаммад Зеҳний

Доно ҳаргиз қилмади нодон била баҳс.

Мунис

Хулоса шулки, нодон ва жоҳил, нопок ва ноасл, қаллоб ва фосиқ кишилар сұхбатидан мутлақо қоч! Улардан узоқлашиб йўлини қидир! Уз тоза табиатингни нопок кишиларнинг ёмон хислатларига булгама! Шеър:

Киши ҳар ишга чин дилбаста булғай,
Тикан ҳам қулида гулдаста булғай!

Мұхаммад Жабалрудий

Нодонлик эрур элда маломатта далил,
Доно улус олдида хижолатта далил.

Навоий

Нодонга насиҳат қылсанг, бир қулогидан кириб, иккинчи қулогидан чиқиб кетади.

Нодоннинг фойдасига гапирсанг, жаҳли чиқади.

Ақлли кишида учта хислат бұлади: бирор нарса сұраса одоб билан жавоб беради, бирордан ёмонлик курса ҳам яхшилик қылади, халқи учун фойдалы фикрларни олга суради.

Ақл одамга ҳамиша ҳамдам ва дүст, мол-дунё эса ташлаб кетувчи бевафо меҳмон.

Пулни ишлатсанг озаяди, ақлни ишлатсанг сайқал топиб, күпаяди.

Ақллилик икки нарсадан иборат: ғазаб келгандан үзини босищдан ва бирордан кучли бүлгандан уни кечиришдан.

«Оталар сұзин»

Нодонга шаҳд берсант ани заҳр этар гумон,
Ҳар барги гулни, войки, ниши тикан билур.

Роқим

Нодонлик ўргатилмаган ҳайвонга үхшайди. Кимки унга минса хор қылади ва кимки унга яқинлашса түгри йулидан оздидари.

Нодон одам молни, ақлли одам эса фазлу камолни қидидари.

Мұхаммад Зәҳний

Мақсад юзин ҳамища анго кўргузур жаҳон,
Ҳар кимки, чашми нури хираддин тиҳи эрур.
Комил Хоразмий

Хар ким хунар қадрин билмаса күп дод,
У қуруқ сувратдир, девсифат бунёд!
Алафхұр мисоли эмасдир инсон,
Зийраклик, ҳушерлик пайида ҳар он.
Хар ким үқимоқдан қилмаса гар ор,
Тошдан лаъл чиқарап, сувдан дур-гавҳар.
Нече ақли тезлар қылыш бехүшлик,
Нодонлиқдан қылди сағолғурушилик.
Аммо таълим олиб исчалар нодон,
Ҳоким бұлды етти иқлимга чунон.
Обиҳаёт сувин ичганинг замон,
Үзни Хизр дея айлагин гумон.

Низомий Ганжавий

Нодонга неча яхшилиқ этсанг, билур ёмон,
Демант ғалат сүзүмни, муни қилдим имтиҳон.

Роқим

Арасту айтади: «Нодон үзига үзи дүппіман бұлади,
шундай бұлғач, у үзгага қандай дүст бұлсын!»

«Фавоқих ал-жуласо»

Инсон юксак камолотта әришув йўлида ҳаракат
қылғанидек, ақлий билишга ҳам ҳаракат қылса, ҳеч
шубҳасиз үзи интилаётган сұнгти даражадаги баҳт-сао-
датта әришади.

Абу Наср Фаробий

Аҳли донишлар тұшарға бүре топмайин,
Хайли нодонлар солиб маснадлар үза деболар.

Мунис

ҲИКМАТ. Күрлик нодонлиқдан яхшироқдир, чун-
ки күрлик үз әгасини соғға құлатса, бирор аъзосини
синдиради, нодонлик эса үз соҳибини ҳалокатта маҳ-
кум этади. Байт:

Нодоннинг күзи бор, күрмайди аммо,
Күрлар бор, күрмайди, лескин күп доно!

Муиниддин Жувайний

Хуш улким, суҳбати ножинслардин,
Қочиб ўлтурғали зиндона яхши.

Камий

Энг огир дард нодонлик.
Энг кучли хасталик пасткашлик.
Огир балодир ким бұлса нодон,
Нодон учун йүқдир дори-ю дармон!

«*Оталар сүзи*»

Билсанг, топсанг иложин, бұлмагил нодонга дұст,
Иттифоқ бұлсанг, изхор әтмагил асрордин.

Оразий

Неким қилди жохылки, эрди ёмон,
Тутуб аксини, топдым андин омон.

Навоий

ХИКМАТ. Сузни ҳакимлардан әшит, сұхбатни до-
нолар билан кил, саволни олимларға бер! Ҳакимлар
сүзіда маърифат жам, донолар сұхбатида бойлик,
олимлар жавоби саломатлық йүлидир. Байт:

Оқыл билан бұлсанг агар ҳамсұхбат,
Хар ишда мақсадинг бұлгай мұяссар.

Муиниддин Жувайний

Бирөвким узни билмас, билгүвчи йүл бошласа юрмас.
Совурғон, пир ургон жумла нодонликдан авлодур.

Оразий

Бефаҳмга сүз түшунтиришдан кура елкада тош та-
шиш ағзал.

Нодонлик бойуглидир, бойүгли эса доим харобани
излайди.

Нодоннинг вақти фойдасиз үтади.

Әшак оз овқат еб риәзат чеккан билан ақлли булиб
қолмайди.

«*Оталар сүзи*»

Ёинки бир аср зиндонда ётмоқ,
Нодон сұхбатидан кура яхширок.
Паҳлавон Маҳмуд

То кажлик ила бўйла мадор этди фалак,
Бераҳмлик ишини шиор этти фалак.
Нодонни азиз ҳам мукаррам айлаб,
Доно кишиларни асрү хор этти фалак.

Толибий

Аристатолис ниҳоятда қаріб ва бүкчайиб қолғанда, ҳаётининг гулзорида хазон мавсуми бошланғанда ва үлім әлчиси хавфу хатар солиб турғанда мусиқа илми-ни урганишга киришди. Дүстларидан бири унга: «Гuru каған ҳақыда үйлаш лозим булған бир пайтда, танбур чертишдан уялмайсанми?» деди. Байт:

Үқишу ўрганиш ёшларнинг иши,
Кексаларга созу тараб ярашмас!

Ҳаким унга: «Билмаслик оғир айбдир. Ана шундан уялиш керак», — деди.

Нодон севар замона, дод илкидин нетай,
Бошим олиб фигон ила бир томон кетай.

Баеный

ҲИКОЯТ. Айтишларича, бир доно киши бор эди. У камбағаллық күйига тушиб қолиб, бир мартабали одамнинг уйига үтгрилкка тушди. Қараса, уй эгаси қиммат-баҳо матолар устида ухлаб ётар, атрофида эса турли хил бойлайлар ястаниб турарди. Доно кишининг күзи мартабали одамнинг устида қилич ушлаб турған маймунга тушди. Маймун үргатилған бұлиб, шу онда үз соҳибининг юзида кетаётған чумолини қилич билан уриб үлдиришга шайланиб турған эди. Буни күрган доно киши чопиб бориб, маймуннинг құлайдан тутиб қолди. Уй соҳиби шарпадан уйғониб кетиб, воқеадан хабар топди:

Эй چархи фалак, замонайи дунпарвар,
Тескари юришинг тұғрига хатар:
Нодон бош устидаю, доно поймол,
Ё раб, бу фалакни эт зеру забар.

Паҳлавон Маҳмуд

Узича хулоса чиқариб деди: «Кишига толеъ қулиб боқса үгри унинг учун посбонга айланади, душман әса меҳрибон дүстга!» Байт:

Дүстинг бұлса агар беақт, нодон,
Үндан оқыл душман яхши минг чандон!
Хожа Самандар Термизий

Хар нечук нодон табибдан сурма дардингга даво,
Излагил ҳозиқ табиб, дардинга дармондин тила.

Хувайдо

Сардорлар үлди бекирадлар,
Ақл ахли юраги тұлды қона.

Басний

Дониш ила мен топиб мулки маонига даст,
Бұғз қилурлар аен ахли жаҳолат манга.

Мунис

Аларки муддаи норасоу дундурлар,
Мудом ахли хирад онда забундирлар.

Нодира

Нодон одамдан алоқани узиш — ақлли одам билан
алоқа қилишга баробар:

Нодон суҳбатидан айласанг ҳазар,
Вужудингта асло етмагай зарар!

«Оталар сүзи»

Доно билан зиндон ичида хуррам,
Нодон билан ҳатто бустон жаһаннам!

Хожа Самандар Термизий

Жаҳолат ахлига харгиз қүшилма, то тириксан,
Жаҳолат ахлидин минг йүл фузундир мисли
хирсу ит.
Оразий

Аҳмоққа салом берсанг, мендан курқаяпти деб
үйлайди.

Аҳмоқнинг юраги оғзида, ақлли одамнинг тили эса
юрагида бұлади.

«Оталар сүзи»

Шубон булмаса қўйдин боҳабар,
Бўридин етар анга ҳар дам зарар.

Пашшохужа

Аҳмоқлик тарбиясизлик туфайли кишининг табигатига ўрнаб олган иллатлардан биридир. У мустаҳкамланиб олгач, ҳеч бир ҳийла ёки даво билан йўқотиб булмайди. Байт:

Барча иллат учун даво муҳайёс,
Аҳмоқлик иллати аммо бедаво!

«Фавоқиҳ ал-жуласо»

Илонни киши тутса сар күфта,
Балодин қилур ўз йулин рӯфта.

Навоий

ҲИКОЯТ. Жолинус ҳаким вафот этгач, унинг хонасидан қуйидаги ёзувни топибдилар: «Энг аҳмоқ киши шундай кишики, топган емишини тўхтатмай оғзига солаверади. Ваҳоланки, табобатда ўртacha ейиш саломатлик гарови!» Байт:

Танпарварлик бўлса доим хаёлинг,
Қачон сенга кулиб боқади иқбол?
Гар гадосан, гарчи шоҳнинг лашкари,
Нафсинг орзусини йўқотгил дарҳол.
Дунёдан умидинг бор экан тезда,
Ҳавас қонин тўкиб айлагил беҳол.
Қаноатни бойлик деб бил үзингта,
Шунда баҳтинг кулиб, топасан иқбол!

Муиниддин Жувайний

Кўр ўз айбунг, азиндин изламагил,
Киши айбин қатиғлан кўзламагил.

Кутб

Ўзига ўзи мафтун булиш аҳмоқликдир.
Аҳмоқ одамдан аччиқланмоқ ўлик устида ашула айтмоқ билан тенг.
Аҳмоқ амалдан тез қулайди.

«Оталар сўзи»

Агар чандеки, ўрнунг бўлса афлок,
Қуёшдек ўп, юриб рухсораи хок.

Сўфи Оллоёр

Ҳакимлар одамнинг аҳмоғини ташқаридан кузатиб билиб оладилар. Аҳмоқ киши күнглига нима келса оқибатини уйламай қиласверади. Тажрибакор ва ақлли одамларнинг гапига қулоқ солмайди. Ақлсиз одамлар нима деса, улга рози булади, үзига бино қўяди. Кимки уни мақтаса, уша кишини яхши куради. Суралган нарсага уйламай жавоб бераверади. Ҳар бир ишда шошқалоқликка йўл қўяди. Илмдан холи, хатога эса кон булади. Бойиб қолса ёки бирорвга ҳожати тушмайдиган булиб қолса ҳеч кимни менсимай, магрурланиб юради. Сўкиниб гапиради. Бирор савол берса жавоб бергиси келмайди. Саволга қўполлик билан жавоб беради. Үзи сўрамоқчи бўлса ялиниб сўрайди. Кулса қаҳ-қаҳ уриб кулади, йигласа ундан уtkазади.

«Фавоқиҳ ал-жұласо»

Агарчи курсатса лутғу ниёз,
Кин аҳлиға такя қўлмоқ ёмон,
Инномоқ зиёндур, зиёндур, зиён.

Оразий

Замона талабига тескари юрган одам сув ичидан олов қидирган кишига үхшайди.

Аҳмоқ газабланса, шайтон унга акалик қиласади.

«Оталар сўзи»

ҲИКОЯТ. Бир аҳмоқ киши йулда кетар эди. Ногоҳ бир ойнага кузи тушди. Ойнага қараб, уз аксини курди-ю, дарҳол уз жойига қўиди ва деди: «Авф этинг, бу ойна сизники эканини билмабман!» Қитъа:

Ақлсиз қўлига тушганда ойна,
Уз аҳмоқ юзини кургай ҳамища.
Қизиқким, уз юзини курса ҳамки у,
Ўзганинг юзи деб қиласар андиша!

Мажидиддин Хавофий

Ҳар кимсанинг макони ўлса сахро,
Куруқ чўпдек қурутгуси ҳарорат.

Оразий

Билгали сұз хотири доно керак,
Күргали йүл дидай бино керак.

Саид Косимий


Кишиким аяmas хуш сұз кишидан,
Эмас гофил dame тангри ишидан.


Саид Косимий

Бұлар одам ёшида бош бұлар,
Бұлмас одам қирқида ҳам ёш бұлар.

«Амир Тсмур үтітлари»

ХАЛҚ, ВАТАН,
САФАР, САЁХАТ,
ЁШЛИК,
ЙИГИТЛИК,
КЕКСАЛИК





Ҳар киши эл учун тортса агар ранж,
Оқибат мұяссар бұлар унга ганж!

Мажидиддин Хавоғий

Аржумандлик байробини күттарувчилар ва сарбаландлык ногорасини қалуучилар шундай кишиларки, үлар халқнинг тинчлигини ва осойишталигини үйлайдылар ва кеча-кундуз шу ҳақда фикр қиласылар, барча кишиларни ўз ака-укаларидек күрадылар, бироннинг дил шишиасини газаб тоши билан синдиримайдылар, адоварат ва жафо тиканини бечоралик сахросида юрган ялангошқлар оғзи остига ташламайдылар.

Бархурдор ибн Маҳмуд

Одам эрсанг, демагил одами,
Оники, йўқ халқ ғамидин гами.

Навоий

Ўзунгни ўйлама танҳо, эл ичра содиқ бўл,
Наҳудча етса зиёнинг, ўзинг ҳаётдин кеч.

Дилшоди Барно

Ҳар кимки ўзин ўйлади, элдин хабари йўқ,
Ул абллаҳи бедин ила савдо қила кўрма.

Анбар Отин

Дардману жафокаш элга қилур,
Назм ила дардини шуаро.

Мунис

Даврон элининг жисмида ҳам жон булгил,
Ҳам жонларига мояи дармон булгил.

Навоий

Азиз халқингта доимо яхшилик қил, қилган яхшилигинг улардан сенга қайтади. Ҳеч кимсага қасдан ёмонлик қилма, кимки ёмонлик қилса, қилган ёмонлиги, шубҳасиз, узига қайтади.

Мұхаммад Жабалрудий

Не яхши үйлаким, маъқулу манзур,
Аваз халқим учун тўкулса қоним.

Аваз Утар

Халқ кимдан қўрқса, демак, ўша одам ёмондир.
Халқ билан хато қилиш якка-ёлгиз ҳолда хайрли иш қилишдан афзал!
Сен халқقا қанча аралашсанг, халқ ҳам сенга шунчака ёндошиди.

«Оталар сузи»

Одамларсиз яшама, одамлар орасида бўл,
Одамлар айбини кўрма, ўз айбингни кур.

Юсуф Ҳос Ҳожиб

Ундоб улуг чақирса,
Тезлик билан чопиб кел,
Очиликда бирга булгил,
Не ҳолда бўлса юрт, эл

Махмуд Кошгариј

Ақл ва ҳушерлик қабиласининг саркардаси, равнақ ва нажот майхонасининг соғ майидан ичувчиси шундай кишики, меҳру-муҳаббат асали билан умумхалқ-нинг роҳат оғзини ширин қиласди. Фард:

Асорат айлагай зеру-забар тинчлик асосини,
Вале бечоралар охи зулмни қылпуси барбод!
Бархурдор ибн Маҳмуд

Кимки халққа қандай мұомалада бұлса, халқ ҳам у
билан шундай мұомалада бұлади.
Нонсиз әл бұлмас, күппаксиз қишлоқ.

«Оталар сузи»

Үз гунохингни сұраб әлдин үтін,
Нафрат ути ичра булмасдин үтін.

Анбар Отин

Яхши ҳаёт ва узоқ яшаш учун халқнинг дуоси ва
шодлигидан кура яхшироқ посбон ва қуриқловчи йўқ.
Фард:

Бечоралар нафратидан эмин бўл,
Бир лаҳзада барбод қилур оламни!

Бархурдор ибн Маҳмуд

Ватанин шод этиш учун кўп қайгуринг.
Дилшоди Барно

Пишай десанг, сафар қил. Сафарда беш фойда бор:
кўнгил ёзиц, куч тўплаш, мол йигиш, илм ва одоб
урганиш, доно кишилар зиёратида бўлиш.

«Оталар сузи»

Кел эмди, Собиро, азми сафар қил,
Неча кун сайд тогу баҳру бар қил.
Ватанинг кулфатин токай чекарсан,
Ютарсан тобакай хуни жигар сан.

Сайқалий

Сафардан кўп тажрибалар ҳосил бўлади ва беҳисоб
фойдалар қўлга киради, деб эшитган эдим мен. Менда
уша тажрибалар ҳосил бўлди. Энди то ҳаёт эканман,
бошқа сафар қилиш ҳақида уйламайман.

Байт:

Гарибликни энди хавас қилмайман,
Дўстлар дийдори-ла булиш кўп хушдир.
Хожа Самандар Термизий

Одамнинг яхшиси сафарда билинади.
«*Оталар сузи*»

Азизим, сафардан кўпгина тажрибалар ва бехад фойдалар юзланади. Курмайсанми, осмон доимо айланиб тургани учун ҳамма нарсадан юқори, ер эса бир ерда тургани учун ҳар қандай нокас оёғи остида хор.

Байт:
Уйида юраги гуссага тулган
Кишига ҳаммадан яхшиси сафар.
Сафарким қанчалар оғир бўлмасин,
Уйда сикилишдан яхшию, беҳтар!
Хожа Самандар Термизий

Ватан сорига еткурдим қадамни,
Кунгулга сабт этиб сонсиз оламни.
Хуррамий

Ҳаёт лаззати — саёҳат!
«*Оталар сузи*»

Азизим, гурбат алами сенинг вужудингта етгани ва айрилиқ гармсели гулшанинг сари эстани йўқ. Сафар шундай дараҳтки, фироқдан узга мева қилмайди, гариблик эса шундай булатки, гам ёмғиридан узга томчиларни ташламайди. Йул азоби — гур азоби деганларидек, хақиқатан ҳам у дилни куйдирувчи бир шуъладирки, жигарни пора қиласи. Демак энг яхши йул шуки, кишининг азиз дустлари була туриб, улардан сафарни устун қўймайди, натижаси оху фироқ ёшидан иборат бўлган ёру диёр айрилигини ихтиёр этмайди. Чунончи, айтадилар:

Ватанин тарқ этмоқ ҳазил иш эмас,
Бу иш учун ҳар ким тоб беравермас!
Жудолик дараҳтдир барги йуқ, ёғиз,
Барги бўлса ҳамки, аммо мевасиз.
Бугун айрилиқдан юрагим гирён,
Азиз ёрни қўлдан чиқариб ҳайрон.
На кузда уйқу бор, на дилда роҳат,
Азоб ути барин айламиш горат!
Хожа Самандар Термизий

Тарк эт бу ватанни, күргил они,
Уд үз ватанида бир утундир.

Баєний

Айрилик ўти жаханнам ўтидан кучли,
Айрилик ұлимдан өмөн.

«Оталар сүзи»

Элу ҳалқимдин айрилдим,
Оташи ҳижрона туидим.

Ризой

Хуштур кишига бұлса мұқим үз ватанида.

Отой

Ватан надир, туққан ерим, турғон ерим,
Усиб-униб, үйнаб-кулиб юргон ерим.
Ватан менга ҳақиқатда құндоқ каби,
Тарбиянинг негизини күргөн ерим.

Сидқий Хондойлиқий

Үтар күнлар, үтар замон,
Эй Ватаним, бұлма ҳижрон!
Мен кетсам-да, сен бұл омон!
Омон — Ватан, Ватан — омон.

Авлоний

Ватан менинг жону таним саждаохымдур. У менинг тұлин ойим, тинч-омоним, иззатим, шарафим. Каъбам, қиблам ҳамда гулистонимдур.

Фитрат

ХИКМАТ. Азизим, кимки улуғлик тожи бошимга қуниб, саломат будай деса, ҳаракат камарини белига болгайды. Курмайсанми, пиәдалар шоҳмотнинг катагини босиб утганларидан сунг, мардоналиклари туфайли, фарзинлик даражасига эришадилар. Кичкинагина ой эса үн түрт күнлик сайдран сунг холлик даражасидан тұлин ойлик мартабасига ети-
Байт:

қиза инсонлар күрмайды хорлик,
хам кондан чиқиб, зарга етишди.

Хожа Самандар Термизий

Ҳамиша халқинга меҳрибон бўлгил,
Яхшиликка тириш ва омон бўлгил.

Носир Ҳисрав

Қубизини сайраттган баҳшига ҳалқи керак.

«Қўрқит Ота китоби»

Гар олтин қаср эса жоҳинг, улус ҳолига раҳм эттил.

Комил Ҳоразмий

Истасанг кўнглумга осойиш, қадаҳ тут, соқиё,
Ким даме йўққим, улусдан юз туман озори йўқ.

Хусайн Бойқаро

Раият эрур мевалик бир ягоч,
Сув берсанг анго, мева берур санго.

Пошшохужа

Ки ҳар ишники қилди одамизод,
Тафаккур бирла билди одамизод.

Навоий

Кимки эл ғамиладур сухансанж,
Анинг ҳар сузи дунёда улуг таңж.

Анбар Отин

Ростликка завол ўлмас эмиш, билинг,
Халқингни ҳалок этмагил, эй ёр.

Дилшоди Барно

Улки зафар шевасини тавр этар,
Элга демаким, ўзига жавр этар.

Навоий

Агар халқинг бошчиси яхши бўлса,
Унинг хизматчилари яхши бўлади.

Юсуф Ҳос Ҳожиб

Ушалким элди айбини ёшурса,
Худо ул бандани мағфур тутқай.

Нодира

Ұзунгта айла тавозуъ тариқасин пеша,
Юзунгни құлма совуқ халқ ичра, мисли қалос.

Шавқий Каттақұргоний

Подшолик истасанг бұл әл гадоси,
Ұзингни униту бұл әл ошноси.
Әл тож каби бошга күттарсун десанг,
Әл құлин тутгину бұл хокипоси.

Паҳлавон Маҳмуд

Оти чиқар кимдаки бор лутфу жуд,
Давлати шоиста дагул бенужуд.
Лутфу муруваттап йұлина ур қадам,
Ким бу дурур шохио таблу алам.
Кимдаким бордур лутфу карамдин нишон,
Үлса үзи, оти қолур жовидон.

Сайд Қосимий

Хар ёшкы әгадир ҳусну жамолга,
Осмонда қүёшдир етгач камолга!

Хуррамий

Ешилқда шундай иш құлки, қариганингда фойда
берсин ва унинг беҳуда үтганидан ағсусланма.

«Оталар сүзи»

Ешилк сенга бир йүл келиб, яна кетар,
Қадрига стиб үйнамогинг даркор.
Дилшоди Барно

Агар кишидан бир ёдгорлик қолмаса, уни одам
хисоблаш нораводир. Агар инсондан дунёда бир китоб
еки иморат қолса, у тириклар қаторида йүқланади ва
ундай киши ҳаргиз үлмайди.

«Фавоқих ал-жуласо»

Йигитлик мавсуми, даврон ғанимат.

Сайқалий

ХИКМАТ. Ұзини ҳусну жамолининг қадрини ва
өшлигининг бебаҳолигини англамаган йигит бу фази-
латнинг самарасидан бебаҳра қолади. Бир кекса киши
өшилар билан суҳбат қурганда уларга доимо шундай дер

Эди: «Уз ёшлигингиз қадрини билинг, ундан гофил булманг, эртага кексалик наббати етгач, надомат бармогини тишлаб қолишидан фойда йўқ!»

Тириклик боғидек боғ йўқ сафолиг,
Йигитлик мевасидек ҳам азолиг.

Кутб

Ёшлик мастилиги шароб мастилигидан ортиқ,
Йигит йигитдан йиқилади, аммо таслим бўлмайди.
«Оталар сўзи»

Сафар қилинглар — соглом ва насибали буласизлар.

Хадис

Қарилик мавсуми меҳнат, йигитлик вақти роҳатдир.
Хувайдо

Боғбондан парвариш кўрмаса ниҳол,
Улгайиб усолмас, тополмас камол!
Хуррамий

Йигитликда йиф илмнинг маҳзани,
Қарилик чоги харж қилани.
Навоий

ХИКОЯТ. Насаф фуқароларидан бўлмиш бир гурӯҳ йигитлар базм ташкил қилишган эди. Базмга мен ҳам таклиф этилган эдим. Бориши истаги кўнглимдан ҳеч урин олмаса-да, аммо қолиш хаёли ҳам унинг ўрнини босолмас эди, чунончи, бу ҳакда шундай хикматли сузларни келтирадилар: «Ўйнаб-кулиш ёшлар учун фазилат, қарияларнинг зийнати эса узлатдир!» Уша пайтилда шу ерли бир ёш йигит бўлиб, малоҳатда маъруф, латофатда машхур, соглому самимий эди.

Уни ҳам базмга таклиф этишган экан. Йулда ҳамроҳ бўлиб бирга кетдик.

Хунук, бадфеъл, бадхулқ кишилар билан,
Жаннатга бормоқлик абраҳимлик эрур!
Аммо пари пайкар, ҳурлиқ билан,
Дузахга бормаслик гумраҳлик эрур!

Базмга келгач, суврати инсон, сийрати ваҳший ҳайвон каби кишиларни курдим. Менга маълум булишича, базмдагилар утириш тутагач, шу ерда ётиб қолишар экан. Рухсат сўраб, кетиш пайига тушдим. Ҳалиги йигитга: «Тур, менга шерик бўл, бу ерда қолма!» деб қанча қистамай, гапимга кирмади.

Пандга қулоқ солса агар ҳар йигит,
Ақли раҳбар бўлар доим ўзига.
Ақлдан кам бўлса баҳрамандлиги,
Асло қулоқ солмас кекса сўзига!

Шундай қилиб, ёлгиз ўзим кетдим. Тонг отгач, эшитсан, базмдагилар ҳалиги йигитга қалтис ҳазил қилишибди. Йигит эса ёнидан пичоқ олиб, бир неча кишини ярадор қилибди.

Хуррамий

Машаққат чекмайин асло камола етмас инсонлик,
Йигитликда ярашимас ҳар ишда бўлмоқ

паришонлик.
Оразий

Умр ёшдин ўтар, ҳавас дилдин,
Аёғинг ҳеч узилмагай гилдин.
Кору боринг эрур пушаймонлиғ,
Бори суду зиён паришонлиғ.

Мужрим Обид

Мўмин киши бироннинг ҳақига хиёнат қилмайди.

Ҳадис

Жоҳил кексадан ақлли ёш яхши.

«Оталар сўзи»

Неча дам ганимат йигитлик чоги,
Юз онча ганимат тириклик чоги.

Хиромий

ҲИКМАТ. Қарилик зийнати гапираверишда эмас, балки жим утиришдадир.

Сенга айтай бир насиҳат, эй ўғил,
Сол қулогинг сенга бўлгай жону дил,
Кексаларнинг пандини единига ол,
Не деса «хўп» деб тилингни айла бол!
Ешилигинг сарф айла ҳар бир кексага,
Ердамингни кўрсат, айлан ҳассага!
Кексаларни курганингда қочмагил,
Мард кишилар одатидан кечмагил,
Эй йигит, эл бирла булсанг яхшидир.
Чехранг очиб, шод кулсанг яхшидир.
Шундайин йўл тутки, қолма бехунар,
Кимда булса гар хунар ризки унар.
Яхшиларнинг сұхбатидан тортма бош,
Ёки оқиллар юзига отма тош.
Мард кишиларга кўшил, мардана бўл,
Яхшиликнинг бобида дурдана бўл!
Ешлик айемида ҳар иш осон,
Қаригач кучдан қолиб аҳвол ёмон.
Хўл шохни қайирмок мушкул эмас,
Шох қуриб қолгач ёқингтай ҳар нафас.
Еш ниҳолта сув бериб хўп бокишар,
Қаригач арра солиб сунг ёқишар.
Ешилигинг бил ганимат бебаҳо,
У билан мақсадга етмоқдир раво.
Айни меҳнат пайтидир, хўщер бўл,
Барчани хурмат қили бедор бўл.
Уйлама шундай қолурман деб абад,
Ешлик айемингга бордир чеку ҳад.
Этагингни кексалик қули тутар,
Беҳисоб гамлар уша онда етар.
Бунда сенга лозим ўлғай ул хунар,
Ул хунар фазли била гамлар ёнар.
Сен шунинг-чун дангаса бўлма, ўғил,
Ғайрат айла, бехунар қолма, ўғил.
Гар кишига яхши инсон ёр бўлар,
Яхши инсон бирла баҳтиёр бўлар!

Хуррамий

Эй йигит! Ён-атрофингта қара, манман деган забар-
даст кишилар ажал шарбатини ичмоқдалар. Куни ке-
либ сенга ҳам бу косани сипқорищ навбати етади.
Шундай экан, азиз умрингни гафлат билан утказсанг,
бундан ҳам оғирроқ шармандалиқ ва нобакорлик бўл-
майди!

Муҳаммад Жабалрудий

Қарилар ҳолига бок лутфинг қузидан эй йигит,
Ким, камоли ҳусн ожизлар дуосидин санга.

Oтажий

Үз юкини үзи тортмай, бошқаларга ташлаб қўйган
киши охири хор бўлади.

«Оталар сўзи»

Ганимат тут жамолу ҳусн даврин,
Масалдурким: «Яна бу дам топилмас».
Вафо қилким, йигитлик бўстони,
Ҳамиша тозаю хуррам топилмас...

Отойи

Эй фарзанд! Агар дунёда доимо баҳтиёр бўлай деса-
нг, айтилган насиҳатларни ҳеч қачон ёдингдан чиқар-
ма!

Луқмони Ҳаким ўз ўғлига насиҳат қилиб айтаркан:

— Эй ўғил, бирор киши олдингга бир ҳожат билан
келса, ундей кишини ноумид қилиб қайтарма. Қулинг-
дан келганча ҳожатини раво қил. Ёнингда етарли маб-
лагинг булса, ҳожатманд одамларга қарз бер! Баъзи
кишилар бисотида булса ҳам қарз беришдан оғринади-
лар. Керак булиб қолганда қарз бериб, ҳожатманлар-
нинг ҳожатини чиқармоқ дунёда энг яхши фазилатлар-
дан ҳисобланади.

Луқмони Ҳаким доимо қарз олар ва пули бўлса
бошқаларга қарз берар экан. Унинг, ҳиммати ва са-
хийлигини эшитган кишилар узоқ шаҳар ва қишлоқ-
лардан қарз сўраб келишаркан. Кунлардан бир кун
номаълум бир савдогар унинг ҳузурига келди ва деди:

— Эй Луқмон, мен машхур савдогар эдим. Давр
ходисотлари туфайли бутун мол-мулкимдан ажрадим.
Хозир қулимда ҳеч нарсам йўқ. Қулимдан ҳеч бир иш
келмайди, касбу ҳунарим ҳам йўқ. Сендан қарз сўраб
келдим!

Луқмон уйидан минг динор чиқариб, савдогарнинг
қулига тутқазади. Буни кузатиб турган Луқмоннинг
ӯғли отасига қараб:

— Эй ота, шунча пулни ҳеч вақоси йўқ нотаниш
одамга бериб юбордингиз, у тониб кетса нима қила-
сиз? — деди.

— Эй углим, — деди Лукмон, — одамлар ҳеч қачон яхшилигингни унутмайдилар. Вактингча улар сендан юз ўтирасалар ҳам вакти билан инсофга келади. Ҳар бир инсон қулидан келса бошқаларга яхшилик қилмоғи ва қилган яхшилигини унутмоғи зарур. Аммо бошқаларнинг ўзига қилган яхшилигини эса унутмаслиги керак.

Мұхаммад Жабалрудий

Инга киришлиш үйланиб үпіргандан яхши, гафлатда қолишэса
кучидушмандан баттар!

Мұхаммад Зеҳний

Ишни пайти келгач, айлагин оғоз,
Замоннинг зайлуга қараб бошла боз.
У угри кишики тортиб неча ранж,
Талаб қилиб тунда қидиради ганж.
Тараннум қиласман чиройли суруд,
Белидан узилмай турсагина уд!
Дәхқон деб үйлама ҳар ким сочса дон,
Донидан дон чиқса үшадир дәхқон!

Низомий Ганжавий

Умр чун борди ҳаводис, тоғыл одам билмади,
Ою кун оромига бир лаҳза фурсад эмас.

Машраб

Қудратта эга бүлган пайтингда ихтиёринг жиловини нафс қулига тутқазмаки, у сени ҳалокат жарига қулатади. Голиб бүлган пайтингда муруватни ҳам уйла. Қул остиңдагиларга шафқат билан қарасанғ, улар ҳар куни келиб сенга шафқат күзи билан боқиша-ди.

Ибн Камолпошшо

Хорлик йүқлиқдан келиб чиқади.

«Оталар сүзи»

Одамдин нур олди ҳар лайлу нахор,
Тарихнинг ҳисобин топғон ҳар одам.

Дилшоди Барно

Талаб қил бўлса ганжи безиёни,
Санга бўлгай чу умри жовидони.

Хувайдо

Эски бузук харобада чугздек айладим ватан,
Бир тузук ошиёна йүқ, келмаса-келмасун нетай.

Басний

Хуш ул чоқким вафо қылса бу ожун,
Умур уксулмаса, кечмишча бу күн.

Кутб

Одам эрсанг ташқи суратга берма зеб,
Она юртингни ҳамища айла зеб.

Анбар Отин

МАРДЛИК,
ШИЖОАТ, ФАЙРАТ,
ХУШЁРЛИК
ФОЙДАЛАРИ ҲАМДА
НОМАРДЛИКНИНГ
ЗАРАРИ





Ҳар ким тута олса ўлимни ҳам хор,
Шижаат бобида бўлур улугвор.

Абулбаракот Қодирий

Азизим, ботир деб шундай кишига айтиладики, у ўз элининг тинчлиги учун ҳар қандай машаққат қадаҳини қабул қилиб, шоду хуррамлик билан нўш этади. Марди майдон деб шундай кишига айтиладики, бундай кишининг ақли бирор ишни қилишга қарор топса, жонидан кечиб, ҳаётидан қўл ювиб, мақсад майдонига қадам қўяди. Байт:

Жондан кечиб майдон сари сурган от,
Бахту-иқболига бўларсан муюссар!
Хожа Самандар Термизий

Довюрак бола найза ва ёйи билан
Тик қояларни кезиб
Ёлгиз юради дейишади,
У мана шундай ботир экан.
Билиб қўйинг: бу — яхши.

«Таъбирнома»

Маъмуннинг вазири Муҳаммад ибн Довуд кунлар-

дан бир кун бир одамнинг шундай деб турганини эши-
тиб қолди:

Акъл эгаси булсанг журъатга ҳам эга бўл,
Чунки журъат бўлмаса иккиланиш юз берар.

Шунда у қўйидаги байтни илова қилди:
Журъат эгаси булсанг шошиб ишга солмоққа,
Чунки журъат бузилса ишни орқага сурар!

Муҳаммад Зеҳний

Оlam фили қайтаролмас журъатимиз,
Чархдан зўрроқ щавкатимиз — кудратимиз.
Гар чумоли кириб қолса сафимизга,
Шер этажак уни дарҳол давлатимиз.

Паҳдавон Маҳмуд

Кишиким бозусида бордур зўр,
Узиндин айламас озори бир мур.
Сайд Қосимий

Туққуз кўқдин ўтсанг ҳам этма гурур,
Ки факр аҳли олдида ҳечдур бу туққуз.
Эмас мард тургонни йикса киши,
Агар келса қўлдин йиқилғонни тургуз.

Мунис

Анушервон Бузургмехрдан суради:

— Шижаот нима?

Бузургмехр унга:

— Юракнинг куввати! — деб жавоб берди.

Анушервон яна ундан:

— Нега қўлнинг куввати эмас? — деб суради.

— Агар юракда қувват бўлмаса, — деб жавоб берди
Бузургмехр, — қўлда ҳам қувват бўлмайди, қўл қуввати
юрак қувватига боғлиқ!

Шеър:

Юракнинг кучидан қўл куч олади,

Кимда юрак кучли, қўл ҳам кучлидир!

Абулбаракот Қодирий

Матонат бу хар бир инсоннинг ўз фикрида ва сўзи-
да саботли булиши, бир ишга қўл урганда уни охирига-
ча етказиш учун маҳкам туриши ва барча ишда сабр
қилишидир. Матонатсиз одам бир ишни бошлайди,
бироқ салгина қийинчилликдан сўнг уни ташлаб юбора-
ди. Бирор киши уни салгина койиса ёки камчилигини

танқид қылса, дархол иродаси букилади ва ишончини йүқтади, шубха остида қолиб, қилаётган яхши ишини ҳам чала қолдиради.

*Хаёлиддин ал-Ҳасаний**

Мардона бул, эмди яхшидур иш келиши,
Тангрига сени, элни сенга топширдум.

Бобур

Аллоҳ гайратли одамни яхши күради.

Ҳадис

Азизим, ҳар қандай семиздан ботирлик умид қилиб бұлмайди ва ҳар қандай зёр овозли ва йүгөн жуссалидан күвват тамаъ қилиш ноўриндир. Күрганмисан, қамиш қанчалик йүгөн бұлмасин, барибир ингичка чүпдек си-нади, лайлакнинг қадди қанча дароз ва баланд бұлмасин, бургут құлда ожиз булиб қолади. Байт:

Мардлик кичиклигу йүгөнликдамас,
Қара, лайлак йүгөн, бургут кичикдир!

ҲИКОЯТ. Тулки урмонда яшар эди. Бир куни эрталаб овқат излаганича ҳар томонни кеза бошлади. Тасодифан бир товуққа күзи тушиб қолди. Уни тутишга бел болглади. Шу пайт қулогига баланд бир овоз әшитилди. У чор-атроғға қараб, дарахт тепасида турған йүгөн гавдали, семиз бир нарсаны күрди. Иштахаси очилиб кетди. Уша семиз нарсага әришиш мақсадида юз ранжу кулфат билан дарахт тепасига чиқди ва унга чанғ солди. Уша нарсанынг ичи бүм-бүш булиб, ҳаводан үзга нарса йүқ эди. Тулкининг очқузлиги туфайли бу ногора унинг күзига семиз ҳайвон булиб күринган эди. Шамол таъсирида дарахт шохлари тебраниб, унга урилар ва чиқаётган овоз ҳайвон овози булиб туолған эди. Тулкининг дили ҳасрат үтидан күйиб, надомат әшларини түкди. Сүнгра үзига деди: «Эссиз, бу ҳаводан шишигтан нарсаны деб ҳалол сайдимни күлдан чиқардим, фойдасиз бу йүгөн гавдадан ҳеч манфаат етмади!». Қитъа:

Ногора даранглар тинимсиз, вале,
Ичи бүшдир, бунда нима фойда бор?
Ақлинг бұлса ишнинг танини үйла,
Ялтироқ ташига құлма эътибор!

* XV. аср охирлари — XVI. аср биринчи ярмида яшагэн адіб. Ҳикматләри мұмтоз пандномалардан жой олған.

Инсонни унинг лисони, яъни тилидан синамоқ керакки, ҳикматларда: «Одамнинг кимлигини либоси ва салласидан эмас, тилидан билинг!» — дейилади.

Хожа Самандар Термизий

Эй азиз фарзанд! Билгинки, шижаот барча фазилатларнинг онасиdir. Кимда шижаот бойлиги бўлса, унда хилма-хил фазилатлар булади. Шижаотли кишини барча яхши куради. Шижаотли киши жангда ҳам душман дилига ваҳима солади, бошқаларни олга юришга илхомлантиради.

Мард билан улфат бўлган мардликка ётади, номардга яқин юрган киши гамдан боши чиқмайди.

Мард одамнинг ваъдаси ҳам нақд, ҳам тез булади.
«Оталар сўзи»

Мард келдинг, мард кеттил, тоқатинг тоқ бўлса
ҳам,
Утма номард кўпригидан сув сени оқизса ҳам.

Оразий

Азизим, бургутга шоҳлар қўлидан жой тайин этилганининг боиси шулки, у узини бойугли каби уй ичига олиб утирумайди. Бойуглининг деворлар орасида қолиб кеттанининг боиси эса харобалардан умид узиб чиқа олмаслигидир. Байт:

Бургут каби жавлон уриб сайр қил,
Бойуглидек токай жойинг вайронан?!
Хожа Самандар Термизий

Гар мард эрсанг тилингни сакла,
Гийбату бўхтону дилозорликдан асра.

Кошифий

Яна билгил кимунким гайрати бор,
Тиши эрса эрур (ул) эрди тақи эр.
Эрур гайратсиз эр мен тегали мумун,
Ул эрдин бекрак улгайратли хотун.

Кутб

Марди майдон шундай одам буладики, эртаю кеч душманга зарару, дўстга фойда келтиради.

Абу Райхон Беруний

ҲИКМАТ. Мақсадни құлға киритища ғайрát иш беради. Ҳар кимда ғайрат бұлмаса, унда үзгаларға ибрат була олиш қобилияти бўлмайди.

Мұхаммад Жавҳар Заминдор

Бўлмоқ қерак ҳамиша инсонда тоза ғайрат,
Қул ушлашиб иш ишланг бир-бирингга бомуҳаббат.

Оразий

Бир куни бир ҳакимдан: «Ботирлик яхшими ёки ақлу тадбирми?» деб сурадилар. У эса: «Ботирлик тиг бўлса, ақлу тадбир қулдир. Агар уларга иш қилиш топшириладиган бўлса, қўл тигсиз ҳам уни амалга ошира олади, аммо тиг қўлсиз бирор ишни амалга ошира олиши муаммо!» деб жавоб берди. Қитъа:

Ақлу тадбирсиз киши қўлдан берар мол-мулкин,
Ақлу тадбирга суюн бойлигим турсин десанг!

Абулбаракот Қодирий

Хушер шундай одамки, қулида борини дикқат билан сақлайди. Бутунги ишни эртага қолдирмайди.

Йигитликка ярашгай қаҳрамонлик бирда полвонлик,
Тенгу туш фазлу хунар томоқда мактабда юриб,
Куча-кўйда сен юриб чекмоқ алам даркор эмас,
Кундалик умрингни урганмогу ургатмоққа бор,
Бу жаҳонда ҳеч бир иш кўрки нодаркор эмас.

Оразий

— Йигит йигитдан нимаси билан ортиқ?

— Хушёрги билан!

Хушёрги улкан бойлик, танбаллик эса вақтни бекорга утказишидир.

«Оталар сузи»

Азизим, жанг они ва уруш соатларида баҳодир киши фақат шұхрат ҳақида үйламаслиги, ҳаётим ва мол-мулким ҳеч нарса эмас, деб узи учун узи ҳукм чиқариши зарур. Жанг пайтида арзимас нарсалар ҳақида үйлашдан кўра енгиш ҳақида үйлаш афзал. Байт:

Номусдан афзалроқ бўлса агар бош,
Салламас чимматни ёпингин, эй ёш!

Хожа Самандар Термизий

Кишиларнинг суқига ишингни бермагин,
Вафосиз кишиларга ошингни едирма.

Юсуф Хос Ҳожиб

Айтишларича, бир араб саркардаси бор эди. Қарыб қолишига қарамасдан унинг дилида ҳамон шижаат йўқолмаган эди. Бир куни отга минмоқчи булди. Икки киши келиб, унинг құлтигидан олиб, отга зўр-базур миндириб қўйдилар. Улардан бири таъна қилиб: «Отига зурға миндириб қўйдигу, унинг қўлидан нима иш келарди?» деди. Буни эшитган саркарда бояги одамга деди: «Ҳа, отга икки киши миндириди, аммо уни минг киши ҳам тушира олмайди!».

Буни эшитиб турган Анушервон унга таҳсин ўқиди ва деди: «Ҳа, у рост айтади, қўл юрак қувватига тобеъдир, унинг юрагида ботирлик кучи бор!»

Абулбаракот Қодирий

Азизим, беақл киши шундай кишики, жанг вақтида сулҳ тузишни истайди, тинчлик пайтида эса жанг қилишни хоҳлайди, қаҳрини сочиш лозим бўлган пайтда лутфу карам эшигини очади. У оқилларнинг мана бундай деганини билмайди:

Бемаврид жангу сулҳ фойдасиз, зиён,
Гулга гул бўлгину, тиконга тикон!

Ёки:

Тинчлик истасалар, тинчликдан кечма,
Жангга талаб қўйса юз буриб қочма!

Хожа Самандар Термизий

Бир кунлик адолат юз кунлик тоат-ибодатдан афзал.

«Амир Темур утитлари»

Афросиёб ўз лашкарларига: «Жангта ҳарис бўлинг, узок яшайсиз, үлимга ҳозир бўлинг, баҳту иқболингиз кулади!» дер эди.

Келтиришларича, Искандар жангга отланиб кетиш олдидан устози Арастудан насиҳат ва маслаҳат олар экан. У бир куни Арастуни чақирди ва унга деди: «Эй ҳаким, мен узок юргларга бормоқчиман, у ерларда турли хил одамларга дуч келаман, улар билан қандай муомала қилишим керак?» Ҳаким унга шундай насиҳат қилди: «Эй Искандар, иложи борича одамларда узингта нисбатан душманлик ҳиссини уйғотма, дустларингни эса ҳар хил сўз ва феълинг билан хафа булишларига йўл қўйма. Бирор сенга душманлик қиласа, унга ёмон кўз билан қараш ўрнига яхши сўз ва ҳадялар

билин хурсанд қил, натижада дүстігі айланади. Дүстларыңни гапига қулоқ сол, уларнинг иззат-хурматини жойига құй, шунда улар душманга айланмайды». Искандар унға: «Яна давом этти», — деди. Ҳаким деди: «Душманинг битта, иккита бұлса ҳам уларнинг нима қилаётганидан бехабар бўлма, юмшоқлик билан қилиш мумкин бўлган ишни қўпоплик билан амалга оширма!»

Абулбаракот Қодирий

Оқил ақли ҳисга гирифтор бўлмас,
Ҳасад қилган билан тилю хор бўлмас.
Номард — ит кабидир, мард буюк дарё,
Дарё ит дамидин ҳеч мурдор бўлмас.

Паҳлавон Маҳмуд

Елғончилик кишини адолатдан юз угиртиради.

Абу Райхон Беруний

Номард одам ҳақни қуйиб, ноҳаққа майл этади.

Номард киши узрингни қабул этмайди, хатоингни эса кечирмайди.

Разилона яшагандан мардона улган яхши.

Заиф одам әхтиёткорликни қўлдан бермаса душманини йиқади.

«Оталар сўзи»

Номард хизматига ёндошма зинҳор.

Паҳлавон Маҳмуд

Кўрқоқнинг жанжали узоқ бўлади

Бирорни қўрқитмаган бирордан қўрқмайди.

Кучли одамларга ярашмайдиган иш кучсизлардан қасос олиш,

Чиқмагил маккорликнинг томига,

Тушкасен аду балонинг домига.

Арфа экиб дашиб билан роғда,

Бугдой олгум дема урар чоғда.

Алмай

Одамига тажриба доя этар,

Ростлик эр ўғлина моя этар.

Ҳайдар Хоразмий

Олам иши бошида бўлмайди бир мард,

Номарднинг бошидан чиқараарди гард.

Олам иши доимо мисли нард ўйин,

Найранг билан ютади мардларни номард.

Паҳлавон Маҳмуд

ИШҚ, МУҲАББАТ
БАЁНИДА





Мұхаббат аҳдининг жүёни бўлгил,
Ўшалким ушлади, қурбони бўлгил.
Мұхаббатсизки бўлди ҳар қаю зот,
Агар фарзанди шириндур, эрур ёт.

Сўфи Оллоёр

Ёрнинг васли эмас озорсиз,
Гулшан ичра гул топилмас хорсиз.
Тан бузулди эмди роҳат қолмади,
Соя пайдо бўлмагай деворсиз.

Нодира

ҲИКМАТ. Ишқ либосини кийишдан ор қилиш ва
муҳаббат лаззатидан бебаҳра бўлиш табиатнинг оғир
жафоси ва касаллик тақозосидир.

Мажидиддин Ҳавофий

Мұхаббат баҳри ошиқлар еридур.
Анга кирган тақи эрнинг эридур.
Мұхаббат шарбатин ичган унутмас,
Анга ҳар ким насиҳат қылса тутмас.
Керак ошиқ чиройи заъфарондек,
Нигори фикрида барги хазондек.
Эрур чун ишқ дарёси муazzам,
Кира олмас анга ҳар қайси одам.

Мажлисий

ҲИКОЯТ. Келтиришларича, ҳижрон гамидан ўқ еган бир киши иочорлик туфайли тоҳ йиглар, тоҳ кулар, тоҳо нола чекиб, бошига тупроқ сочар эди. Уни курган бир киши: «Ажабо, бу одам жинни булибди, уни бандга солиб, даволаш керак, токи бу номақбул қилиқдан қутулсин!» деди. Бироқ унинг дардидан воқиф бир киши утиб борар экан, шундай деганини эшитдим:

Ошиққа на занжир, ва на банд писанд,
Унга таъсир қилмас, на таъна, на панд!
У шундай ҳолдаки, ўт ичра гүё
Ташлаб юборилган бир сиқим сипанд!

Хуррамий

Ҳамдами ишқ булмади ҳар булҳавас,
Ўтга ёвуқ келса, куяр ҳар хору хас.

Сайд Қосимий

Жон бериб абнои даврондин вафо кўз тутмаким,
Йўқтурур бу шева не маҳбуб, не аҳбобда.

Хусайний

ҲИКМАТ. Киши ўз ёрини ағёр билан кургандан кўра жудолик меҳнатини тортгани афзал. Байт:
Умрбод жудолик курганим афзал,
Сени ўзга билан кургандан бир он.

Муиниддин Жувайний

Васл истама ҳажр ранжи чекмай,
Ким комини топти бериёзат.

Комил Хоразмий

Кунгул севганиларига лутф эттай,
Севмаганилар жаҳаннамга кеттгай.

Сайедий

Ошиқ бўла билмас кишики жонин аяса
Ушишоқ кўзина сару дастор кўрунмас.

Хофиз Хоразмий

Мусулмони комил булишингиз учун бир-бирингизга муҳаббат қўйишингиз шарт. Урталарингизда муҳаббат пайдо булишиғ учун саломни ошкоро берингиз ва бир-бирингизга жаҳл қилишдан сақланингиз, чунки

жаҳл тарашлагучидир, яни у сочни тарашламайди,
балки динни тарашлайди.

Хадис

Ишқ рамзидин агар бир қылча фаҳм этса факих,
Тарк этар эрди қамуқ фатвою қилу қолни.

Отойи

Түгри юрган ошиқлардан худо рози,
Ошиқ иши осон эмас, қилма бози.
Елғончилар «ошиқмен» дер, Оллох қози,
Имонини пучак пулга сотар эрмиш.

Аҳмад Яссавий

ҲИКМАТ. Сурадилар: «Ошиқ учун энг оғир уқубат нима?» Жавоб берди: «Узок мұддатли умиддан кейинги ноумидлик!» Байт:

Умидвор булса-ю, ноумид қолса,
Бундан ортиқ дард ійқ ошиқ-маышукқа!

Мажидиддин Хавофий

Муродим булмасун ҳаргиз мұяссар,
Күнгүлда сендин үзга бұлса матлуб.

Отойи

Мұхаббат маслағатсиз пайдо бұлади.

«Оталар сузи»

Бир бузук вайронадур ул үйдаким ёр бұлмаса,
Ёр ила обод эрур, ул үйда ағер бұлмаса.

Хувайдо

ҲИКОЯТ. Мажнун ҳақида ҳикоя қилишларича, у ҳар куни Лайлини күргани келар, аммо Лайли ундан юзини яшириб олар экан. Бир куни Лайлидан: «Нега юзингни ундан яширасан?» деб сурадилар. Лайли: «Ҳар куни юзимни күрсатаверсам, унинг дилида менга нисбатан бұлған мұхаббатни камайиб қолишидан құрқаман!» деб жавоб берди.

Хуррамий

Зинқор ишқ ишин үсал тутма, эй күнгүл,
Осони мушкул эрур анинг мушкилоттин.

Отойи

Бирор нарсага ортиқча муҳаббат қўйиш кўзни кўр,
кулоқни кар қилади.

«Оталар сўзи»

Ошиқи содиқ эсанг жонон учун жон ўйнагил,
Неча мушкил бўлса жон ўйнамоқ, осон ўйнагил.
Чунким айладинг жигар бирён муҳаббат ўтина,
Бошни бир ён солғилу жонинтни бирён ўйнагил.

Хофиз Хоразмий

ҲИКОЯТ. Айтишларича, Хусрав Парвиз ўзининг қонхур душманини ўлдириш мақсадида кучли заҳар тайёрлатган эди. Заҳарни шишага қўйдирив, ҳеч ким кўрмайдиган жойга осиб қўйди. Сунг Ширинга тайинлаб деди: «Зинҳор бу шишанинг оғзини очма, ҳеч кимга кўрсатма, ҳакимлар ҳикмат юзасидан кўп йил уринишлардан сўнг ушбу нарсани юзага чиқардилар!»

Айтишларича, кунлар ўтиб Ширин Фарҳод билан учрашиб қолди. Ширин унга илтифот тариқасида ўша шишадаги нарсадан қуйиб узатди ва деди: «Бу шундай шарбатки, Хусрав унинг ҳар қатрасини жонидан азиз кўради, ҳеч кимга бир томчисини ҳам раво кўрмайди». Ширин унинг қаттол заҳар эканини билмас, аксинча, жон бағищловчи обиҳаёт шарбат деб хаёл қиласр эди.

Фарҳод Ширин қулидан писланни олди ва уни оддий сувдек сипқарив юборди.

Ҳар киши ишқ йўлида лофт урса-ю,
Жонидан қўрқса агар ошиқ эмас!

Ширин ундан: «Қалай, асал эканми?» деб сўради. Фарҳод «Билмадим, аммо уни сенинг қўлингдан ичганим учун асалдан ширин!» деди.

Кимнинг юрагида ишқ бўлса пинхон,
Заҳарни шакар деб қилади гумон!

Хуррамий

Агар маъшуқа майли йўқ, билингиз
Ета билмас анга ушпоқ ҳаргиз.

Мажлисий

Ақл ила ишқ ҳаргиз туз келмади бу йўлда,
Ошиқ қошинда сиғмас чун зоҳиди мувасвас.

Хофиз Хоразмий

Мұхаббатсиз киши одам әмасдур,
Гар одамсен, мұхаббат ихтиёр эт.

Нодира

Жавру жафо йүқтүрүр ишқда,
Айни вафо турур қаму озори ишқ.

Хофиз Хоразмий

Гар қабулиятға қобил түнса жон жоним санга
Жонима миннат фидо бұлсун, бегим, жоним санга.
Гадой

ҲИКОЯТ. Бир киши үз үглині ҳаёт учун зарур булған баъзи фанларни үрганиш учун бир муаллимга топширди. Байт:

Дунёнинг қарори илм биландир.
Илмсиз кишига йўқдир эътибор.

Бир куни муаллим онасига шикоят қилиб: «Үглинг илм үрганишга унамаябди, вақтини ўйин-кулги билан зое ўтказмоқда», деди. Байт:

Ҳар инсон илмдан топса баҳра,
Иши үқиши ила саводу жавоб!

Онаси муаллимдан: «Билолмадингми, унинг табиати қайси касбга мойил, ҳаракати қайси ишта қобил?» деб суради. Муаллим: «У касб үрганишдан үтиб, қобилиятдан маҳрум булған. Бишлишимча, унинг хотири маҳбуб учун нигорон, дили эса маъшуқ юзига ҳайронга уштайди:

Узи меҳнатга ожизу, боши савдога лиқ тұла.
Бугуну эртанинг фикри ҳақида уйламас сира!

Мен илму иймөндән савол қылсам у васлу хижрондан гапиради, мен ҳалолу ҳаромдан ҳикоя қылсам, у зуиф ила холдан оғиз очади!» Онаси деди: «Ишқ кучасидан юришнинг оқибати саломатлик бұлмаса ҳам, аммо бу йүлдан юриш маломат ҳам әмас! Ишқ изтиробли бұлса ҳам, аммо ошиқ бўлиш ихтиёрий әмасдир! Байт:

Домга тушган noctor қушнинг ҳолини
Озод юрган бургут билмас ҳеч қачон.

Қафасдаги булбул нолишин эса
Ер-ла юрган калтар сезмас бегумон.

Уни озод қил! Ишқда шундай хосият борки, у
кишини латофатли, назокатли ва ҳушёр қиласи! »
Байт:

Хар кимсанинг боф ила бўстонлари бўлса ҳам,
Хушнуд эмасдир ҳаргиз унда ёри бўлмаса.
Кўнгил бермоқ биронга, ҳаётнинг ўзи шулдир,
Жонсиз сувратдир кимнинг гулузори бўлмаса!

Мажидиддин Хавоғий

Муҳаббат мулкина ким бўлса восил,
Бўлур ул маъно ичра пири комил.
Муҳаббат мулкини изла одам ичра,
Уюб қолма бу олам ичра гоғил.

Ҳоғиз Хоразмий

Гар табассум айласанг гулшандаги гуллар аро,
Лабларингнинг рантига гул барги хандон ухшамас.
Хувайдо

Яширин тутилган севги
Айрилган кун билинار.
Оғриқ кўзни беркитма,
Ёши ошкора қилас.

Маҳмуд Кошгари

Үзинг биродар кўнглини билмоқ истасанг,
Суз билан газабини келтир ва қовоғингни сол.
Сени севиши, севмаслигини билайн десанг,
Севимлироқ нарсасини сўра, дарҳол тушунилади.
У бу икки нарсага қовоғини солмаса,
Ушбу кишини жон билан тенг тутиш керак.

Юсуф Ҳос Ҳожиб

ҲИКОЯТ. Айтишларича, Лайли ишқ ва ҳуснда
машхур булиб кетгач, ўша давр подшосининг кўнглида
уни куриш истаги тутён уриб, шунча гап-сўзга сабаб
бўлган Лайлининг жамоли қандай эканини билмоқ
истади. У Лайлинни кургач, ҳафсаласи пир, хилватга
равона бўлди ва яқинларига қараб: «Лайли чиройли
эмас экан, Мажнуннинг унга шунчалик мафтун були-
шининг боиси нима?» деди. Улар «Лайлининг гузалли-

гини пайқаш учун унга Мажнуннинг кўзи билан боқиши керак!» деб жавоб беришди.

Хуррамий

Табибо, сен даво топмакни қилма ихтиёр ким,
Мұҳаббат дардига ҳеч кимса топкан йўқтур дармони.

Увайсий

Ер айласа ёри бирла ифтор,
Йўқ рўзада мундин ўзга давлат.

Нодира

Севгининг кўзи кўр.

«Оталар сўзи»

Тиласмагил жаҳондин нўшдору,
Асалнинг таъми чун орқамда йўқтур.
Вафо излама ҳар мужримдин, эй дуст,
Вафо ҳоли чун ҳар мужримда йўқтур.

Хофиз Хоразмий

Ваъдага вафодорлик иймондандир.

Ҳадис

Ишқ ути ҳар ердаки урса алам,
Билки қылур жумла вужудни адам.
Ишқ жон мулкида сulton эрур,
Шоҳу гадо анга чу яксон эрур.

Дурбек

Ҳувайдо, ҳар ишеки бемашаққат бўлмагай ҳосил,
Машаққат тортмагунча ёр васлига етиб бўлмас.

Ҳувайдо

Гофил эллар ошиқ ўла билмади,
Ишқим манинг бикин нодон тилар.

Хофиз Хоразмий

Улусқа раҳм этиб гамхур бўлгил,
Ҳамиша шоду бархурдор бўлгил.

Хоразмий

Ошиқ эрсанг, кеч бу шондин, алвидо,
Жону дилдин, хону мондин; алвидо.

Сайёдий

Гадони шоҳ қилур, шоҳни гадо ишқ.

Сайқалий

Аюр: ишқ бирла тирик ушбу олам,
Агар ишқ бўлмаса бўлмас эрди одам.

Қутб

Умрингнинг баҳорида муҳаббатни сугорғил,
Кўз мардумининг гиряси борони ғанимат.

Увайсий

Агар бўлсанг висолин гадойи,
Муяссар бўлса, бўлмагил жудойи.

Сайёдий

Ишқ ўти ҳам кимда бўлса нолаю фарёд этар,
Булбули бонолаям, оху фигона тушди ўт.

Увайсий

Деманг тарки ишқини қил ихтиёр,
Бу ишда менинг ихтиёрим қани.

Бобур

Бузма ошиқ кўнглинини, биллаҳки, ишқ атворида,
Ҳеч журм аҳли муҳаббат кўнгли озорича бор.
Ҳусайн Бойқаро

Жаҳонда жаврлар ошиқ учундир,
Вале, билгил, алар лойик учундир.

Мажлисий

Ҳазар қил, кўп жафо қилма, эй ҳур,
Ки ошиқ аҳлиниңг оҳи ёмондур.
Кечасиз рўз бўлмас, шодсиз ғам,
Равиши даҳр илан бу ҳола одам.

Сайқалий

Иғлиса ошиқ кулари, бас, маҳол,
Кулса тақи билгил ялғон кулар.
Ҳофиз Хоразмий

Хирад элига кўксин тутди қоғоз,
Ҳам ирфон ишқида қон ютди қоғоз.

Анбар Отин

Кузларинг гар тұқса қоним, жон анга бұлсин фидо,
Ким, жафо айни вафодур ёрга севган ёридин.

Отойи

Ишқисиз камол бұлмас ушбу оламда.

Паҳлавон Маҳмуд

Кимдаки ишқ бордур, зор тақи низордур,
Гарчи гадойи хордур, ишқ ани подио құлур.

Ҳофиз Ҳоразмий

Ошиқ әрмас ул маҳвашким, тилар зар бирла васл.

Отойи

Бу ишқ савдосининг поөни бұлмас,
Агар ошиқ үлар, товони бұлмас.

Сайдий

Бевафоларға күнгүл берса агар ҳар кимсаким,
Мубталойи меҳнати ҳижрон экандур билмадим.

Толибий

Отойига биҳишти жовидондур,
Севар ёри бирла бир лаҳза дийдор.

Отойи

Фироқдин сұнгра хүш бұлур қовушмоқ,
Қоришиши янглиғ ул шаккарға қаймоқ.

Кутб

Мен нетай богу биҳиншту қасри хулду хурни,
Чун менга бир дам висолинг яхшироқтур боридин.
Отойи

Тилар эл мансаби олий ва лекин,
Отойи сарви озодинггә банда.

Отойи


Киши жаҳонда ризо бирла тарки жон этмас,
Магарки сендин айиргай, бегим, қазо бизни.

Отойи

Чун ҳашр қисмат кунинда бұлды таъйин, эй,
Нече манъ эттайсан ошиқи авбошни.

Гадойи

ХУШХУЛҚЛИК,
ШИРИНСҮЗЛИК,
РАҲМ-ШАФҚАТ,
МУРУВВАТНИНГ
ФОЙДАСИ,
МИННАТНИНГ ЗАРАРИ





Кимки билиб сұзласа ўз сүзини,
Билди яқинки таниди ўзини.
Ҳар кишиким билди узин сұзламас,
Ҳақдин у чун ўзгани күзламас.

Сайд Қосимий

Мулоимлик — ризқ сари етакловчи калит!
Мұхаммад Зәхній

Эй биродар, бұлса идрокинг мудом,
Әлда бұлғин доимо ширин калом!
Хұмрайиб ҳар кимса аччиқ сұзлагай,
Дүстлари ундан қочишни күзлагай!

Фаридиддин Аттор

Халимликни қылсанғ агар ихтиёр,
Бұлур халқи олам сенга дүст-әр.
Бұлур мевали шохнинг боши паст,
Халим үлгуси оқылу хүшір.

Сайқалий

Болалар ўз оталаридан мерос қилиб оладиган уч
афзал нарса бор: хушмуомалалик, одоб ва садоқат.
Мұхаммад Зәхній

Ҳакимларнинг айтишича, хушмуомалаликнинг ўн-
та белгиси бор. Улар қуйидагилар: инсоф, ақл, илм,

хилм, олийжаноблик, күркам феъл, яхшилик, сабр,
шукр, мулойимлик.

«Фавоқиҳ ал-жуласо»

Ажаб тұғы тақаллум хұшсұханлар,
Аларнинг шонида кел әй сұханвар.

Сайқалий

Баъзи ҳакимларнинг фикрича, хушхұлқылқыннинг унта нишонаси бор. Улар қуидагилар: бириңчи, яхши ишларда одамлар билан ҳамиша бирга бұлиш, иккинчи, нағс қўйига кирмаслик, учинчи, узгалар айбини қидирмаслик, тўртинчи, бирордан бирор айб содир бўлса, уни яхшиликка йўйиш, бешинчи, айбдор узр сўраса, айбини қечириш, олтинчи, муҳтоҗлар ҳожатилини чиқариш, еттингчи, узи ҳақида ўйлайвермай, бошқалар ҳақида ҳам қайгуриш, саккизинчи, уз айбига иқрор бўлиш, тўққизинчи, очиқ юзлик бўлиш, ўнинчи, хушмуомала бўлиш.

Жаҳонда қидириб, кимдан сўрмадим,
Яхши хулқдан яхши нарса кўрмадим!

Абулбаракот Қодирий

Инсон гўзаллигининг асоси унинг чиройли хулқидир.

Чиройли хулқ билан инсон инсондир,
Четдан боқсанг шакли ҳаммаси бир хил.
Рангу ҳиди билан фарқи билинар,
Ёзилишда бир хил бўлган «гулу гил!»

Хуррамий

Хуш қилиғлиқ бўлур саодатманд,
Хоҳламаски, етурғай элга газанд.

Сидқий Хондойликий

Шириңсўзлик ва мулойимлик балони қайтаришга қодир.

Бархурдор ибн Маҳмуд

Кулса киши юзингга,
Кўрклиқ булиб курингил.
Шириң, очиқ сўз сўйла,
Ёқмоқ учун урингил.

Маҳмуд Конғарий

Азизим, дилингга мулойимлик ва сабот нури билан оро бергинки, ҳалим кишининг дили малоҳатли бўлади. Маънолар гавҳарининг хазинадори мавлавий Жа-лолиддин Румийнинг қўйидаги сўzlари бу маънога гувоҳдир:

Ҳилм тиги пўлат тифдан ўткирроқ,
Ҳилм юз лашкарни енгар беяроқ!
Хожа Самандар Термизий

Заҳру шакар хосияти сўздадур,
Мехру муҳаббат томури кўздадур.
Сайд Қосимий

Кечира олишлик — мардлик, кечира билмаслик номардлик саналади.

«Амир Темур ўйтлари»

Ҳикмат. Бир ҳакимдан: «Кўркам хулқли киши ким?» деб сўрадилар. У эса: «Ёмон хулқига сабр қилган киши!» деб жавоб берди. Байт:

Олий ҳиммат билан покиза қўнгил,
Кишини етказар баҳту камолга.
Ҳар кимнинг дилида бўлса бадфөъллик,
Умрини совурад бир кун шамолга!
Хуррамий

Ки ҳар ким аён этса яхши қилик,
Етар яхшилиқдин анга яхшилиқ.
Навоий

Айтадилар:

— Агар сен ҳаётим яхши ўтсин дессанг, дўстга ҳам, душманга ҳам очиқ юзли бўл, ўзингни баланд тутишга уринма, ўтирганда бармоқларингни бир-бирининг орасига суқиб ўтирма, узугингни уйнама, тирногинг билан тишларингни кавлама, бармогинг билан бурнингни ушлама, одамларга қараб керишма!

Абулбаракот Қодирий

Яхши феъл билан кишилар кўнглини олиб, ўзингни ёмон қиликлардан сақлаб яша.

Аҳмад Юғнакий

Ҳар бир иш мулойимлик билан қилинса, рүебга чиқиши аниң ва равшандир.

Ҳадис

ҲИКМАТ. Уч кишини уч жойда таниш мумкин. Мулойим одамни ғазаб келганда, ботир одамни жанг майдонида, ҳақиқий дүстни ҳожат тушганда! Байт:

Дүстларинг муҳтож бўлса пул ила қўлгин мадад,
Душманинг қўлса ҳужум тиг ила жонин сугур.

Ҳар қачон ёдигда бўлсан: ҳар киши мардман деса,
Мардлигин билмоқчи бўлсанг мардлигин майдонда
кур.

Муиниддин Жувайний

ҲИКОЯТ. Ардашер Бобак уз юргини адолат зийнати билан безатган эди. Бир куни у уз углининг гоят қимматбаҳо кийимлар кийиб олганини кўрди. Уни олдига чақириб: «Уғлим, киши шундай либос кийсинки, бундай либос ҳеч бир хазинада бўлмасин!» деди. Уғли ундан «Эй ота, у қандай либос, нимадан тикилади?» деб сўради. Отаси унга: «У шундай либоски, матоси яхши хулқ ва яхши ишдир, ипи эса муроса ва сабрдан бўлади!» деди. Байт:

Доимо яхшидир ишбилармонлик,
Муроса ҳам доимо яхшидир аммо!

Абулбаракот Қодирий

Улуглигинг ошса хушхулқ бўлгил.

Маҳмуд Кошгариј

Ҳар ким билан кулиб туриб, очиқ юзлик билан сузла.

Муҳаммад Ҳусайн

Яхши хулқдек олий насаб йўқ.

Ҳадис

Табиатга ҳар неки одат бўлур,
Чу эскирди одат табиат бўлур.

Навоий

Куркам хулқ қуидагича бўлади: олиб кетса берилади, яхшиликдан маҳрум этилса яхшилик қиласи, зулм

қилса, муруват күрсатади, шундай қылған кишига одамлар ибрат күзи билан қарайдилар.

Бир доно киши бир улуг олимнинг күйидаги сұзларини көлтиради: «Екимли хулқишининг барча айбларини қуёш қорни эритиб юборгандек эритиб йүқотиб юборади».

Абулбаракот Қодирий

Гүзал сұзла ва ёқимли бұлған тил агарда күнгил билан бир бұлса, яхшироқ бұлур.

Навоий

Раҳм ва шафқат инсонларнинг энг яхши фазилаттаридан биридир. Раҳму шафқатли киши доимо одамларға ёрдам кулинини құздади, ожиз ва нотавон кишилардан хабар олиб туради. Байт:

Ожизларға ёрдам қыммоқ улугликни оширади,
Сулаймон ҳам назар қылғай эди доим чумолига.

Муруватли ва шафқатли одамни ҳамма ҳұрмат қиласы, номини эса әхтиром билан тилга олади. Байт:

Нияти пок бұлса ҳар кимни агар,
Гул-гиәх үрнига гавҳар устирап!

«Махзан ал-улум»

Вайрон күнгүлларни қарам ғанжи била обод қыл.

Отахий

Бир ҳакимдан: «Хушхулқиши қандай киши?» деб сүрадилар. Ҳаким: «Хеч нарсадан ранжимайдыган киши!» деб жавоб берди. Емон хүлқи киши ҳақида сұраганларида эса: «Емонлик билан яхшилик ургасидаги фарқни билмайдыган киши!» деб жавоб берди.

Хұрамий

Тутма бадгу бирла суҳбатким, ёмон сұз захриди,

Неши занбури киби ҳар дам берур озорлар.

Мунис

Хайрли ва савобли ишлар инсонни турли ҳалокаттардан сақтайдайды.

Халис

Ае дүстлар, нодон бирла улфат бұлуб,
Багрим куюб, жондан түйиб, ўлдим мано.

Тұғри айтсам, әгри йүлға бүйин тұлғар,
Қонлар ютуб, ғам захрига түйдим мано.
Ахмад Яссавий

Кимки мулойим бұлса саодатлик, кимки қамғап
булса саломат бұлади.
Тили ширин одамнинг дүсти күп булади.

«Оталар сүзи»

ҲИКОЯТ. Бир ота үз фарзандини дүстлари билан
улфат булишдан ман қылар, өронлар илтифотидан маҳ-
рум қилишга уринар эди. Фарзанд эса унинг сүзига
кирмас эди. Бир куни унга дедим: «Ота күнглини
огритишиңг яхшими?» У деди: «Юзлаб одамларнинг
күнглини үкситишдан кура бир дилни оғриттаним
маъкул!»

Гавҳар учун пайдо бұлғач харидор,
Дурнинг садаф билан нима иши бор.

Хуррамий

Хар кимсаки андух аниңг қунглида йүк,
Таҳқиқ бил ани яхшики, одам әмас.

Толибий

Фаридундан сұрадилар: «Одамларни үзингдан узоқ-
лаштырмасликнинг чораси нима?» У деди: «Чидам ва
мулойимлик». Яна ундан: «Мушкул нарсаларни қан-
дай ҳал қылса бұлади?» деб сұрадилар. У яна «Чидам ва
мулойимлик билан!» деб жавоб берди. Бу борада шоир-
лар шундай деган:

Сузлашув, муроса билан битажак,
Хар қийин масала, ҳар бир қийин иш.
Қалқону тиг билан битмаган ишни,
Юмшоқ сұзлик билан мумкин битирмак.
Абулбаракот Қодирий

Шириң сүз одамларнинг қалбини боғловчи занжир-
дир.

Кишида илм билан ҳалимликнинг бирга булиши
буюк фазилат.

«Оталар сүзи»

Юзинг хуршеддек тобанда бұлсин,
Жамолинг то абад поянда бұлсин.

Тақаллум қил, сочилсун дурру гавҳар
Табассум қил, жаҳон пурханда бўлсин.

Отойи

Ёмон ҳулқлуг бирла ўлтурма зинҳор,
Оting чиқгай «ёмон» теб, хуш бил, эй ёр!

Кутб

Ҳакимларнинг айтишича, шижаот, саҳоват ва хушхулқлик энг аъло фазилатлар булиб, бу сифатларга эга бўлган кишилар доимо улуглик сармоясидан баҳраманд бўлганлар. Мазкур сифатлар ичида хушхулқлик алоҳида диққатга сазовордир. Негаки, шижаотга аҳен-аҳёнда иш тушади. Саҳоват олий фазилат бўлса-да, у барчага мұяссар булавермайди, унинг уддасидан чиқиши учун кишига ҳар хил шарт-шароитлар керак. Аммо хушхулқлик шундай нарсаки, унга барча одам ета олади. Ёқимли ҳулқ эгасидан барча катта-кичик хурсанд булади. Бундай ҳулқ эгаси бошқаларни хурсанд қилишидан ташқари, узи ҳам доимо хурсанд юради, бошқалардан эса узига мұхаббат ва мулойимлик қайтади. Қитъа:

Абадий саодатнинг калити хүшфөълиқидир,
Аммо унга баъзилар доим мұяссар эрмас!

Абулбаракот Қодирий

Табассум қилса лаълинг жон багишлар,
Магар Исоий Руҳуллоҳ сен-сен.

Отойи

Ростдан ҳам, барча нарсадан ёқимли сифат хушфөълиқидир. Хушфөълиқ одамга доимо керак. Чунки хушфөъликка ҳамма одам муҳтож! Байт:

Юз миллатнинг китобин ўқиса ҳам омидир,
Одамийлик китобин ўқимаса ҳар киши!

Абулбаракот Қодирий

ҲИКМАТ. Лутфу қарам аҳлига уз қўл остидагилар билан ёмон муюмала қилиш, уларга беҳуда азоб бериш, бўлар-бўлмасга хафа қиласвериш нораводир. Аксинча, уларни уз лутфу қарами билан парвариш қилиши, тўгри йўл курсатиши ва айбларини афу этиши лозим. Дунё йўли текис эмас, бирор уз ақли билан тўгри

юролса, бирөв қоқылади. Қоқылғанни эса сүаш керак.
Байт:

Бирөвга қилмагил жабру-жафо охир хатар бордир,
Хамиша яхшиликдан күнгил шоду, зафар бордир.
Мұхаммад Жавҳар Заминдор

Бир табассум бирла хүщдил қил, мани дессанг агар,
Күнгли абтар, ранги чун зар, дийдаси тар булмасун.
Баенний

Тулкидан: «Қачонгача овқат тополмай оч юрасан,
шернинг хизматини қылсанг булмайдими, барча жони-
ворлар шернинг мулозиматини қилиб, овқатидан баҳ-
раманд бўляптилар» — деб сурасди. Тулки: «Мен ҳам
куни келиб бошқа ҳайвонларга овқат булиб қолишдан
курқаман», — деб жавоб берди. Байт:

Яхши феълли киши душманинг бўлса,
Бадфеъл дўстдан кўра афзалроқ эрур!
Хуррамий

Кишига ҳасад қилма, ўзингни яхши тут,
Бу қилиқдан доим гам-ташвиш келади.
Юсуф Ҳос Ҳожиб

Эй ўғил! Токайгача сен уз осойишталигинг ҳақида
уйлайсан? Шундай иш қилки, сен сабабли бошқа
одамлар ҳам осойишталик топиб, роҳатта етсин!
Абдибек Шерозий

Эпчиллардан эпчиллар Митра,
Аҳли сахо ичида мумтоз,
Довюраклар ичида шердил,
Тўкинликлар яратгучидир.
«Авесто»

Кулфат тушуб бошига, огу тушуб ошига,
Келмай киши қошига, акрону меҳрибонлар.
Баенний

Адлу эҳсон билан жаҳон гулшани обод бўлади.
«Амир Темур угитлари»

ҲИКОЯТ. Сулаймон Барроқ шундай ҳикоя қилиб-
ди.

— Кунлардан бир кун халифа Маъмун олдида утирган эдим. У заргарни чақириди ва унга каттагина ёкутни бериб, ундан узук тайёрлашни буюрди. Эртасига худди шу пайтда унинг олдида утирган вақтимда узук эсига тушиб, заргарни йўқлатди. Эшикдан кириб келган заргар терак япроги каби титрар эди. Маъмун ундан нима воқеа бўлганини суради. Заргар қалтираб деди:

— Узукни тайёрлаб, энди унга кўзни ўрнатаётган эдим, кўлимдан тушиб, сандонга тегди ва туртга бўлиниб кетди!

Катталиги ва ноёблиги жиҳатидан камдан-кам ҳукмдорда буладиган бундай ёкутнинг сингани Маъмунни қайгуга солмади ва заргарга қараб:

— Майли, хафа булма, бориб ундан туртта узук яса! — деди.

Маъмундан содир бундай муомала чидам ва мулоиймликнинг юксак даражаси эди. Байт:

Юмшоқлиқдир камолотнинг мояси,
Иzzat билан улугликнинг сояси.
Хижолатли кўзларгайдир тутиё,
Синган юрак ойнасига мўмиё!

Абулбаракот Қодирий

Инсонийлиги бўлмаганинг мулоиймлиги ҳам бўлмайди.

«Оталар сўзи»

Анушервон Бузургмехдан: «Мулоиймлик нима?» деб суради. У деди: «Мулоиймлик ахлоқ дастурхонининг тузи. Ҳилм, яъни мулоиймлик сузини тескари уқисанг, милҳ, яъни туз бўлади. Ҳеч бир овқат тузсиз таъмга эга бўлмайди. Ҳеч бир хулқ ҳам ҳилм, яъни мулоиймликсиз камол тополмайди!» Анушервон яна ундан: «Мулоиймликнинг белгилари қандай бўлади?» деб суради. «Унинг уч аломати бўлади», — деб жавоб берди Бузургмехр, — биринчи — бирор сенга қовогини солса ёки аччик сузларни айтса ҳам, унга нисбатан ширин сўз айтасан, агар у уз феъли билан хафа қиласа, уни хурсанд қилишга уринасан. Иккинчи — газаб ут олиб, осмонга урлаган пайтда ҳам, сукут қилиб, хомуш бўлиб турасан. Учинчи — бирор кимса кирдикори билан газабга лойиқ бўлса ҳам газабни ичга ютиб, ўзингни босасан!» Байт:

Ёмонликка яхшилик қилмоқ,
Оқилларнинг наздида хушроқ.
Бу маънига ҳар кимки стди,
Ёмонликка яхшилик этди.

Абулбаракот Қодирий

Эркак учун энг яхши либос — ширинсўзлик. Хотин
учун энг аъло кийим — очиқ юзлилик!

Муиниддин Жувайний

Икки нарсани киши ўзидан қувиши қийин: бири —
соя, иккинчиси — бадфсъллик!

Хуррамий

Ўзингдан улуглар сенга раҳм қилишин хоҳласанг,
ўзингдан пастларга раҳм қил.

Мехрибонлик фақат инсонни эмас, ҳатто ҳайвонни
ҳам ром қиласди.

«Оталар сўзи»

Луқмони ҳакимдан: «Сен ўзинг кўрган иллатлар ва
айблардан қайси бирига даво тополмадинг?» деб сўра-
дилар. Луқмон: «Мен барча иллатларга ҳикмат юзаси-
дан даво топдим, аммо даволай олмаганим бадфеъллик
бўлди!» деб жавоб берди. Байт:

Ҳар ким яхши хислат топмоқчи бўлса,
Фақат яхши феълни изласа создир.
Бадфеъллик баданга ёпишган дардки,
Қанча даво қилма, барибир оздир!

Хуррамий

ҲИКОЯТ. Бир ёш йигитдан: «Гузаллар нима учун
бунчалик қўпол ва гиначи буладилар?» — деб сўрашди.
У эса: «Кимки ҳусни ва ёшлигига мағрур бўлса, му-
лойимлик неъматидан маҳрум бўлади!» деб жавоб бер-
ди. Байт:

Эй ўзининг ҳусни-ла мағрур,
Мендек хаста ҳолини бир кўр.
Тикан ўсиб чиққач гулингдан,
Қадру қиймат кетар қўлингдан.
Бедил ҳолин билурсан шунда,
Аммо фойда бермас ушанда!

Хуррамий

ХИКОЯТ. Бир барно йигит пайваста шароб ичар, гулдек юзини сўлдириб, ёру дўстларининг жонига жафо тигини санчар эди. У сархушлик туфайли бечоралар дилини ёндирап, жигарсұхталар танини азоб уқи билан поралар эди. Натижада дўстлари уни даволашдан кўз юмдилар, гулгун жамолига бокишидан эса дил уздилар.

Эшитишумча, бир куни унинг ҳузурида Лайли ва Мажнун ҳақида сухбат булибди. Шунда у йигит: «Лайли уччалик гўзал эмас, нега энди Мажнуннинг дили унга шунчалик ром бўлган экан?» деб қолибди. Шунда дўстлари: «Мажнунни ром қилиган нарса Лайлининг чиройли жамоли эмас, балки чиройли хулқи!» деб жавоб беришибди. Байт:

Дилрабодар ошиқ аҳлин үлдирур тош дил билан.
Лек қайта тиргизур хушхулку, ширин тил билан!
Сен газаб бирла бирор филни енголмассан бироқ,
Булса юмшоқлик уни ром айлагунг бир қил билан!
Хуррамий

Булмадим умримда бир дам хотири хуррам била,
Гар илиқдин келса бир дамни кечурманг гам била.
Бобур

Не тараф азм айласам олдимда истиқбол гам,
Боқмай ўтсан ҳам келур соя каби дунбон, гам.
Мужрим Обид

Сузда сехр бор, шеърда ҳикмат.
Хадис

Ҳар ким одати нечук бўлгай,
Бесиродат зуҳр этар андин.
Гулханий

Кузгумга берардим кечқурун сайқал,
Боқдим унга тиниқ бўлган бир маҳал.
Шунча куп куринди ўз айбимки, мен,
Узгалар айбини унудим тугал.
Паҳлавон Маҳмуд

ВАЪДА, ВАЪДАГА
ВАФО, ҲАЁ,
ИФФАТ ВА
КАМТАРЛИК





Қиёмат қунидаги одамларнинг ёмони — бесаёлиги сабабли назардан четда қолдирилган одамдир.

Ҳадис

Вафо эрлик нишони, ул бил эй ёр,
Талим эрда чиқмаз бир вафодор.

Кутб

Ҳакимлар айтади:

— Ваъдага вафо қилмайдиган кишини яхши кўришдан кўра хавфлироқ ва яхшилик қилсанг билмайдиган одамга яхшилик қилишдан кўра зиёнлироқ нарса йўқ!

Муҳаммад Зөҳний

Оlam элида вафо топилмас,
Бу гавҳар эрур жаҳонда ноёб.

Нодира

Йўқ даҳрнинг вафоси, ибрат кўзи билан бок,
Субҳнинг йўқ бақоси, гар фикри шом қилдинг.

Миррий

Хар ерда расм меҳру вафо кўпроқ ўлгуси,
Жамиятда ҳузуру сафо кўпроқ ўлгуси.

Оразий

Бирорга вайда берган бүлсанг, вайдангта вафо қил!
Вайдага вафо қилиш мард кишилар иши, улуг кишиларнинг эса чиройли хислатларидан биридир! Байт:

Вайдага вафодан кўра яхширок
Нарса йўқ жаҳонда, мундок уйлаб бок!

Муҳаммад Ҳусайн

Қилсалар ҳар вайда онинг эътибори йўқтурур,
Олданиб ул вайдага беътибор ўлмоқ алас.

Оғажий

Бу чаманинг гулларида йўқ вафо, эй хўблар,
Бас, вафо қилмоқ ғанимат, ҳусни давронин куринг.

Ҳусайн Бойқаро

Жаҳон гулзорида бўйи вафо йўқ,
Замон бўстонида ранги бақо йўқ.

Толибий

Ҳаё имондандир, ҳаё доимо яхшилик келтиради.

Хадис

Кимки босар ҳаддидин ортиқ аёқ,
Келтурур ўзига кучун ул таёқ.
Бошини талаб йўлида сен хок қил,
Пироҳани танни чу гул чок қил.

Сайд Қосимий

Вафоли одамнинг дўстлари ҳам самимий булади.

«Оталар сўзи»

Кишидан ҳаё кетса, тездагина бало етиб келади!

Муҳаммад Зеҳний

Келса қўлдин ҳар ким аҳдин вафо қилмоқ керак,
Сидқ ила оинай дилни сафо қилмоқ керак.

Толиб Толибий

Ҳаё кишиларни ёмон йўлдан қайтарувчи ва яхшилик сари ундовчиидир. Кимнинг ҳаёси бўлмаса, унинг уяти бўлмайди. Барча қабиҳ ишларни қилишдан ҳам қайтмайди. Кишида ҳаё бўлса, нафс унинг устидан ҳоким бўлолмайди ва уз йўлига сололмайди.

Муҳаммад Жавҳар Заминдор

Ҳар бир ақл әгаси шарму ҳаे үйлида мустақкам туришни үз ҳасти равнақининг сабаби қилиб олса, замонанинг катта-кичиги унинг ҳузурига ва сұхбатига харидор бұладилар, одамларнинг муҳаббати унга нисбатан кундан-кунга ошаверади, ҳурмат ниҳоли эса дүстлар баҳорининг тарбияси билан мақбуллук богида нашты нағылайтында топаверади. Эхтиром богининг гуллари ҳамиша күз шамолининг зараридан таназзулға юз тутмайды.

Ҳае соҳиблари иззатда бұлғай доимо ҳуррам,

Ҳаесиз бұлса ҳар ким куни қолгай надоматта!

Бархурдор ибн Махмуд

ҲИКОЯТ. Куршапалақдан:

— Оламга нур таратиб, ҳаёт бағищловчи қуёшни күришдан нечун ор қиласан, бунинг сабаби нима? — деб сұрадилар.

— Ҳае! — деб жавоб берди у.

Рубой:

Куршапалак ҳолидан сұрадилар бир куни,
«Нечун офтобға бокмай, учасан фақат туни?»
Деди: «Ҳақиқий офтоб өримнинг жамолидир,
Ер жамоли турғанда нечун әқтирай күнни?»

Мұхаммад Жаңғар Заминдор

Ваъда бериб бажармаслик нақадар қабиҳ иш, гапирмай туриб иш бажариш эса қандай чиройлы!

Қитъа:

Гапирмай бажарған мард киши бұлар,
Гапириб бажарса, ярим марддир у.
Гапирсаю, бирок бажармаса гар,
У түлиқ номарддир, әл ичра кулғу!

Абулбарақот Қодирий

Эй ҳае маъданию кони адаб,
Сари қўйинг эрур дукони адаб.
Адаб эрмаски отинг зикр этмак,
Деса булғай сани жаҳони адаб.
Оразингдан ҳае булур зоҳир,
Талъатинг фош этар нишони адаб.

Рожий

Вафосизда ҳае йук, ҳаесизда вафо йук.

Навоий

Ҳаёю шарму одобу тавозеъ,
Эмас ҳайвонаким, инсона яхши.

Камий

Қила олғунча таъзим ва одоб биносин йикма,
Ҳаё ва ҳурмат хилватидин ташқари чиқма.

Навоий

Ҳаё, номус имона далилдур,
Ҳаёсиз доимо хору залилдур.
Абдулла Авлоний

Иффатингни пардаси, виждоннинг ниқоби
ҳаёдир...
Ҳаё пардаси ила уралмиш инсонларнинг иффат
пардаси йиртилмас.
Абдулла Авлоний

Шарм-ҳаё ҳамма ярамас ишлардан тияди,
Уятсизлик киши учун жуда ярамас иллатдир.
Ростлик, шарму ҳаё ҳамда гузал хулқ,
Учаласи бирикса, бу севинч демакдир.
Яна бири — софлик ва ростфөълиқ, булар,
Икки оламда кишини баҳтиёр қилади.
Юсуф Ҳос Ҳожиб

Карам ва муруват ато ва анодурлар,
Вафою ҳаё икки ҳамзод фарзанд.
Навоий

Айбни икрор айламас,
Ҳеч номус ор айламас,
Панд этсангиз кор айламас,
Суз садқаи увол экан.
Бағний

Уятли киши одамларнинг сарасидир,
Уятсиз киши — кишиларнинг тубани,
Уятсиз тили түгри сўз сўзламайди.
Уятсиз кишидан йироқ тур, йироқ,
Уятсизнинг кўзи қаттиқ бўлади.
Ор-номуссиз кишининг юзи гүштсиз сунгакдир,
Ор-номуссиз кишининг ўзи битмас мараздир.
Юсуф Ҳос Ҳожиб

Кишилар орасида стуғи уятли кипидир.

Юсуф Ҳос Ҳожиб

Ҳас билан камсуханлик имоннинг икки бўлагидир.

Ҳадис

Бузуқ деворлардан ташвиш бор, лекин,

Синик кўнгиллардан кўпроқдир ташвиш.

Паҳлавон Маҳмуд

Улуглик айлама зинҳор, ўзингни камтар тут,

Бирорда бўлса бу хислат, ажаб саодатдур.

Хувайдо

Дедимки, мабодо хижолат стар,

Хижолат эрур юз ўлимдан баттар.

Хиромий

Хилоф этган забунлардин забундир,
Бу дунёю у дунёси нагундур.

Хилоф этсанг агар айғон сўзингдин.

Кўттар эрқаклик отини ўзингдин.

Чиқормагил оғиздин қилмас ишни,

Қилурман дема қўлдин келмас ишни.

Керак эрман деганини ваъдаси туз,

Агар туз бўлмаса андин кўнгил уз...

Сузни бузгон киши бузмасму имон,

Улумса бирла қилма аҳду паймон.

Суфи Оллоср

Агар орадан шарму ҳаёп кўтаришса ва киши кишидан
уялмаса, олам низомига халал стади.

Кошифий

Бошинг гардунга стса, бўлмагил зинҳор хурсанд,

Ўзингни ҳар хасу хопокдин, эй баңда, камтар тут.

Машраб

Тутай десанг яхшилар йўлин,

Ваъда қилсанг айлагин вафо!

Ваъда қарзdir ҳар инсон учун

Фарзdir қарзни айламоқ адo!

Муҳаммад Зеҳний

m

ЯХШИЛИК,
ЁМОНЛИК,
ТҮФРИЛИК ВА
ЭГРИЛИК





Яхшилик қўзловчи бўйнига зинҳор
Қилич тортма бўлса ҳамки гунаҳкор!

Низомий Ганжавий

Жаҳонда яхшилик инсон юзига зийнатдур,
Набот берса, заққум бил, бари ямоңдин кеч.

Дилшоди Барно

Яхшига қўшилган кишилар яхшилик томонга юрадилар, шунинг учун сен олим, фозил, доно ва билимдон кишилар билан ҳамсуҳбат бўл, уларнинг суҳбати кишининг дил ойнасидан ҳирс, тамаъ ва баҳиллик губорини супуриб ташлайди. Назм:

Софдиллик, хушхулқлик булар ҳаммаси.
Билгинки, одобнинг берган меваси!

Бархурдор ибн Маҳмуд

Ким яхшилик қилса, яхшилик топади,
У жабру ситамларга қарамайди.
Кимда ким ёмонлик кўриб, яхшилик қилса,
Эй эзгу киши, мен сени орзу қиласман,
Эй эзгу, сенга ким тўяди, айтиб бер менга
Энди бери кел, мен сенга жуда чанқоқман.

Юсуф Хос Ҳожиб

Луқмони Ҳаким уз ўглига деди:

— Эй ўғлим, қилган хатоларингни ўлгунингча кўз унгингда тут! Аммо қилган яхшиликларингни кўз олдингдан нари қил!

Муҳаммад Зеҳний

Мурувват бирла жонни нисор эт,
Ҳамиша яхшиликни шиор эт.

Сайқалий

Қулингдан яхшилик келмаса, ёмонлик қилишдан ҳам қоч!

Агар оғзингда яхши гапинг булмаса тилингни бухтон ва тийбат билан булгашдан асра! Байт:
Бироғга яхши гап гапиролмасанг,
Заҳар ҳам қўшмагил ҳар бир сўзингга!

Муиниддин Жувайний

Меҳрки равшанлик этар фош ани,
Кимга кунаҳ курмаса хуффош ани.

Навоий

Одамларнинг яхшироги уз қалбida яхшиликка йул очгани ва ёмонликни ҳамда очкўзликни ҳайдаб чиқарганидир!

Муҳаммад Зеҳний

Дунё чаманининг булбулисен,
Гул шохидা ошён этиб кет.

Нодира

Аблаҳни кургилки, талашиб бир санг,
Ўзаро урушиб қилишади жанг!

Низомий Ганжавий

Ки ҳар ким аён этса яхши қилик,
Етар яхшиликдин онга яхшилик.

Навоий

Яхши ишлар дентизининг гаввослари шундай кишилар бўладики, яхши ишлар жавохирини ҳусну-хулқ риштасига териб, ширинзабонлик шакарини катта-кичик ошноларидан дариг тутмайди ва худди обиҳаёт каби барча мижозларига тинчлик ва ҳаловат бахш эта-

ди. Құполылк үшін тундлик ниши билан ҳеч кимнинг
роҳат сийнасина мажрух қылмайды! Фард:

Агар бир дилни оғрітсанг, сени ҳам оғріттар
кимдир,
Ки битта сұзни тиги юзта шамширдан эрур үткір.
Бархурдor ибн Maҳмud

Қозининг пора олиши динсизликдир.

Хадис

Ҳакимлар айтмишлар: «яхшиликни асоси уч нарса-
да: бириңчи, барчага нисбатан риёсиз камтарликда,
иккінчи, миннатсиз саховатда, учинчи, ҳақ талаб қи-
линмайдыган хизматда. Одамлар түрт нарсаны қидир-
масликка иложсыздырлар: бириңчи, яхшилик ва ёмон-
ликни ажратышга ёрдам берадыган илмни, иккінчи,
тирикчилик үтказышта керак бўладиган асбоб-анжом-
ларни, учинчи, кайфиятни яхши тутадиган воситалар-
ни, тўргинчи, одамлар билан муросани.

Буқрот ҳаким айтган эди: «Ортиқча ширин бўлма-
гинки, еб юбормасинлар ва ортиқча аччиқ бўлмагин-
ки, туфлаб ташламасинлар».

Абулбаракот Қодирий

Менга не ёру не ошиқ ҳавасдур,
Агар мен одам эрсам, ушбу басдур.

Навоий

Шарап оздуурур сув била барҳам эт,
Улуг бўлса, туфроғ сепиб, ут кам эт.

Мирий

Күпчилик бирор киши ҳақида ҳукм чиқармагунча,
уни яхши ёмон дейищдан тилингни тий. Инсон агар
қулфланган сандиқ бўлса, уни тажриба ахлигина оча
олади.

Шаббода гулзор ичидан утса гул ҳидини, сассиқ
ердан утса, бадбуй ҳидни келтиради.

«Оталар сўзи»

Бошқаларга зиён истама, узинг ҳам зиён кўрма,
Фақат яхшилик қил, ҳавас ва орзуни билгин.

Юсуф Xос Ҳожиб

Жолинус вафот этган пайтда унинг чўнтагидан бир
хат чиқди. Унда қуйидаги сўзлар ёзилган экан:

«Яхши одам ушбу дунёни тарк этса-да, бирок утирик ҳисобланади. Ёмон одам тирик булса-да, барibir улик қаторидадир».

Мұхаммад Зәхній

Ҳар кимки вафо қилса, вафо топқусидур,
Ҳар кимки жафю қилса, жафо топқусидур.
Яхши киши күрмагай ёмонлиғ ҳаргиз,
Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидур.

Бобур

Келтиришларича, Анушервон замонасида икки киши бор эди. Бу икки киши Анушервон ташкил этган утиришларда ҳозир бўлар эдилар. Бир куни утиришда улардан бири баланд овозда қуидаги байтни ўқиди:

Яхшилигим қайтсин десанг сен,
Яхшилик қил, яхши уй уйла!

Иккинчиси эса қуидаги байтни ўқиди:

Ёмонлигим қайтмасин десанг,
Ёмон бўлма, ёмон уй қилма.

Бу байтлар Анушервонга еқиб қолди. У биринчи байтни ўқиган кишига минг дирҳам ва иккинчи байтни ўқиганга беш юз дирҳам бериб юборишни тайинлади. Ҳозир булгандардан бири Анушервондан:

— Эй одил амир, уларнинг байтлари битта маънога эга, нега тұхфани икки хил бердин? — деб суради.

Анушервон унга шундай деди:

— Сузлашда тафовут катта, биринчисининг сузи бошдан-осқ яхшилик ҳақида бўлди, иккинчисиники эса фақат ёмонликни эслатди. Яхши гап хам ёмоннинг оғиздан ёмон булиб чиқади, кимнинг юрагида яхшилик бўлса, доимо яхшиликка зикр қиласди, ёмон кишилар эса ёмонликдан гапирадилар. Байт:

Чинни коса қачон садо қиласди,
Ўз сифати мадхин адo қиласди!

Мұхаммад Жабалрудий

Қил яхшилигу, демакни дохил қилма,
Миннат била яхшиликни ботил қилма.

Навоий

Яхшилик йұлида чекилған мәҳнат ерда қолмайди.
Яхши одам үзини ҳам ранжитмайди, үзгани ҳам
хафа құлмайди.

Тарих яхшини ҳам ёзади, ёмонни ҳам.

«Оталар сұзи»

Одам бұл, одамга одамийлик қыл,
Одам деган отни, мақтовни ол.

Юсуф Хос Ҳожиб

ХИКМАТ. Уч хислатта эга бұлмоқ олий даражага
етмоқдир. Бириңчи, сенға ситам қылған кишини ке-
чиримоқ. Иккінчи, сенға ёмонлик қылған кишини
ёмонлаб юришдан тийилмоқ. Учинчи, әмонлик қыл-
ғанга яхшилик қила билмоқ:

Мехрсиз, гиначи душман дилини
Тулдирсанғ мумкіндір сен әхтиромга.
Овчини күргилу ибрат ол ундан,
Дон билан құшларни туширар домга!

Муинніддин Жувайний

Эй фарзанд, сен панду насиҳатларға қулоқ солсанғ
ва улардан ибрат олсанғ, яхшилаб амал қылсанғ,
дилинг доимо шод булади, кундан-кунға үсавера-
сан!

Айтишларича, Луқмони Ҳакимнің олдига бир гу-
рух кишилар мәҳмон булып келишди. Үндан хикмат-
та оид нарсалардан сұрашды. Шунда келгандардан би-
ри:

— Эй ҳаким, сен фалон ерда чүпонлик қылған
киши әмасмисан? — деб сұраб қолди.

— Ҳа, үша чупонман, — жавоб берди Луқмон, —
хозир куриб турибсанки, ҳакимман.

— Бу даражага қандай эришдинг? — сұради яна
у.

Луқмони Ҳаким унға:

— Тұгри сұзлашдан, одамларға яхшилик қилишдан,
омонатта хиёнат қымасликдан, ёлғон сұзламасликдан,
бесхуда гапирмасликдан, мусибат ва қийинчиликтерге
мардона чидашдан, үзини барчадан кам олишдан! —
деб жавоб берди.

Мұхаммад Жабалрудий

Яхшилиғ күз тутма ондин ким эса
Бадсиёку бадсиёку бадсиёк.

Дұст бұлса они гар, бұлмай санга,
Бенифоку бенифоку бенифок.
Сирри пинхонинг билурға айласа
Иттифоку иттифоку иттифок.

Урайсий

Бордир инсон зотида онча шараф,
Ким ёмон ахлоқын этса бартараф.

Навоий

Енгил ўтсін десанг ўз кунингни сен,
Емон билан улфат бұлма, юр йирок,
Йўлингта дон сочиб құяды тузок
Ейни эгри күриб, тўгрилигидан
Ўқ ундан қанчалик қочганига боқ.

Паҳлавон Маҳмуд

Бировки тамаъ риштае қилгуси,
Унинг бирла бўғзидан осилгуси.

Навоий

Яхшилиги йўқ одам ёғизликда жон беради.
Сен емасанг ҳам, авлодинг есин!
Утганлар захмат-ла эккан бу боғдан
Мева ер келажак авлодларимиз!

«Оталар сўзи»

Эй фаразнید, агар сен ўзгалардан яхшилик кўрай десанг, фақат яхшилик қил! Бу ҳақда шундай дейишган:

Дунёда топайин десанг омонлик,
Бирорга заррача қилма ёмонлик!

Демак яхшилигинг хоҳ катта, хоҳ кичик бўлсин,
уни бировлардан дариг тутма. Арзимаган бир яхшиликни ҳам бирорга раво кўраманни деб ўйланиб ўтирма!
Дунёда ким нимани экса, ушани уради.

Мұхаммад Жабалрудий

Яхшилик ёмонликни куйдирувчи олов.
Яхши билан дұст бўлган ёмонлардан қутилар.

Бирор кимсага катта яхшилик қилган бўлсанг, уни
кичик деб бил, бирор сенга яхшилик қилган бўлса, уни
катта деб бил!

«Оталар сузи»

Бирорнингким бирордин кўнгли қолур,
Киши юз суз била кўнгулни олур.

Бобур

Ҳакимлардан баъзиси шундай дейди: «Купчилик
сенга, ёмонсан деса, демак ёмонсан, агар яхшисан
деса, демак яхшисан».

Муҳаммад Зеҳний

Яхшилик эт эмдики дастинг етар,
Яхши-ямон ҳар наким қилсанг утар.

Сайд Қосимий

Бирорга яхшилик қилган бўлсанг, яхшилигинги
айтиб, уни камситма, бирорга ичирган ва едирганинг
ни миннат қилиб, заҳарга айлантирма!

Ёмондан ошна тутма, зинҳор йироқ тур,

Ёмон дуст сени йўлдан оздиради.

Ўзинг эзгу отли бўлайин десанг,

Ёмонга қушилма, ҳушер бўл, уйла.

Юсуф Ҳос Ҳожиб

Ёмонликка отланма,
Тилдан чиқар эзгу суз.

Махмуд Кошгариј

Ёмон бирла умрни зое этма,

Қуру найдан киши шаккар емиш йўқ.

Сайфи Саройи

Эвазига нарса кутиб қилинган яхшилик ҳисоблан-
майди, балки у оддий олди-бердидан иборат холос.

Халққа хайру эҳсон қилиш нақадар улуғ фазилат!
Бироқ бу хайру эҳсон бегараз бўлса яна ҳам яхши!

Муруvvват майдонининг шаҳсувори бўлай десанг,

гараз билан иш қилиб, эвазига бирордан фойда олиши
ни ўйлама!

Абдибек Шерозий

Нафъинг агар халқа бешак дуур,
Билки бу нафъ үзингга күпрак дуур.

Навоий

Кима бир хизмат этсам айлагай ўрнига юз түхмат,
Асалға захру, гул ўрнига сончар хор бир соат.

Кимаким ошнолиг айладим изҳор бир соат,
Етар афғонки нодон дўстларнинг ихтилотидан.

Комил Хоразмий

Дунёда яхшилик ва ёмонликдан кўра узоқроқ
яшайдиган нарса йўқ.

Инсон яхшиликнинг қулидир.

Яхшилиги кўп одамнинг дустлари сероб бўлади.

Одамларни давлатинг етарили ва ишинг юришиб
турганда эмас, балки камбагаллик ва ноҷорлик пай-
тингда сина, шунда уларнинг яхши ёки ёмон эканини
биласан.

«Оталар сузи»

Ҳаром билан усиб унган ҳар бир тан дузахга лойик-
дир.

Ҳадис

Яхшиликни қанча катта қилсанг ҳам, уни шунча
кичик деб бил.

Бирорга яхшилик қилсанг, қилган яхшилигинги
яшир, бирор сенга яхшилик қилса, эл орасига ёй!

Абдибек Шерозий

Одам ўлғон зебу зоҳирдин эмас,
Кимки андин фарҳар этар, одам эмас.

Навоий

Яхшилик қила олмасанг,
Бори ёмонлик ҳам қилма.

Навоий

Ҳар кишиким зулмдан ханжар чекар,
Даҳр ўзининг они бирла бош кесар.

Оразий

Кишини кўнгли келишган ва тартибли ҳар нарсага
қизиқади, тартибсиз нарсалардан нафратланади.

Абу Райҳон Беруний

Яхшилик қилишга бўлмаса имкон,
Ёмонлик қилмагин, қайтар ўзингга!
Қўполликни ташла, лутфингни қўрсат,
Мусибат боқмагай нурли юзингга!

Муиниддин Жувайний

СҮЗ, СҮЗЛАШ
ҚОИДАСИ, ЎЙЛАБ
ГАПИРИШ, ТИЛНИ
ТИЙИШ, СУКУТ
БАЁНИДА





Ростгүйлиқда хавфу хатар күрсәнглар ҳам, рост сұзланглар.

Хадис

Доимо тұғри сұз бүлинглар, чунки у жаңнатда яхшилик билан биргадыр. Ілғончилиқдан сақланинглар, чунки у ёмонлик билан бирга дұзахда бўлади.

Хадис

Инсоният одобининг ва одамийлик асосининг улугқасри устунларидан бири сұзлашы ва нутқнинг қимматбаҳо гавҳарини мулойимлик ва одоб пармаси билан тешмоқдир. Ахлоқ арканинг юқорисида ўтирувчиларнинг айтишича, инсоннинг камолоти ва билимнинг баланд мартабаларидан бири чиройли гапириш ва чиройли сұзлаш бўлиб, бу боғнинг гули ақл баҳористонининг насими билан очилади ва саодатнинг ёрқин жавоҳир дастурхонини ақл савдоғаригина ёза олади. Ёқимли ва қимматбаҳо сұzlари донолик ва иқбол арбобининг тожи бўлган юонон ҳакимларининг айтишила-рича, тил ҳар бир ақл соҳиби фазилати ҳазинасининг калитидир ва ҳар кимсанинг билими миқдори унинг сўзлари орқали маълум бўлади:

Ҳар киши гапирмай турғани замон,
Айб ила хунари бўлади ниҳон!

Бархурдор ибн Маҳмуд

Бефойда сўзни кўп айтма,
Чин айта олур тилни ёлгонга булгама.

Навоий

Ҳакимлардан бири деди:

— Қадимий ҳикматларда айтилишича, инсон уз тузилиши хосияти билан ҳайвонлардан афзал бўлди. Унга бир оғизу, икки қулоқ ҳадя этилди. Шунинг учун у бир марта сўзламоги ва кўп марта эшитмоги керак!

Қанча кўп билсанг ҳам оз гапир, бирок,
Биттани юз дема, юзни битта қил!

Ибн Камоллошно

Кўп сўзлаб киши доно бўлмайди,
Кўп эшитиб, доно барчага бош бўлади.

Юсуф Хос Ҳожиб

Айтур сўзни айт,
Айтмас сўздин қайт.

Навоий

Сўз улчаб сўзлатилса, сузга ухшар,
Ўкуш сўз юк эшакка теб масал бор.

Қутб

Бир куни Бузургмехрдан: «Сузлаш яхшими ёки су-
кутми?» деб сўрадилар. У эса: «Сузлаш!» — деб жавоб
берди. Ундан: «Нега бўлмаса утмиш ҳакимлари доимо
аксини айтиб келдилар?» деб сурасди. Бузургмехр:
«Сузлаш афзал деганимнинг мъяноси шуки, агар бу
восита бўлмаганда эди, сукутдаги бекиёс хислатлар
очилмай қоларди!» — деб жавоб берди.

Абулбаракот Қодирий

Имкони бор ҳар бир яхшилик — сўз орқалидир.

Навоий

ҲИКОЯТ. Бир киши бир ҳакимнинг зиёратига бор-
ди. У беҳуда сўзларни ҳаддан ортиқ валдиарди. Сунг
суз орасида: «Энди сузлашни бас қиласай» деди. Ҳаким
унга: «Йўқ, сен суз сўзлаганинг йўқ!» — деди. Байт:

Беҳуда сўзларни сўз деб бўлмайди,
Суз улки, эшитган олсин бир фойда.
Сузласанг, сўзингни кўп узоқ қилма,
Малоллик етади узайган жойда!

Яна байт:

Ҳар ким кам сұзласа яхшидир сүзи,
Үндайин кишида инсон фазли бор.
Беҳуда сұзловчи палид забондир,
Күп сұзда күп маъно бўлмайди зинҳор.
Рост сұзни хоҳласанг қулоқ сол менга,
Лақмадан гунг киши афзалдир минг бор!

Мажидиддин Ҳавофий

Үйлаб сұзлаган кишининг сүзи тўғридир, ўринсиз
күп вайсаган тил шафқатсиз ёвдир.

Оғиз ва тилинг бeszаги тўғри сўздир, тўғри сўзла,
тилингни беза.

Аҳмад Юғнакий

Сен ўзингта эсонлик тиласанг,
Тилингдан яроқсиз сўзингни чиқарма.
Билиб сұзлаган сўз донолик саналади,
Нодоннинг сўзи ўз бошини ейди.
Сўзни күп сўзлама, бир оз озроқ сўзла,
Туман минг сўз тутунин бир сўзда кўзла.

Юсуф Ҳос Ҳожиб

Эй биродар, билгинки, ўйламасдан тапиришдан
кўнгилга озор стади. Жимлик ва хомушлиқдан эса ҳеч
кимга озор стмайди.

Муҳаммад Жабалрудий

Одам эрсанг маъни бил дона-дона,
Ватан эрур сенга иккинчи она.
Сўзламасдин олдин сўзингни сина,
Ҳар бир сўздир умринг ичинда сина.

Анбар Отин

ҲИҚМАТ. Бир ҳакимдан сўрадилар: «Ақлли киши
ким?» Ҳаким деди: «Сўзни меъёри билан сўзлаган, ҳаёт
қадрини англаган, бутун куч ва қудратини илм ва
камолот ҳосил қилишга сарфлаган кишидир!» Байт:

Чекланиб қолмагин мансабинг билан,
Билим ва фазилат изласанг агар.
Нокаслар қўлидан шакар егандан,
Золим шоҳ қулидан сен ичгин заҳар.

Мажидиддин Ҳавофий

Сўзда керак маънио маънида завқ,
Сўзлагувчида сўз учун дарду шавқ.

Ҳайдар Хоразмий

Магрури дунё бемарҳабодир,
Бехуда ҳар сўз боди ҳаводур,
Ҳар номуносиб иш нораводур.

Толиб Талибий

Беҳруз Боқлий шундай деган эди: «Дунёда менга икки нарса хушдир: бири дилга ёқадиган сўз, иккинчи-си сўз ёқтирадиган дил. Шодон кўнгилли киши шундай кишики, унинг дили сўздан файз тона олади. Ёқимли сўз шундай сўзки, у кишининг дилига шодлик еткизса олади!» Байт:

Жону танинг қуввати ёқимли ширин сўздир,
Масиҳнинг нафасидан гувоҳлик берар элга!
Абулбаракот Қодирий

Одам улки жаҳонда яхши сўздин панд олур,
Қолмас ушбу одам, аммо олам ичра сўз қолур.
Пошшохужа

Мард бўлсанг, ўз сўзингни қилма кўп бесэътибор.
Оразий

Сузлаш йўли нотекис ва хавфли бўлиб, кўп хатарларга эга ва ўйламай, фикр қилмай лабни ҳеч бир сўзни изҳор қилишга очмаслик керакки, ўйламай айтилган сўз кўп бошларни фано чавгонининг гўйига айлантирган, жон хазинасини заволлик ва нуқсон қиморига ютқазган.

Сузлашда бир исча қоида бўлиб, уларнинг ҳар бирiga риоя қилмоқ лозим. Биринчиси шуки, бесабаб ва бемавридилик қалити билан такаллум қулфини очмаслик лозимки, сўз гавҳари тўғри ва аниқ бўлса-да, бевакът ва бемаҳал айтилса, идрок бозорининг гавҳаршунослари ва қоида билувчилари назарида эътибордан четда қолади ва ҳеч ким уни эшлишишга рағбат қилмайди.

Бархурдор ибн Маҳмуд

Инсоф ила сўзга қил наззора,
Фарқ айла дур ила санги хора.
Шавқий Каттақурғоний

Кимки ямон сұзни дер, инсон эмас,
Сұзки ямандир, они ҳайвон демас.

Нишотий

Тил борки, бол келтиради, тил борки, бало келтиради.

Тил тезлигидан қадам тезлиги яхши.

Сүзловчи киши бадхулқ бұлса-да, баъзан унинг сұзларига дикқат қыл, гоҳо ёмон оғиздан ҳам яхши сұз чиқиб қолади.

Сүзниң айтувчисига қарама, айттан сұзига қара.

Сұзига боқма, күзига боқ, үзига боқма, сұзига боқ.

Икки нарса фойдасиз: ҳикматсиз сұз ва тафаккурсиз сукут.

«Оталар сұзи»

Суз лаззатини одами нодон билмас,
Нечунки асал лаззатини ҳайвон билмас.

Толибий

Баъзи сұз қиличдан үткір бұлади.

Мұхаммад Зеңний

Хам сұз ила әлга үлимдан најот,
Хам сұз ила топиб улук тан најот.

Навоий

ҲИКОЯТ. Дүстлардан бири доимо мен билан ҳамдаму үлфат эди. Үнга: «Киши қанчалик оқыл бұлғып, садағ оғиздан гавҳар сочса-да, унинг душманлари миңтә яхшилиги ичидан битта ёмонлигини топадилар!» — дедим. У эса: «Душман дүстлар гулистонининг анжуманидан гул үрнига тикан тергани яхшироқ», — деб жавоб берди. Шеър:

Донау дур сұзин афсона бил,
Сұзни жаҳон баҳрида дурдана бил,
Жон бұлуб ул, рух аннинг қолиби,
Ким танида рух аннинг толиби.
Барча күнгүл дуржи аро гавҳар ул,
Барча оғиз хуққасида гавҳар ул.

Навоий

Огоҳлик ва шуур неъматининг лаззатшуносларидан ушбу сұз қолганки, нутқ ва баен, хаёл ва табиат денги-

зи гавҳарининг гаввоси булиб, ҳар бир соҳиби хунар ҳамда бехунарнинг ҳоли у билан тадқиқ қилинади. Оқил кишилар ақлни амирга, фаросатни вазирга ва нутқни сипоҳга ўхшатадилар. Чунки ҳар нимаики ақл хотирасига келса фаросат уни тасдиқ қиласди. Нутқ эса уни ижро қилишга киришади. Агар сўздек хабарчи бўлмаганда, дилхаста ошиқларнинг юрагидаги розини маъшуқ қулогига нима етказган буларди?! Назм:

Мақсад варагига сўз шерозадир,
Ундан ҳоллар маълум ва овозадир.
Суз агар булмаса бизга ҳамогуш,
Ақл тили доим буларди ҳомуш!

Бархурдор ибн Маҳмуд

Билгали сўз хотири доно керак,
Кургали йўл дидай бино керак.

Сайд Қосимиј

Сўздин экан руҳи равон ҳам санга,
Жону тану тобу тавон ҳам санга.

Нишотий

Бир ҳакимнинг бирда шундай деганини эшитгандим: «Оғиз ичидаги тил қин ичига яширилган қиличдир». Шеър:

Тил тигини ўткир айлама асло,
Ўз бошингни кесиб булмасин бало.
Үлдирмоққа қачон ханжар қилинди,
Тил шаклида унинг шакли тилинди.

Ибн Камоллошшо

Ким истаса мазҳари каромат бўлмоқ,
Ҳар навъ ишда истиқомат бўлмоқ.
Сўзтур анга мушкибি каромат бўлмоқ,
Тил забтиладур анга саломат бўлмоқ.

Навоий

Кулингдан келмаган нарсани тилингта келтирма.
Тил тинч бўлса, бош саломат булади.
Ҳар ким ўз оғзининг қоровули бўлса, нафаси ҳеч қачон бугилмайди.

Нобуд булмасин деб тилидан инсон,
Оғиз бўлди инсон тилига зиндан.

«Оталар сўзи»

Жароҳатким етар кўнгилга тилдин,
Қилолмас ҳеч марҳам ани барҳам.

Алмай

Сузингта эҳтиёт бул, бошинг кетмасин,
Тилингта эҳтиёт бул, тишинг синмасин.

Юсуф Ҳос Ҳожиб

Фойдасиз сўзламаса қайси тил,
Она тил бўлгай уша тил — она тил.

Анбар Отин

Ҳар кимнинг болалар ногораси каби ичи буш бўлса, унинг беҳуда овози халқ миясини, узининг эса ҳалқум дарвозасини қиртишлайди. Яхши суз бебаҳо бойлик асоси, камгаплик эса саломатлик сармоясиdir.

Ибн Камоллошо

Сузинг бўлса кумуш, жим турмак олтун,
Миси чиқғай сўзинг кўп бўлса бир кун.
Кўпайган сўзни бўлгай тўгриси оз,
Шакарнинг купидин ози бўлур соз.

Абдулла Авлоний

Суз ақлнинг тарозусидур.
Суз борки, тоққа кутаради, суз борки, горга итаридаи.

Суз ақл ўлчовидир.

«Оталар сузи»

Жисм бўстонига шажар сўздур,
Руҳ ашжорига самар сўздур,
Гулшана келди жисми инсоний,
Нутқ онинг булбули хушалҳони.
Бўлмаса суз ажаб бало бўлгай,
Булбули нутқ бенаво бўлгай.

Навоий

Айтишларича, Баҳром Гур бир дарахтнинг остида ўтирган эди. Ногоҳ шоҳлар орасидан бир қушнинг овози эшишилди. Баҳром бир уқ билан бемаврид «сўзловчи» бу қушнинг ишини тамом қилди. Қушнинг тани мих мисол шоҳларга урилди ва жони эса уқёйнинг иссиқ сихи билан тилинди. У деди: «Кущ ҳам, инсон ҳам уз тилини сақласа омон бўларкан!» Байт:

Гарчи құш бұлсın у ва ёки инсон,
Тилини сақласа бўлади омон.
Шамни кўргач шамдан оғзин бекитди,
Чунки шамнинг тили бошига етди.

Хурозни кўрмайсанми, бемавриду беҳангом қич-
қирди-ю, субҳи шомга айланди. Байт:

Хуроз қанот қоқиб бевақт қичқирди,
Муруват ўрнига боши қирқилди.

Ибн Камолпошшо

Сўзни кўнгулда пишқармагунча тилга келтирма,
Ва ҳариски кўнгулда бор — тилга сурма.

Навоий

Туз бўлубон тилни тузлукка оч,
Тушса даги теша смас туз йифоч.

Ҳайдар Хоразмий

Донишманлар сўзни жавоҳирга, одамни эса конга
ташибиҳ қиласидар.

Бархурдор ибн Маҳмуд

Гар худ эрур ханжари пўлод тил,
Суфта даги инжулари сўзни бил.
Тил бу чаманинг варақи лоласи,
Сўз дураидин бўлубон жоласи.
Тил сўз била то қизитди ҳангомамни,
Бир ҳам тия олмадим бу худ комамни.
Ҳар неча итикроқ айлади хомамни,
Ул хома қаророқ айлади номамни.

Навоий

ЭЙ ҮГИЛ, сен ҳарвақт гапирмоқчи бўлсанг, аввало
гапингни яхшилаб ўйла, сўнг гапир. Зарурат пайдо
булгандагина гапиришга одатлан. Бўлмаса жим ўтири!
Куп ўйлаб, оз сўзлашда ҳикмат катта.

Бархурдор ибн Маҳмуд

Ёмон сўз кескир қиличдан баттардир.
Кошифий

Қил ҳазар душман сўзиндин, эй рафиқ,
Неким ул айтса, анинг аксин эт.

Сайфи Саройи

Қадимий Юнон ҳакимларининг айтишларича, кимки беақл ва енгил булса, ўйламай сўзлашда дадил булади. Бундай кишилар сўзниң шаҳвор дур эканини ва уни бехуда сочиш одам учун нуқсон эканини билмайдилар. Эшитишмча, Сунъо эшигида куйидаги панду ҳикмат ёзиб кўйилган экан: «тилингта сукутни ёр қилсанг, гам остида хор бўлмайсан!» Шайх Саъдий айтади:

Бир чолга йулиқиб Юнон юртида,
Дедим, эй оқилу, зукко-ю, хушлик,
Инсонга нима иши яхшидир? Деди:
«Хомушлиқ, хомушлиқ, яна хомушлиқ!»

Ибн Камолпошшо

Оқил ул сўзни уринда сузлагай,
Ҳам жавобини муносиб кузлагай.

Сайфи Саройи

Қилма изҳори суханварлик фароге истасанг,
Сийму зар урнига ер бошига санги хора сўз.

Мунис

Ширин сўзниң насими мақсад кемасини мурод соҳилига етказади. Нотўғри, қўпол сўзниң чақмоғи эса бир онда сўзловчининг фаровонолик хирмонини ёндиради.

Бархурдор ибн Маҳмуд

Суз борки, тингловчи танига жон киритади,
Суз борки, айтувчи бошини елга беради.

Навоий

ҲИКОЯТ. Айтишларича, уз замонасиининг ёрқин ҳикмат қуёши бўлган Бузургмехр ҳаким бошқа бир неча ҳакимлар билан баҳс юритдилар. Улар ҳакимдан ҳеч бир нуқсон тополмагач, охири: «Илм дарёсида сузамол табы үрдак каби сувучи бўлса-да, лекин гапираётганда кўп ўйлаши малоллик келтиради!» дейишиди. У эса: «Ўйламай оғиз очгандан кўра, минг марта ўйлаб гапирган афзали!» деб жавоб берди. Байт:

Айтилмаган сұзни айта оларсан,
Айтилғанни қақон тута оларсан?

Ибн Камолпошшо

Суз махзанининг нишонаси ҳам,
Маъни дуриининг хизонаси ҳам —
Ҳар сұзки күнгүлдин улди мавжуд,
Хат булмаса булғай эрди нобуд.

Мунис

Кишиининг бошига нима келса, тилидан келади.

Тути сақлаёлса эди тилини,
Қафас хижил қылмас эди дилини!

Бархурдор ибн Маҳмуд

Сучук тил бирла, эй Обид, бу ғамли дилни
шод эттил,
Ки жон тандин вижод этгунча бу ширин
забон яхши.
Мужрим Обид

Гул каби бевақт гүнча очиб ноз қымла, булбул каби
бепарда нағма-ю овоз қымла!

Ғайри тилни саъй қилинг билғали ёшлиар,
Ким илму ҳунарлар ривожи андин аёндир.
Лозим сизга билув ҳар тилни она тилдек,
Билмакка они гайрат этинг, фойдаси кондур.

Аваz Ўтар

Беҳуда очма оғиз гул каби,
Беҳуда ғалма соз булбул каби!
Аввал үйлаб, сұнgra чиқарғыл нафас,
Узинг бас айлагин, демай туриб бас!

Ибн Камолпошшо

Тилга кучи ета олган — донишманд,
Сұзға әрк берган — пасткаш аҳмоқ.

Навоий

Демишиларки, ҳар кимни келганды күр,
Бұлубтур масал, сұзни сүрганда күр.

Хиромий

Ҳайвон нұқта билан, одам дил билан bogланади.
Инсон сұзи билан танилади, ахлоқи билан мақталади.

Ақлли одамнинг сўзи жонга озиқ, ақлсиз одамнинг сўзи жонга қозиқ.

Кишининг фазилати тилидан билинади.

«Оталар сўзи»

Маъдани инсон гавҳари сўз дуур,
Гулшани одам самари сўз дуур.

Навоий

Бахт келтирувчи мусаффо рух манбаи ҳам тил,
Ёмонликлар наҳс юлдузининг чиқар ўрни ҳам тил.

Навоий

Лофу ёлғон сўздан қочмоқ ва бемаъни даъводан
кечмоқ лозимлиги ҳақида хайрли кишилар ва илмли
донишманлар асарларида кўп сўз айтилган. Байт:

Фойдали сўзласа киши тортмас ғам,
Шунингчун уйламай сўзлама, укам!
Уйлаб гапиравчи сўзи соир, ёр,
ЛАқма ҳозиржавоб сузидан минг бор!

Ибн Қамоллошшо

Агар сўз жона пайдо қилмаса сўз,
Ани сўз демагил, эй мажлисафруз.

Гулханий

Сузки малоҳат билан маргуб эрур,
Зийнат анга бўлса агар хуб эрур.

Нишотий

Заковат кўрки сўздур, бу тилнинг кўрки сўздир,
Кишининг кўрки юздур, бу юзнинг кўрки кўздир.

Юсуф Ҳос Ҳожиб

Эй азиз фарзанд, билгинки, киши ўз тилига доимо
эҳтиёт бўлмоги, ҳар бир гапни уйлаб, сўнг гапирмоги
лозим. Киши қаерда бўлмасин ва қачон бўлмасин ти-
лини ёмон сўздан асраса, уйлаб, мулоҳаза билан гапи-
са, доимо фойда топади. Айтилган сўз отилган ўқ, уни
қайтариб бўлмайди. Кўп сўзда кўп хато бўлади, дейди-
лар. Кўп киши тили туфайли узини бало домига мубта-
ло қилади. Сийнага қадалган найзани чиқариб олса
бўлади, аммо дилга қадалган сўз заҳрини чиқариб бўл-

майди. Сузни ўйлаб гапирмоқ ва тилни ёмон сўздан асрамоқ ҳақида ҳикоятлар кўпдир.

Бархурдор ибн Маҳмуд

Тил ширинлиги — кўнгилга ёқимли, юмшоқлиги фойдали,

Чунки тил аччиқликка айланса, зарари умумий букур.

Навоий

Сўздин эрур маънини рангин мурод,
Булмаса ул сўзни дегил гирдбод.

Нишотий

ҲИКОЯТ. Нуъмон ибн Мунзир араб халифаларидан эди. Бир куни чарчаб, ариқ лабига қелиб утирги:

— Агар бир кишини шу ариқ лабига келтириб сўйилса, қони қайси томонга қараб оқаркин? — деб қолди.

Нуъмон:

— Буни сенда синаб кўриш керак! — деди-да, уни шу ариқ лабида сўйишга буюрди.

Уз мақомида ва жойида айтилмаган суз одамнинг ўзига душман бўлади.

Бошида ақли кам булса кишининг,
Тилида сўзи кўп бўлади, бемадор!

Ибн Камолпошшо

Гавҳару дурни қулоқ озори бил,
Сузни қулоқнинг дурри щаҳвори бил.

Навоий

Ҳақиқатан ҳам сўзниң лаззати уни гапиришда эмас, балки эшитишдадир:

Жимликка қасамки, суз иссигидан
Таним шам мисоли куйиб боради!

Абулбаракот Қодирий

Сувнинг мазаси муз била,
Ошнинг мазаси туз била,
Одамнинг яхшилиги суз била.

Навоий

Минг оғиз беҳуда сўздан бир луқма нақд таом яхши.
Суз кишининг юрагидан дарак беради.

Бирор ерга борганда эзмаланиб узоқ ўтирмаслик ва
ўтиришида эса фақат керакли сўзларни гапириш одам-
нинг қадру қимматини оширади.

«Оталар сўзи»

Жаҳонда камсухан ким бўлди, асрори ниҳон бўлди,
Кимики сўzladi кўп, билки расвойи жаҳон бўлди.
Баенни

ҲИКОЯТ. Айтишларича, беҳуда сўзлашдан кўра
жим ўтиришлик афзал эканлиги ҳақида Рум қайсари,
Ҳинд рожаси, Чин фагфури ўртасида мунозара бўлиб
ўтган эди. Улар ўзаро бир фикрга келдилар ва бир
маънодаги сўзларни турли иборатда баён ишига тизди-
лар.

Рум қайсари шундай деди: «Айтган баъзи сўзларим-
дан қаттиқ надомат тортдим. Аммо айтмаган сўзларим-
дан ҳеч пушаймон бўлмадим!» Назм:

Айтилмаган сўздан надомат стмас,
Суз айтилгач, ундан зарар юзланар!

Ҳинд рожаси ақл дарёсидан ноёб дур ҳозирлаб,
баён ишига терди-ю, деди: «Суз ўқи баён камонидан
ҳали отилмаган экан, у менинг кўл остимдадир. Ямон
оғиз камонидан отилиб чиқса, унда энди эгалик қи-
лолмайман!» Байт:

Айтилмаган сўзни айта оларсан,
Айтилганни қачон тута оларсан?!

У давом этиб деди: «Ҳар сўз ўқи камондан учса ва
ҳар калима оғиз зиндонидан кўчса, уни қайтариб ола-
ман дейиш хомхаёлликдир!» Байт:

Шошилмоқдан тийгин доимо ўзни,
Истаганда айтсанг бўлади сузни!

Чин фагфури сўз бўstonидан гулдаста ҳозирлаб,
тухфа қилган ҳолда деди: «Суз қуши оғиз қафасида
екан, унинг ихтиёри менинг измимдадир. Борди-ю у
тил ошёнасидан парвоз қилса, ҳеч қачон уни тутиб
бўлмайди. Байт:

Күш қафасдан учиб кетганда ҳар дам,
Тутаман деб уни тортмагин алам!

Сўз келини сўзлашув пардасидан ташқари чиқмаган экан, тил машшотасининг ихтиёридадир. Машшота уни хоҳласа баён боғига олиб киради, хоҳласа парда орқасида пинҳон тута олади. Байт:

Сўз келини жилва қилмаган замон,
Соҳибининг қўли остида пинҳон.

Хоҳлаганда уни баён қилади,
Хоҳламаса яна ниҳон қилади!

Ибн Камолпошшо

Бўлсанг оламда фасоҳат аҳлининг сардафтари,
Ҳар сўзунг бўлса балогат қулзумининг гавҳари.

Сайқалий

ЭЙ ФАРЗАНД, дунёда омон булав десанг, сергап бўлма, зарурат туғилса гапир, бўлмаса жимликни ихтиёр қил. Энг ёқимли хислат ва чиройли санъат тилни сақлай билишдир.

Бархурдор ибн Маҳмуд

Киши икки нарса туфайли қаримайди,
Бири — эзгу хулқи, бири — эзгу сўзи.
Мендан сенга кумуш, олтин қолса,
Уларни сен бу сўзга тенг тутмагил.

Юсуф Ҳос Ҳожиб

Билгинки, ёнгоқнинг ичи пуч бўлса, овози шалдираб чиқади, пистанинг ичи тўла магиз бўлгани учун оғзини юмиб, хомуш туради.

Ёнгоқлар ичиди пуч бўлса ёнгоқ,
Овози барчадан чиқар баландроқ!
Ичи тўла писта асло гапирмас,
Бошдан-оёққача оғзи бўлса ҳам!
Битта дурдан садо чиқарар ҳуққа,
Ичи тўла бўлса гапирмас бир дам!

Ибн Камолпошшо

Тутиб соҳибсуханлар, эй ҳалойик,
Сўз айтур ҳар ким ўз ҳолига лойик.

Сайқалий

Тилим тинч бўлса, дилимда ўкинч бўлмайди.

Эй тилим, жим ётгин, дилим тиглама,
Мени утга ёқиб, узинг йиглама!

Сергаплик ўз душманингдир, чунки у сенинг айбларингни ошкор этади, душманингни эса жойидан кузгатади.

«Оталар сүзи»

Кушодруй үлубон, айлагил тилингни чучук,
Агар десанг булгайки олам ичра сарвари нос.

Шавқий Каттақўргоний

ҲИКОЯТ. Сузлари адаб гавҳарининг тожи, узи араб ҳакимларининг устоди бўлган Собит ибн Қуррандан қўйидаги ҳикматларни нақл қиласидар: «Жисмроҳати овқатнинг озида, рухроҳати кам ейишда, тилроҳати кам гапиришда!» Лекин сўз айтиш лозим бўлган жойда жим ўтирмоқ зиенга йўл қўймоқ ва маломатга қолмоқдир».

Агар курсанг йулда куру чоҳдир,

Агар хомуш ўтирсанг зўр гуноҳдир!

Байт:

Агарчи жим ўтирмоқ хирадманд наздида хушдир,
Валекин маслаҳат пайтида хуш булгай фикр айтмоқ.
Билиб қўй, икки пайтда жим ўтирмоқ

бефаҳмлиқдир,

Керак пайтида сўз айтмай, нокерак пайтида дам
урмоқ!

Яъни жим турмоқ пайтида сўзламоқ оқибатни уйлаб иш тутувчилар учун нолойиқ ишдир. Шунингдек, гапириш лозим бўлган вақтда индамай турмоқ оқил кишилар наздида номувофиқдир.

Ақлу тадбир билан уйлаб қарадим,

Сергап бўлса ҳар ким доим хор экан.

Айтмагайман лабу кўзни юм доим,

Аммо ҳар бирининг жойи бор экан.

Ибн Камолпошто

Сўздур бу жаҳонаро қулзуми жарф,
Покиза маони ангадур дури шингарф,
Бу баҳр топар кўнгуларо гунжойищ,
Лекин анга ҳар кўнгул була олмас зарф.

Оғажий

Сузаро бўлдим ниҳон хушбуй гуллар барғидек,
Кимки кўрмоқ истаса суз ичра шон кўрса мени.
Зебуннисо

Сенга бор эса сўз билурдин мазок,
Ўзум сари боқма, сўзум сари боқ.

Навоий

Андиша бирла суз деким, пухтани,
Ташларлар эл оғзига олмай хом, деб.

Мунис

Бузургмехрдан сурадилар: «Эй ҳаким, киши учун энг яхши нарса нима?» Айтди: «Жим турмоқ, беҳуда сузларни айтишдан кўра индамай турмоқ!» Яна сурадилар: «Агар у ҳам булмаса-чи?» Айтди: «Агар у булмаса киши учун адаб яхшидир!» Яна сурадилар: «Агар у ҳам булмаса-чи? Айтди: «Ёқимли хулқ, одамлар билан очиқ юзли бўлиш, дусту душман билан муроса қилиш!» Яна сурадилар: «Бу хислатлар ҳам булмаса-чи?» «У пайтда одамнинг ўлгани яхши!»

Муҳаммад Жабалрудий

ҲИКОЯТ. Бир ёлгончи ва беҳуда сўзловчи киши лоф кўласига кириб, дерди:

«Мажастий» бирла «Уқлидус» билурман,
Бу фан бобида юзни мот қилурман!

Замона саҳифасида ва замину осмон теграсида, умуман, эл орасида, нимаики бўлса, менинг кўзларимга равшан ва аёndir!

Унинг беҳуда сузлигидан ва паришон аҳволидан воқиғ бир доно деди: «Куп баланду пастга учма, ёлғончилик кўйига тушма, узоққа бормай айт-чи, иягингдаги соқолинг толаси нечта?» Байт:

Беҳуда сузларни гапирса киши,
Гапидан ортади бошда ташвиши!

Ибн Камоллошно

Сузунг дурру жавоҳирдур кўнгуллар ганжина
лойик.

Сайфи Саройи

Куп гапиришдан сақлан, чунки куп гапирсанг,
яширин сирларинг ва айбларинг ўз-ўзидан очилиб қо-

лади, жим ётган душманларинг эса хатойингдан фойдаланиб қоладилар!

Мұҳаммад Зәхній

Хар киши уз таъбича иншо қилур,
Маънилик сүз әл аро пайдо қилур.

Нишотий

Жаҳонда: «Тил югуриги бошга, кул югуриги ошга» деган мақол юради. Наштар жароҳатидан тил жароҳати оғирроқдир. Найза захмидан кўп ўтмай, бадан бўстони гулистонга айланаб олади ва ундан жону молга завол камдир. Байт:

Ҳасса зарби узоқ турмайин кетар,
Тилдан етган зарба бир умрга етар!

Ибн Камолпошшо

Эй ўғил, пандимга қилғил илтифот,
Сузла кам, шундан етар сенга најот.
Гийбату ёлғондан авлодур сукут,
Лакмадир абллаҳ, буни ёдда тут!
Кўп гапирмоқдан баданда қалб сўлар,
Гарчи суз дурри Адандан хущ булар.
Кимки сўзлашда фасоҳатлар қилур,
Чехраи дилни жароҳатлар қилур.
Тилни оғиз ичра маҳбус айлагин,
Тут бу зиндан ичра маъюс айлагин.
Кимки ўз айбини кўрмоққа шошар,
Танида жон қуввати доим ошар!

Фаридиддин Аттор

Сенки шоҳсан, куз билан тил сўзига тутма қулоқ,
Тил эрур исми ва лекин заҳрлик мор, эй кўнгил.

Муаззамхон

Тилга эҳтиёtsиз — элга эътиборсиз.

Навоий

Кунгли ва тили бир булган кишининг айтган сўзи бут.

Навоий

Айтадилар: «Кишининг сузи унинг фазлини баён қилувчи аклига таржимондир!» Байт:

Биласанми тилинг недур оғизда,
Ақт ҳонасига калит доимо!
Эшик ёпиқ бўлса билиб булмайди,
Хона ичра девми, фариштами ё!

Ибн Камолпошшо

Кунгил махзанининг қулфи тил ва у тил калитин
сўз бил.

Навоий

Ҳакимлар ва донолар таъкидлаб айтишадики, гапи-
ришдан кўра эшитишдан фойда кўп, чунки эшитувчи
үзгалар гапидан ибратли сўз дурларини териб олади,
бilmagанини ўрганади, ҳаётнинг яхши-ёмон нарсалари
ҳақида тажриба ҳосил қиласди.

Абулбаракот Қодирий

Хар неки етар сенга лисон оғриғидин,
Билғилки, қотиг дурур бу синон оғриғидин.

Навоий

Бир ҳаким деди: «Ҳикмат ҳазинаси жим туришда,
унинг калити эса камгапликдадир!» Байт:

Жаҳонда шундай бир масал юради,
Айтилган сўз кумуш, айтилмаса зар!

Ибн Камолпошшо

Улки қилмайдур маони баҳрига гаввослик,
Курмагай минчоқча гар бўлса дури галтон сўзинг.

Комил Ҳоразмий

Хар бир кишининг сўзи ақлига яраша бўлади.

Ўз ерида айтилмаган сўз ҳеч ким йўқ ерда чалинган
куйга ухшайди.

Хар бир сўзнинг ўз ўрни бор, ҳар бир ишнинг ўз
мавриди.

Тил кескир қилич, сўз эса қайтариб бўлмас уқдир.
«Сталар сўзи»

Сўздин ўлукнинг танида руҳи пок,
Руҳ догои тан аро сўздин ҳалок.

Навоий

Эй фарзанд, билғилки, Луқмони Ҳаким камгаплик

ва сүкут ҳақида гапиаркан, қуидагиларни қайд этгани: «Камгаңлик ва сүкутда шундай хислатлар бор: камгаңлик тақинчоқсиз зийнатдир, сиёсати йүк ҳайбат, девори йүк қалъя ва либоссиз айб ёпувчи!»

Абулбаракот Қодирий

Жим туриб саломат булиш, гапириб маломатта қолищдан афзал.

Мұхаммад Зәхній

Нотиқ әлнинг ҳар бири инсон эмас,
Аҳли маоний они инсон демас.

Нишотий

ХИКОЯТ. Айтишларича, бир олим киши уз умрини нахв илмиға сарф қылған эди. Бир куни у дарё сафарига чиқди ва мусоғирлик либосини кийди. У кема тахтасида үтириб, бироз юрилгандан кейин кема даргасидан: «Нахв илмидан ҳеч нарса үқиганмисан?» деб сұраб қолди. Дарға: «Йүқ, үқиган эмасман» деб жавоб берди. Олим: «Тамом, умринг зое үтибди», деди унга. Байт:

Бу гап оғрится ҳам унинг дилини,
Жавобига тийди дарға тилини!

Ногоҳ кема катта гирдобга дуч келди. Дарға нахвий олимдан: «Сузищдан ҳеч нарса биласанми?» деб сұради. Нахвий олим: «Йүқ, билмайман» деб жавоб берди унга. Дарға: «Тамом, умринг зое бўлди!» деди. Байт:

Жавобни эшиттач ул нахвий киши,
Нахв билан узга бўлмади иши!

Ибн Камолпошшо

Қайси бир кўнгул қаттиқ сўздан яраланган бўлса, аччиқ тил заҳарли найзадек бўлур.

Сендан тил одоби қандай бўлади, деб сурасалар, шундай жавоб бер: яхши фикрни ифодалаш учун оғизни очиши лозим, ёмон гап учун оғизни берк тутгин. Агар сендан: нималардан тилни тийиш даркор, десалар, шундай дегин: биринчи — ёлғон гапиришдан, зеро ёлғончилик одамнинг ўзига душмандир; иккинчидан — ваъдага хилоф иш қилишдан, чунки бу икки юзламачиликдир; учинчи — гийбат ва бўхтондан. Зеро

бу фосиқтар ишидир; тұртнчы — жаңжалдан, хусуматдан, мақтанчоқликдан, ёмон дуо ва ҳақоратдан, одамларнинг ранжишига сабаб бўладиган кулгу ва масхаралашдан тилни тиймоқ лозим.

Кошифий

Бу масалдур, Обидо, халқ ичраким, қайси ятим,
Оғзи тегди ошқаю, бурнидин қачон қон келмади.

Мужрим Обид

Сузлаш одоби шундайки, сұзни кам сұзласин, чунки лақмалик тентакликнинг нишонларидан биридир. Бузургмеҳр: «Бир кишини қурдингки, ниҳоятда күп гапирмоқда, билгилки, у девонадир!» деган эди. Киши демоқчи бўлган нарсасини ақл тарозусида яхшила бортмагаç, уни баён қилиш номақбулдир. Ҳакимлар: «кўп ўйла, сўнг сўзла», дейишган. Эҳтиеж пайдо бўлмасдан бир сұзлаган сұзни тақрор гапирмасин. Бирор киши бирор воқеанин баён қилишга киришса, эшитувчининг бундан хабари булса-да, хабардорлигин ундан яширсин. Чунки гапиравчи хижолат чекиши мумкин. Узга кишидан сўралган сўзга жавоб бермасин. Агар савол кўтчиликка ташланса, у мазкур саволга жавоб беришга қодир булса ҳам, ҳаммадан аввал жавоб беришга шошилмасин. Бирор киши жавоб айтса, қониқарли бўлмаса ёки унга қўшимча қилишга қодир булса, оҳиста жавобини айтсин. Утиришда булаётган музокара ва мунозарага дахли бўлмаган ҳолда аралашмасин. Катталарга кинояли сўз айтмасин. Тушунилиши қийин бўлган сұзни мисоллар воситасида равshan қильсин. Мунозарада чегарадан ташқари чиқмасин. Ҳар бир кишига унинг фаҳми етадиган даражада сұзласин. Бир ҳакимдан сўрадилар: «Нега сен гапиришдан кура кўпроқ эшитасан?» У деди: «Чунки менга иккита қулоқ, битта тил ҳадя этилган».

«Махзан ал-улум»

Тил ва кўнгул яхшироқ аъзолардин инсонда.

Навоий

Тилингни ўз ихтиёрингда асра.

Навоий

Ҳеч қандай кишини, хоҳ у тирик бўлсин, хоҳ у ўлик

булсин, ёмон сўзлар билан камситиб гапирмаслик кепрак!

Мухаммад Ҳусайн

Танга озукдур ҳамища түгри лафз,
Миллату тилга хиёнат угри лафз.

Анбар Отин

Ахли сухан ким эдилар нуктасанж,
Топди алар ранж чекиб, мулки ганж.

Нишотий

Ким синса кўнгул захми забон оғриғидин,
Кам эрмас аниңт оғриғи жон оғриғидин.

Навоий

Киши бўлмаса маънидин хабардор,
Ани дема одам, де нақши девор...

Хувайдо

Кўп демак сўзга гурурлик,
Кўп емак нағсга маъмурлик.

Навоий

Сўзни сўзламаса, у соғ олтинга тенг,
У тилдан чиқарилса, сарик чақага тенг.

Юсуф Ҳос Ҳожиб

Сўз айтсанг сен фақат фойдали сўз айт,
Бу билан жой олгин элнинг дилидан.
Бўлмаса сўзламай жим утири, чунки,
Йинсонга не келса келар тилидан!

Ибн Камолпошшо

ИЗЗАТ, ОБРҮ,
УЛУҒЛИК,
ҚАДР-ҚИММАТ,
БҮЮКЛИК, АМАЛ,
БАХТ-САОДАТ





Үз ҳаққини ҳимоя қилиш йўлида қурбон бўлган одамнинг ўлими яхши ўлимдир.

Ҳадис

Фақат уч амалгина инсон билан охират манзилига ҳамроҳ бўлиб боради. Биринчиси жорий садақа дейилади ва масжид қуриш ва хонақоҳ, мадраса солиш, мевали дарахт экиш, қудуқ қазиш ва қўпприк солишдан иборат. Йиккинчиси халқقا наф келтирадиган ишлар қилиш. Учинчиси солиҳ фарзанд тарбия қилиш.

Ҳадис

Қадр ва улуғлик чўққисининг арзанда гавҳарини қидиравчилар, эътибор ва роҳатнинг ёқимли маъшуги висолини изловчилар учун лозим, балки зарурки, факат мақсад манзили томон ета оладиган йўлдан юрсинлар ва хотир бўстонига шундай дараҳт эксинларки, то унинг мевасидан ва соясидан бемалол фойдалана олсинлар!

Бархурдор ибн Маҳмуд

ҲИКМАТ. Арасту шундай ёзади: «Иzzат тиласанг иффатли бўл, улуғлик тиласанг мулоим бўл, зафар тиласанг адолат йўлини тут, қадр тиласанг ростгўй бўл, нажот тиласанг сабр қил, илм ўрганмоқчи бўлсанг жидду жаҳд қил». Байт:

Дунё моли гүё булат сояси,
У ёндан, бу ёндан утар ҳар замон!
Шунинг учун молниңг эътибори йўқ,
Бир онда узгарйб қолар ногаҳон.
Хушер киши шундай кишики, доим,
Топганини элга қиласди эҳсон!

Мажидиддин Хавофий

Агар иззат тилабсан камнамолиг орзусин қил,
Қаю ажнос бисёр, суди йўқ, зиён бўлди.

Баеный

Маҳмуд Худобанда шундай деган эди: «Улуғлик шундай кишига ярашадики, у киши ўз муруввати билан озод кишиларни ром этади, асир кишиларни эса озод этади. Рустами Достон куч ва қудрати билан душманларни яксон этди, бечораларни эса озодликка етказди. Бир киши ундан: «Шундай улуг маргаба ва олий даражага қандай қилиб етишдинг?» деб суради. У эса мен ҳаётда узимга шундай деб буюардим: «Эй жон, мард бул, агар жангда ботирлик курсатиб улсанг яхши деган номинг қолади, енгсанг эл ҳурматини қозонасан, шунинг учун улимдан қурқма, ўлимга ҳарис бўл!» Шеър:

Қулимда дори-ю заҳарим бордир,
Бири дўсту, бири душманим учун!
Абулбаракот Қодирий

Кимки, улугроқ анга хизмат керак,
Кимки, кичикроқ анга шафқат керак.
Навоий

Инсоннинг ҳақиқий қиммати унинг илми ва шу илмiga қилган амали орқали билинади. Демак, инсон ҳақиқий қимматга эга бўлиши учун илм ўрганиши ва одобли бўлиши зарур!

Муҳаммад Зеҳний

ҲИКМАТ. Иzzат ва шуҳратпастликдан қочсанг, зорлик ва хорликка тушмайсан. Шириналкни камроқ есанг, сафро сундирувчи дорига муҳтоҷ булмайсан! Байт:

Ҳазм қилиш қувватинг етмайдиган таомни —
Ема, жисму жонингга етар ундан кўп нуқсон!

Газаб келган пайтда үйламасдан сұзлама,
Сунгра узр сұрамоқ бұлмайди сенга осон!

Муиниддин Жувайний

Яхши одамлар ишидан ибрат ол,
Ибратомуз хизмат айлаб, иззат ол.

Анбар Отин

Эй фарзанд! Сен ҳеч қачон улутлик кетидан құвма!
Улуғлики излаш ва барчадан устун булишни хоҳлаш
чин инсон хислати эмас. Кийиниш ва ясан-тусан билан обру топишни үйлама. Чунки бундай қилиш ясама
обру топишга уринищдир.

«Жовидони хирад»

Жаҳон үзбошимчалари майдонда обру қозонолмайды.

Иттифоқла бириккан бармоқтар қиличнинг ишини қилар.

Нодира

Айтишларича, иззат ва улугликнинг сабаблари бештадир, яъни мазкур бешта сифат кимда бұлса, у одам улуглик ва иззат отига минади. Улар қыйидагилардир: тұгри сұзлик, сирини яшира билиш, ваъдага вафо, насиҳатни қабул қилиш ва омонатта хиенат қилмаслик.

Давлат учун күнгилни зор этма,
Иззат учун үзингни хор этма.

Бобур

Банда бұлсанг манманликни зинҳор ташла,
Саҳарларда жонинг қийнаб тинмай ишла.

Аҳмад Яссавий

Ҳакимларнинг айтишларича, ҳар ким бадавлатлик пайтида дүстларига ёрдам қулинин чұзмаса, бечоралик пайтида ҳеч ким унга ҳам қулинин чұzmайди. Сурадилар: «Дүст ким?» Жавоб берди: «Оғир күнларда құллаган киши!»

«Махзан ал-улум»

Ҳақиқий дүстүнгө ёрингдур улким,
Қулуңг тұтса оёқдин түшганингда.

Сайфи Саройи

Дүстларнинг гамини егил доимо,
Дүстлар хурсанд бўлса дўст ҳам хурсанддир.
Ҳар кимса дўст учун кисса банд қилса,
Билгинки, ўзи ҳам лойиқи банддир!

Муиниддин Жувайний

Ҳувайдо ҳар кишини дўст тутай дер,
Анинг беҳимматлигидин ёт булур уз.

Ҳувайдо

Эй азиз, билгинки, дўст дустнинг ёнида бўлса ҳам
еки узокда бўлса ҳам улар бир-бирларига нисбатан ҳеч
узгармайдилар, бир-бирининг шодлигига ҳамдард була-
ди, гам келса, бирга куйишади, дўстига яхшилик қилса
уни унутади. Дўст унга яхшилик қилса ҳеч қачон унут-
майди, агар дўстда хато содир бўлса кечиради, дўстига
яхшилик қилса у қайтарармикан деб тамаъ кузини
тикмайди. Фақат молпараст кишилар бойлик билан
барча нарсани улчайдиган кишиларгина шундай хаёл-
да юриши мумкин.

Абулбаракот Қодирий

Гарчи зоҳирда барча дўстдуур,
Бўлма эминки, душманнинг йуқдуур.

Мунис

ХИКОЯТ. Бир улуг кишининг дўсти тунда эшик
қоқиб келди. Улуг киши ўрнидан турди, бир халта пул
олди, утқир қилич осди ва канизагига шам олиб бирга
юришни тайинлади. Эшикни очиб дўстига деди: «Се-
нинг келишингни уч нарса тахмин қилдим. Биринчи,
бирор ҳодиса юз бериб, пулга муҳтоҷ бўлдингми деб,
пул олиб чиқдим. Йккингчи, душман сенга ҳужум қи-
димикин деб, қилич кутариб чиқдим. Учинчи, бирор
муҳим ишинг чиқдими деб, канизагимни олиб чиқ-
дим».

Дўсти ундан узр суради ва кўнглида унга нисбатан
дўстлик ва ишончи яна ҳам ошди. Байт:

Дўстларнинг ҳожатин чиқаргил тезда,
Кам уйла, демагин фойда ё зарар.

Муиниддин Жувайний

Ёру дўстларнинг кунглини синдирма, юкини кўтар,
Киши кўнгли юпқа шиша мисолдир,

Уни эхтиёт қил, құзгатма, синади.
Кишининг күнгли қолса, ҳаловат кетади,
Яқынлик узилади, фойда йироқлашади.
Яқынлик истасаңг, күнгил олгин, күнгил
Күнгил синса, яқынлик кетади.

Юсуф Хос Хожиб

Бир ҳаким буюради: «Дүстинг сенга насиҳат қи-
лишдан эринса, түгри йўл курсатишга уримаса, айби-
нгдан сени огоҳ қилмаса, ундей дүстдан кечмоқ ва
узоқлашишдан ғамга тушмоқни хәлга ҳам келтирмас-
лик керак». Шеър:

Кимки айбларингни айтса агар юзингга,
Кузларидан шод бўлиб упсанг ҳамки оз эрур.

Абулбаракот Қодирий

Мингта одамни ўзингга дуст қиласан деб, битта
одамни душманга айлантирма, чунки дуст мингта бўл-
са оз, душман битта бўлса кўпдир.

«Оталар сузи»

Қариндош номувофиқ ошнодин,
Мувофиқ етти бегона яхши.
Муқаррар дўстеки бўлса нодон,
Ки андин душмани фарзона яхши

Камий

Донолардан бири айтади:

— Емон кишилар билан улфат булишдан қочгин.
Одамнинг табиати ўғридир. У яхши кишилар билан
сұхбатдош бўлганда яхши хислатлардан баҳраманд бўл-
гани каби, ёмонлар билан улфат бўлганда ҳам улардан
озгина бўлса-да ёмон хислат ўғирлаб олади.

Мухаммад Жабалрудий

ХИКМАТ. Дуст шундай кишики, у ҳеч қачон үз
дүстидан нарсасини аямайди. Мол учун хасис ва баҳил
бўлган кишидан дўстлик кутиб булмайди. Маснавий:

Ҳар ким үз нафсининг бўлса дилбанди,
Ёмон деган номга бўлгуси банди.
Агар одам бўлсанг дунёда оқил,
Умрингни муҳаббат йулида сарф қил.
Ҳар ишда айлагин фикру андеша,
Яхши одатларни айлагин пеша.

Бирорга ҳеч қачон ёмонлик қилма,
Ахир сен одамсан, чаєнлик қилма.
Гулни хордан күтқар, хорни баргдан,
Омон бүлғунг шунда хорлигу маргдан.
Душманинг дилини исит, қилма хор,
Дүстни айлантирма душманга зинхор,
Яхшилик душманни қайтарур йүлдан.
Ёмонлик дўстларни чиқарур қўлдан.
Дўстларнинг миқдори юз минг бўлса ҳам.
Амал асосини гар қўйсалар фарогатга,
Фарогат эшиги кўнгул юзига очиладир.

Оразий

Ўз қадрини билмаган киши узгалар қадрини билмайди! Байт:

Ўз қадрини билмаган киши,
Ўзга қадрин билмас ҳеч қачон.
Шакар, ҳанзал фарқин билмаган,
Шакар дейди ҳанзал курган он!
Зилол сувни курмаган киши,
Мақтаб ичар кўлмакни шодон!

Мунниддин Жувайнин

Кимки санинг айбингни айтур санга,
Шафқат ила лутғу карам қил анга.

Пошибохужа

Қаердаки одамнинг қадри булмаса, сузламай жим
утиргани маъқул!

«Махзан ал-улум»

Етишни жазм этиб ҳар ишда бўлсанг бўл сабот ила,
Агарда қилмассанг ҳар ишингни эҳтиёт ила,
Қачон юз бергай, ўглум, бу жаҳонда шоду хандон-
лик.

Оразий

Арасту ҳаким айтади: «Улуғликка эришмоқ ғоятда
қийин, аммо хорлик ва забунликка тушиб қолиш жуда
осон. Одамларнинг айбини қидириб юрган киши улуг-
лик даражасига эришолмайди!»

«Фавоқиҳ ал-жуласо»

Кишини курмаган булбул баҳор қадрини билмайди.

«Оталар сузи»

Буқрот сүзи: «Элдан уялмаган кишининг эл олдида қадри бўлмайди».

Батлимус сүзи: «Хушбаҳт шундай кишики, у ўзгалининг феълу ҳаракатидан ибрат олади. Бадбаҳт шундай кишики, унинг аҳволидан бошқалар ибрат олади!»

«Махзан ал-улум»

Оғир тош ердан минг азоб билан кутариб олинади, уни ташлаб юбориш эса жуда осон, ўсиб мартабага эришиш худди тош кутаришга ухшайди. Мартабадан тушиб эса тошни ташлаб юборишидек гап.

Юсуфий

Мажлисда: «Бу ердан тур», демаслари учун жойингни билиб утири.

Шараф наслу нараб билан эмас, фазлу адаб билан топилади.

Суви йўқ анҳорнинг қадри йўқ.

«Оталар сүзи»

ҲИКМАТ. Ой нурли бўлса ҳам, ҳар куни кўрина-верганидан қадрсиздир.

Хуррамий

ҲИКМАТ: Агар обрўим ошсин десанг амалга шундай кишини тайинлаки, у ҳеч қачон сотқинлик қилишга журъат этмасин! Байт:

Обрўим зиёда бўлсин десанг сен,
Содик кишиларга иш буюр ҳар доим!

Ҳар кимса ишонса узбилармонга,
Эл аро шарафи кетиб булар кам!

Муиниддин Жувайний

Тиларман доимо бедор аниким,
Саодат доимо бедор яхши.

Хоғиз Хоразмий

Одам нима билан равнақ топса, ўшанга ёпишади.
Бола уйнинг зийнати.

Инсон номи ўлмай яшайди такрор,
Ортидан фарзанди қолганда ёдгор!

Юксалиш қийин, пастлаш осон, негаки оғир тошни кутариш қийин, ташлаб юбориш осондир!

Бахт, давлат қаерда булса, унга бўйин бер, яраш,
Агар бахтга эришсанг, қайгу билан кураш.
Юсуф Хос Ҳожиб

На мулк билан, на мол билан, шараф фазлу камол
билан!

«Оталар сузи»

Агар киши эҳтиром ва эътибор гавҳарини қидирув-
чилардан булса, гавҳар каби яширин бўлсин, токи уни
изловчилар орзу гаввоси билан қўлга киритсинлар.
Агар, аксинча, эътибор тамгасини нафс итининг
буйнидан олиб, гадолар каби, қулини очиб, ўткинчи-
ларга тамаъ кузи билан боқадиган булса, тегирмондек
саргардон айланиб, қорин тўйдириш пайида булса,
яхшиси обру тилашни бир чеккага йигиштириб, тилан-
чилик қилгани маъқул.

Бархурдор ибн Маҳмуд

Бахт ҳийла билан топилмайди, бахтиёр бўлмоқни
истайсану, кечакундуз ётасан, гаввослардан ибрат ол,
мақсадга етиш ва марварид топиш учун узларини ден-
гиз тагига отадилар.

«Оталар сузи»

Тўртта нарса бахтиёрлик белгиси,
Кимда булса ушбу тўргт кўпдир эси.
Асли поклик бахтиёрликка далил,
Бадаслга тожу тахт эрмас ҳазил.
Бахтиёрларнинг иши доим савоб,
Кимки бадбаҳтдир иши доим азоб.
Қалби покликдир яна бошқа далил,
Кимни қалби пок булмас залил,
Умримиз беш кун каби дунёда оз,
Ўйламайдир кимники ақли саёз,
Яхшимас қувмоқ даҳрнинг лаззатин,
Айламоқ лозим эрур эл хизматин.

Фариғиддин Аттор

Бахт ёмирур нарсанинг тўргт белгиси,
Танбалу нодон — булардур иккиси.
Бекасу нокас ила булди тамом,
Ушбу тўргт нарса нишондур, вассалом.
Кимки обру деб иморатлар қилур,

Топган обрүйин ҳам горат қилур.
Хар киши уз лаззатини үйлаган,
Нафсининг айбин демак хаспӯшлаган.

Фарииддин Аттор

Бир кишини амалдан туширдилар. Одамлар ундан
қоча бошлиди. Дұстлар эса алоқани узды. Байт:

Оғир бұлса ҳар кимсанинг рұзгори,
Ундан қочар бола-чақа, нигори!

Күнлар үтар, ҳеч ким ундан ҳол сұрамас зди. Түнни
кунга улар, дұстларидан эса хабар булмади, ҳаёт үз
қилмишидан пушаймон бўлиб, унинг ихтиёрига яна
вазирлик лавозимини топшириди. Байт:

Беқарор фалакнинг одати шулдир,
Бир кун тортиб олиб, бир кун беради.
Иzzати ҳаддин кам эса ҳуб эмас,
Ҳаддидин ортуқ дағи маргуб эмас.

Қочиб кетган дұстлари яна қайтди ва юз бурган
амалдорлар бош букиб салом айтди. Бир куни таниш-
ларидан бири келиб, узр сұради ва үзининг арази ва
узоқлашишини ҳаётга тұнқади. Улуг киши леди: «Но-
кас кишиларга молу давлатинг учун тобеълик қилиш
ва аҳмоқ кишиларга баҳту иқболинг учун муомала
қилиш одатдир. Узр сурашнинг ҳожати йўқ!» Байт:


Нокас кишилар доим дуне ортидан қувар,
Билимдөн кишиларга бир қайрилиб бокмас ҳам.
Пашшаларнинг олдода күпләп шира бўлса-да,
Аммо тери ошловчи уйида кўп булғай жам!

Муниддин Жувайний

Инсон юксак камолотта эришув йулида ҳаракат
қилганидек, ақлий билишта ҳам ҳаракат қилса, ҳеч
шубҳасиз узи интилаётган сұнгти даражадаги баҳт-сао-
датта эришади.

Абу Наср Фаробий

МЕҲМОН,
МEZБОН,
МЕҲМОНДОРЧИЛИК
ОДОБИ





Уйларига мәхмөн құнмайдыган кишилар ёмон одамлардир.

Хадис

Агар уйингта мәхмөн келса «хүш келибсиз» деб очиқ чехра билан күтиб ол, мәхмөнни очиқ юзлиликтен күтиб олиш, катта зиёфат қилиш билан баробардир!

«Фавоқих ал-жуласо»

Мәхмөндорчиликнинг қоидаларидан бири шундайки, мәхмөннинг олдига кирағанда, чиқағанда әки таом ейилағанда очиқ юзли, шириң сұзли ва хүшіфесіл булиш лозим. Мәхмөнлар олдида ҳеч бир ходим әки мұлозимни хафа құлмаслық, қаттық гапирмаслық, улар томонидан бирорта айб әки нұқсон бұлса танбек үшін танбек шириң сұзларини айтишдан тиийилмоқ лозим. Шунинг учун донолар: «Мәхмөндорчиликдаги олий иззат очиқ юзлиликтен шириң сұзлик» деганлар.

Бахил мәзбон мәхмөнни үгри күрар,
Берганини миннат қылип юзга урап.

Маҳмуд Кошгари

Үйингіт мәхмөн келса, мәхмөнлар миқдори оз булса, бирга үтирип. Күпчилік бұлса үзинг туриб хизмат қыл. Гоҳо уларға: «Қани, нарсалардан еб үтириңгілар» деб таклиф қыл, аммо қисташни ҳаддан оширма!

«Фавоқиҳ ал-жұласо»

Мәхмөндорчилік қоидаларидан яна бири шундайки, мезбон мәхмөнлар хузурида одоб билан туради, мәхмөнларнің ҳар бирини зөзозлайды, уларға ҳурмат ва әхтиром курсатищдан бирор дақиқа булса ҳам тұхтамайды. Мәхмөнларға үзи туриб хизмат қилади. Мәхмөн ташқарига чиқса бирға чиқади, кирганица бирға киради.

Махмуд ибн Мұхаммад

Мәхмөн ҳижолат чекар неча мезбондур таниш.

Мәхмөнни әшиккача кузатиб қўйиш суннатдир.

Кошифий

Мәхмөнларнің олдида ўз яқынларингни уришма, табассум қилиб үтирип, очик юзлилік киши учун катта неъматдир.

«Фавоқиҳ ал-жұласо»

Мәхмөн келгач ундан нима ейишини, күнгли нима тусаётганини сұраш лозим. Агар унинг истак ва хошишига қараб нарса тайерланса, мәхмөннің хұрсандчиліги зиёда бұлади. Бироқ мәхмөндән: «Бирор нарса ейсизми, бирор нарса олиб чиқайми?» деб сұраш жуда ёмон одатдир. Шунинг учун сұрамасдан уйда борини олиб чиқып, мәхмөн олдига қўйиш керак.

Мәхмөнга хос бұлған одоблардан бири шундайки, кимки мәхмөнга таклиф этса рад қылмай бориш керак. Үтиришга борғанда эса үйнинг юқорисига үтириш үринмай, уй эгаси қаерни күрсата уша ерга үтириш зарур. Кираётганда ва үтираётганда таъзиму тавозеъни унутмасин. Узлари хохламай турған ыкки одамнинг орасига суқилицілік үтирилмайды, чунки уларнинг суҳбатыга тұскынлик қилади.

Махмуд ибн Мұхаммад

Меҳмони йўқ қора уйдан дала-туз яхши.
«Қўрқит Ота китоби»

Меҳмонда улуг одамлар ўтирган бўлса, овқатга улардан олдин қўл узатма, овқат олиб чиқиладиган томонга қарайверма.

«Фавоқиҳ ал-жуласо»

Мезбон, уйида овқат тайёр бўлгач, кўп бўлса атайлабдан меҳмон олдига озгина олиб чиқмаслиги ёки ортиқча келтирмаслиги лозим.

Меҳмонни кўп сийида айбламаслиги керакки, бу меҳмондорчилик қоидасига хилоф ва меҳмон ҳақига хиснат бўлади. Қўшни уйдан таом чиқса бир қисмини ичкарига болаларга киргизиши мумкин. Ёки меҳмон олдига қўйиб, меҳмон қўл артгач, киргизса ҳам бўлаверди.

Маҳмуд ибн Мұҳаммад

Меҳмонга борсанг уй эгаси қўрсатган жойга ўтири, нима келтирса индамай с, мезбон ташқарига чиқса ўрнингдан турма, рухсатсиз нарса қидирма, гоҳ буни, гоҳо уни ушлайверма, аммо китоблари турган бўлса кўриши мумкин.

«Фавоқиҳ ал-жуласо»

Агар меҳмон яқин дўст бўлса, таклиф қилинмаган ҳолда келган бўлса, унга такаллуф ва ҳашам қилинмайди, бисотида нима бўлса ушани келтириб қўяди, нарса бўлмаса меҳмон қилиш учун қарз олинмайди. Уйида нарса бор бўлса-ю, бироқ бола-чақага етарли бўлса, меҳмонга қўйса, болалар оч қоладиган бўлса, у ҳолда ҳам меҳмонга қўйилмайди. Меҳмон келдими, тезда овқат олиб чиқишга уринилади, кутдириб қўйилмайди, даъват этилганларнинг кўпчилиги келмасстанлари кутиб ўтирилмайди.

Маҳмуд ибн Мұҳаммад

Мусофир дили шикаста меҳмоннинг,
Диалини шод айламоқ меҳмона яхши.

Камий

Меҳмонга борганингда уй эгасидан сув ёки тузгина сураб олишинг мумкин. Булардан бошқа нарсаларни сураб олиб ейиш беодоблик ҳисобланади.

«Фавоқиҳ ал-жуласо»

Меҳмон хотин-қизлар кириб-чиқадиган томонга қарб эмас, бошқа томонга қараб утиргани яхшироқ. Уй соҳибининг рухсатисиз айтилмаган ёки нотаниш одам бошлаб келинмайди. Агар соҳиби хона ишончли ва синаалган киши бўлмаса, унда бунинг йўриги бошқа. Утиришга киргач ён-веридаги кишилар билан ҳол-аҳвол суралади.

Маҳмуд ибн Муҳаммад

Бир меҳмон: «Меҳмон учун мезбоннинг түқлигидан кўра заарлерироқ нарса йўқ» деб ҳазиллашган эди.

Чунки меҳмоннинг олдига овқат олиб келинса-ю, мезбон овқат еб, тўйиб олган бўлса меҳмон билан бирга ейишолмайди, натижада меҳмон уялиб, bemalol ея олмаслиги мумкин.

«Фавоқиҳ ал-жуласо»

Фам нари тур, шодлиг тахтида меҳмонман бу кун.

Ўвайсий

Меҳмонга овқат тезда келтирилади. Хотам Осим шундай деган эди: «Беш ишдан бошқа ишда шошилиш ёмон хислат. Бу эса қўйидагилар: таом келтириш, уликни кўмиш, эрга бериш, гуноҳдан кечиш, қарзни адo қилиш!»

Маҳмуд ибн Муҳаммад

Ётни ёрлақагин ва ёмиш бергин,
Мусофирни эзгу тутгин, эй билагон доно.

Юсуф Ҳос Ҳожиб

Чақирилмаган ерга келган меҳмон, супурилмаган ерда утиради.

Меҳмон севган кишининг ёмиши бол булади.

«Оталар сўзи»

Дүстлар билан мәхмөнде ейилган таом лаззатли булади. Аждодларимиз дастурхонга биратұла барча неъматлардан келтириб қуишини одат қылғанлар. Бунинг сабаби шуки, ҳар ким үзига ёқсан нарсадан еиди. Хабарлардан маълум булишича, киши эрталаб бирор нарса емаса касалға чалинади. Эрталаб чой ичилмаса, бош оғришининг сабаби ҳам шу.

«Фавоқиҳ ал-жуласо»

Бир улуг кишини мәхмөнга айтғанларида «Таклифингни уч шарт билан қабул қиласман! Бириңчиси шуки, бозордан атайлаб нарса сотиб олмайсан. Иккинчиси шуки, уйингда борини атайлаб яширмасдан олдимга құясан. Учинчиси шуки, аәл ва болаларингнинг ҳақини менга едирмайсан!» — дер эди.

Бирорким сенга бұлса гар мәхмөн,
Ишиңг бормидур — мәхмөн күнгли қон.

Хиромий

Бир кишининг уйига бир неча мәхмөн келған эди. Мезбон уларни яхшилаб мәхмөн құлди. Овқат еб, чой ичиб буудилар. Улар яна узок үтиришди ва туришни ҳали хаёлларига ҳам келтиришмасди. Уй эгасининг мәхмөнларга рухсат бергиси кедар, аммо бескорчи мәхмөнлар ҳеч күзголмс әдилар. Мезбон: «Энди сизларга рухсат» дейищігә ҳеч ботина олмасди. Улар тушунишармикан деб, либосини ечиб, оққларини узатиб үтируди. Мәхмөнлар шунда ҳам кетиши ҳақида оғиз очищмади. Шунда у эшигини очди, ичкари қовлиға қараб, уз хотини билан гаплашаётган киши булиб: «Хозир-хозир туришапти!» деди

«Фавоқиҳ ал-жуласо»

Бир куни бир азиз кишининг уйига бир қоп қовун олиб келишди. Мәхмөнлар қовундан бир-иккитасини сүйиб едилар. Азиз киши бетоқат булиб, қолған қовунларни ичкарига киргизиши буюрди. Утирганларнинг ичидә бир зукко табиатли киши булиб, у ҳам урнидан тура бошлади.

— Сен қаёқка? — деб сүради ундан.

— Ичкарига болалар билан қовун ейишга! — деб жавоб берди у.

Махмуд ибн Мұхаммад

Ётни эзгу тутса, эр күзи ёришади.
Мусофири эзгу тутса, овозаси ёришади.
Юсуф Ҳос Ҳожиб

Икки нафарнинг овқати уч нафарга етади.
Яхши одамнинг меҳмони куп бўлади
«Оталар сўзи»

Мутийра ибн Абдуллоҳ ас-Сақафийнинг дастурхонига эчки боласининг пиширилган гўшти қўйилган эди. Унинг ёнида бир араб меҳмон булиб, у эчки гуштини шиддат билан сийишга киришиб кетди. Буни курган Мугийра:

— Уни газаб билан сийишингга қараганда онаси сени бирор марта сузганга ухшайди! — дейди.

Араб ҳам унга:

— Сен меҳрибонлик қилиб, емай утиришингта қараганда, унинг онаси сени эмизганга ухшайди! — деб жавоб берибди.

Муҳаммад Зеҳний

Бир ёш бола катталар билан меҳмонда бир товоқдан овқат ер эди. Овқат иссиқ булиб, боланинг қули куйиб ея олмади. Сунг йиглашга тушди.

— Нега йиглаяпсан? — сўради ундан.
— Овқат иссиқ экан, ея олмаяпман, — деди бола.
— Булмаса бироз сабр қил, совийди, — дейишиди унга.
— Сабр қилишга-ку қиласман-а, аммо сизлар тўхтаб турмайсизлар-да! — деди бола.

«Фавоқиҳ ал-жуласо»

Меҳмон риоя қилиши лозим бўлган одоблардан яна бири шуки, меҳмон мезбонга иш буюрмасин. Чунки буюрган ишини бажариш мезбон учун оғир булиши мумкин. Агар меҳмон қандай овқат қилиб бериши ҳақида сўраса, сингил овқатни танласин. Улуғ кишилар доимо шундай қилишган.

Махмуд ибн Муҳаммад

Мәхмөнли уй баракали уй.
Мәхмөнсиз уй суви қуриган тегирмонга үхшайды.
«Оталар сұзи»


Мәхмөндуст бүлмаган одамдан яхшилик кутилмайды.

Хадис

Мәхмөн келса үтқазғил,
Хордиқ олиб тинч бүлсін.
Оти ҳам ёргулиқда
Арпа, сомонга түйсін.

Махмуд Кошгари

САБР, ЧИДАМ,
ҚАНОАТ, УМИД
БАЁНИДА





Сабр қилсанг агар, сабрдан бешак,
Давлатинг кўпаяр бунга қилма шак.
Сабрингни қилмасанг суст ила маҳол,
Оҳиста ёр бўлар баҳт ила иқбол!
Сабрни ўзингга айла-ю шиор,
Ва сабр йўлида турғин барқарор!

Низомий Ганжавий

Сабрнинг аввали аччиқ, охири эса ширин!

Муҳаммад Зеҳний

Билгилки, сабрда хосият ва манфаат кўп. Сабр шундайки, мусибат ва бало айёмида дод-фарёд қилинмайди, қовоқ солинмайди, юз узгартирилмайди. Унинг яна бир кўриниши шундайки, одамлар орасида бечораликдан шикоят қилинмайди, тоқат ва чидам қулини тутади.

Муҳаммад Жабалрудий

Сабр ила барча эшникдур кушод,
Сабр ила эранлар топди мурод.

Гулханий

Оғирчиликда сабр қилиш энг улуг неъмат!

Муҳаммад Зеҳний

Сабр қилган киши бир кун топар ком,
Сабрсиз қыз эрга ёлчимас мудом.
Мурданинг бошида солмагин кўп дод,
Мурда сабр тилар, наинки фарёд.
Отни ўргатмоқчи бўлсалар мудом,
Шошиб эмас, аста қилинади ром!

Низомий Ганжавий

Ишга шошиб киришма, сабр қил, эҳтиёт бўл,
Шошилиб қилинган ишнинг охривой булади,
Шошилиб қилинган ишлар нечогли ярамас булади.
Шошқалоқлик барча адашган кишилар иши

Юсуф Хос Ҳожиб

Оч бўлсанг-да оч кўрунма, тамаъгирилик қилма.

Муҳаммад Сиддик Рушдий

Кимики шошилмай, сабр, қаноат билан иш қилса,
қилган иши тўгри чиқади.

Хадис

Ранжу гам юз берса, қилма кўп фарёд,
Ундан ҳам баттари келмасин бошга!
Муҳаммад Жабалрудий

Сабр билан банддан қутулар киши,
Сабр калит эрур бекилса иши.
Сабр қилмоқ била талх бўлса комим,
Сабр каъбаси де сен менинг номим!

Низомий Ганжавий

Қачон қаҳринг келса, узингни тут, бардошли бўл,
Сабрли кишининг севинчи оддида.
Киши сабр қилса, бузилган ишини тўгрилайди.
Киши сабр қилса, уз тилагини топади,
Сабр қилиб тургувчи оқ қушни тутади
Юсуф Хос Ҳожиб

Сабр — бу барча меҳнат ва оғирликни енгиш ва
чирадмир. Бечора ва noctor булса-да, узини бадавлат
кишидек тутиш, куринган кимсага ахволи ҳақида щи-
коят қиласвермаслик, гамли айёмда ҳам узини хандон
ва очик юзли қилиб кўрсатишдир.

Муҳаммад Жабалрудий

Сабрли одам узоқ яшайды.
Сабри күпнинг дүсти күп.
Ёмон кунда сабр қилған киши яхши кунга тез
етади.

«*Оталар сұзін*»

Яхшидур қониъу қашшоқу гани тамаъидин,
Тутти бу важҳдин оини қаноат шуаро.

Комил Хоразмий

Қаноат ақылли одамларнинг фазилатидир. Аммо қаноат қилиш ризқ қидириш ва қасб билан шугулланышдан тийилиш ва ортиқчасига интилмасликдир. Қаноатли одам доимо зияғат ичидә ва завқу сафо орасида юрган кабидир. Чунки қаноат йўлини тутган одам ҳар нарсага қайгу ғам чекавермайди. «Фалончи уни олибди, пистончи буни олибди, мен ҳам олишим керак, нега унда бўлади, менда бўлмайди», деб жонини койитавермайди.

Муҳаммад Ҳусайн

Равнақо, кунжи қаноатдин этиб ўзи фароғ,
Ютуриб ит каби қилмоқ талаби мол недур.

Равнак

Қулингни силка-ю бокма жаҳонга,
Қаноат айлагин битта қоқ нонга!

Низомий Ганжавий

Ризоу сабр йулида булуңг событқадам, аҳбоб.
Комил Хоразмий

Доно кишилар: «Қаноат туганмас бойлиқдир, қаноатли киши ҳеч қачон камбағал бўлмайди, чунки уни ҳеч кимга иши тушмайди. Қаноатсиз киши эса гадойга ўхшайди, унинг ҳамма нарсаси бўлса ҳам кўзи тўймайди, кўпроқ топишга интилади, нарса учун одамлар олдида бош эгади», — дейдилар.

«*Махзан ал-улум*»

Сабр била боғлиқ иш очилур,
Ишда ошиққан кўп тойилур.

Навоий

Бироннинг олдига боргандан нон деб,
Уйда жим ўтирган яхшидир жон деб.
Ҳар ким тамаъ йўлин тутса агар пеш,
Оқибат бир куни бўлгуси дарвеш!

Низомий Ганжавий

Қаноат қил, эй нафс, андакка ҳам,
Ки келтургуси ҳирс бешак алам.

Алманий

Хасиснинг хонидан егандан ҳалво,
Уйингда қотган нон еганинг авло.
Шод булса қаноат бирла ҳар киши,
Улгунча бўлмаган асло ташвиши!

Низомий Ганжавий

Ҳар на ишинг битмаса тоат била,
Ҳосил булур сабру қаноат била.

Сайд Қосимий

Чархи фалак неча менга қилса жабр,
Мен қилайин ушбу бало ичра сабр.

Дурбек

ҲИКМАТ. Дил бойлиги ва рух озиги уч нарсададир: биринчи илмда, иккинчи ризода, учинчи қаноатда! Байт:

Дунё неъматини айласанг ҳавас,
Илм, қаноатга интил ҳар қачон.
Бундан бошқасига тамаъ нодонлик,
Бошқасини излар ким булса нодон!
Муиниддин Жувайний

Сабр била топқасен охир мурод,
Ғам еган одам булур, албатта шод.

Дурбек

Қаноатли киши оч ва ялангоч булса ҳам бойдир.
Доно булса ҳам амирдур.

«Махзан ал-улум»

Агар дунёда энг яхши лаззат мавжуд булса, у ҳам қаноат лаззатидир. Қаноатли киши роҳатда яшashi билан бирга бошқа кишиларга ҳам яхши муомалада

бұлади, уларни ҳам үзи каби шодлик сари етаклайди.
Бошқалар ҳам қаноатли кишини ҳурмат қиласы.

Мұхаммад Жаңғар Заминдор

Сабр била банды топар коми дил,
Коми дил истар эсанг, үш сабр құл.

Дүрбек

Улуғ кишиларнинг ёқимли хислатларидан бири қаноатдир. Қаноатли киши ҳеч қачон хор бұлмайды. Аксинча кишида қаноат бұлмаса тоғган-тұтганига сабр құлмай, күпига интилса оқибат хорлик тортади. Шунинг учун ҳам шоирлар дейдилар:

Бұлса агар суву парча қотган нон,
Үзга косасига күз тикма инсон.
Бұлсанг агар тожу таҳт учун мұхтож,
Заминни таҳт дәб бил ва қүшни тож.

«Махзан ал-улум»

Топар кимса сабр айламақлиқдин муфид,
Әрур сабр хурсандликка калид.

Хиromий

Азизим, ҳар ким қаноат бойлигига этта бұлса кимсага ялинмайды. Ҳар ким хирс балосига мұбтало бұлса, унинг ҳасти доимо озор ичиладир.

Хожа Самандар Термизий

ХИКМАТ. Қаноат меваси роҳат, камтарлық меваси мұҳаббат. Байт:

Қаноат айлагин, эй ҳүшәр киши,
Қаноат роҳатдан беради нищон!

Мажидиддин Хавофий

Қаноатли кишининг ҳамиша қорни тұқ

«Оталар сұзы»

Кече-күндүз тилайдурман худойимдан саодатни,
Ки даф айлаб тамаъ үтін үзи бергай қаноатни.

Сайедий

Қаноатнинг яна бир күриниши сийиш-ичища билинади. Озгина овқат ейишга қаноат қылған киши кам касал бұлади. Байт:

Күп ема гүрдаги қуртлар мисоли,
Оз ерга бел бөглө гүё чумоли,
Бир табиб бир куни бир ажыб ҳикмат,
Эл учун айтғанмиш қилиб мархамат:
«Егин, ичгин доим күнгүл торғунча,
На фақат бүгзингдан тошиб ортгунча!»
«Махзан ал-улум»

Сурадилар: «Қаноат нима?» Айтди: «Бирөвлөрнинг
құлидаги нарсаны қуриб маъюс булмаслик. Таъмагир-
ликдан қочиш, чунки таъмагирлик албатта камбагал-
лик сари етаклайди!»

Мұхаммад Зеңний

Мен деб эдим атайин сабр маконин,
Нодон элким, айлади вайрон қаноат.
Увайсий

Хомтамаъ одами одам дагул,
Ақлу басорат била ҳамдам дагул.
Сайд Қосимий

Киши учун энг фойдали диоли ёритувчи нарса қа-
ноатдир. Энг заарарлы ва нафратли нарса ҳирс ва газаб-
дир.

«Жовидони хирад»

Сабр-бардош — Оллоҳдан, шошқалоқлик шайтон-
дан.

Хадис

Ҳар кимса борига қаноат қылса,
Ажабланма, тушмас бирорға иши.
Юрагида кимни тамаъ бүлмаса,
Хеч кимсадан бүлмас күркүв, ташвиши!
Муиннүлдин Жувайний

Сабр шундай бир кучли нарсадирки, газабни ши-
жоатга, шиддатни ҳалимга, катталиктин тавозеъга,
әмөнликни яхшиликка айлантирумакликка қуввати
стар.

Абдулла Авлоний

Оз оқатта қаноат құлмоқнинг фазилатларидан би-
ри шундаки, одамнинг илм ва хунарга бүлған интили-

шида дангасалик ва ҳафсаласизлик қопламайди, ошқозон овқатни ҳазм қилишдан ожиз бўлмайди, кишининг сезги аъзоларининг сезувчанлиги бузилмайди.

Байт:

Сув гарчи бўлса-да ширину зилол,
Ортиқча ичилса келтирас малол
Тароқни курдингми минг тиши бордир,
Ҳар сочга чанг солиб доимо хордир.

«Махзан ал-улум»

ҲИКОЯТ

Үқигандим, икки зийрак бир юртда,
Бир чашма қошига келган вақтда.
Бири оз ичишдан ўлди ногаҳон,
Бири кўп ичишдан таслим қилди жон.
Еб-ичиши йулинни билмайин қандай,
Очлигу тўқлиқдан ўлдилар шундай.
Қутурай десанг гар тезда ўлмоқдан,
Қорнингни шиширма ортиқ емоқдан.

Низомий Ганжавий

Ҳар киши замона ҳодисаларининг зарбасига сабр этса; албатта, умид ўқи мурод нишонига тегар. Сабр қилувчига балолардан ҳеч зарар етмас. Чунки сабр шодмонлик қалитидир ва роҳат эшиги бундан бошқа калид билан очилмас.

Кошифий

Машхур садафсен, гавҳари ноёб эрур кунглинг,
Мусаффосен бу ҳижрон шомида моҳтоб эрур

кунглинг.
Увайсий

Машхур Юнон исмли ҳакимнинг олдида бир киши:
«Инсон учун ўз орзусига етишдан буюк саодат йўқ!»
деб қолди. Шунда Юнон унга: «Оз-кўпга қаноат қилиб
яшашдан кўра буюкроқ баҳт йўқ!» деб жавоб берди.

Муҳаммад Зеҳний

Ташлагил ҳирсни, қаноат пеша қил,
Шум ўлимнинг панжасин андеша қил!

Фаридиддин Аттор

Икки тоифа одам бұлади: бири топганига қаноат қылмай қидиришда бұлади, иккінчісі эса тополмайди, бироқ қидиришда бұлади.

Қаноатли киши қийинчиликка, виждоныли киши бечоралик күйига тушмайди.

«Оталар сұзи»

Сабр билан ишлар битар, шошқалоқлик бошга етар.

Кошифий

Оспалыкнинг ғамиддин урма бошинғта тош,
Урәнтик учун олма икки күзингіңгә ёш.

Қонеъ булу үзни ҳақта таслим этгил,
Түпни топилур агар эсон бұлса бош.

Рожий

Ҳакимларнинг айтишича, қийинчилик пайдо бұлғанда доду фарәд қилиш үрнига ва бу воқеадан дұсту душманларни хабардор қилишдан кура, сабр ва чидам йулини ихтиёр қилиб, қаноатни шиор қымлоқ яхши. Негаки бундан хабар топған дұстларнинг күнглиға хижолатлик тұлади, душманлар эса хұрсанд бұлади. Шунинг учун чидам йулини тутиб, бу балодан қандай қутилиш йулини үйлаш керак.

Абдулбаракот Қодирий


Қаноатли қул озод, озод тамагир эса құлдир.
Умидсиз одам равнақ тополмайди.

«Оталар сұзи»

Неча ким құш ҳавода қанот урса,
Бұлур түшмоққа охир түр қурса.
Қойық оқғон сув құпруқлар йиқар тарқ,
Сан акрунлук бирла бунёд қыл барқ.
Урутниким солар ерга әкінчи,
Сабр бирла бошин күтәрүр әкінчи.
Ошукғон терк орар, югуриб йүл олмаз,
Ким ақрун сурса тұн-күн борса толмаз

Кутб

Нафс йүлиға кирған киши расво бұлур,
Йұлдан озиб, тойиб, түзиб, гумроҳ бұлур.
Нафсын сени охир дамда гадо қылғай,



Дин уйини горат қилиб, адо қилғай,
Оқыл эрсанг, нафси баддин бұлғыл бәзор.

Ахмад Яссавий

Худойим ҳар не берса қыл қаноат,
Юракни қылма миннатдин жароҳат.
Бу меңнат бирла топсанг парча ион,
Кишининг миннатидин улдур осон.

Сүфи Оллоёр

Одамийга сабру қаноат керак,
Сидқу иродат ила тоат керак.

Санд Косимий

ТАКАББУРЛИК,
ХУДБИНЛИК,
ФАРАЗ, РИЁ,
КАМТАРЛИК,
ТАМАГАРЛИК





Кучинг борки кибрга бўлма йўлдош,
Кибр бир кун кўзингдан тўккуси ёши.
Такаббур бўлмаса одам жаҳонда,
Яшар иззатдаю, бўлгай омонда!

Муҳаммад Ҳусайн

Худойим ҳар на берса қил қаноат,
Юракни қилма миннатдин жароҳат.
Бу меҳнат бирла топсанг парча нон,
Кишининг миннатидин улдур осон.

Суфи Оллоср

Кимда-ким манман деб, ўзини баланд тутса, уни на
халқ, на тангри севади.

Аҳмад Юғнакий

Кибрнинг либосини ечгил устингдан,
Бир кун қилмасин зор ила ҳайрон!

Мунниддин Жувайний

Кибр ва гуурдан узоқ бўл, кибр кишини эл ораси-
да хор, бесқадру беэътибор қиласди.

Муҳаммад Ҳусайн

Чун қадам қўйдинг бу йўлга бўлма бематлаб вале,
Фахри зиллат бўл, талашма гурбати мансаб вале.
Анбар Отин

Эй уғил, ҳар кимда бўлса ушбу турт,
Бошқа бир тўрт тугилур ноҳуцу мўрт.
Кимки худбинидир охир расво бўлур,
Сергазаб доим пушаймондан улур.
Ҳам такаббурнинг кўпаюр душмани,
Сарғаяр хорлик туфайли бу тани.
Чунки хорлик кимсада пайдо бўлур,
Шумлигидан эл аро расво бўлур.
Жаҳлини ютмас эса ичга киши,
Доимо пушаймон емоқдир ташвиши.
Кимни кибрдин баланддур гардани,
Айланур дўстларни бари душмани!

Фарииддин Аттор

Такаббурга салом берма, саломга жавоб қайтариш
унга оғирлик қиласди, жавоб бермагани эса сенга оғир
туйилади. Ростгуйлик охират кунида нажотга мусассар
қилур.

Кошифий

Қилма ҳаддингдан тажовуз, топмайин десанг шикаст,
Кибр ила магрурлар, курдингми, қандог бўлди пасть.

Оразий

Худбин бўлма, худбин самарсиз булар,
Хунарбин бўл, худбин ҳунарсиз бўлар.
Дононинг оғзидан чикқан суздир кон,
Осмону ердан ҳам улкан бегумон!

Муҳаммад Зеҳний

Тор кўнгуллик беклар, ман-ман деманг, кенглик
қилинг

Тўқсон икки бовли узбек юргидур, тенглик қилинг.
Бирни қипчоку хитоу, бирни юз, найман деманг,
Кирқу юз, минг сон бўлиб бир жон ойинлик

қилинг.

Турди

Худбинлик инсонга заволлик келтиради. Кимки
худбин бўлса халқ назаридан қолади. Эй азиз, агар сен
инсон бўлай десанг худбин бўлма, йўқса сен уз жо-

нингни хатарга ташлаган бўласан. Агар сен улугликни
хоҳласанг камтарлик йўлини тут! Шеър:

Узни паст олди-ю ўсиб чиқди дон,
Қамиш бош кўтариб эзилди гирён!

Муҳаммад Жавҳар Заминдор

Килсанг такаббур шармандадурсен,
Ҳар.govу хардин ҳам гандадурсен.

Толиб Толибий

Инсон узини бошқалардан ортиқ деб билмаслиги,
узини ақлли, ўзгаларни ақлсиз деб тасаввур қилмасли-
ги, ҳар қандай яхши ишни ўзига лойиқ ва ўзгаларга
нолойиқ деб ҳисобламаслиги зарур. Борди-ю юқорида
айтилганларга йўл кўйса, демак, бу худбинлик булади.
Худбин одамлар ўз камчиликларини кўрмайдилар, кўр-
салар ҳам уни камчилик деб ҳисобламайдилар ёки тан
олишни истамайдилар. Бошқаларнинг камчилигини
кўриб қоссалар, шов-щув кутаришга уринадилар. Байт:

Яхшилар айбидан кўз юмгин ҳар он!
Ҳасад кўзи билан боқмагил зиён.
Уз айбинг кўрмоққа юз марта кўз оч,
Ўзгага бир бор ҳам кўз очишдан қоч!

Муҳаммад Ҳусайн

Фурур этма аслинға, қил қасби фазл,
Эрур мұтабарроқ насаддин ҳасаб.

Мұнис

Минсанг, эй шоҳ, фалак маркабини кун янглиқ
Бўлма магрурки, ул ашҳаб эрур асрү асов.

Мұнис

Таъмагирлик уламолар қалбидаги ҳикматни ҳам
кеткизади.

Ҳадис

Ҳар кимсага менсимаслик назари билан қарама,
ҳар бир ожиз чумолига ҳақорат кўзи билан боқма.
Эҳтимол уларнинг куринишлари аянчли бўлса-да, ву-
жуди одамийлик хислати билан лиммо-лимдир. Шеър:

Катта-кичик бу йўлда бир-бирига муҳтоҷдир,
Баъзан ўргимчак ини пинҳон тутар одамни!

Ерга қўйган бошини ердан дона олади,
Кимки бурнин кутарса, қонатиб олар уни.
Муҳаммад Жавҳар Заминдор

Найза бўлуб тузлигидин сарбаланд,
Чирмаш учун банд аро қолмиш каманд.
Навоий

Бирор сени узингда йўқ сифатлар билан мадҳ этса,
ундай одамга ишонма, чунки уша сенда йўқ ёмон
сифатлар билан ўзга ерда сени ёмонлашга қодир.

«Фавоқиҳ ал-жуласо»

Қайдаким чубчук малахни курса бўлур шаҳбоз,
Вале шаҳбоз олдида бордур малаҳдин ҳам забун.
Поиншохужа

Ҳар қуш ўз овозидан шодланади.
«Оталар сузи»

Кимки бирорни унда йўқ яхши сифатлар билан
мақтаса, бу мақтov эмас, балки хавф, яъни унинг
устидан кулиш билан баробар.

Муҳаммад Ҳусайн

Айбни айлаб хазар қил, Оғаҳий касби ҳунар,
Ким эса жинси бўлмоқ эмас маъюб ҳуб.
Оғаҳий

Үлгандан сўнг мақталиш иккинчи ҳаёт, тириклиқда
ёмонланиш эса ўлимдир.

Одамни унда йўқ сифатлар билан мақташ ўта таҳ-
қир этишдир.

«Оталар сузи»

Камтарлик дарахтин ўтқазсанг агар,
Муҳаббат мевасини ейсан ҳар қачон!
Муниддин Жувайний

Қор қанча қалин ёққани билан ёзга етмайди.
«Кўркит Ота китоби»

Одам ўлғон зеби зоҳирдин эмас,
Кимки андин фахр этар, одам эмас.
Навоий

Чекмасмен оқшомлар шамнинг миннатин,
Чунки, фикрим шамдан шуълалироқдур.

Паҳлавон Махмуд

Бир доно шундай деди: «Риёкорлик билан қилинган яхшиликдан ҳеч кимга билдирамай, хилватда қилинган гуноҳ афзал!» Байт:

Риё билан эл кўзида булгандан, яхшироқ
Хилват ичра май ичиб, юзлаб гуноҳ қилганинг!

Абдулбаракот Қодирий

ҲИҚМАТ. Иккюзламачи дўстдан қотил душман яхши! Байт:

Дўст улки, доимо ростни гапирав,
Душман эса айбинг тутади пинҳон!

Мунниддин Жувайний

Такаббурлик калтабинлар ва инсонийлик тариқидан чиққанларнинг хислатидир.

Кошифий

Гаразгўйга салом беру қоч!
Танқид бўлмаган ерда юксалиш ҳам бўлмайди.

«Оталар сузи»

Гийбат қилувчилар улимтиқ егувчи қуртларга ухшайди.

Кошифий


Қайда курсанг кунгли синуг марҳам бўлғил,
Андоқ мардум йўлда қолса ҳамдам бўлғил,
Уммат бўлсанг гарибларга тобеъ бўлғил,
Оят, ҳадис ҳар ким айтса, сомеъ бўлғил.


Аҳмад Яссавий

Мумин қишида қўйидаги икки хислат бўлмаслиги керак: баҳиллик ва ахлоқсизлик.

Ҳадис

ПАНДУ
НАСИҲАТГА ҚУЛОҚ
ТУТИШ ВА
МАСЛАҲАТЛАШИБ
ИШ КЎРИШ





Бирон ишни қилмоқчи бўлсам, кенгашиб олиб,
кейин Қуръондан фол очардим ва Қуръон ҳукми
 билан иш қилур эрдим.

«Амир Темур ўтитлари»

Носиҳи содиқ эрурки бегараз,
Бил анга оламда топилмас эваз.

Навоий

Насиҳатнинг яхшиси шундайки, у одамни ёмон-
ликдан узоқлаштиради.

«Оталар сўзи»

Ҳар кимнинг феълу атворида нуқсон бўлса, унинг
қилган насиҳатини ҳеч ким қабул қилмайди. Байт:

Сўзларингни эшитмаса ҳеч кимса,
Бешудага чесма жабру жафони.
Уз нафсингта ўқи аввал насиҳат,
Бузмай юрсин токи аҳду вафони!

Мажидиддин Хавофий

Айла мустаҳкам ишингни эй улуг ўгул,
Ҳар на ким ҳикмат эли дер айла қабул.

Оразий

Бир ҳаким зарурат юзасидан бир ҳокимнинг олдига борган эди. Ҳоким унга: «Мен учун бир икки оғиз панду насиҳат сўзларини айтсанг, токи ундан үзимга хулосалар чиқариб олсам», деди. Ҳаким унга шундай жавоб берди: «Панду ҳикматни эшитиш жуда осон, аммо уни амалга ошириш қийин. Панду ҳикмат ҳар ким учун ҳар хил таъсирга эга. Панду ҳикмат нодон учун шўр ерга ёққан ёмғир, олим учун жилови йўқ от, адолатли бўлмаган подишо учун ёмғири йўқ булат, инсофли ҳоким учун сурур ва баҳт тулпоридир!»

Ҳоким бу сўзларни зарҳал билан ёздириб қўйди ва доимо уни уқиб турадиган бўлди.

Абулбаракот Қодирий

Ҳеч бир ишни донишманнлар билан маслаҳатланып масдан бурун бошламагил.

Кошифий

Эй угул, булма ёмонлар улфати,
Толиби дунё, аёл ҳамсуҳбати.
Мехри дунё оташи сузон эрур,
Ҳам ёмон улфат балойи жон эрур.
Захри бор дунёни гуёки илон,
Гарчи зоҳирда эрур нақши аен.
Куринур зебо ажаб қиласанг назар,
Захридан жонга бироқ бордир хатар,
Золи дунё бил келиндеқ безанур,
Ҳар замон янги куёв деб изланур.
Мақбул улдурки, бу жуфтдан бўлса тоқ,
Орқасин уғирсаю, қиласа талоқ.
Ул куёвга боқур кулиш билан,
Сўнг ҳалок қилгай заҳарли тил билан!

Фарииддин Аттор

Бир ҳаким айтди: «Иигилиш ёки утирищда батьзи кимсаларга насиҳат қилиш тўғри эмас. Аввало ул кишининг феълу авторини ҳисобга олмоқ зарур. Шундай кишилар бўладики, насиҳат қиласанг ва айбидан огоҳ қиласанг, ўз камчилигини оғзингдан эшитиб билиб олади. Лекин раҳмат айтиш ўрнига сенга бир умр душманлик қилиб юради!»

Абулбаракот Қодирий

Машваратсиз, бетафаккур қиласа ҳар иш ҳар киши,
Ул кишининг оқибат бўлгай паришонлик иши.

Толиб Толибий

ҲИКОЯТ. Бир дүстим олдымга келиб, деди: «Менга насиҳат сұзларидан айтиб, бир маслаҳат берсанг! Мен унга дедим: «Эй рафиқ, менинг ҳам дилимда шу нарса-та стмоқ ранжи, насиҳат ганжини топмоқ ранжи бор!» Мисра:

Айтгил, менинг учун қылсын насиҳат!

Лекин җакимларга тақлид қилиб, бир неча оғиз сұз айтишим мүмкін. Шояд үша сұзлар сенга таъсир қилса:

Амал қилмас эсанг айтган сұзимга,
Қабул қилмас эса үзға ажаб йүк!

«Улар қайси сұзлар?» — деб сұради у. «Кам егин, — дедим унга, — токи үзинг ранж тортмагайсан. Кам ухла, то идрокинг маңнодор ганжни фаҳмлашдан ожиз бўлмагай. Кам смоқ яна кам демоққа боғлиқдурким, кам сийилган вақтда кишида гапириш учун қудрат ва ҳавас кам бўлади». Қитъа:

Душманингdir нафси амморанг,
Кучайишга йўл қўйма асло!
Ҳаддан ортиқ оч қолдирма ҳам,
Тўйдирмагин ортиқча аммо!
Қочиб кетса бўлар душман қўлидан,
Агар душман ўзимда бўлса найлай!

Ҳаким Қооний

Носиҳо дарди дилимни билмасанг, маъзурсан,
Чунки билмайдур, бале, соҳилдаги ҳоли гариқ.

Гадоий

ҲИКМАТ. Қилинган насиҳат қабул шарафига му-шарраф бўлмаса бунинг иллати кўпроқ насиҳаттўйни-нг нўноқлигига боғлиқ. Чунки олим комил бўлса, қи-лаётган ваъзу насиҳатининг остида бирор гарази бўл-маса, эшигувчининг қабулига муюссар бўлади. Байт:

Насиҳатнинг таъсири бўлмаса ҳеч кишига,
Таажжубмас, дилида гарази бор кишининг.
Яхши камон бўлса-ю, камонгар уста бўлса,
Ўқи нишонга тегмай қолмас зинҷор кишининг.

Мажидиддин Ҳавоғий

Бухл элига демагил, эй зубдаи даврон сўзунг,
Хайф этар, қадрини билмай, сифлаи нодон сўзунг.
Комил Хоразмий

Бир ҳаким уз ўғлига шундай насиҳат қилган экан:

— Эй углим. Қилаётган ишингда кичкина гуноҳ булса ҳам уни кичик деб ҳисоблама. Одамларга яхшилик қилишининг толиби бўл, бу ишингдан сенга фойдалар этади. Кучинг борлиги учун душманни ҳадеб эзаверма, жонидан тўйгач пайт пойлаб, узингни ҳалок этади. Бирорвнинг ёлғончи эканини билсанг, гапида жон бордир деб, яна унинг гапига чиппачин ишонма! Шубҳали ва гумонли ишларга қўл урма, суроҷини ноумид ҳолда қайтарма. Узингта ёқмаган нарсаларни бирорвга раво кўрма. Бирорвга қилинган ҳар бир яхшилик ёки ёмонлик куни келиб узингга қайтишини эсингдан чиқарма!

«Жовидони хирад»

Маслаҳат шошмаслик билан, иш эса суръат билан булади.

«Махзан ал-улум»

Илм, ҳикмат ўргантин, бўлма магур,
Мақтанчоқни шармандаси чиқди, кўр.

Маҳмуд Кошгарий

Азизим, доно одамнинг ҳущёrlари гафлат шаробидан маст бўлган ёшларга насиҳат ва танбех жазосини беришлари муносиб ҳолдир. Билим майдонининг бедорлари эса ахлоқ кўчасидан адашган бехабар кишиларга адаб шапалогини уришлари лойиқ ишдир. Ҳақиқат юзасидан айтилган ҳақ гап гўзаллар юзидан уят терини оқизса-да, шояд улар шу туфайли уз обру эътиборлари ҳақида мулоҳаза қилиб, ёмон феълларидан кечишар ва ёмон кишиларнинг суҳбатидан қочишар. Байт:

Терлар чиқди юзингга қилган насиҳатимдин,
Мендан хафа булмагин, обруйингни уйлайман.
Ёмон билан кам ўтири, десам терга гарқ ботдинг,
Келажагинг ўйлаб мен ҳақ гапларни сўйлайман!

Хожа Самандар Термизий

Фийсогурус ҳаким насиҳатларидан сайланма. У айтди:

— Эй азиз, сен доим фозил кишилар билан дүст тутин, уларнинг суҳбатини қидир, ўз нафсингни кўп сийишдан сақла, газабланишдан, кўп ухлашдан, қабих ишиларни қилишдан қоч! Ўлімни ҳамиша ёдда тут, шунга қараб иш қил, касбу майшатда ўртача йўл тут.

Яна унинг сўзи:

— Ҳар ким дўст тутишга қодир бўлмаса, душманга қарши иш тутишда ҳам ожиз бўлади. Кишини сўзига қараб эмас, ишига қараб билиш мумкин!

«Жовидони хирад»

Ўрганишни истамаган кишига насиҳат қилма!

Аҳмоққа насиҳат айлаган инсон,

Шўр ерга уругни ташлагансимон!

«Оталар сўзи»

Форс донишманларидаи Барзу ал-Ҳаким насиҳатлари. Ўёзади: «Ҳар бир нарсанинг пайдо булиши учун бир сабаб бўлади. Шунинг учун нимаики пайдо бўлган бўлса, аввало унинг сабабини қидирмоқ лозим, яхши ҳаёт кечириш сабаби муроса, сирнинг ошкор бўлмаслик сабаби бирорларнинг сирини очмасликда, иффат сабаби ўзгаларга ёмон ният билан кўз тикмасликда, гина сабаби бадғеълилк, дўстлик сабаби очиқ юзлилк, жудолик сабаби азоб, адоварат сабаби хилоф, хорлик сабаби тамаъ, иззат сабаби қаноат, нажот сабаби ростлик!»

«Жовидони хирад»

Насиҳатчининг калтаги ёмон саломидан афзal.

«Оталар сўзи»

Искандар Юнон заминидан сафарга отланар экан, устози Арастатолисга қараб деди: «Менга насиҳат бер!» Арастатолис унга деди: «Илм ўрган, ҳар қандай илмни ўрганишдан оп қилма!» Байт:

Уқишидан тийилма, ўғлим, бир замон,
Бесаводлик ўти куйдирар ёмон!

Агар обру ва шарафим зиёда бўлсин десанг, ҳақ нарсани ноҳақ дема. Агар равнақ топай десанг, ўз фойдангни ўйлаб иш тутма. Ўз айбингни кўришига урин, айбли киши доим хижолатда бўлади. Кимки

сени айбингдан огох қылса, унга газабингни сочма,
балки уни хурсанд қил!

«Махзан ал-улум»

ҲАКИМЛАР ПАНДНОМАСИ

Келтирибдурларки, Искандар Зулқарнайн қунлардан бир кун Арасту, Афлотун ва Бүкротта ҳикматли сұзларни үз ичига олувчи бир «Панднома» ёзишини буюорди. «Мен уларни үқиб, — деди Искандар, — саволимга жавоб топиб, бошимға түшгән мушкул ишларимни ҳал қила олай!»

АРАСТУ ПАНДНОМАСИ

Эй Искандар, дилингни илм билан обод қил, илмиз кишилар билан сұхбат қурма, умрингни бехуда үтказма, мұваффақиятларингга магрурланма, ҳасадчиларни үйинги кирилма, сийнангни гина-кудуратдан холи тут, бирөвға нисбатан гина сақлама, ёмонлик қилишдан қоч, яхшилик қилишга интил, яхши кишиларни яхши сұз ва яхши ҳадялар билан сарафroz қил, тарбия таъсир қымайдыған кишилар билан яқынлик қылмагинки, бури әки илон ахен-аҳенда зарар етказади, аммо зарари ҳалокатлы бұлади.

Эй Искандар, бирөв билан маслағатлашадыған бұлсанғ ақпли ва доно кишиларни топиб маслағатлаш, олийхиммат кишилардан өрдам сұра. Ҳар бир масала ни шу масаланы түшүнгән ва шу масалага дахли бор одамлар билан биргаликда ҳал қил, пастхиммат кишилардан ҳеч вақт яхшилик қосыл бұлмайди.

Эй Искандар, құпоп кишиларға құпопликни «ҳадя» қил, куч ва тадбир билан құлға тушириб бұлмайдыған дүшмани мулойимлик ва ширин сұзлик билан узинга мойил эт, бирор ерга элчи юбормоқчи бұлсанғ айтмоқчи бұлған масаланғи чуқур биладыған ва шу масалада билимға зәға бұлған кишини юбор, акс ҳолда ишшаринг бузилади.

Эй Искандар, мәқтөвларға учма, қули очиқ ва саховатли бул, бирор ерга етсанғ у ердаги синалмаган сувлардан ичма, бирор ерда нотаниш мевага дуч келсанғ, унинг фойда, заарини билмай туриб ема!

Назм:

Хар ким доно бұлса ейиш бобида,
Билмаган нарсасин емайди зинхор.

Бирор йүлда зарар күп булса агар,
Кучи күп булса ҳам юрмайды зинхор.
Синалмаган йүллар яқын булса ҳам,
Синалган узокдан қолмайды зинхор!

Эй Искандар, сафар ва саेңатга чиққанда шунчалик юқ олгинки, уни кутариб юрищдан узинг безор булмагин, бунинг устига күчдан ҳам қолмагин. Шароб ичишни одат құлмаки, у беҳушлик ва ғофылықка олиб боради. Үзингга садоқатли ва вафоли кишиларни ҳамиша азиз тут. Қийинчилик онларида үзингни маҳкам тут ва умидсизликка түщма. Кимки бирөвларга ситам қылаверса, узи ҳам узоқ яшамайды. Бирор сенга ситам қылған булса еки сен бирөврга яхшилик қылған бұлсанг, ҳар икковини ҳам унут. Тунда берилиб ухлаб, гафлатда қолма, тун бедорлигини үзингітә давлат деб бил. Муродингта еттан вактларингда ханда уриб күлмаки, атрофда турғанларга хүнук күринади. Агар иш аксинча бүлса, ғамғынлигингни бирөвларга билдирма. Бирөвдан құрқадиган ва жаңға енгилиб қочған кишилар билан ҳамроҳлик құлма! Назм:

Жантан қочиб келған булса ҳар киши,
Үзага вахима солишидир иши.
Зафар ёрим бүлсін десанг ҳар нафас,
Ботир кишиларга бұлғын ҳамнафас!

АФЛОТУН ПАНДНОМАСИ

Эй Искандар, дунё ишларини тиг ва тадбир билан изга солиш мүмкін. Аммо тиг ва тадбир үзаро бирга бүлса, нур устига нур булади. Шунинг учун сенинг ҳар бир мажлисинг ва үтиришинг доно-ю донишмандлардан холи бүлмасин. Дунёға ибрат күзи билан қара. Ҳүшер яша, гафлатта, ортиқча еб-ичишиға ружу құлма, чунки улардан түрли нұқсонлар ҳосил булади. Масалан, күп ейишдан ҳазм аъзолари ишдан чиқади. Күп гапиришдан эса одамнинг обруси кетади. Ұлим ҳақ бүлгани учун үлмасдан аввал құладиган яхши ишларигнин қилиб қол

Нечун қоринни деб ҳар ён чарх урмок,
Очкузлик отини ҳар ёнга сурмок!

Ҳар бир киши ишини амалга оширишда ақлу тад-

бирни ишга солиши лозим. Жаҳл ва газаб юзидан иш тутмаки, охири пушаймонликдир. Қийин ищаға ғамгин бўлмаки, барча мушкуллар оҳисталик билан ҳал бўлади.

Назм:

Барча мушкул ишнинг бордир чораси,
Чигаллар ечилимай қолмайди зинҳор.
Умид ипларини узмагил ҳеч вақт,
Булут қора бўлса ҳамки бегубор.
Ёмиридан яшнаб гуллайди олам,
Сени ҳам бир куни яшнамогинг бор!

БҮКРОТ ПАНДНОМАСИ

Эй Искандар, дустларинг ва ҳамишишларинг ақлли ва довюрак кишилардан иборат бўлмоғи лозим, бундай кишилардан одамнинг ақли ва довюраклиги ошади. Илмсиз ва феъли бузук кишилар ҳар ерда одамга панд беради, бадном қилиб қўяди. Таомни ҳеч вақт ёлгиз ема, кимдир ҳамиша ҳамроҳинг бўлсин. Юрtingда ҳар бир кимса ўз топганини ея олса ва бирор зулм қилиб, тортиб олмаса бу сенинг обруйингни ошишидир. Ҳирста кунглингдан асло жой берма, бир вақтда овқат ейишни одат қилки, доимий сяверишидан касаллик содир бўлади. Ҳул-иссиқ ва қуруксовуқ нарсалардан тенглаштириб егинки, мижозингни мўътадил қилиб туради. Лутфу меҳрибонликни узинташиор қилки, бу сифатлар инсониятнинг энг олий сифатлариидир. Молу давлатни ҳам эҳтиёт қилиб ишлатки, уларнинг ҳам алоҳида ўринлари бор. Назм:

Узинг еб, узгага берсанг, эй инсон,
Номинг улут бўлар, вужудинг инон!

Бирор мақсадга етишни уйласанг, аммо унга етишиш қийин бўлса ҳеч гам ема, сабрни маҳкам ушла, золим ва ситамкор кишиларга ёрдам қилма! Назм:

Қиличнинг зарбаси тушмасин бошга,
Десанг зулм қилма кекса-ю ёшга!
Золимлар зулмини йўқот жаҳондан,
Ожизлар кўлини тутгин ҳар онда!

Овқат ейищдан аввал уни ҳазми ҳақида уйла, овқатнинг ширин ва ҳаловатига учиб, ҳазм қилолмай, қийналиб юрма. Сирка еганингдан кейин асло сут ичмагинки, қорнингта оғриқ туриб ҳазм қилишдан ожиз буласан. Сўзни мулоимлик билан гапир, оз гапир, кўп гапириш гарчи ёқимли булса ҳам девоналиктан нишондир. Шеър:

Жимлиқдан бўлмади ҳеч ким пушаймон,
Кўп гапдан заарлар юз берди ёмон!

Бойлигингга магрурланма, унинг усти чиройли кўринса ҳам, ичи ниҳоятда ифлос булиб, кишини минг турли балоларга дучор қилади. Барча ишда шошмасдан уйлаб иш қил. Сирингни ҳаммага айтаверма, илмсиз кишиларнинг айтган гапига ишониб иш тутма, ўтган ишга қайгурма, умрингни зое ўтказма! Шеър:

Дилимда қанчалар сўзим бироқ,
Шакарнинг қўпидан озидир созроқ!
Оз сўздан киши ҳеч булмас пушаймон,
Кўп сўздан кишига етади зиён!

Абулбаракот Қодирий

АФЛОТУННИНГ УЗ ШОГИРДИ АРАСТУТА ҚИЛГАН НАСИҲАТЛАРИ

У куйидагича буюради:

— Ҳамма илм пайдидан булиб, қалбинг ҳам, кўзинг ҳам доимо бедор бўлсин, уйқу ва оромни уйлаб бутунги ишни эртага қолдирма, уйқуга ётищдан олдин ўтказган кунинг ҳақида сарҳисоб қил, шу куни сендан қандай хато содир бўлди ёки шу куни сен яхши нарсалардан нимани ургандинг, шу ҳақда уйла. Бадбаҳт шундай кишики, ишининг оқибатини ўйламайди, гуноҳ ишлардан ўзини тиймайди. Дунёда лаззат топса боши осмонга етиб шод бўладиган, бирорта қайғуга дуч келса ҳаммадан кура кўпроқ фарёд кўтарадиган олимни олим деб ҳисоблама. Барчани бирдек сев, сержаҳл бўлма, жаҳлигни сочаверсанг бора-бора у сенинг одатинга айланиб қолади. Бугун бирор сенинг олдингга муҳтоҷ булиб келса, унинг ҳожатини чиқаришни эртага қолдирма. Бирор киши бирорта балога дучор бўлса, унга кумак кулини чўз, ҳар кимнинг гапини тўгри ёки ногури

эканини билмай туриб, текширмай туриб, ҳукм чиқарма. Дунёда ҳикматдан фойдалыроқ нарса йўқ. Ҳаким шундай кишики, унинг сўзи билан қиласидиган ишлари бир бўлади. Қайси ишда бўлмасин сусткашлик қилма, яхшилик қилишда чегара бор деб ўйлама! Ҳакимлар ҳикматини ёд ол, мол-дунё ҳирсини кўнглингдан қув, ёқимили одоблардан кўз юмма, барча ишларни ўз ақлингга қулоқ солиб, чамалаб сўнг амалга ошириб, тубан ишларга қўл урма, ҳамма билан гаплангданда ҳам камтарликни қўлдан берма. Бирорни хор санама, ҳамиша адолатни ўзингта шиор қил!

Абулбаракот Қодирий

Келтиришларича, Луқмони Ҳаким асли ҳабаш миллатидан бўлган экан. Унинг келиб чиқиши ва нашъу намо топиши ҳақида тарихчилар ва тазкирачилар жуда кўп нарсалар ёзишган. Биз бу срда уни келтирамиз десак, сўз узоққа чўзилади. У ўзидан қолдирган насиҳатлари билан машҳур бўлган. Унинг табаррук сўзларидан қўйидагилар келтириладиким, у ўз ўғлига насиҳат қилиб айтган экан:

— Эй ўғлим, сен доимо сабру чидамни ўзингга йўлдош қил, нафсингни кўйига кирма, уни қийнашни энг улуг йўл деб бил, топганингта қаноат қил, керагидан ортиқча топишга интилма, таомдан очу, ҳикматдан тўқ бўл, одамларга қўполлик қилма, оғзингта нима келса гапираверма, ана шундагина сен турли хил балолардан омон бўласан. Одамлар сенда йўқ сифатлар билан сени мақтаса, алданма!

Эй ўғлим, нима гапирансанг ҳикмат ва насиҳатлардан гапир, гапиранг гапларингта аввало ўзинг амал қил, ўз касбинг ва мартабангта яраша гапир, одамларни газаб пайтида сина, дўстларни эса бошингта кулфат ва мусибат тушгандаги сина, доимо ёқимили ишларни амалга оширишга урин, гап гапирансанг далил ва ҳужжат билан гапир, ёшлигингиғанимат бил, доно кишилар билан ҳамсуҳбат бўл, дўстларингни хурмат қил, одамларга очиқ юзлилик билан бок!

Эй ўғлим, ота-онангни доимо ҳурмат қилиб, хизматида бўл, устоз ва муаллимингта жону дилингдан эҳтиром кўрсат, ота-онадан ҳам ҳурматлироқ деб бил барча ишларда ўртача йўл тут, киримга қараб чиқим қил, сахий бўл, меҳмонни эъзозла, унга тилингни эҳтист қил, душмандан бир лаҳза ҳам гофил бўлма, кам тамаъ бўл, бирор гапни гапиришдан аввал унинг жавобини

беришни ўйла, баҳил ва такаббур кишилардан узок бўл, қаноатни ҳақиқий бойлик деб ҳисобла!

Эй ўғлим, доимо илм қидирувчи бўл, қайсар бўлма, ўз айтганингда туриб олма, ўзгалар ганини ҳам эътиборга ол, муроса йўлини тут, ҳамиша одамлар ичидагу бўл, улардан ажрама, кексаларни хурмат қил, барчани эҳтиром билан тилга олгин, кимнинг тузини тотган бўлсанг, унинг ҳақини адо қилишни унумта!

Эй ўғлим, уст-бошингни тоза тут, ким билан гаплашсанг, унинг ўзига лойиқ бўлган гапни гапир, тунда кишилар билан сұхбат қурсанг сўзни юмшоқ ва оҳиста гапир, сўзлаётган вақтингда бир кишига қараб гапира-верма, ҳаммага назар сол, кам смоқ ва кам ухламоқ сенинг севган ишинг бўлсин! Ўзингта нимани раво кўрсанг уни ўзгаларга ҳам раво кўр, қилган ҳар бир ишнинг эса ақлу ҳикмат юзасидан бўлсин! Ўзинг яхши билмаган ва ўқимаган ҳолда бирорвга ўргатма ва устозлик қилма!

Эй ўғлим, сир сақлай билмайдиган кишиларга, айниқса, болаларга сир айтма, ҳамма ҳам яхшилик қиласди, деб ўйлама, кишини нокас ва баҳил эканини билсанг ундан яхшилик чиқади, деб хаёл қилма, бирорвнинг ҳожати тушиб олдингта келса ноумид қилиб қайтарма, ўзингдан катталар билан ҳазиллашма, уйда бор нарсаларингни душман кўзидан яширин тут, ўз ака-укаларингни хурмат қил!

Эй ўғлим, бир куришдаёс синамай туриб, бирорвга қўнгил қўйма, ўз қадрини билмайдиган кишилардан яхшилик умид қилма, офтоб чиққунча ухлама, ҳадеб кулаверма, бадном кишиларга сұхбатдош бўлма, кексалар ва улуг кишилар олдига тушиб олиб, улардан илгари юрма, одамлар гаплашаётган пайтида уларнинг сўзини бўлиб, гап солма, меҳмоннинг олдида бирорвга газабингни сочма, бошингни эса қуйи солмасдан ўтири!

Абулбаракот Қодирий

Кимки маслаҳатлашиб иш тутса, ҳеч қачон пушаймон бўлмайди. Кимки тежамкорлик билан ўртача йул тутса, ҳеч вақт камбагал бўлмайди.

Муҳаммад Зеҳний

Бир ҳаким шундай дейди:

— Дўстинг берган маслаҳат туфайли иш тутсанг-у, бироқ натижа ёмон бўлиб чиқса, сен дўстингни маломат қилма, унга: «Сен айтгандек қиласман деб, ишим

чаппасидан кетди, нега ҳам сенга маслаҳат солдим-а!» демагин. Чунки яна иш юзасидан ночор унга маслаҳат солсанг, маслаҳати түгри бұлса-да, оқибати ёмон бұлишидан құрқиб, сенга айтмайды.

«Фавоқиҳ ал-жуласо»

Азизим, мушкул воқеаларда ва оғир ҳодисаларда маслаҳатлашишдан күз юміб бұлмайды. Маслаҳат қилмоқчи бұлсанг, маслаҳатни ҳикмат аҳли ва тажриба билан қилки, уларнинг ақллари утқир ва фикрлари теран бұлади. Чунончы айтадиларки:

Теран фикрни доим кексалардан қидиргин,
Баҳор сувлари кузда мусаффолик топади.

Тажрибали кексалар шижиоатлы ёшлардан күра чора ва тадбирга устароқдирлар. Байт:

Ёшлар билан жангү жадал ичра кир,
Енгиш тадбириң кексадан қидир.
Гарчи ёшлар бұлса ботиру чаққон,
Аммо кекса дили чорагадир кон!

Хожа Самандар Термизий

Ҳакимлар айтадилар:

— Ақли киши билан маслаҳатлашсанг, уннің ақли сенга ҳам юқади, ундан күп нарсани урганасан. Киши үз ақлига суюниб иш қылғанда күп хатоларга йул қуиши мүмкін.

«Фавоқиҳ ал-жуласо»

АЗИЗИМ, машварат, яъни маслаҳат бу — ақли кишиларнинг кенгаши. Оқыл кишилар қаерда булишмасин, бир муҳим масаланы ҳал қилишга киришсалар, мушкул нарсалар ҳам оқибатда яхши натижә билан туғайды. Бу сұзға маңнолар гавҳарининг хазинаси бўлмиш мавлавий Жалолиддин Румийнинг сұzlари гувоҳдир:

Мушкул ҳодисаны курса хирадманд,
Бу мушкулдан қули булиб қолса банд.
Үз ақлига үзға ақлин қиласар ёр!
Ақл ҳал қилмоққа бұлар мададқор!
Елғиз шамдан хона бўлмаса равшан,
Бошқа шамлар ёнар бу шамдан!

Хожа Самандар Термизий

Ҳакимлар айтадилар: «Бирор иш ҳақида маслаҳатлашмоқчи бўлсанг, битта оқил киши билан маслаҳатлаш, кўпчиликка айтилган маслаҳатли иш нуқсондан холи бўлмайди. Бир араб олими: «Ақлдан улкан бойлик, нодонликдан катта баҳтсизлик ва маслаҳатдан кучли суюнчик йўқ!» деган эди.

«Фавоқиҳ ал-жуласо»

Кимки ўз фикрига магрурланиб иш тутса, йўлдан адашади, кимки ўз ақлига суюниб, узгалар билан ҳисблашмаса, хорлик тортади.

Мұхаммад Зәҳний

Доимо парҳезгар бўлмоқ ва доимо кишилар билан маслаҳатлашмоқ керак.

Муниниддин Жувайний

Ҳар бир ишда лозим маслаҳат қилиш,
Маслаҳатсиз асло ҳал бўлмайди иш!
Синалмаган кишидан маслаҳат сўрама!

«Оталар сўзи»

Ҳакимларнинг айтишича, одам ўлдирган, хотинлар атрофида кўп айланадиган, қўрқоқ ва юраксиз кишилар билан маслаҳатлашиш нораводир.


«Фавоқиҳ ал-жуласо»

Ҳакимлар айтадиларки, ақл соҳиби бўлган киши етти хил киши билан кенгашмайди: улар нодон, ҳасадчи, риёкор, қўрқоқ, молпараст ва ҳою-ҳавасга берилган кишилардир. Чунки нодон киши бефаҳмлиги туфайли хато ва ярамас маслаҳат беради. Душман эса сени ҳалок булишингни ўйлаб, маслаҳат беради. Ҳасадчи эса қўлингдаги молу мулкингни совурилишини истайди. Риели киши эса сени қандай қилиб бўлса-да, сен нимани хоҳлаётган бўлсанг, ушани қиласверишига ундейди. Молпарастнинг фикри-зикри мол йигиши бўлгани учун берган маслаҳати орқали бирор нарса ундириб олишта уринади. Ҳою-ҳавасга интилган нафс бандаси эса ўзининг нуқсонли ақли билан кишини түгри фикрдан четлатади.

Олимлардан Аҳнаф айтади: «Очнинг қорнини тўйдирмай туриб, ташнанинг чанқогини бостиurmай туриб, асир кишини озод қилмай туриб, камбағалнинг ҳожатини чиқармай туриб, бирор иш юзасидан маслаҳату машварат қилма!»

«Фавоқиҳ ал-жуласо»

БАХИЛЛИК,
БАДНАФСЛИК,
ОЧҚҰЗЛИК, ҲАСАД,
ҲАСИСЛИК





Одамларнинг энг ёмони ўз аҳли аёлига баҳиллик ва қизғончиқлик қиласидиганидир.

Ҳадис

Бухл азиз одамини хор этар,
Эл кўзида ит каби мурдор этар.

Ҳайдар Хоразмий

Баҳиллик одамнинг ўз молига жону дилидан ёпишиб олишидир. Баҳил одам ўзининг ейиши ва кийиниши учун ҳам пул сарф этишни истамайди. Масалан, нон, мева ва шунга ўхшаш нарсаларнинг янгисини олишга қудрати етса ҳам эскисини олади, либосларнинг янгисини сотиб олмай, эски ва йиртиқларини ҳарид қиласиди, тоза, мусаффо ерда яшаш ўрнига қоронги, зах ва саломатликка зарар етказувчи жойларда яшайди.

Хасиддин ал-Ҳасаний

Бахилнинг юзига кўп қарасанг бағритош бўласан.
Муҳаммад Сиддик Рушдий

Ҳар киши нокас билан ҳамкосадур,
Минг шарофатни касофат босадур.

Машраб

ҲИКМАТ. Ҳинд ҳакимларининг киңоя қилиб езишларича, уз мол-мулқларини яхшилик йўлида сарфламайдиган баҳил кишилар «саҳий» кишилардир. Чунки узлари емай, ҳаммасини үзгалар учун қолдирадилар. Қитъа:

Туриб дарё лабида бутимор қуш,
Чекар дарё сувидан доимо ғам.
Ўзича ўйлаган ичсамми ё йўқ,
Агар ичсам бўлар дарё суви кам.
Дилида ҳиммати йўқ ҳар баҳилнинг,
Шу күшга ухшаган феълу ҳуши ҳам.
Ҳирсининг ўткирлигидан ионини,
Ўз узига кўрмагай лойиқ, укам.

Ҳаким Қооний

Ҳасад балоси улкан фасодлар пайдо қилур. Чунки ҳасад бағоят жирканч хислатдир.

Кошифий

Одамларнинг олийжаноби узига нисбатан одамларда муҳаббат уйғонишига уринувчи, одамларнинг баҳили эса узига нисбатан дўстларида нафрат тугдирувчи кишидир:

«Махзан ал-удум»

Барча элдан тупроқ каби паст булгин,
Барча элдан елдек тиҳидаст бўлгин.
Ҳаракат қил, элни айлагин ризо,
Қул-оғин упу қилма норизо!

Низомий Ганжавий

Баҳил яхшиликни ёмон кўради, ёмонликка эса қарсак уради. Баҳиллик бир тикон, агар у кимга ботса улдирмай кўймайди. Баҳил одам йулдош бўлмайди, борди-ю, йулдош бўлиб қолса, қорин шишиб улади.

«Оталар сузи»

Борма айтмаганинг дастурхонига,
Қўл узатсанг, қадринг тушар, ионига,
Қушма үзгаларнинг барра кабобин,
Қотган иону совуқ сувинг сонига.

Паҳлавон Мажмуд

Эй оқил, баҳилликни ўзингга шиор қилиб, мол-пул

топишнинг пайидан бўлма. Ҳасад ва баҳиллик кўчасидан қоч. Ўзгаларга доимо мадад қўлини чуз. Ҳасад ва рашидан ҳеч ким фойда курмаган. Аксинча эл орасида хору зор бўлиб, эътибордан четда қолган. Мол-мulkинги бекорга сақлама. уни эл фойда кўрадиган нарсаларга сарфла. Фақат аҳмок одамларгина юз меҳнату алам билан бойлик тўплайдилар. Ундан на ўзи фойда топади-ю, на ўзгалар мағфаат куради! Бундай жоҳил кишилар куриб билиб туриб, кўрганлардан ибрат олишмайди! Нафси аммора кўйига кириб, ранж ва кулфат курадилар!

Муҳаммад Жабалрудий

Бахил киши ўз мол-мулкининг қоровули ва ўзгаларга қолдирадиган мероснинг ҳазиначисидир.

Муҳаммад Зехний

Эй азиз, араблар орасида «Бахиллик оловдир» деган мақол бор. Чунки баҳиллик ўз соҳибини гам утида ёндиради. Араблар бирорни баҳилликда айбламоқчи бўлсалар, уни «Нодир баҳил» дейдилар. Бу сўзнинг келиб чиқишига Нодир исмли киши сабаб бўлиб, унинг тарихи қўйидагича экан. Айтишларича, Бани Ҳилол қавми орасида Нодир исмли киши бўлиб, у баҳилликда маълум ва машҳур булган экан. У ҳар куни ўз тялярини сугориш учун кудукдан сув тортиб олар, кудук ёнидаги ҳовузчага кўйиб сугорар ва тялярдан ошиб қолган сувни ҳовуздан яна қайтариб олиб далага сепиб юборар ёки ортиқча сувни ифлослаб қуяр экан. Бундай қилишдан унинг мақсади, бошқалар мен чиқарган сувдан тяясини сугормасин, дер экан. У ҳар куни шу одатини такрорлашни кўймас экан. Унинг яна бир қилиги бўлиб, тяляри тезгина тезаклаб, тупроққа аралаштириб юборар экан. Чунки тезакдан утин сифатида бошқалар фойдаланишини хоҳламас экан. Шунинг учун уни «Нодир баҳил» дейишар экан. Уша кундан бошлаб ким баҳил бўлса уни «Нодир баҳил» дейиш одат тусига кириб қолибди.

Муҳаммад Жабалрудий

Ўзинг муҳтоҷ була туриб сахийлик қиласман дема.

Муҳаммад Сиддиқ Рушдий

Ҳасисдан ким эдар дурри шоҳвор тами,
Кўнгул сажанжали тамиъ мукаддар эдар,

Соқий бу кўзу сафосиндадур губор тамаъ.
Қаноат аҳлиниң аҳволи халқдан мастур,
Эдар разолати ҳолингни ошкор тамаъ.

Нодим

Бахил одамга ҳамма одам ёмон булиб кўринади.
Бахил учун дунёда роҳат йўқ.
Бахилнинг уз дарди ўзига етади.
Ҳар кандай оловни сўндириш мумкин, аммо бахил-
лик оловини сўндириб булмайди.
Юзинг қора бўлса айб эмас, юрагинг қора бўлма-
син.
Бахилга меҳмон бўлган киши ҳеч қачон қорин оғ-
риғига учрамайди.

«Оталар сузи»

Ҳар кимнинг нафси уни чегарадан чиқариб юбор-
са, бу унинг ўлимидир.

«Махзан ал-улум»

ҲИКМАТ. Ҳар ким қайсар нафс кўйига гирифтор
булса, барча балолар остида хор булади. Фард:

Нафсини тиймаса киши бўлур хор,
Нафс уни қиласи кучка-кўйда зор.

Киши тирик экан, нафси билан курашда мағлуб
булмаслиги керак. Нафс шундай душманки, манман-
лик ва қайсарлик унинг шиоридир. Нафс шундай та-
каббурки, кибру ҳаво унинг ҳамроҳидир.

Байт:

Нафсингни ўлдирсанг гамдан озодсан,
Душманинг бўлмайди, доимо шодсан.

Эй азиз, ҳар ким нафсининг оғзини тиндиrsa нафс
шундагина уни саргардонлиқдан тиндиради. Агар мард
булсанг нафсинг буйинини уз, йўқса балолар домига
дучор булиш режасини туз.

Муҳаммад Жабалрудий

Иbn ал-Хорис айтади:

— Бир йигит бойлиқ қидириб уйидан чиқсан эди. У
йул юриб чарчаб, бир ҳаробанинг олдига келиб утирди.
Ногоҳ унинг кузи деворга ёзиг қўйилган қўйидаги
сатрларга тушади:

Эй қаршимда ўтирган, сени күриб турибман,
Билдимки қайгу-тамдан юрагинг тұла қондир.
Қийнамагил узингни, борингта сабр айла,
Қаноатли кишидан гаму-кулфат ниҳондир.
Иигит бу сатрларни үқиб, бойлик топиш фикридан
қайтди ва уйига кетди.

Мұхаммад Зәхний

Оқыл инсон топганига сабр этар,
Сұнг үзининг нафсига ул қаҳр этар!
Аблақ одам аблаки шундай одам,
Доимо нафс күйида ургай қадам!

Фаридиддин Аттор

ХИКМАТ. Ҳар кимнинг нафси ақлига хизмат қилса, ундағы кишига баҳт ва давлат юзланади. Ҳар кимнинг ақли нафсига хизмат қилса, баҳту иқбол ундағы кишидан юз ўтиради. Байт:

Нафски ақлға буйсунса агар,
Иқбол дараҳтидан мева ер киши.
Ақлдан зиёда бұлса агар нафс,
Одамнинг күнба-күн ортар ташвиши.

Муиниддин Жувайний

Эй фарзанд, нафси амморант күйига кириб, керагидан ортиқча молу мұлқ топищга интилма, узингни элуюрт олдидә шарманда қилма!

Мұхаммад Жабалрудий

Ҳасад аслида ҳиммат пастлигидан ва табъ хасислигидан вужудға келади. Булар жоқиллик натижасидур. Ҳасад ақлнинг нұқсанлы эканлигига равшан далилдір.

Кошифий

Кишига берса ким моли ҳаромий,
Умид этса савоб ул марди омий.
Булур коғир умид эттан ул инсон
Билиб олиб дуо қылғон ҳам ул он.

Суфи Оллоёр

Кишининг уз нафсидан қочиши шердан қочғандан фойдалы.

«Оталар сүзи»

ҲИКМАТ: Үз нафсини деб бойлик қидиришдан қочиш натижаси роҳат, эл молидан таъма ипини узиш натижаси муҳаббат, узгалар сирини билиб, айбини топаман дейишдан қўл юниш натижаси юксак хулқдир.

Байт:

Оғир меҳнатларга йўлиқди ҳар ким,
Тамаъ кўзини тикса, дусту душманга.
Қылган тамасига етмаса агар,
Гина билан озор берди кўп танга.
Тамагирнинг умри ғам билан утар,
Оқибат дер бир кун «эвоҳ, аттанг!»
Ҳар кими шод ила хандон яшади,
Борига сабр этса бормай «ман-санга».

Мажидиддин Ҳавофий

Ҳар ким тамаъ йўлин тутса гар пеш,
Оқибат бир кун булгувчи дарвеш!
Фаридаиддин Аттор

Тамаъни тарк эт чиқ гўшаи қаноатаро,
Санга йўқ узга жаҳон ичра амният.

Комил Хоразмий

Тамагирлик ёмон хулқлардан бири ҳисобланади.
Тамагир одам үз орзуларини рӯёбга чиқариш учун турли қабиҳликлардан ҳам қайтмайди, ҳеч қандай гуноҳдан қўрқмайди, ёлгон гапирмай юрмайди, ёлгон сўзини исботлаш учун ёлгон қасамлар ичади. У ҳар хил хийлаларни ўйлаб топади ва ҳаром ейди.

Хаёлиддин ал-Ҳасаний

Бошқалардин узини баланд тутган одамга баҳт кулиб боқмайди.

«Қурқит Ота китоби»

Тўғри юргани учун уқ үз йўлида,
Эъзоз топди, кургил, шоҳлар қўлида.
Дилингни тўғри тут, балодан қўрқма,
Ёқут ич-у, асло вабодан қўрқма.
Қандай создир киши кажликдан қочар,
Ростлик галабага доим йўл очар.

Низомий Ганжавий

ЭЙ АЗИЗ, билгилки, одамзод дунёда қулида борига қаноат қилиши лозим. Шундагина у одамларга тамаъ қулинин чўзмайди. Кимки ортиқча нарса қидирса, меҳнатлар домига тушади, одамларнинг назаридан қолади. Натижада ундей киши надомат тўрига ва маломат уқига дучор бўлади. Билгилки, тамаъ барча балоларни келтиргувчи ва жумла оғатларни қўзғотувчидир. Агар қушлар одамлар қўйтган донга тамаъ кўзи билан боқмаганларида, дом ҳалқаси уларнинг бўйнига тушмаган бўлур эди. Агар инсон тамаъ камарини белига боғламаса, хорликнинг ботқогига ботмайди.

Эй биродар, тамаъ қилмагил, тамаъ —
Одамни харобу хору зор қилас.
Икки оғиз тингла мендек носиҳдан,
Сени ҳаёт ичра баҳтиёр қилас!

Мұхаммад Жабалрудий

Тамагир кўлгина нарсаларга тамаъ кўзи билан қарайди. Бироқ ҳеч нарсага етолмайди, барибир муҳтожликда қолаверади. Бойлик кишини ҳеч вақт ҳақиқий саодатга етказолмайди. Тамагир эса баҳту саодат одамга салтанату кумуш орқали келади, деб ўйлади.

Эй биродар, мунофиққа бўлма улфат,
Ким улфатдур, боши узра юз минг кулфат.

Ахмад Яссавий

Тамаъ орқали тўпланган молу давлат тамагирнинг ўзигагина эмас, ҳатто меросхўрларига ҳам яхшилик келтирмайди. Тамаъ инсоний хислатлардан маҳрум этади.
Ҳасиддин ал-Ҳасаний

Хорликлар боши тамаъ билгил,
Доимо аззаман қанаъ билгил.

Навоий

Неча инсон нафси деб булди хароб,
Бошига тушди ани ғам беҳисоб.
Кимни ранжитсанг бориб узрингни айт,
Чунки душман доимо пойлайди пайт.
Ҳар киши пул ила мол орзу этар,
Бас, қаноатла бу орзуга етар.

Фаридиддин Аттор

ҲИКМАТ. Қайси бир дил булмасин агар унда тамаъ тўлқини бор экан, доимо домга тушиш хавфи булади. Тамаъ гафлат деворининг пушти паноҳи, боғтил андишалар денгизининг гаввоси. Байт:

Кимда тамаъ бўлса унда гафлатдир,
Гафлат замирида юзлаб офтадир.

Агар киши тамаъ ипига илинса бало чоҳига қулади. Қушларга бок, ўзлари осмонда парвоз қилсалар ҳам ердаги дон тамасидан домга илинади. Фард:

Бир сиқим бугдой тегирмон тошини сарсон қилар.
Мұхаммад Жавҳар Заминдор

Ёмонликни шахобчалари кўп бўлса ҳам, уларнинг асоси тамаъ, газаб ва илмсизликдир.

Абу Райҳон Беруний

Тамагир булмаслик керак. Кишининг бошига тамаъдан турли балолар келади. Сал нарса учун киши газабланмаслиги керак, чунки киши учун дунёда газабдан кучлироқ нарса йўқ. Газаб келган пайтда киши ўзининг нима қилаётганини узи билмайди. Одам кишиларни ўз феълига мослаштиришга уринмаслиги керак. Балки одамлар қандай феълда бўлса уша феълга мослашмоқ керак.

«Махзан ал-улум»

Тамагир билан асло яқин бўлма,
Шубҳасиз у сенга душман булади.

Юсуф Хос Хожиб

Кишидаги энг ёмон хислат ута баҳилликдир.

Хадис

ҲИКОЯТ. Айтишларича, бир шаҳарнинг атрофида-ти далада қўйлар отари бўлиб, чупон ўз қўйларини қўриқлаш мақсадида итини пособон қилиб тайинлади. Ит содиклик билан қўйларни қўриқлар, ҳеч бир жонзотни қўйлар яқинига яқинлаштирmas эди.

Кунлардан бир кун, далага яқин тогда тулки ит билан тил топишшиб қолди. Тулки итга иккюзламачилик қилар, итнинг кўнглида эса, у билан айшу ишрат қилиш тамаъси жўш урар эди. Ит шу тамаъ туфайли тулкига ҳар куни биттадан қўзи инъом қила бошлиди.

Кўйларнинг камайиб бораётганини сезган чўпон бир куни ўзича: «Садоқатли итим бўлса-ю, нега бундай ҳол юз бераяпти?» деб уйладида пойлашга тушиди. Воқеадан огоҳ бўлгач, «ўзингдан чиққан балога қайта борурсан давога, тулки итни йўлдан урибди», деди. Шеър:

Посбон оёғига кирдию тикон,
Ўгри матоларни ўмарди осон.

Азизим, кўрдингми, тамаъ инсонларнигина эмас, ҳатто ҳайвонларни ҳам йўлдан оздирар экан. Шунинг учун имкони борича тамаъ домига тушмасликка урин!

Муҳаммад Жабалрудий

Шикоят қилма, эй тамагир, нопок,
Тупроқдан ор этма, чунки ўзинг хок!
Чўпни ҳам элтолмас бу сувдан ҳеч ким,
Гавҳар сенга бўлсин, менга бас хошок!

Паҳлавон Маҳмуд

Ҳар ким озод бўлиб, шармандалиқдан холи бўлай деса, тамаъдан узоқ бўлиши керак.

«Махзан ал-улум»

Тамаъси кўпнинг, инсофи оз бўлар.

«Оталар сўзи»

Тамагир ўзи қилаётган хатони ўзи билмайди.
Пасткаш одам бирор кимсани севса, ё қўрқанидан севади ёки тамаъгириликдан.

«Оталар сўзи»

Иzzат бермас, нақду дирам борлиги,
Ким бўлди тамаъдин кишининг хорлиги.

Навоий

ХИКМАТ. Очкўз кишини тарбия қилмоқ ўз обўйини тўкмоқдур. Ундей киши ўзгаларга яхшилик қиласа, очкўз ёмонлик қилмай қолмайди. Байт:

Нокасларни қилма тарбият,
Яхшиликка ёмонлик қиласар.
Чаёниларни парвариш қилсанг,
Ниши билан вужудинг тиласар.

Муиниддин Жувайний

Киши ўз ҳақидан бировга бериши қийин, аммо бермаслик очкүзликтір.

Олчоқ одамда номус бұлмайды.

Жавохир бұлса-да әшакнинг юки,
Барі бир әшакдир, ялтираб туки!

«Оталар сузи»

ХИКМАТ. Киши сахий дүстдан сақланганидан күра хасис дүстдан асранғани яхшидір. Байт:

Хар кимсада бұлса қабиҳ бир одат,
Бу одатни қиласар бир куни такрор.
Чаённи кур тошға уради нишин,
Ваҳоланки тошға үтмайди зінхор!

Муиниддин Жувайний

Хасислик кишининг қадрини йүқотади, фалокаттарға дучор этади.

«Оталар сузи»

Киши қанчалик бадавлат бўлмасин, у хасис ва баҳил бўлса, эл ичида обрусиз ва қадрсиз булади.

Абулбаракот Қодирий

Хирс ва тамаъ — дунёга бўлган муҳаббат ва нафсиятнинг маҳсули ҳамда эгрилик ва хиёнатнинг мулозими. Фард:

Тугри булиб, эл кунглига ёқа олсанг агарда,
Эгри булиб назарлардан қолиб кетмоқ не учун?!

Бархурдор ибн Махмуд

Эй угил, билгилки, ҳирсу тамаъ ярамас нарсадир. У кишиларга хорлик ва расвоник келтиради. Шунинг учун ҳам: «Хорлик тамаъдан келади» деганлар. Бундай ёмон сифатдан қочмоқ сарафролик күчасига кирмоқдир.

Муҳаммад Жабалрудий

ХИКМАТ. Дунёнинг барча ёмонлиги кулфланган бир уйга яширинган. Унинг калити бойликка бўлган ҳирсдир. Байт:

Бойлик учун тузоқ қўйган ҳар кимса.
Гамдан бошқа нарса кўрмади харгиз!

Муиниддин Жувайний

Хирсли вақтингда ҳукм чиқарма.

Тинч яшай десант, құлингда борига қаноат қил.

«Оталар сузи»

Пархезгарлик бустонининг гуллари ҳидидан фаросат бурни билан ҳиддай оладиган ҳар бир киши түгөн ва ёмонлик манзилларининг әңг аввали бүлган ҳирс ва тамаъннинг тиконзор даласига азм этишни асло ихтиер қымасин! Үз уйининг маъмур ва молининг сероб булиши учун иблис фирибига учиб, бирорларнинг майшат қасерини хароб этишга уринмасин!

Бархурдор ибн Маҳмуд

Қаноатсизликдан келадиган оғатлар беҳисобдир.
Шулардан бири ҳасисликдир. Ҳасад эса давоси йүқ дард. Кимки ҳасад қилиб, бу дардга илиниб қолса, үлмасдан қутулмайди.

Хәелиддин ал-Ҳасаний

Тұртта нарса борки, эй авлоди пок,
Барча әлни айлагай қалбини чок.
Тұрттадан аввалгиси бүлган ҳасад,
Үндән үтсант худбинлик то абад,
Жаҳлини ичта ютолмаслик бири,
Ҳам баҳилликдан кечоялмаслик бири.
Эй үгіл, келма яқын бу тұрттага,
Олмасин сени бу феъллар уртага.
Кийнадан кечгилу зардек пок бул,
Хокка айланмай әлингта хок бул!

Фаридиддин Аттор

Эй азиз фарзанд! Баҳиллик ва ҳасад иллатига дилингда асло жой бермагинки, ҳасад давлатинг уйини вайрон қылса, баҳиллик иззат чаманини пайхон қилади:

Кимки ҳасад үтин ёқса жақонда,
Бу ут унинг үзин құймас омонда!

Хожа Самандар Термизий

Эй фарзанд, билгилки, мунофиқ ва ҳасадтүй кишилар таъсири яхши одамларни йўлдан чиқаради. Доно ва олимлар суҳбати эса кишиига боқий умр баҳш этади.

Беҳуда сўзлар айтилаётган мажлисга тушиб қолсанг,
бундай мажлисдан қоч!

Муҳаммад Жабалрудий

Дунёда ҳасад ва гинадан оғирроқ ранж йўқ. Чунки
ҳасадчи одам одамларнинг шодлигидан пайваста гам
остида юради. Узгалар роҳатидан доимо заҳмат торта-
ди.

Муҳаммад Ҳусайн

Ҳасадчи киши одамларнинг шод ва хушҳоллигидан
доимо гам чекади ва алам тортади! Ҳа дунёда ҳасад ва
бахилликдан кўра ёмонроқ дарду алам йўқ! Шундай
экан, бундай кишилардан узоқ юр, уларнинг суҳбати-
дан қоч! Назм:

Дармон қабул қилмас иллатдир ҳасад,
Ҳасадчининг доим гамидир беҳад!

Муҳаммад Жабалрудий

Айбсиз одамни курган ҳасадчини жаҳли чиқади.
Баданинг созлиги ҳасаднинг озлигидан.
Ҳасадчининг моли узига насиб этмайди.

«Оталар сўзи»

Ҳасиснинг нонига узатганда қўл,
Филларнинг остида ўлган кўп маъқул!
Низомий Ганжавий

ЭЙ АЗИЗИМ, сенинг бу нафсинг еб туймайдиган
ҳасисий нарса. Агар унга йўл берсанг сени балолар
домига туширади. Ўнга қарши курашсанг, уни енги-
шинг мумкин. Йўқса сени оғатлар чоҳига гарқ қили-
ши муқаррардир. Шеър:

Очкӯзларнинг бадавлат бўлганин ким кўрибди,
Тўлмагунча кузига тупроқ асло туймайди!

Муҳаммад Жабалрудий

ҲИКОЯТ. Айтишларича, Лоҳур шаҳрида бир илм-
ли киши булиб, ута ҳасис эди. Тийинлаб пул тўплар,
хатто ўзи тузукроқ ейишга ҳам оғринар эди. У жон
берса берарди-ю, аммо бирорвга нон бермас эди. Топ-
ган олтинларини ниҳоятда пинҳон тутар, доимо жони-
ни ҳовучлаб яшарди. Айёлликда қилни қирқ ёрадиган

шогирди бўлиб, ўз хўжайиннинг олтинларидан воқиф эди. У қандай қилиб булмасин ўша олтинларни кўлга ожизлик қиласр эди.

Орадан йиллар ўтиб, хўжайин касалга чалинади. Улишни муқаррар эканини билгач, олтинни кўзи жайин нима қилишини билмай қолди. Сунг бирдан сини ютиб бўлгач жон берди. Ҳаммаси

Унинг улганини эшигтан одамлар йигилиб, кўмиш чорасини кўрдилар. Ўзаро пул тушлашиб, барча марошогирди хўжайиннинг ўй ва ҳовлиларини қидириб, Ўзича: «Хўжайин ўз олтинларини ҳеч қаёққа олиб Олтинлари-ку ўйда бўлиши қерак, аммо ҳамма ёқни қерак? Шунча аёргиғим билан наҳотки хўжайнинимра топа олмагач, бошига бир фикр келиб қолди. Тўгридининг қорнини ёрди ва олтинларнинг ҳаммасини йигиб олди.

Муҳаммад Жабалрудий

Бир киши ўғлига деди:

- Нафсингни шундай мацқ қилдирки, токи у амрингга қулоқ соладиган бўлсин!
- Уғил сўради:
- Мен қайси пайтда ақлли булишим мумкин?
- Нафсингта ҳоким бўлганингда! — деди.

«Махзан ал-улум»

Номуродлар кўнглини оғритма.

Муҳаммад Сиддиқ Рушдий

Ҳасад шундай дардки дори-ю-дармон,
Қабул қилмас, дилни ўргар беомон.
Дейдилар ҳар ҳасад элга зиёндир,
Аммо ҳасадчига элдан ҳам зиён!

Муҳаммад Ҳусайн

САХОВАТ, ҲИММАТ,
ОЛИЙЖАНОБЛИК,
ҲАДЯ,
ШОДЛИК ҲАҚИДА





Бўл сахий сен, эй биродар, бўл сахий
Бўлмагай ҳар бало бошда даги!
Доимо мардлик била мардана бўл,
Ким сахийдир қўллар они барча қўл!

Фарииддин Аттор

Саховатли киши шундай кишики, бирор сўрамай,
олдиндан ўзи билиб ҳадя қиласди.

Абдибек Шерозий

Қилган ишим булмасин деса бас,
Эр фақат ўз мақсадини ўйламас!

Фарииддин Аттор

Кишилар ёвузи — бу эзма кишидир.
Кишиларнинг қадрлиси — саховатли кишидир.

Юсуф Хос Ҳожиб

Бирор сенга муайян бир меҳнатни сингдирса,
У меҳнатни унутма, мисли ўлик бўлма.
Эй асл киши, одамгарчиликни қўйма,
Кишиларга доим одамгарчилик қилиб тур.
Кел мол деган ном олма, одамгарчилик қил.
Одамга одам бўл, одамгарчилик қил.

Юсуф Хос Ҳожиб

Эй угил! Саховатингни киримингта қараб қил! Чунки ёнингдаги пулингни бирданига совуриб юборсанг, саховатингни кейин нима билан амалга оширасан?!

Абдибек Шерозий

Сахий одам душманлик ва адовардан қочган, уз қалбидә муҳаббатта йўл очган булади. Сахий киши мисдан ясалган кўзага ухшайди: тез тайёрланади-ю, аммо узоқка етади. Очкўз киши муҳаббатдан қочган, уз қалбидә адовардан йўл очган булади. Очкўз киши сопол идишга ухшайди, уни ясаш қийин-у, лекин тез синади.

Юсуфий

Халқнинг етуғи сахий кишидир, сахийлик шараф келтиради.

Аҳмад Юғнакий

Улуглик тиласанг сахий бўл, сахий
Сахийни севар ҳақ таоло, ахий.

Сайфи Саройи

Суннат эрмиш кофир бўлса, берма озор,
Кўнгли қаттиқ дилозордан худо безор.
Оқил эрсанг эранлага хизмат қилғил,
Амри маъруф қилғонларни иззат қилғил.

Аҳмад Яссавий

Имконинг кутаришига қараб сахийлик қил, бирорларга тақлид қилган ҳолда сахийлик қилма! Қарз олиб, бунинг эвазига қилинган сахийлик қандай сахийлик булади, бошқаларнинг молидан олиб, бирорларга единишдан нима фойда?!

Абдибек Шерозий

Бойлигинг бўлганда танглик қилмагин,
Йулинг очик бўлса, ланглик қилмагин!
Фарициддин Аттор

Билгилки, саховат мақтovга лойик феълдир. У инсонга сайқал берувчи безакдир. Сахийликнинг натижаси яхши номлилик, эзгулик берувчи безакдир. Сахийликнинг натижаси дўстларнинг кўпайишидир. Одамзот учун саховатдан яхшироқ ва азизроқ ёқимли сифат йўқ! Байт:

Кимда гар сахийлик одати йўқдир,
Яхшилик кутмоқнинг ҳожати йўқдир.

Бир ҳакимдан: «Кишининг барча ҳунарларини йўқ-
қа чиқарадиган нарса нима?» деб сўрадилар. У эса:
«Бахилликдир!» деб жавоб берди. Яна ундан: «Киши-
нинг барча айбларини бекитадиган нарса нима?» деб
сўрадилар. У эса: «Сахийликдир!» деб жавоб берди.
Абулбаракот Қодирий

Бахил бўлма, эй саҳоватли киши,
Саҳоватли деган мангу қолади, ўлмайди.

Юсуф Ҳос Ҳожиб

ҲИКМАТ. Олийҳиммат ва соҳибдавлат шундай ки-
шики, яхши хулқ ва чиройли одат билан каттаю-кичики-
ни ўз муҳаббати домига илинтиради, дўстлик уругини
кўнгил өрига экади, азизлар ва улуғлар йўлига ибрат
кўзи билан боқади, қариндош-уруглар ҳақини имкони
борича адо қиласиди, дўстларини кўлидан келганича хур-
матлайди, ўлиб кетган сру-биродарлари авлодини ях-
шилик билан тақдир этади.

Муиниддин Жувайний

Бирорким анга ҳиммат үлди баланд,
Эрур одам аҳли аро аржуманд.

Навоий

Битиклик келди ҳимматидин нишона,
Ки ҳимматсизни паст этди замона.

Навоий

Халққа лутғни кам қилмагил,
Ҳеч кишига жавру ситам қилмагил.

Пошибохужа

Етушмакни ўзига қилса армон,
Керакким ҳиммат ила ургай ақдом.

Толтобий

Искандар Зулқарнайнайн айтган эди: «Киши ўзининг
олий ҳиммати билан азиздир. Мард шундай кишики,
гапирмасдан туриб, қилмоқчи бўлган ишини адо қила-
ди. Номард киши гапириб туриб ҳам адо қилмайди.
Яна ундан сўрадилар: «Қандай қилиб жаҳонга эга бўл-

динг?» У деди: «Ҳакимларнинг сўзига ва маслаҳатига амал қўлдим, улуғларнинг ишини кичикларга ва кичикларнинг ишини эса улуғларга буюрдим!»

Абулбаракот Қодирий

Адолат натижасида юрт обод, эл фаровон, хазина мўл, шаҳару қишлоқлар яшнайди.

Кошифий

Обу оташу боду ток бўлди,
Ҳар ким танида чу пок бўлди.

Сайёдий

Саховатли бўлмасанг майли, аммо истрофгар бўлма.
Саховат билан истроф бошқа бошқа нарса.

«Оталар сўзи»

ҲИКМАТ. Олийҳиммат киши Ҳумо қушига ухшайди. Пастҳиммат киши эса қузгун кабидир, ўлаксалар эса унинг улушки бўлади. Байт:

Ҳар кимсада бўлса Ҳумодек ҳиммат,
Ҳар иллатга ундан топилар даво.
Ҳимматсизлар эрур мисоли қузгун,
Ундан келур даво ўрнига вабо!

Муиниддин Жувайний

Келса агар хонанг узра гариб меҳмон,
Бор нарсангни олдига куй, бўл меҳрибон.

Маҳмуд Кошгариј

Кимгаким бор ҳиммат ила эътиқод,
Оқибат ул амр топар ул мурод.

Дурбек

Кишининг қадри унинг ҳимматига яраша бўлади.
Ҳадя муҳаббатни оширади.

Дустлар учун ажаб еқимли хислат,
Бир-бирин ҳадя-ла айлаб турса шод.
Ўзаро ҳадялар шундайин кучки,
Дилда муҳаббатнай айлагай бунёд!
Ҳасиснинг ҳадяси совуннинг кўпиги,
Берганингни унут, берганини ёдда тут.

«Оталар сўзи»

Кишига ҳиммати мардана керак.

Нодира

Ичириб элга қошук бирла шурба,
Чумуч сопи билан кузини чиқарма.

Сайфи Саройи

Химматсиз киши эр сонида эмас
Ва руҳсиз киши тирик демас.

Навоий

Қарамсиз киши мевасиз дарахтдир, мевасиз
єочни кесиб ёндиригин.

Аҳмад Ютнакий

Арратек эт базл кейин-илгари,
Теша бикин йўнма уз-ўзунг сари.

Ҳайдар Хоразмий

Сахий кишининг таоми шифодир.

Ҳадис

Кишининг саховати унинг динидир.
Муруввати ақли, насаби эса хулқидир.

Ҳадис

Одамлар билан муросаю мадорага киришиш ҳам
садақа ҳисобланади.

Ҳадис

Мехрибон ва раҳмдил булмоқ умрнинг ва ризқнинг
баракали булишига олиб келади.

Кошифий

Сахийлик бамисоли жаннатнинг дарахтларидан би-
ридир. Унинг шохлари дунёга осилиб туради. Кимики
шохларидан бирини тутиб олса, у жаннатга бошлаб
боради.

Ҳадис

ОЗ ВА КҮП ЕЙИШ
ҚОИДАЛАРИ,
ИЧКИЛИК,
САЛОМАТЛЫК,
ТАБИБЛАР





Күп демак бирла бўлмагил нодон,
Күп емак бирла бўлмагил ҳайвон.

Навоий

Күп сийиш оз сийишдан ҳам маҳрум қиласди.
Баданнинг қуввати овқат, руҳнинг қуввати илмдир.
Қорин емоқдан завқ олади, ақл эса ҳикматдан.
Нон — ҳаёт демак.

«Оталар сўзи»

Ҳурматли устозим айтар эди: «Иллатнинг пайдо бўлишига тўрт нарса сабаб бўлади: ёмон сув, аччиқ тутун, бадбуй ҳид ва ҳазм бўлиши қийин қаттиқ смиш!

Ҳикмат аҳилларининг китобларида иллатни пайдо қилувчи нарса олтига дейилади: тунда кам ухлаш, кундузи кўп ухлаш, пешобни узоқ тутиш, тўқ қоринга яна овқат сийиш, кечаси совуқ сув ичиш ва ортиқча жинсий алоқа қилиш!

Одамзот кўп сийини асло одат қилмаслиги кераки, ҳақиқатан ҳам кўп сийиш ҳайвонлар одатидир. Ҳикмат қонун қоидаси бўйича эса номақбулдир. Демак, инсон овқат сийиш борасида ниҳоятда эҳтиёт бўлиши керак, имкони борича кам сийиш, тўғри келган пайтда сяйвермаслиги, ҳақиқий иштаҳа келган вақтда овқатла-

ниши лозим. Ана шундай қилган киши табибга асло муҳтож бўлмайди.

Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Жомий

Икки нарса қўнгилни фасодға элтур: бири — тұла ейиш, бири — тұла уйқуламоқ.

Муҳаммад Сиддиқ Рушсий

Оз е, ҳамиша е.
Қанчалик мусаффо бўлса ҳамки сув,
Ортиқча ичилса келтирап қайгу!

«Оталар сузи»

Десантки таомим зое бўлмагай, едур,
Ва тиласангки, либосим эскирмагай, кийдур.

Навоий

Абул Аббос қассоб шундай дер эди: «Очликдан бетоқат бўлмагунимча, асло таом емадим, шунинг учун табибга ҳеч ишим тушмади!» Фард:

Табобатда шундай ёзганин кўрдим,
Очлик даво эрур барча иллатга!
Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Жомий

Куп ейдиган одамнинг саломатлиги кам бўлади:
Кимки куп ейишни айласа одат,
Ичию ташини қашлагай иллат!

«Оталар сузи»

Нафсин ултурган эр бўлур гозий,
Эр эсанг ҳосил эт анинг бикин от.
Сайфи Саройи

Дард үзи шаҳд агар заҳар эрур,
Бадр кавокиб аро анвар эрур.
Уз еридин алар қылса интиқол,
Иккиси ҳам ўлгуси пажмурда ҳол.
Сайфи Саройи

Ейладиган овқатлар тоза ва соғ бўлмоги керак.
Масалан, оғат етмаган тоза бугдой, шу бугдой унидан қилинган овқатлар, гушт эса соглом ҳайвон гўшти булиши билан бирга яхши пиширилиши, шарбатлар мижозга мос булиши, узум ва анжир каби мевалар эса яхши пишган бўлиши лозим.

Камолиддин Исмоил Бухорийнинг тиб китобида ёзилишича, кишининг қорни түқ бўлса-ю бошқа овқат олдига келтириб қўйилса, ундан асло емаслиги керак. Бундан ташқари қаттиқ ва оғир меҳнатдан кейин нозик овқатлардан еб бўлмайди. Чунки бу пайтда ошқозон ниҳоятда қизиб кетган бўлади ва унга тушган нозик овқатлар қизиб кетиб, тезда бузилади. Ошқозонда иссиқлик ўрнаб қолганда кишилар совуқ овқатлардан танаввул қилишлари, масалан, гур узум ёки ошқовок ейишлари керак.

Мұхаммад ибн Мұхаммад ал-Жомий

Куп ейиш очликдан зиён.

Сув оз-оздан ичилса фойда.

Озга қаноат қилмаган купга етмайди.

«Оталар сүзи»

Овқатларни бир-бирига аралаштириб еб бўлмайди. Масалан, қатиқни гур узум суви билан, барча турдаги овқатлардан кейин эса ўрик ва шафтоли еб бўлмайди. Гур узум билан балиқни, сирка билан саримсоқни, пиёз билан саримсоқ пиёзни — буларни ҳам аралаштириб еб бўлмайди. Барча мева турларидан кейин эса совуқ сув ичиш мумкин эмас. Бундан ташқари асал билан қовуни, товуқ гүшти билан балиқни, саримсоқ, бокла, айрон, қатиқни ҳам аралаштириб еб бўлмайди.

Мұхаммад ибн Мұхаммад ал-Жомий

Қилур мардни нафси аммора хор,

Эсинг бўлса, берма эътибор.

Кишининг топган овқати ҳалол ва покиза бўлса-да бироқ ундан куп еса, қуйидаги заарлар ҳосил бўлади:

Биринчи, куп ейишда одамда эзилиш, баъзан улим ҳосил бўлади. Кишида фикр ботил бўлади. Ҳакимларнинг айтишича, меъда қозонга уштайди ва у доим юрак остида қайнаб жўшиб туради. Ундан чиққан ҳарорат ва буг юракка таъсир қилиб, унда бузилиш пайдо бўлади.

Бошқаларнинг айтишича, мия гўёки бир уй булиб, ақл эса уни ёритувчи чирогидир. Меъдадан ҳосил бўлувчи буг кучи мияга боргач, ақл чирогининг нурини пасайтиради.

Иккинчи, одам куп ейиш, куп овқатланишга ўргани сари унда овқатга бўлган ҳирс ошаверади. Шунинг учун устод Абу Жаъфар: «Ошқозон ажаб аъзодир-

ки, оч қўйган саринг тўклиги ошади, тўйдирган саринг очлиги кўпаяди!» деган эди.

Учинчи, кўп ейишдан ваҳима ва қасаллик кўпайиб, фаҳму-фаросат пасаяди. Шунинг учун олимлар: «Кўп сийиши зийраклик ва доноликни йўқотади!» дейдилар. Бошқа тоифа табиблар эса: «Кўп ейиш ақлни ёмонлик томон узгартиришдир!» дейишидаи.

Туртингчи: кўп ейиш тан оғирлашишига сабаб булади, бадан сустлашади, бундай ҳолатда уйқусизликдан кутулиб булмайди. Шунинг учун: «Кўп едингми, узингни қотған ҳисобла!» деган эди баъзи донолар.

Абулбаракот Қодирий

Овқат ейишдан аввал қўлни, оғизни ювмоқ лозим. Ёғли қўл билан либосни ва дастурхонни ифлос қилишдан эҳтиёт бўлиш керак. Оғизни катта очмаслик ва луқмани катта олмаслик керак. Овқатни тез ютиш ва оғизда узоқ тутиш ноурин. Бармоқни овқатдан қўл тортмасдан аввал яламаслик керак. Дастурхондаги ҳар хил овқатларга қарайвермаслик, овқатни ҳидламаслик ва тишлаб қўрмаслик керак.

Бархурдор ибн Маҳмуд

Билгилки, барча овқатларни тури ейилиш қоидасига қараб фойда ёки заардан холи бўлмайди. «Ажойиб ал-махлуқот» китобида ёзилишича, иллат пайдо булишининг сабаби киши уз мижозига ёқмайдиган овқатни ейишда, барча дардларнинг боини эса мижозга ёқмайдиган овқат ейишдадир. Кам овқат ейиш билан даволаниш барча овқатлардан афзалдир.

Мұхаммад ибн Мұхаммад ал-Жомий

Еб-ичишиш қоидаларидан бири шуки, хон ёки дастурхон атрофиғига утиришдан аввал, қўлни ювмоқ керак.

Бархурдор ибн Маҳмуд

Овқат ейишдан аввал уй эгаси биринчи булиб қўл ювади. Овқатдан кейин эса барчадан кейин ювади. Бундай қилишининг сабаби шуки, кечиккан ёки тасодиғфан келиб қолган киши билан овқат ейишни давом эттиради. Токи янги келган киши уялиб қолмасин. Аммо қўлга уй эгасининг узи сув куймоги ва меҳмон биродарларига узи хизмат қўлмоғи керак.

Маҳмуд ибн Мұхаммад

Ақл ва фаҳм хонининг соҳибалари ва ахлоқ дастурхонининг лаззатшунослари шундай айтадиларки, агар икки рафиқ хон ёки дастурхон устида шерик бўлсалар, одамият ва инсоният одобининг тақозосига кўра, овқатга бир-бировидан аввал қўл узатишга ўшилмаслиги ва бир-бираига таклиф ва илтифот юзасидан йўл тутсинлар. Монанди ит ва тўнгиз ҳамда бошқа ҳайвонлар каби ўзини овқатга отмасликлари керак. Кимки ёш жиҳатидан кичик бўлса, ёши каттарорги овқатга қўл узатмагунча сабр қўймаслик лозимки, бу зарур ахлоқ қоидаларидан ҳисобланади.

Бархурдор ибн Маҳмуд

Овқатни кичик-кичик олиш, оғизни ўнг томонида чайнаш, овқат билан бирга қўлни оғизга тиқмаслик керак. Овқатни яхшилаб чайнаб ютгандан сунггина бошқа луқма учун қўл узатиш лозим. Овқат фаҳат ўз олдидангина олинади. Таом сийлаётган пайтда киши ўз олдига қараб ўтириши, ўзгаларнинг олиши ва сийшига қаралмайди. Овқатни иссиқ ҳолда емаслик, уни пуфламаслик лозим. Чунки пуфлаганда оғиздан тупук чиқиб, овқатга тушиши мумкин. Таом сийиш асносида яхши кишилар ва яхши ишлар ҳақида гапланиб ўтириш керак.

Маҳмуд ибн Муҳаммад

Қўл билан овқатдан олаётган пайтда чап қўлни овқат олаётган қўлни тагига тутиш, дон ёки ёғнинг ерга тўкилишининг олдини олишга интилиши, кишининг кўнглини айнитадиган овқат ёки ишлар ҳақида зикр қўймаслик лозим. Косадан овқат ичаётганда овозини чиқармаслик, лаган остига нон қўймаслик керак.

Маҳмуд ибн Муҳаммад

Меваларни сийишдан аввал ювиш керак. Чунки кўп жоноворлар меваларнинг устига ўтирган булади. Айниқса узумни шундай қилиш кўпроқ таъкидланади. Ювиб емаслик баъзида ўлимгача олиб келади. Овқатдан кейин қўл ва панжаларни ювиб тозаламоқ зарурдир. Оғизни ва қўлни ашнон билан ювилса, уни хушбўй ва мулојим қиласи ва панжаларда кувват пайдо қиласи. Ўй эгасининг қоидаси шундайки, у овқатдан аввал қулини ювиб, овқатдан сунг энг охирда ювади. Ўтиришларда қўл ювишни чўзмаслик ва бошқаларни мунтазир қилиб қўймаслик зарур. Сувдан тезда қўл

тортмоқлик керак, токи бошқаларга навбат тезроқ етади. Құлни лиbosға артмаслик керак. Бу тамизсизлик аломатидир. Агар дастрұмол бұлмаса, құлни юзға ёки сокөлға суртмоқлик керак.

Бархурдor ибн Maҳмуд

Овқат сийиш учун үтиришда аввало доно ва олим кишилар әңг юқорига үтқазилади. Сұнг эса ёши, илми жиҳатидан юқорига үтказилған кишиларға яқинроқ кишилар таклиф этилади. Бордию, урта ва охирги даражада бұлған кишилар юқорига үтиб қолған бұлса, уларни турғизиш ва ёши ҳамда илми жиҳатдан устун бұлған кишиларни тепага үтқазиш мүмкін.

Maҳmud ибн Muҳammad

Дастурхонда тансиқ таом бұлса-ю, оз бұлса, унға ҳырс билан ташланмаслик керак. Аксинча, уни илтифот юзасидан бошқаларға ҳавола құлмоқ лозим. Овқат сийлағтран пайтда ҳар ким үз шеригининг еяғтран луқмасыға қарамаслығи, үз олдидан олмоги, бироқ месва-чева бұлса, бошқа жойдан ҳам танлаб олмоги мүмкін.

Оғзига солинган овқатдан сүяқ ёки бошқа бирор номуносиб нарса чиқса, оғзидан олиб дастурхонга құймасин. Масалан, оғзида сүяқ бұлса, уни үзгаларнинг диққатини жалб құлмасдан, бекитиб олсин. Үзгалар иштағасини бузадиган ва иффатини кетказадиган ҳаракатдан ниҳоятда әхтиёт бұлсан. Оғзидан қайтариб олинган нарсаны қайтариб идишга солмасин. Шундай йүл тутсынки, ундан қолған овқатдан табаррук сифатида ичувчи үзға кишиларнинг нафратини құзғотмасин.

Киши мәҳмона бұлса құлини мезбондан олдин артишга ҳаракат қылсан. Құпчилик құл тортса, у ҳам құпчиликка әргашсан. Оч бұлса ҳам бунинг аҳамияти йүқ. Борди-ю, мезбон бұлса үзгалар құл тортганда ҳам у құл тортишдан тиийилиб турсин. Чунки мәҳмонарнинг бирорғасида ейишни давом эттириш хохиши бұлса уялиб қолмасин.

Овқат орасида сув ичиш истаги пайдо бұлса, сувни охисталик билан ичсан. Токи ичағтанды кишилар унинг оғзи ва халқумининг овозини әшитмасин. Одамлар овқат еяғтанды тишини ковламасин. Тищдан чиққан нарсаны шундай жойға ташласинки, токи одамларнинг нафратини құзғотмасин. Құл ювағттанда құлни ва тиши остини тозалашта алоҳида диққат қылсан.

«Хулосат ал-хукамо»

«Хулоса» китобидан маълум булишича, овқатни асло ҳидламаслик, овқат орасида сув ичмаслик, борди-ю ичиш лозим булиб қолса, пиёла ёки идишни ёғли қули билан булгамасликка ҳаракат қилмоги лозим.

Маҳмуд ибн Мұхаммад

Ахлоқ неъматининг лаззатидан баҳрадор бўлган кишилар айтадиларки, чақирмаган жойга қорин туйдириш мақсадида бормоқ, шундай қудратли селдирки, бу сел обру ва иззат асосини ва томирини бутунлай қупориб ташлайди. Ёки у шундай бир шуъладирки, унинг завол қилувчи яшини иззат ва ҳурмат хирмонини ёндириб юборади.

Бархурдор ибн Маҳмуд

Овқатдан кўл тортгач, овқат сўнгидан шириналлик емоқ, масалан, қанд ёки асал ейиш фойдалидир.

Маҳмуд ибн Мұхаммад

Бугун ейишга нарсаси булмаган одам сендан нон нася олса, унга раҳм қил, аммо гўшт нася олган одамга шафқат қилма. Биринчиси ҳақиқий начор, иккинчиси эса нафс бандасидир.

Ўз дарлени табибдан яширган одам ўз-ўзига ҳиёнат килган бўлади.

«Оталар сўзи»

ҲИКОЯТ. Бир табиб бир кишининг олдига борган эди. Унинг икки хил овқат еб утирганини кўрди. Унга: «Икки овқатни аралаштириб ема, улар қорнингда келишолмай жанг пайдо қилишади!» деди. У киши қулоқ солмай еяберди. Аммо эртасига касал булиб қолди. Сунг уша табибга одам юборди. Табиб келиб унга «Айтмаганмидим, бу икки овқатни ема, улар келишолмайди, деб», дея таъна қилди. У деди: «Иўқ, гапинг ногутри, улар келишиб олишида, мени оёқдан қулатиш ҳақида иш олиб боришишмоқда!»

Абулбаракот Қодирий

Киши олдидаги овқатга кўл чўзма,
Ўз олдингдаги овқатни егин, эй зариф.

Ғозий

Бўлма коми нафс учун ҳар сифланинг олдида паст,
Обрусилик юкин чекмакка маздур ўлмагил.

Ғозий

Ҳайф, юз минг ҳайф үзингни айладинг расвои халқ,
Тутмайин нафсингни ҳирсу оздин оғоқ аро.

Роқим

Беморнинг дарди кечаси зўраяди:
Кеча узун, ой ботмас,
Дардлиниң тонги отмас!
Танбалдан сув сўрасанг, табиблик қиласди.

«Оталар сўзи»

ҲИКОЯТ. Бир табиб бир одамнинг олдига келиб: «Мен сенга учта нарса олиб келдимки, улар сендан узга кишига арзимайди!» деди. «Улар нималар экан?»— суради улуг киши. Табиб баён қилиб деди: «Сочни бўйидиган рангни, у билан сочингни бир бор буясанг, умринг охиригача бошқа оқармайди. Иккинчиси, ҳазм дорисини, ундан истеъмол қилсанг, ҳар қандай қўпол ва қаттиқ овқатни ҳам бир онда тилкалаб ташлайди. Учинчиси, шундай бир дорики, ундан истеъмол қилсанг йигитлик айёминг қайтиб келади ва гўзаллар билан истаганингча айшу ишратда бўлишинг мумкин!» Табиб сўзини тутатгач, улуғ киши унга қараб деди: «Сени олиб келган соч бўеги алдов мояси, маррурлик нишонаси, қариганда ёшларни қилигини қилиш одамга ярашмайди. Қари кишига оқарган соч ҳам зийнатдир. Мен ок соchlаримни қора зулматга алмашмайман. Айтган ҳазм дорингга келсак, мен кўринган овқатни бўктириб, уравермайман, унақа одамлардан эмасман. Менинг шиорим, кам емоқдир. Еганда ҳам сен айтгандек кур-курона қуинган овқатни эмас, ошқозоним ҳазмига ожиз бўлмаганларини ейман, учинчи дорингта келсак, бундай дори ҳою-ҳавасга берилган аҳмоқ одамларга керак. Үзининг савобли ишларини ташлаб қўйиб кун буйи хотинларга хушомад қилиб, утирадиган киши баҳтсиз кишидир.

Абулбаракот Кодирий

Гарчи зоҳирин тўғридиндур нафс,
Жаълинг уйида ўғридиндур нафс.
Нафс тавсанини ром қил үзинга,
Кодир ул ҳар ва сўз десанг сўзингта.

Бобур

Кимки ориф эрса уз нафсига,
Даҳрни бир зарра кўзга илмагай.

Толибий

Тозалиқдан қочтган киши хасталик домига илинади.
Оғриган күз күр булиб қолган күздан яхши.
Дорингга қувониб заҳар ичма.

«*Оталар сўзи*»

Нафс ёғисин мағлуб этгил.
Ишларингни борини хуб этгил.

Бобур

Аждаҳо билан уруш қилган киши полвон эмас,
Паҳлавон улдурки, голиб бўлса, ким ўз нафсига.

Пашшохужа

Олимлардан бири Низомиддин дейди: «Куйидаги нарсалар ёқимсиз, хунук ва нораводир: ўзгаларни масҳаралаш, кўп кулиц, аччиқ нарсаларни кўп ейиш, мевалари пишиб турган дараҳт тагига ётиш, ёки унинг остига ҳожат ушатиш, соч ёки соқолни бошиқа кишилар тароги билан тараш, қозондан қўл билан овқат ейиш, жамоат олдидга тупуриш, сичқон еган нарсани ейиш, бозорда кўпчиликнинг назари тушиб турган ерда овқат ейиш, гўристонда утириб овқатланиш, у ерда қаҳ-қаҳ уриб кулиш!»

Абулбаракот Қодирий

Ема зарра ҳаром оғушта нондин,
Бўлур гоҳи нажас бир қатра қондин.

Суфи Оллоер

Дустим эрталикнинг гамини ема,
Бу бир накд нафсни ганимат билгил.

Паҳлавон Маҳмуд

Тамоққа эҳтиёт бўлинса, умрга фойдалидир,
Овқатни оз ейилса, бу оғизга лаззатлидур.

Юсуф Ҳос Ҳожиб

Ичимлик ичма, тубанларга аралашмай юр,
Эмин юр, доим эзгу буласан.

Синалган, танилган кишини маҳкам тут.

Ундан сенга туман минг манфаат тегади.

Ҳар қанақа сўзни ҳам тингла, лекин ишонма.

Кўнглингдагини очма, қаттиқ ва маҳкам тут.

Юсуф Ҳос Ҳожиб

Масти иқбол үлма, идбори била огритма бош,
Тотмагил бу бодани, зинҳор махмур үлмагил.

Ғозий

Ичимлик ичма, зинҳор зинога яқинлашма, хазар
қил.

Бу икки нарса гадолик тўнини кийдиради.

Юсуф Ҳос Ҳожиб

Хамрдин яхши йўқ жаҳонда неъмат,
Булмаса гар хумору дардисари.

Гадой

Билимли ичимлик ичса, билимсиз бўлади,
Билимсиз маст бўлса, ножуя ишлар қиласди.

Ичимлик ичма, ичимлик ичса, кишининг баҳти
кетади,

Ичимлик ичса, киши телба, тентак бўлади.

Қайси нарсага меҳнат кўп сарфланса,

Уша нарса севимли, азиз бўлади.

Юсуф Ҳос Ҳожиб

Тұграб еган гўшт яхши,
Чанқаб ичган сув яхши.

«Құрқит Ота китоби»

Еш ийгитлар кезибон лафкау ҳар растааро,
Құлида шишаи май, оғзида куфр ила наво.

Ҳар каби ҳанграшибон шаҳрни айлаб гавғо,

Йўқ алар юзларидан ҳеч дами шарму ҳаё.

Бўлубон ҳар каби ўтгай ҳамма хандон халойик.

Нодим

Ичимлик ичма, эй майпараст, бугзининг қули,
Май иссанг, сенга гадолик йўли очилади.

Маст бўлгач, киши телба, тентак бўлади.

Кимнинг ҳиммати булмаса, у улиқдир,

Иккала дунёда ҳам у бебаҳра бўлади.

Барча ҳалққа кунгилдан меҳрибон бўл,

Доим ҳайрли иш қил, ўзинг эзгулик топ.

Ҳалққа манфаат келтир, зарарли булма,

Феълингни яхши тут, ёмонларнинг касофатини

бос.

Юсуф Ҳос Ҳожиб

Бадмастқа дамодам ичмогидан не баҳр,
Ки одамийлик қатлиға ичар қадаҳ-қадаҳ заҳр.

Навоий

Улим касалликнинг натижасидир, касаллик қоннинг бузилиши, сафро, қора сафро ва шиллиқ купайиши натижасида пайдо бўлади. Бу тўрт элементнинг ҳолати эса овқатланишга боғлиқдир, овқатланиш ўсимликка боғлиқ. Ўсимлик ердан чиқади, чунки ҳар қандай куқат ердан ўсиб чиқади.

Абу Наср Фаробий

Хуш ўткар умри азизинг, жаҳон ғамини ема,
Май ич тириклик аро сиҳати бадан яхши.

Хувайдо

Ичиб заҳри қаҳрингни хушнудмен,
Керакмастурур шаҳду-шарбат манго.

Комил Хоразмий

Сиҳат тиласанг кўп ема,
Иzzат тиласанг кўп дема.

Навоий

Соглом булмаган киши шеър ёзолмайди.

Мискин

Ким бўлса табиати муолиж,
Жисмидин этар маразни хориж.

Навоий

Ҳакими ҳозиқу бодиенат,
Жами аҳли беморона яхши.

Камий

Огримай жони ва билсун ул киши жон қадрини,
Дарди йўқ бедард на билсун дори-дармон қадрини.

Хувайдо

Физо смак уч турлик бўлур:
Орифлар гизоси — кунда бир маҳал.
Муминлар гизоси — кунда икки маҳал.
Ҳайвоnlар гизоси — кунда уч дафъя ва ундан ортуқ.

Мұҳаммад Сиддик Рушдий

УЙЛАНИШ,
ЭР-ХОТИН,
ЯХШИ АЁЛЛАР
ХУСУСИДА





Айлар ишингта чу бўлур дастрас,
Вақтидин ўткарма ани бир нафас.

Навоий

Йигитни балогат ёшига стиши билан уйлантириб
қўймоқ зарур. Шунда у зино қилиш пайига тушмайди,
одамларнинг номусли қиз-жувонларига ёмон назар билан қарамайди.

Бархурдор ибн Маҳмуд

ҲИКМАТ. Хотинсиз уй — жонсиз жасад. Қайси уйда хотин бўлмаса, чироги йўқ базмга ухшайди. Ҳакимларнинг айтишича, хотини йўқ эркак қарори йўқ снгил нарсага ухшайди, бундай эрнинг ҳеч ерда кўними бўлмайди. Ҳаёт гулдастасини боғлаб турувчи шероза ва ҳаёч чаманини яшнатиб турувчи гул аёллардир. Маснавий:

Ўйланса-ю бўлса бола-чақаси,
Манманлиту кибр кетар барчаси.
Жаннатмисол обод бўлади хона,
Хотин одам учун бўлса ҳамхона.
Яккалик шарафмас, балки абллаҳлик,
Якканинг ҳаёти берар гувоҳлик.

Муҳаммад Жавҳар Заминдор

Ҳикматдур манга маҳбубу маргуб,
Киши маҳбубини маҳфий этмоғи хуб.

Хиромий

Тириклик ёру дилдор ила хуштур,
Тириклики нетарсан, бұлмаса ёр...
Киши елтіз жағонда булмади шод,
Нечаким оламда бұлса шахриәр.

Пошшохужа

Шундай одамлар борки, мұхаббат бүстөнини оралаб, үйланишқа қадам құймайдылар ва бу файз боғи-нинг гулзоридан гуллар термайдылар, доимо ғам уйида үzlари якка-ю танқо утирадылар. Баъзи бир калтабин ва ақлсиз кишилар эса пул кам, деб ёки аёлни әплаб бокищ ғамидан күркіб зебо ва баҳтиәр аәллар висолидан юз утирадылар. Аммо маълумки, үйланиш йүлида ва унинг сарғу харжи йүлида, қанча нарса ишлатма-синлар, буларнинг бары кейинчалик уз ўрнига тушиб кетади. Аммо бу йүлни босиб утишда қуйидагиларға амал қылмок қерак: шундай қызға совчи қўймоқ қерак-ки, бу қизнинг чөхраси очик, юзидан олижаноблик ва иффат намоён бўлсин, поклик ва покизалик пардаси орқасида тарбияланган ва чиройли иш ва одатларга урганган бўлсин! Бундай қиз энг яхши ҳадя бўлиб, ёшлиқ ва ҳаёт дастурхонининг лаззатини зиёда булишига олиб келади.

Барҳурдор ибн Маҳмуд

Хотин содиқ ани севгил азиз эр,
Ҳар оғир ишда ҳам доим сени дер.
Унга дуст бўлгил, уни севгил, кўнгул бер.
Унинг сўз баҳридан гавҳарларин тер.

Сайфи Саройи

ҲИКМАТ. Дили бузук, узгаларнинг покдомон ва иффатли қиз ва жувонларига кўз олайтирувчи нопок кишилар ҳақиқий разил ва ифлос кишилардир. Улар уз қўймишлари билан гуноҳ ботқогига ботадилар.

Муҳаммад Жавҳар Заминдор

Парвариш қилдим кўнгулни бир узимга ёр деб,
Бевафо хўбларни севди, бўлди хасми жон манго.

Отоий

Құлдошингни хурмат қил,
Үзгаларга юзланма.
Боқолмасант товугинг,
Күш боқай, деб сұзланма.

Маҳмуд Кошгарий

Махфий қолмасинким, пархезгарлик варақаларини ушлаб турувчи шерозанинг таянчи бу үйланиш ва покиза аелларга совчи қүйишдир. Үйланиш ва покиза аелларга мұхаббат қўйиш одамнинг кўнгил чирогини равшан булишига ва кишиларнинг ҳаётдан баҳра топишига, таносил аъзоларининг саломатлигига сабаб бўлади!

Бархурдор ибн Маҳмуд

ХИКОЯТ

Бор эди ҳарис мулла нобакор,
Шахват тўфонидан дили доим зор,
Қулида ўқирди бир шогирди ёш,
Ҳар кун шогирдидан бу мулла бебош.
Онасига тинмай салом йулларди,
Қани бир келса, деб доим үйларди.
Бир кун дадасига деди онаси:
— Қулоқ солинг, тингланг дадаси,
Мулланинг кўнглида шум нияти бор.
Боллаб таъзирини бермоқлик даркор.
Маълумингиз уйда бордир тегирмон,
Тегирмонга солинг неча қопда дон,
Таклиф қилиб келай бунда муллани,
Тасодифан келиб қолинг-да сиз шунда.
Тегирмонга олиб кирай муллани,
Янчитиб олайлик барча галлани.
Эри рози булди келди мулла ҳам,
— Хуш келдингиз! — деди хотин уша дам.
Бир дамгина улар булғанда хушхол.
Эри тақиллатди эшикни дархол.
Хотин тегирмонга бошлади уни,
Мулла донни янчиб чиқарди унни.
Қийналиб ҳориган бечора мулла,
Қайтиб келди уйга тун бўлган палла.
Эру-хотин кулиб булишдилар шод,
Галла ҳам янчилди, хона ҳам обод.
Маслаҳат қилишиб бир кун ногаҳон,
Уғли ўқиши сари булғанда равон,

Деди: «Даданг кетди бутун узоқقا,
Муллага айт келсин тезда бу ёқса!»
Газаби жүш уриб кетди-ю мулла,
Деди: «Яна олиб келдими галла?!
Онанға айткыл мен эшшак әмасман,
На тупрок, на галла ғамин әмасман!»

Мұхаммад Жаңар Заминдор

Тажрибалардан маълум бўлишича, чиройли хулқа эга бўлган аёлларнинг эрлари ҳам шундай хулқа эга булар эканлар. Аксинча ёмон хулқа эга бўлган аёлларнинг эрлари ёмон хулқа эга бўлиб, уларда ёвузлик хислатлари пайдо булиб, бошқалар билан ҳам қупол муомалада булар эканлар.

Оиласиий масалада эр билан хотин уртасида тотувлик ва маслаҳатлашиб иш тутиш булмаса, бундай оила азоб ва машаққат масканига айланади. Бундай оиласиандан лаззат кетади, роҳат йўқолади, болаларнинг тинчлиги бузилади. Оила аъзолари ўргасида уруш ва жанжал чиқмаслигининг олдини олиш аёлларимизнинг вазифалариидир.

Эр билан муроса ва мадорада яшаш учун аёлларимизга қўйидаги икки нарсага амал қилиш зарур. Биринчи, эрнинг табиатини, мижозини ва хулқини билиш, ўнга қараб муомала қилиш, масалан, эр нимадан кўпроқ хурсанд бўлса, ушани қилишга уриниц, қандай нарса гашини келтирса, уни қилмасликка уриниш зарур. Эрнинг ҳаракатларини билиш ва ўшанга асосланиб иш юритишиш тотувликни келтириб чиқарадиган муҳим омиллардан биридир. Иккинчи, вафодор, садоқатли ва ишбйлармон аёллар ҳақидаги ҳикоя, шеър ва достонларни кўп уқиши, ёмон, хулқсиз ва беҳаёс аёлларнинг қилмишлари ва унинг оқибатида турли хил балоларга гирифткор бўлганларни тўғрисидаги воқеалардан ибрат ва керакли хулосалар чиқара олиш керак.

Олиммат ал-Банот

Чунки ҳар ишда эшигтан тент эмас кўрган била,
Бехуда тўю тамошо ичра боргонидин не ҳаз.
Бош оқаргон, тиш тўкулғон бир қари фартуттга,
Суҳбати барно, жувони шух жавлондин не ҳаз.

Увайсий

Энг яхши аёллар шундай аёлларки, улар кўп фарзанд туғиб берадилар, эр билан муроса қилиб яшайди-

лар, эрнинг құдрати етмайдиган нарсаны талаб қилмайдилар, эр нимани совға қылса, шукр өхрасини очиб, хурсанд қыладилар. Улар доимо эрнинг күнглини оладилар, эрнинг мұхаббати қүшини табассум билан сайд қыладилар, одоб ва ҳаёс юзасидан эрнинг хузури гүлзорида беҳуда сайд қылавермайдилар, эрнинг топғанини саклашга ва сирларини очмасликка ҳаракат қыладилар. Агар кишига баҳт мададкор булиб, ҳар тоғонлама камолатта етган бундай хотинни тасаруфига киргиза олса, у одам шундай хотинни үзининг бошидати гавҳар тожи деб ҳисоблаб, унинг олдида үтказилған чаманзор айёмини ғанимат билмоги керак. Чунки ҳеч қандай харидор бундай қимматбаҳо неъматни даврон бозоридан гайрат даллонининг ҳаракати билан ҳеч қа-чон құлға киргиза олмайди.

Бархурдор ибн Маҳмуд

Ерсиз әл оҳи ғамандуд әрүр,
Енса ёғоч ёлғуз иши дуд әрүр.

Навоий

Оқила хотин үз эрининг ҳақиқий күмакдошидир. Бундай хотин үз эрининг сұзларини ҳеч вакт ерда қолдирмайди. Менсимасдан қарамайди. Уни ҳар бир ишда құллаб-куватлайди. Аммо оқила хотин әрга итоат қилиш керак экан деб, эр бошлаган ҳар хил қабих үйларга юравермайди, аксинча үз эрининг ёмон ва жиноятга олиб борадиган үйлардан қайтаради.

Бадхулқ ва беъмани әрга учраган аёлнинг асосий вазифаси шундан иборатки, у бор кучини сарфлаб, эрининг нотугри йүлдан кетаётганини тушунтириши, унга вәззу насиҳат қилиши, барча чора-табиирларни құлланда ҳам эрининг тузалишига ишонғыш үйүк булғач, ундан күнгил узиши, қутулиш йүлини қидириши керак.

Олимат ал-Банот

Чу ҳикмат бирла ёрим ёр булди,
Хаёл этғанларим гулзор булди.

Мажлисий

Билгилки, билимли, ҳаёли ва виждонли оиласы тарбия тоған бокира қызылар ҳаёс ва иффат, меҳр ва мұхаббат әгалари булиб, улар билан қурилған ҳаёт тотли ва тинч булади.

Бархурдор ибн Маҳмуд

Илм үқумоқ ҳар бир эру хотинга фарздур,
Илму дониш яхши зийнатдур хотин-қиз аҳлига.
Қўй қадам илм уйига, тумор, маржонинг унут.

Абдулла Авлоний

Эр билан тинч-тотув яшашнинг яна бир муҳим шартларидан бири қўйидагилардир: эрни ўзига ром қилиш учун ҳамиша ўз баданини озода тутиш, либосларини ҳамиша покиза қилиб юриш, соchlарини тартибга солиб, уларга оро бериб юриши лозим. Шу ўринда бир араб аслнинг ўз қизини күёвга узатаётганида айтган гапларини келтириб ўтиш фойдалидир. У ўз қизига шундай насиҳат қилган экан:

— Эй қизим, сен ўз ўрганган уйингдан кетиб, нотаниш бир хонадонга тушмоқдасан. Сен у билан шундай муомала йўлини тут: сен ер бўл, у эса осмон бўлади. Демак, сен унинг олдида ер каби камтарин бўлсанг, у осмон каби олижаноб бўлади. Осмон шифоли ёмғири билан ерни кўкартиргани каби у ҳам ўз меҳру-шафқати билан сени хушнуд этади. Яна сен унга канизак бўлсанг, у сенга қул бўлади.

Қизим, күёвингдан кучи стмаган ва сотиб олишга курдати стмаган нарсаларни талаб қилма! Агар шундай қилсанг, орадаги тотувлик йўқолади, турли хил жанжаллар юз беради. Ўзингта хушбўй нарсалар билан оро бер, нохуш хидлардан сақлан! Покизалик ҳамиша йўлдошинг бўлсин! Ўзингни аччиқ пиchinг сўзлар айтипдан сақла, тилингни ширин қил, юзингни ҳамиша очиқ тут. Эринг сендан фақат юмишоқ ва ширин сўзларингни эшитсин. Ярашмайдиган, эски либосда ёки юзларингта оро бермаганинг ва соchlаринг тартибга солинмаган ҳолда унинг олдида ўтирма!

Араб асли ушбу сўзлар билан қизини күёвга узатган экан.

Олимат ал-Банот

Кимгаким эрлик асари ёрдир,
Бир демас ар қилгани минг бордир.

Навоий

Мусулмон одамнинг энг яхшиси хушхулқлисикур.
Хадис

ҲИКМАТ: Энг яхши хотин шундай хотинки, у

ҳаёли ва ориятли бўлади. Энг мұхим оиласда түкин-сочинлик ва бараканинг сабабчиси бўлади.

Муиниддин Жувайний

Уқуш хотинким анда эр бўлгай,
Яна эрман теганлар зор бўлгай.

Кутб

Ақдли, эс-хушли аёл ўз эрининг газаб отига минганини кўрса сабр қилади, унинг газабини баттар алангалинишига йўл қўймайди, узини тутиб туради, эр ҳовуридан тушгандан кейин, унинг ноҳақ эканлигини тушунтиради.

Бир араб олими ўз хотинига хитобан қуидагиларни ёзган экан:

Сенга газаб қилиб, қаҳримни сочсам,
Сен мени кечиргин, севаман сени!
Ўзим тутолмайман жаҳл келганда,
Ақдим кетиб ёмон қийнайди мени!

Ақдли аёл эр жаҳдини ўз табассуми ва чиройли муомаласи билан юмшатади. Оиласда бўладиган ҳар хил гапларни турли ерларда гапириб юрмайди. Эри устидан ҳеч кимга, ҳатто, ўз ота-онасига ҳам шикоят қилиб гапирмайди. Мана шундай хислатга эга бўлган аёлга уйланган эркак ҳақиқий баҳтиёр эркак хисобланади. Шунинг учун ҳам бир шоир шундай хислатли аёл ҳақида қуидагиларни ёзган экан:

Кишининг булса гар яхши аёли,
Дема хотин, дегил эрнинг камоли.
Агар ул билмаса бехуда дерни,
Ширин лафзи ила шод этса эрни,
Агар ун йил уйида булмаса ун,
Уни чиқмас ани айтурга бир кун!
Қўлингта тушса бундоқ нозанин гул,
Дегил умрим борича ман бўлай қул!

Ҳар бир ота-она ўз қизларининг келажакда баҳтиёр булишини истасалар уларни ёшлиқдан тарбия қилишлари, қиз юрагини илму-маърифат нур билан ёритишлари зарур!

Олиммат ал-Банот

Эр кишининг сўзи керак булса бир,
Хоҳу гани бўлса, хоҳи фақир.

Дурбек

ҲИКМАТ. Араб қабиласидан бүлган Ҳадя Аддий уз хотинини жонидан севарди. У уз ҳаётини усиз ҳаром деб биларди. У касалликка чалиниб, үзида оғир заифлик юз берганини мушоҳада қилгач, үлим элчиси эса яқинлашиб келаёттанини кургач, хотинига деди: «Мен ҳаётимдан умидимни уздим, ҳаёт офтоби ботиб бормоқда, ҳозир күнглимда бир орзудан бошқа орзу йүк. У ҳам бўлса, мен ўлгандан қейин сен нима қилмоқчисан, шуни билмоқ истайман!» Байт:

Саволим жавобга арзиса агар,
Гапир осонгина чиқсин бу жоним!

Хотин эрининг қандай севишини биларди. У фикр билан эрининг мақсадини англади ва эрга чиқишичиқмаслигини сўраёттанини билди. У уша ондаёқ пиочқни олиб, бурнини кесиб ташлади. Байт:

Севган ёри агар қулоқ солмаса,
Улик ҳисобланур ҳар тирик киши.
Тирик ҳисобланур вафо йулида,
Кимни ҳалок қўйса ўлимнинг ниши!

Муиниддин Жувайнин

Хотинларнинг энг яхшиси шундаки, ҳам бола устидари, ҳам меҳр кўрсатади.

Эрига тик гапирмаган хотин хотинларнинг афзалидир.

Яхши хотин эрни ёшартиради.

«Оталар сузи»

Кошки, кулбам аро якбора ёrim келсалар,
Йулларига жон нисор айлай нигорим келсалар.

Анбар Отин

Хотинларга хос бўлган энг гўзал ва қадрли безак иффатдир. Иффати йўқ аёл нурсиз, ялангоч бир гавдан ўзга нарса эмас. Иффатни сақлашга уринмаган аёллар ҳеч қаҷон муҳаббат ва илтифотга сазовор бўла олмайдилар.

Опа-сингиллар! Сизлар учун энг зур бойлик ва энг улуг мартаба, энг улкан фазилат иффатли бўлишдир. Иффатли аёл гарчи камбагал бўлса-да, бироқ маънавий жиҳатдан бадавлат ҳисобланади. Иффатсиз аёллар қанчалик бадавлат бўлишмасин, эл назарида факир ва бехурмат ҳисобланадилар. Буйнига тақиғлан маржон, бош ва кўк-

ракка тақилган гавҳар, сандиқ тұла пуллар билан ҳам иффатни сотиб бўлмайди. Иффат шундай зур бойлики-дирки, унинг асло баҳоси йўқ.

Иффатни нақадар буюк фазилат эканлигини билиш учун унинг таркибиға кирадиган ва ажралмас қисми бўлган хислатлар билан танишиш лозим. Ҳакимларнинг ёзишларича, поклик, қаноат, шошилмаслик, очиқ юзлилиқ, ихлос, тартиб, саховат.

Олимат ал-Банот

Хотиннинг иффати — эрнинг иззати.

Вафоли хотиннинг баҳоси йўқдир,
Вафосиз бўлса гар кузига ўқдир!

«Оталар сўзи»

Гул гунчалигига хор илантур,
Очилди бир ўзга ёр илантур.

Толибий

Агар ҳар кимса сени севмас, борма аниңг сори.

Аваз Утар

Агар жангчи уй томон келса, у баҳтиер аталади.

«Таъбирнома»

Хотинсиз кишининг уйи тұла ранж,
Хотин бўлса тұлар уйга зару ганж.
Пайванд қиласа ниҳол месва етказар,
Аччиқ бўлса агар уни кеткизар!

Муҳаммад Жавҳар Заминдор

СИР САҚЛАШ
ВА ТИЛНИ ТИЯ
БИЛИШ





Ошкор қилиб бұлмас сирларинг бұлса,
Дилингга жойла-ю, унға мұхр бос.
Эл оғзига түшгач зиёни күпдір,
Икки лаб ичидан сир чиқса бехос!

Мажидиддин Хавофий

Қызыл тил сени қисқа ёшли қилади,
Эсон бұлай дессанг, сен уни маҳкам bogla.

Юсуф Хос Ҳожиб

Афлотун ҳаким айтади:

— Дунёда эңг ожиз ва нотавон одам ўз сирини яшира олмайдыган кишидір. Агар киши ўз сирини асрай олмаса, ҳеч қандай дүст уни асрашға қодир эмас!

Абулбаракот Қодирий

Душман билмасин ва әшитмасин деб, яшириб юрган сиринг бұлса, бу сирни ҳар кимга айтма. Одам ва олам бир хил турмайды, дүст, деб юрганинг бир куни душманга айланыб қолиши мүмкін. Бундан ташқары құлингдан келмаган ишни қиласан, деб бирорвға вайда берма. Хайрли ишни амалға оширишігі шошил!

Мұхаммад Жабалрудий

Агарчи тил сақламоқ күнгүлга оғирдур, аммо
Сузни сочиб юбормоқ бөшгә оғатдур.

Навоий

АЗИЗИМ, ҳар қандай одамга ишониб сириңгни айтма, ҳар қандай душманга эса зулмингни ҳаддан оширма. Душманинг дүст булиб қолиши ва дүстинг эса душманга айланиши мумкин!

Хожа Самандар Термизий

Виждонли одамнинг қалби сирлар хазинасиdir:
Эй мажлисда ўтирган киши,
Бундаги сүз сенга амонат.
Мажлис сирини ифшо айласант,
Амонатта бўлур хиёнат.

«Оталар сўзи»

Сириңгни пинҳон этмоқчи бўлсанг, бирорвга ишониб айтма, чунки сенга узингдан бошқа жонкуяр йўқ.

Кошифий

Киши ўз сирини беш хил кишига айтмаслиги кепрак. Буларнинг биринчиси — макру-хийлали аёл, иккинчиси — балогатга етмаган бола, учинчиси — тентак, тўртинчиси — бирорвга тобеъ киши, бешинчиси — синалмаган дуст.

Енгилтак ва макр соҳибаси бўлмиш аёлга сир айтган кишининг иши гуё оловга пахта ташлаб, унга «кўйма!» деб буорган кишининг ишига ухшайди. Болаларга сир айтган кишининг иши эса сувга кўза ташлаб, унга «хўл бўлма!» деб буорган кишининг ишига ухшайди. Тентакка сир айтган кишининг иши гуё мушукка гушт ташлаб, унга «ема!» деб буорган кишининг ишига ухшайди. Бирор тасодиф туфайли бирорвга қарам ва тобеъ булиб қолган кишига сир айтган кишининг иши гуё ит олдига суюк ташлаб, унга «гажима!» деб буорган кишининг ишига ухшайди. Синалмаган дустга сир айтган кишининг иши гуё узини узи дарёга отиб, дустига хитоб қилган ҳолда, «мени гарқ бўлишдан куткар!» деган кишининг ишига ухшайди.

Абулбаракот Қодирий

Икки ошно бұлмаса иттифоқ,
Хам сирдош әмасдур әрүр үл нифоқ.

Хиromий

Бир подшо рикобдорлик вазифасини бажарувчи му-
лозимга қараб: «Бир сирим бор, аъёнлардан ҳеч кимга
айтишта күнглим бўлмаяпти, уни сенга айтмоқчиман!»
деди. Рикобдор унга:

Жоним таним ичра бор экан пинҳон,

Сириң жоним ичра яширин мудом, — деб жавоб
берди. Подшо унга: «Акамдан хафаман, унинг зарари
менга етмай туриб, вужудининг тиконини мәмлакат
чаманидан юлиб ташламоқчиман!» деди.

Рикобдор аҳвол саҳифасига бевафолик рақамини
чекиб, унинг акаси олдига борди ва бўлган воқеадан
уни огоҳ қилди. Подшонинг вақтида чора-тадбирни
куриб қочиб кутулди.

Орадан бир қанча муддат утгач, подшо ўлди ва
унинг ўрнига акаси таҳтга ўтириди. Унинг биринчи
фармони рикобдорни ўлдириш ҳақида бўлди.

У рикобдорга деди:

Тилинг бўлса эди сир учун йўлдош,
Қиличдан узилмас эди хаста бош!

Шундай қилиб, рикобдор маломат ўқига нишон
булди ва кўрнамаклик куръаси унинг ҳаётига тамға
булиб босилди.

Хожа Самандар Термизий

Дўстим деб ишониб, сир айтма, эҳтиёт бул.

Ахмад Юғнакий

Ўзгалар ҳақида сенга хабар келтирган киши сенинг
ҳақингда ҳам бошқаларга хабар етказади.

Бирорвнинг сирини сенга ошкор қилган киши сенинг
сирининг ҳам бошқаларга ошкор қиласади.

Инсоннинг сир сақлаши бирорвга сир айтиб пу-
шаймон булишидан яхши.

Абдидек Шерозий

Десанг улмасун ёшурун сўзум ушбу олам ичидаги

Фош,

Дема ҳаргиз олдида сирин аҳли башарни маҳрами
роз этиб.

Оғаҳий

АЗИЗИМ, сир сақлашда эҳтиёт чорасини жойига күй! Хусусан ноумид дүстлардан ва сендан құркувда яшайдиган душманлардан сириңгни қаттиқ яшир! Чунончи айтадилар:

Сендан умидини узган дүстларга,
Дилдаги сириңгни айлама изхор,
Сендан құрқиб юрган кимсаларга ҳам,
Сир айтмоқни асло құлма ихтиёр!

Күп кишилар борки, улар үз сирларини сақтай билмасликлари туфайли ҳалокатта дучор буладилар.
Байт:

Сирлар ичкаридан чиқиб ташқари,
Нече ботирларни қиласар сарсари!
Қандай яхши гапни айтмиш бир ҳүшәр,
«Бошинг керак бұлса — сир сақлаш даркор!»
Хожа Самандар Термизий

Сириң ҳамон ичингда экан у сенинг асириңгdir, ташқарига чиқса сен унга асир бұласан.

Үттиз иккى тиіш орасидан чиқишиға муваффақ бүлгән сир — үттиз иккى маҳаллага тарқалади.

«Оталар сузи»

Кимки үз ҳаддини билса, тилини сақласа, беҳуда сұзлардан қочса, дүстларини ҳижолатта солмаса, унинг саломатлиғи доимий ва пушаймонлиғи эса кам бұлади.
Байт:

Соғлиғу ёшлигинг бор экан бардам,
Максудинг мұяссар бұлади ҳар дам.
Шұндай яшагинки, иш қылсанг бирор,
Душман таънасини еб юрма зинхор!
Мұхаммад Зехний

Инсоннинг құли қисқа бұлса, тили узун бұлади. Мұшукни күрмайсанми, итдан ожиз келғанда, унинг юзига чант солади.

«Оталар сузи»

АЗИЗИМ, тинчлик тарафдори бўлган тил бир оғиз сўз билан юзлаб мушкул тугунни еча олади, бемаҳал ёйилган фитна қўзгатувчи сўз эса сўзловчининг бўйни ни сиртмоққа туширади. Чунончи айтадилар:


Ақлинг билан тагига боққин,
Фойда-ю зиёнга тўла бойлик у!

Хожа Самандар Термизий

Икки кишининг бирга ўтириб қилган сухбатидаги гаплари амонатдур. Сухбатдошининг сирини фош қилиш ҳаромдир.

Ҳадис

ГИЙБАТ, ТУХМАТ,
БҮХТОН, ЎФРИЛИК,
ОМОНАТГА ХИЁНАТ
ХУСУСИДА





Бироннинг айбини гапириб киши,
Ўзининг айбини қиласди ошкор.
Бирони ёмонлаб гапирса сенга,
Сени ҳам ёмонлаб гапирмоги бор!

Муиниддин Жувайний

Гийбат — биродаринг ёқтирмайдиган сўзлар билан
у тўғрида гапиришдир.

Ҳадис

Одат бўлса ҳар кимга гийбат,
Ишонмагин унга ҳеч қачон.
Ёмонласа биронни сенга,
Ёмонлайди сени ҳам пинҳон.
Қора кўнгил бўлган-чун давот,
Икки тили бордир бегумон.
Бири — унинг қалами бўлса,
Ёзган хати — иккинчи забон!

Муиниддин Жувайний

Гийбат қабиҳ феъулардан биридир. Гийбат оз бўлса-
да, келтирадиган зарари денгиз каби бепоён! Бирор ки-
шининг орқасидан гапириш, айбини топиш, ёмонлаш,
бала-чақаси, хотини, ҳулқи, бойлиги ҳақида бемаза гап-
ларни гапирищнинг барчаси гийбат ҳисобланади.

Ҳаслиддин ал-Ҳасаний

Гийбат, бадгүйга солма қулоқ,
Доим ушал тоифадан бул йирок.

Пошибохужа

Яхши одамнинг гийбатчилари куп булади:
Жаҳонда бир қизиқ қоида юрар,
Бол тутган ҳар қулга ари ниш урар...
Яна хазиналар бўлмас илонсиз,
Гуллар эса бўлмас тиконсиз.

«Оталар сўзи»

Аралашдингми, фитна кўтаради, кур,
Бири — гийбатчи, чақимчилик қилувчи.
Бири — иккюзлама киши, тамагир.

Юсуф Ҳос Ҳожиб

ҲИКМАТ. Бир киши олдингта келиб, бирорни гийбат қилса, уни рост айтаяпти деб уйлама. Балки уни бу феълдан қайтар. Ўзинг ҳам бундай суз ва феълдан ҳазар қил!

Муиниддин Жувайний

Донолар айтадилар:

— Бирор киши олдингта келиб, бирор ҳақида гийбат гапларни гапирса, ундаи одамнинг гапларига ишонма, чунки у сени ҳам бирорга ёмонлаб, устингдан гийбат қилиши мумкин!

«Фавоқиҳ ал-жуласо»

Фаразгўй ағёрлар сузига бовар қилмаким,
Дилсиёхлик келтирур уртада ғаммоз озгина.

Анбар Отин

Бир киши Мусъаб ибн Забир олдига келиб, Аҳнаф ҳақида қўрқинчли, уйдирма гийбат гапларни гапирди. Мусъаб Аҳнафни чақиртириб келди. Унга хитобан воқеани баен қилди. Аҳнаф уйдирмачи кишининг ёлгончи ва гийбатчилигини айтиб, узини оқлашга киришди. Мусъаб деди: «Унинг айтган гапларига адолат юзасидан қараганди ишончга лойикдир!» Аҳнаф унга деди: «Агар сенда ишонч ва адолат бўлганда эди, гийбатчининг сузига қулоқ солмаган ва уни уйингдан ҳайдаб чиқарган булардинг!»

Муиниддин Жувайний

ҲИКОЯТ. Абу Тайиб ат-Тоҳирий дүстү Бани Са-
мона тинимсиз гийбат қылар эди. Бир куни ибн Аҳмад
деган киши унга: «Қачонгача одам гүшти билан нон
күциб ейсан?» деди. Абу Тайиб шу кундан боштаб
гийбатни ташлади.

«Фавоқиҳ ал-жуласо»

Хар кишинингки сүзи ёлғон,
Айлама бовар неча ким чин деса.

Навоий

ҲИКОЯТ. Ҳасан Басрийга: «Бир киши сени гийбат
қилди!» деб айтадилар. Ҳасан дархол гийбат қилган
кишига бир товоқ хурмо юборади. У киши хурмони
олтач, уша онда Ҳасаннинг олдига келди ва: «Мен
сизни гийбат қилган эдим, сиз менга хурмо юбориб-
сиз, сабаби нима?» деб сүради. Ҳасан унга: «Сен менга
яхшилик юборган экансан, мен эвазига хурмо юбор-
дим!» деб жавоб берди. Бундан маълум буладики, гий-
бат гийбат қилинувчи учун туғри йўл курсатиши мум-
кин, аммо гийбат қилувчига зарар келтиради.

«Фавоқиҳ ал-жуласо»

Тузлик эрмас шифосиу мояси ҳам,
Ким этри кишининг эгридуру сояси ҳам.

Навоий

ҲИКМАТ. Ҳар ким тұхматчилар қаторида утиrsa,
унинг тұхматчиликда айбласалар, үзидан ҳафа бұлсиян.
Ҳар ким үзи сирини яширмаса, надомат ва пушаймон-
лик тортади.

Мүнинндин Жувайній

Эңг зур тұхматта лойиқ одам шундай одамки, у
үзининг танийдиган одамлар орасида үзини таъриф
этади.

«Оталар сүзи»

Чақимчи шундай кишики, бирор ерда әшиттан га-
пини дархол бошқа одамга бориб айтади, натижада
икки одам орасида фитна туғдиради. Покдил киши
бировдан әшиттан гапни бировга айтмайди. Жимлик
ва сукунат йулини ихтиёр этади. Агар унга биров гап
ташиб келса, бундай иш қилмасликка даъват этади.

«Фавоқиҳ ал-жуласо»

Неча заруратаро қолгон чоғи,
Чин демас эрсанг, дема ӘЛГОН ДОГИ.

Навоий

ҲАҚИМЛАР айтади:

— Эй одамлар, дүстлик ва меҳрибонлик ўгрилари-дан сақланинг, бундай ўгриларга чақимчи ва иғвогар-лар киради. Ўгрилар мол ўгриласа, бундай кишилар одамлар орасидаги дүстликни, тинчликни, меҳру-му-ҳаббатни ўгирлаб, фитна-фасод қўзғотадилар.

«Фавоқиҳ ал-жуласо»

ҲИКМАТ. Айбингдан хабар топиб, уни бировларга ошкор қилмайдиган, сенга яхшилик қилса, уни тъяна қилмайдиган, унга яхшилик қилсанг, асло унутмайдиган одам билан дүстлик ишини боғламоқ керак.

Байт:

Кўп ҳолатнинг бўлдим шоҳиди,
Айб қидирган бўлди айброр.
Кимнинг бўлса юраги тоза,
Ўзга айбин қидирмас зинҳор.
Дуст айбини беркитар доим,
Фазилатин мақтайди такрор.
Яхшилигин улуг деб билмас,
Ўзингни ҳам асло тутмас хор.
Шундай дўстга дуі келсанг агар,
Қўлларингдан чиқарма зинҳор!

Мажидиддин Ҳавофиӣ

Ардашер ҳавасни келтирадиган улуг бино курдирди ва ҳакимлардан бирига қараб: «Бу бинода бирор камчилик борми?» деб сўради. Ҳаким унга «Мен бундай улуг ва чиройли бинони кўрмаганман, бироқ шундай бўлса ҳам унда ягона бир камчилик бор!» деди. Ардашер: «У қандай камчилик экан?» деб сўради. Ҳаким деди: «Афсуски, сен учун бир чиқиш бор, бу чиқишдан сўнг сен унга абадий қайтиб кирмайсан. Ёки сен учун унга бир кириш бор, бу киришдан сўнг, ундан абадий қайтиб чиқмайсан!»

Муҳаммад Зеҳний

Агар кишининг кўзи камолот нури билан мунааввар бўлса, унинг кўзи кишилар нуқсонини қуришдан узоқ булади. Байт:

Яхшиларнинг кўзига ёмон тўгри қўринур,
Емонларнинг кўзига эгри қўрингай тўгри!

Ибн Камолпоштио

Ануширвоннинг ўғли Ҳурмуз Ахвоз вилоятига борган пайтда уша ернинг ҳокими билан мулоқотда бўлди ва бир куни унга деди: «Сенда ягона бир айбдан бошқа ҳеч қандай айб курмадим. Аммо уша курган айбим, билгилки, унта айни уз орқасидан эргаштириб юради». Ҳоким: «У қандай айб экан? Орқасидан эргаштириб келадиганлари эса қайслар, айтиб бер!» деди. Ҳурмуз деди: «Уша айб керилиш ва узни катта тутишдир. Билгилки, унга эргашадиган айбларнинг биринчиси, менсимаслик бўлиб, унинг оқибати халқ нафратига йўлиқишидир. Иккинчиси, одамларни тафтиш ва тадқиқ қилиб, уларга дашном берган ҳолда узи эса касб-хунарнинг бирортасига ҳам эга булмаслик. Учинчиси, ўқишдан ор қилиш, бунинг натижасида илму адабдан бебахра қолиш. Тўртингчиси, утиришда барчадан узини устун ва доно деб билиш, бунинг натижасида узига душман ортириш ва обруйини тўкиш. Бешинчиси, манманлиқ туфайли чегарадан чиқиш, баландроқ амални хоҳлаб қолиш, натижада хору-зор бўлиб, уз мартабасидан ҳам ажраш. Олтингчиси, одамларнинг ҳак-хуқуқини ҳурмат қилмаслик, беморлардан хол сўрамаслик ва шунга ухшаш нарсалардан кўз юмиш. Еттинчиси, одамларга хавф солиш, уларни масхара қилиш, натижада бекадр булиш. Саккизинчиси, маслаҳатсиз иш тутиш, натижада хижолат чекиб, надомат тортиш. Тўққизинчиси, одамлар мени улуг фахмлайди, деб уйлаш ва гумонда юриш. Фозил ва комил кишиларга қулоқ солмай, ҳақорат кузи билан қараш, натижада уларнинг назаридан қолиш!

«Жовидони хирад»

Сукрот ҳакимдан: «Айбсиз одам борми?» деб сўрадилар. У: «Одам айбсиз бўлса ўлмас эди!» деб жавоб берди.

«Фавоқиҳ ал-жуласо»

Луқмони Ҳакимдан: «Сен узинг кўрган иллатлар ва айблардан қайси бирига даво топа олмадинг?» деб сўрадилар. Луқмон: «Мен барча иллатларга ҳикмат

юзасидан даво топдим, аммо даволай олмаганим, бу
бадфөйлик иллати бўлди!» деб жавоб берди.

«Фавоқиҳ ал-жуласо»

Бир олим айтади: «Энг ёвуз ва ярамас одам шундай
одамки, ўзгаларнинг айбини топишга интилади, гап
ташиб, дўстларни бир-биридан жудо қиласди».

«Фавоқиҳ ал-жуласо»

Айбсиз қиз қидирган ёрсиз қолади. Гўзал ҳисоблан-
ган ойда ҳам дод бор.

Айбсиз дўст қидирган дўстсиз қолади.

Билмаган айб эмас, сўрамаган айб.

«Оталар сўзи»

Одамларнинг ёмони узрни қабул қилмайди, камчи-
ликларингни доимо қидиради, қоқилсанг суюмайди.

Муҳаммад Зеконий

Ҳар кишига учта иш одат эрур,
Анга ҳамдам хуш саодат эрур.
Аввало, эл айбини кўрган замон,
Очмагай оғзин маломатга шу он.
Ким агар кетса нотўгри йўл билан,
Тўгри йўлга бошли дарҳол қўл билан.
Солма асло ранж элнинг дастига,
Ўз юкинг қўйма бироннинг устига.

Фарииддин Аттор

Сўнгти давр олимларидан бўлган бир ҳаким шун-
дай деган эди: «Инсон учун энг қабиҳ ҳисобланган
туртта айб бор. Улардан биринчиси мансабдорнинг
сергазаблиги, иккинчиси — олимнинг ёлғончилиги,
учинчиси — давлатманднинг хасислиги, тўртинчиси
— хотиннинг фоҳималиги!»

Абулбаракот Қодирий

Луқмони Ҳаким: «Инсон учун энг ёмон айб киши-
нинг ўз айбини кўриб билмаслигидир!» деган эди.

Абулбаракот Қодирий

Уз айбини күрмаган үзга айбни қидирар,
Дүстинг оч бўлса, сен эса тўқ бўлсанг, бу айбdir!
«Оталар сўзи»

Ҳар ким ҳиёнат ва эгрилик уругини ҳаё даласига
эksa, ундан омонлик ҳосили чиқмаслиги муқаррардир.
Бархурдор ибн Маҳмуд

Аҳмоқ үзиникини омонатга қўйиб, бирордан омо-
натга нарса сўрайди.
Иғвогарга яқин юрма, унинг таъсирига тушиб қол-
ганлигингни үзинг ҳам билмай қоласан!
«Оталар сўзи»

Ошкора айтилган таъна, кўнгилда яширилган гина-
дан яхши.
Муҳаммад Зеҳний

Каерда хиёнат оёққа турса,
Уша ердан диенат йироқлашади.
Хиёнаткор қаерга қўл урса,
Денгизни шимиради, ерни қуригади.
Юсуф Ҳос Ҳожиб

Кетар бирордин инсофи диенат,
Кеча-кундуз бўлур фикри хиёнат.
Хувайдо

Адаб кичик ёшдагиларни улуглар дуосига сазовор
этади ва бу баракотдан умрбод баҳраманд бўлади.
Навоий

Одоб шундай узукки, агар у ҳар кимсанинг тасар-
руф бармогига мувофиқ келса, унинг улуглик оти ҳам-
ма маръакаларда жавлон уради.
Одоб дебочадур инсон учун иззат китобига,
Булар ҳар ким одобсиздур нишон тири маломатга.
Бархурдор ибн Маҳмуд

Айтдилар:

— Фазилат наслу насаб билан эмас, балки одоб билан топилади.

Мұхаммад Зекний

Бұлмас адабсиз кишилар аржуманд,
Паст этар у хайлни чархи баланд.

Навоий

Одоб аҳли билан ҳамсұхбат бўлиш — гуллар ҳидини
уфураётган тонг насмидаң ҳам ширин.

«Оталар сүзи»

Кишида одоб бўлса, илм ҳам бўлиши лозим. Одоб ақлга боғлиқ нарса. Ақл устига одоб ҳам қушилса, нур устига аъло нур бўлади. Улуглик ақлу одоб билан вуждуга келади. Ақлнинг қадри одоб билан, бойлик қадри саховат билан, қувват қадри баҳодирлик билан ошади.

«Фавоқиҳ ал-жуласо»

Адаб ирфон илми ичрадур шамъ.

Анбар Отин

Одамлар одоб тутиёсини ташқи ва ички дунё ахлоқ күзининг равшанлигини оширувчи сабаб деб билганлар ва бу қимматли оқ йўлнинг отлиги бўлмай туриб иззат ва ҳурмат мартабасининг идроқ қаъбасига етмаганлар.

Саодат мулкининг йулида доим бехатар юргай,

Одобринг ҳассаси бўлса кишининг қулида ҳар дам!

Бархурдор ибн Маҳмуд

Хулқ гузал бўлса, барча ҳалқ севади,
Хулқи тўтри бўлган киши тўрга чиқади.

Юсуф Ҳос Ҳожиб

Бир куни Букротдан:

— Одобли билан одобсизнинг ўргасидаги фарқ қандай? — деб сўрадилар.

— Гапирадиган ҳайвон билан гапирмайдиган ҳайвон орасидаги фарқ каби, — деб жавоб берди Буқрот.
«Фавоқиҳ ал-жуласо»

Агар одам эсанг, сайр эт бу гулшанда адаб бирла,
Қадам ҳар сори қўй мулсифатким.govу хар густох.
Отаҳий

Ота-онаси ўлган одамни эмас, одоб-ахлоқи бўлмаган одамни етим де.

«Оталар сўзи»

Омонатга хиёнат қилувчида иймон йўқ, аҳдида турмайдиганларда диёнат йўқ.

Хадис

АДОЛАТ,
ХАҚИҚАТ, ИНСОФ,
ХАТО, ГУМОН,
ШОЩОЛОҚЛИК,
ҮЙЛАБ ИШ ҚИЛИШ
ХАҚИДА





Ақл ила олам юзин обод қил,
Хулқ ила олам элини шод қил.

Навоий

ҲИКМАТ. Сүкрот ҳаким деди:

— Олам адолат билан пойдор, зулм билан эса хоруззор! Байт:

Зулм асосига қурилган бино,
Ғазаб оташидан вайрон бұлажак!

Мунисиддин Жувайний

Адолатдин ўлди әл осойиши,
Әл осойиши — мулк оройиши.

Мунис

Айтишларича, үтмишда бир одам бир донога:
«Одамларнинг келди-кетдиси жонимга тегди, адолат
талағ қилиб келувчилардан безор бўлдим!» деди. Доно
эса унга шундай деб жавоб берди: «Иzzат тўшагини
тарқ этиб, мансаб курсисини бўшат! Сенга сўз бериб
айтаманки, шундан сўнг сенга ҳеч ким озор бермайди,
адолат талағ қилувчиларнинг оғи тийилади!» Байт:

Ихтиёри бўлган киши олдига,
Беихтиёр оқиб келади одам.

Ихтиёри кеттагач унинг қўлидан,
Келмас ҳеч ким унинг олдига бир дам!
Хожа Самандар Термизий

Шоҳ ўз адли ила турдиса дойим,
Жигой бой бирла нард уйнади дойим.

Кутб

Агар ҳақ оёққа турса ноҳақни йиқади.
Ҳақиқат нури сунмайди.
Ҳақиқат отига мингандарчани йиқади.
Зиён берадиган ҳақ суюнтирадиган ноҳақликдан
афзал.

«Оталар сўзи»

Шоҳ улдурки, раиятга тараҳҳум қилса,
Йўқ эса қоидай амну амон барча абас.

Нодира

Қарам айла етгач, қаю мустаманд,
Йиқилғанлар аҳволига лутф қил,
Сени буйла ҳақ айламиш аржманд,
Яна хайли мазлум дастгири бул.

Мирий

АЗИЗИМ, қийинчиликка чидаш мард кишиларнинг
иши. Шернинг ҳунари кураш. Мард кишиларнинг қў-
ли қийинчиликка тегмаса, заиф кишилар фарогат бус-
тонидан гул теролмайдилар. Чунончи, айтадилар:

Диёрингда ҳеч ким топмас фарогат,
Фақат ўзинг учун изласанг роҳат!

АЗИЗИМ, жафо кўрган киши сенга арз қилиб,
срдам сўраб келса, сен асло дилтанг бўлма! Чунки
мартаба эгаси табиб хукмидадир. Бемор ўзининг барча
дардларини табиба айтмаса, табиб унинг касаллиги
сиридан воқиф бўлолмайди. Натижада шифо шарбати-
ни жафо чекувчига ичиролмайди.

Хожа Самандар Термизий

Озор ила неча гуфтугу қилгайсиз,
Озурда бўлурни жустужу қилгайсиз.

Бобур

Агар одам эсанг оғритма одам кунглини зинҳор,
Ки аҳли маърифат наздида Каъба қалби мўминдур.
Толибий

Қаю хазинага зулмнинг бир ақчаси кирса, ул хазинани йиқмай қўймас.

Поншохужа

Оллоҳ гам-ташвишли одамларга ёрдам берадиганларни дўст тутади.

Хадис

Қайс ибн Сайднинг ўз ўғлига қилган насиҳатларида айтади:

— Эй ўғлим! Шундай масал бор: «Сен бирорвга зулм этсанг, сенга ҳам зулм қилгувчилар бор». Шу мақолга амал қил, ҳеч кимга зулм қилма. Молу-давлатдан хазина тайёрламай, илмдан хазина қил. Дўст-биродарларингни ўзингдан узоклаштирма, ҳар бир ишни маслаҳат билан адо қил!

«Жовидони хирад»

Зулм булгон үлкада қолмайди файз,
Тонгтacha кун нуридин олмайди файз.

Анбар Отин

Кимки ойини зулм пеша қилур,
Узи ўз бўйнига каманд солур.

Оразий

Ҳаромга аралашма ва зўравонлик қилма,
Үзгалар қонини тўкма, хусумат ва гараз қилма.

Юсуф Ҳос Ҳожиб

Бир ҳакимдан: «Қандай одам жазога лойик?» деб сурадилар. У эса: «Ҳеч қандай инсон жазога лойик эмас. Жазога лойик нарсалар ваҳший ҳайвонлар, одамларга зиён етказадиган илон, чаён каби газандалардир. Аммо шундай одамлар ҳам борки, уларнинг вужудида дарранда ва газандаларнинг хислати бўлади. Бундай кишилар қилган зарарларига қараб жазоланади. Бу тариқа кишиларни ҳатто одам, дейиш ҳам ноўриндир!» Шеър:

Элга озор берган ҳар золим киши,
Аслида илону чаёндан баттар!

Абулбаракот Қодирий

Адлу эҳсон билан жаҳон гулшани обод бўлади.

«Амир Темур ўйтлари»

Эл ҳақида ғофил бўлмагин асло,
Чунки эл қулида утирган ўзинг.
Сендан эл нимани курса бир куни,
Қайтариб кўради ушани қузинг!

Муиниддин Жувайний

Мевали дарахт ман ҳар бир ўткинчи —
Тош отиб ўтса ҳам менга бўлмас ор.

Паҳлавон Маҳмуд

Мойили зулм этма қўзинг турқини,
Йўқса қилур мардум уйини хароб.

Нодира

Кимга айтай дарду ҳолимни, не тадбир айлайин,
Ким, мени боштин-аёқ, золим фироқинг уртади.

Гадой

Жавобини қайтаришдан ожиз бўлган одамга мушт
отма.

Ўзингдан ожизларга раҳм билан, узинг билан тенг-
ларга инсоф билан, узингдан устунларга ақл билан бок.

Золимнинг зулми узини йиқитади.

Кучсиз шамол ожиз гиёҳларга бурон булиб туолади.

Кимки бироннинг пайини қирқса үзиники ҳам қир-
қилади.

«Оталар сўзи»

Хор жабрин ол ўзингта, ташла узни гул сари,
Ҳар ниши равон ўлсин қизил қон андалиб.

Увайсий

Жаҳонгир қушинларга қўйса оташ,
Анинг бошига бўлгуси балокаш.

Анбар Отин

Утмишда золим бир киши булиб, зироат ва тижорат
ахлининг молига зулм чангалини урган эди. Халқ уни
дуойин бад қилиб, шаънига нафрат оғзини очган эди.
Мазкур золим бир куни қулига бургут олиб, овга чиқ-
ди. Овдан қайтиб келгач, куйидаги мазмунда хабар
тарқатди: «Одамларга зулм қилган ва ситам тигини
урган қулимни бугундан тийдим. Халқларварлик йули-
да ўзимни событқадам айладим. Умидим шулки бугун-
дан эътиборан ҳеч қандай золимнинг зулми ҳеч бир

одамнинг уйига етиб бормайди. Ҳеч қандай ситамкорнинг қули ҳеч қандай ожизнинг эшигини топмайди!»

Бу хабардан халқ қайтадан жон топди ва бечораларнинг умид чаманида мурод гули бу башоратдан гул очди. Байт:

Муборак бу хабар етгач ногаҳон,
Юраклар қувониб қайта топди жон.

Охири унинг одиллиги шу дараҷага етдики, қўзи-чоқ шер кўксидан сут эмадиган бўлди, қўй эса ўз сути билан шер оғзини ювди, юз эса эчкига яхши куз билан бокди, дашт қўшлари эса дарё қўшларининг ини ёнига ин қура бошлади, гозлар эса бургут билан сирдошга айланди.

Золимнинг яқинларидан бири бир куни муносиб пайт топилган вақтда унинг бу хатти-ҳаракатларидан савол қилди, феъли ўзгарганлигининг боисини сўради. Золим шундай деб жавоб берди: «Овда юрганимда қаёқдандир бир ит келиб, тулкининг оғини тишлаб синдириди, йўлдан утиб кетаётган бир йўловчи эса тош билан уриб, итнинг оғини синдириди. Қилмишига яраша юз бераётган бу воқеаларни кўриб ўзимга келдим».

Хожа Самандар Термизий

Оз иш учун банду итоб айлама,
Қатлу сиёсатда шитоб айлама.

Навоий

Ҳар кимки бир кунгли бузугни хотирин шод
айлагай,
Онча борки Каъба вайрон бўлса обод айлагай.

Навоий

Чархи кажрав, шум замона иллати қилгач асар,
Аҳли дониш кўзларига тийра бўлди кўзлар.

Завқий

Ҳар замон юз бор дил озоридин кўнглимдадур,
Ваҳки, озори бузук кўнглимда бунча бор эмиш.

Хусайн Бойқаро

Ҳақорат қиласа ким оғзингни юмсанг,
Яна ўзга ҳақорат ёғмас асло!
Эшакни елкасига тиқсалар чуп,
Отар шатта бурунгидан ҳам авло!

Ҳаким Кооний

Сенга ким етурса бу янглиғ заар,
Бұлур ул ҳам албатта сендин баттар.

Хиромий

Инсоф эңг яхши фазилатдир:
Кимда инсоф бұлса, у мард кишидир,
Инсофсизлик эса номард ишидир.
Инсофсиз кишига ғам ҳамиша йүлдош булади.
Мен сенинг құлингдан тұтсам, сен менинг оғим-
дан тортасан.
Ёмон кунда гина кутарилади.
Зиенкор гиёх bogdan юлиб ташланади.

«Оталар сұзи»

Элнинг айбини зоқир этмөглиғ,
Йүқдир инсоф ила муруватдин.

Нодира

Кимеким мард эрур инсоф лозим,
Билурға сұз дуриң сарроғ лозим.

Анбар Отин

Одамларға кенг қалбли бүлинглар.

Хадис

Адоват құлур барча милятни йүқ,
Адоват құлур меҳру шафқатни йүқ.
Адоват құлур барчани хору зор,
Адоват құлур әлни беэътибор.

Сидқий Хондойлиқий

Тинч құнгұл бирла қатиқсиз умоч,
Беҳки бирор миннати билан кумоч.

Навоний

Қүшни билан яхши муносабатда бүлинглар.

Хадис

Бир калима шириң сұз қилични қинга киритади.
«Амир Темур үтіплари»

Мол-дунә мисоли чирмөвчи илон,
Қулингда кам бұлса хүш бул, эй инсон!
Бойлигинг тезгина топади йүқлик,
Бойликнинг йүқлиги сен учун түқлик!

Низомий Ганжавий

ҲИКМАТ. Олтину зарга дил боғлаган очкүзү айёр энг оғир балоларга сазовор! Донолар: «Зар қидирувчи озор қидирувчи!» деганлар. Очкүзниң күзига тикон ҳам гул булиб күринади.

АЗИЗИМ, хайратли жойи шундаки, бундай кишилар ўлим ҳақ эканини биладилар, аммо бирөвгә яхшилик қилишни хаёлига ҳам келтирмайдилар. Нима топсам үзимга булсин қабилида иш тутадилар. Уларниң қалби пүлатдан қилинган гүнчага үхшайди. Бу гүнчани эса ҳеч қандай баҳорнинг насими очолмайди. Бу тирик уликларнинг жонига ҳаёттинг лаззатли шарбати таъсири этмайди.

Мұхаммад Жавҳар Заминдор

Мансаб учун лоф урарлар, басе,
Мол учун жаҳд қилурлар басе.

Оразий

ҲИКМАТ. Адоватга дучор бўлмай десанг мол-дунёдан қўл юв, мұхаббат топай десанг, яхшилик ва эҳсон қили! Байт:

Ҳар ким дунё учун урса агар чанг,
Бало чанги уни айлайди сарсон.

Ҳар ким элга берса бойлигин агар,
Барча балолардан бўлади согомон!

Муниниддин Жувайний

Бузургмеҳрдан сўрадилар:

— Нега сен қўлингдан кетган нарсага хафа бўлмайсан ва қўлингта келган нарсадан шодланмайсан?

У деди:

— Қўлдан кетган нарсани хафагарчилик билан топиб бўлмайди, азиз умрни эса мол-дунё шодлиги билан бехуда ўтказиб бўлмайди. Шундай экан, нега энди фойдасиз нарса учун ғам чекай, менга бир умр вафо қўлмайдиган нарса билан қувонай?!

Мұхаммад Жабалрудий

Кетган молга ачинма,
Унга озроқ ўкингил.

Маҳмуд Кошғарий

Бир киши Сукротга: «Сен үзингни дунё неъматларидан маҳрум қилгансан!» деб қолди. Сукрот ундан: «Неъмат нима?» деб сўради. У киши: «Семиз барра

гүшт ейиш, шароб ичиш, чиройли кийиниц, гузаллар билан ишрат қилиш», деб жавоб берди. Сукрот унга шундай деди: «Бу нарсаларнинг ҳаммасини тұнғиз, маймун ва дарранда хайвонларга ухшашни хоҳлайдиган кишиларга ҳавола қылдим. Бу тоифа одамлар уз қоринларини ҳайвонлар қорни каби шиширадилар, рух иморатини тиклаш үрнига бадан иморатини тиклайдилар».

«Жовидони хирад»

ЭЙ АЗИЗ, күлингдан кетган нарсага қайгурма, уни қайтариб булмайди. Мол-дунега қувонма, у бир умр сен билан қолмайди. Қайси ишга күл урсанг, унинг оқибатини үйла, бошингга қийин ишлар тушса, муносиб тадбир қуллашни үрган!

Мұхаммад Жабалрудий

Улугликка етишсанг — янглишма, атлас кийсанг, бұз күйлагингни унутма.

Аҳмад Юнакий

ҲИКМАТ. Касалликка бошловчи күп молдан етарли булған ози яхши. Байт:

Кишининг дилида ҳикмати бұлса,
Унинг олдида мол мисоли сопол.
Дониш аҳли зарга назар құлмайди,
Бекәдр олдида қадр топар мол.
Қаноатни изла шараф изласанг,
Шундай йүл тутадир ҳар аҳли камол.

Мүнинндин Жувайнин

Бадавлат кишилардан бир бечоралик билан күн үтказувчи Сукротни айблади. Сукрот унга: «Агар мен хоҳласам сен каби яшашим мүмкін, аммо сен ҳеч қачон мен каби күн кециролмайсан!» деди.

Бойлардан яна бири Сукротта: «Сен жуда камбагал ва қуруқ құлсан» деди. Сукрот эса унга: «Агар сен факирлик лаззатини билсанг эди, менға ачиниш үрнита үзингта ачинар эдинг!» деб жавоб берди.

«Жовидони хирад»

Хар кимки факир гүшаси бўлмиш макон анго,
Хотири ҳамища даҳр ғамидин омон анго.

Оғажий

ҲИКМАТ. Бойликнинг яхшиси ҳалолдан топилгани ва савобли ишлар учун сарф этилганидир. Бойликнинг ёмони ҳаромдан топилгани ва ҳаром ишлар учун сарф этилганидир.

Муҳаммад Зеҳний

Ҳалол егин топиб ўз ранжинг билан,
Бой булсанг бўл фақат ўз ганжинг билан.
Ити бўлма асло бирор нонини,
Мушути бўлма ё узга хонини.
Ким шоддир шодлиги зиёдат булур,
Тани шодлик учун вилоят булур.

Низомий Ганжавий

Бой булишни истасанг — қаноатли бўл.
Бойликка йнтилган тезда камбагаллашади.
Керагидан ортиқча қидирган одам боридан ҳам
айрилади.

«Оталар сузи»

Дунёпараст хуш либосликнинг,
Юрагида гамдир уммон.
Жон роҳатин изласанг агар,
Қаноатда бўлғандир ниҳон!

Мунииддин Жувайний

Қардошинг эмас улки қўйиб бош сенга,
Давлат чоги қилғай ўзни қўлдош сенга.

Навоий

ҲИКОЯТ. Бир ҳаким шундай деган эди: «Ҳар кимда олтину зар қанчалик кўп булмасин, агар у бехунар бўлса, ҳосилсиз дарахтдир».

Хуррамий

Бир кунлик тарихга эгадир жаҳон,
Юз йиллик бойликни қиласайлик пинҳон.
Кел, бунда утириб, булавлик бир шод,
Тасаввур қиласайлик ўзни Кайқубод.

Дунё роҳатидан талаб қилиб дод,
Кечаю эртани айламайлик ёд.

Низомий Ганжавий

Сен нафсинг лаззатини ўйлама,
Ушбу ўткинчи ҳавасни сўйлама.
Қанча давлат йигмаю, дема молим,
Оқибат олдингда бордир шум ўлим.
Бу азиз танданки жон бўлгай равон,
Хоку тупроқ бирла тўлгай устухон.
Жон берар тан, чораси йўқ, бечорадир,
Йўл оздиргувчи нафс амморадир.

Фаридиддин Аттор

Худой ҳар на берса қил қаноат,
Юракни қилма миннатдин жароҳат.
Бу меҳнат бирла топсанг парча нон,
Кишининг миннатидин улдур осон.
Агар тош чайнаса элдин чиқиб тош, —
Кишига эгмагай ҳимматли қул бош.

Суфи Оллоер

Ер остида қолган бойлиқдан, яширилган олтиндан
ва бекитилган илмдан фойда йўқ.

«Оталар сўзи»

Фанларнинг фойдаси улар ёрдамида олтин ва ку-
мушларни кўлга киритиш эмас, балки улар туфайли
зарур нарсаларга эришишдир.

Абу Райҳон Беруний

ҲИКМАТ. Бойлик ўткинчи нарсадир. Ақлли киши
ўткинчи ҳою-ҳавасга берилмайди. Байт:

Бойлигинг роҳатинг бўлса ҳам сенга,
Фано губоридан бўлади барбод.
Ҳақиқий бойликни кирит қўлингга,
Икки кунлик нарса учун бўлма шод!

Муиниддин Жувайний

Ҳисобсиз мол йиққан билан одам сахий бўлол-
майди.

«Кўрқит Ота китоби»

Буқрот ўз шогирдларига насиҳат қилиб дерди: «Бат-
тар фақир бўлмай десангиз, мол йигишга ҳарис бўлма-

нг. Молу амвол гаму андухнинг кўзидир. Адолат энг яхши нарса. Чунки у жамики яхшиликни мужассам қилган!

«Жовидони хирад»

Эшитиб ота-онанинг
Сўзларини қадрла.
Молу мулкинг кўпайса,
Магурланиб қутурма.

Махмуд Кошгари

Киши учун ногаҳоний улим икки нарсадан келади: ортиқча бойлик учун интилишдан ва бемаъни сўзларни кўп гапиришдан.

Мол-дунё тутайди, аммо яхши ишлар абадий қолади.

Бирор ер, бирор боқар, қиёмат шунда қўпар.

«Оталар сўзи»

ҲИКОЯТ. Бир подшо уз мол-мулкининг куплигидан фахрланиб, илм ахлини менсимай қўйган, уз ихтиёрича иш тутиб, фиску-фужурга берилган эди. Бир куни у борига қаноат қилиб, камтарлик йўлини тутган доно ҳакимга дуч келиб қолди ва унга:

— Эй ҳаким, нимани хоҳласанг тила, суроингни муҳайе қиласман! — деди.

Ҳаким:

— Шундай қилки, ажал ҳеч қачон бошимга соя солмасин! — деди.

— Бу иш менинг қўлимдан келмайди, — деди подшо.

— Бўлмаса, — деди ҳаким, — қарилик мавсуми кетиб, ёшлиқ айёми қайтиб келсин!

— Бу иш ҳам қўлимдан келмайди! — деди подшо.

— Орамизда фарқ йўқ экан-ку, — деди ҳаким шунда, — мен қилолмайдиган ишни сен ҳам қиломас экансан, аммо сенда мол-давлат кўп бўлгани учун, кибр отига миниб, манманликка бериласан. Мен эса топганимга қаноат қилиб, ҳеч кимга ялинмайман, демак мен ҳам ўзим учун подшоман!

Муҳаммад Жавҳар Заминдор

Султондур ул гадоки бузук кулбаси аро,
Осудадур топилса бирор пора нон анго.

Оғаҳий

Ҳакимлар айтади:

— Қувватинг етмаган ишга қул урма, фойдасиз ишларга уринма, молу давлатинг қанчалик кўп бўлсада, унга ишониб иш тутма!

Муҳаммад Зеҳний

Давлат гоҳи келиб, гоҳида кетар,
Бефаҳм кишилар узини йўқотар!

Низомий Ганжавий

Пулу молга бўлган ташналиқ сувга бўлган ташналиқдан кўра даҳшатлидир.

Муҳаммад Зеҳний

Гаридарвишни зинҳор кўрмагил.хор,
Ким аният ҳам еринда иззати бор.

Кутб

Оз мол билан хотиржам яшаш кўп мол билан қўрқиб яшашдан афзал. Ҳаром егандан кўра камбагал бўлган яхши.

Мол-дунё асал аралаштирилган заҳар ва шодлик аралаштирилган гамдир.

Оз кўпга тобеъдир.

— Қаерга кетаяпсан? — деб сўрашди оздан.

— Кўпнинг олдига! — жавоб берди оз.

Ақлли одам камбагал бўлмайди.

Мухтоҷлик ҳийлалар эшигини очади.

Камбагаллик танбаллик самараси.

Оч бойдан тўқ ит яхши.

Роҳати йўқ пулдор ҳеч нарсасиз камбагалга үхшайди.

«Оталар сўзи»

Кўрдики кимда бордур давлат анга дучордур,

Нафъи етгай хаёлига узни ошно қилур.

Бирорни гам била, қайту била адo айлар,

Бирорни ишрати оламга пойдор қилур.

Бирорни дийдаи биносидин жудо айлаб,

Тамоми умрин асокашга интизор қилур.

Бирорга симу зар беҳисоб рузи этар,

Бирорни бир пул учун йўл юзида зор қилур.

Мужрим Обид

Халол ризқ исташ ҳар бир мусулмон учун вожиб-
дур.

Ҳадис

Тирикликни ғанимат бил, доим умринг хуш ўткар,
Тепиб ўт дунё молини ҳама ранжу фалокатдур.

Ҳувайдо

Ақлинг йитириуб булма жаҳон мулкига мағур,
Ҳукмингда агар бўлса Бухорою Самарқанд.

Толиб Толибий

Кимга рафиқ ўлмаса, жамъ эй амир,
Бўлгувси албатта паришон фақир.

Нишотий

Гар оқил эрсанг, сим-зар жамъига гарра бўлмаким,
Faфлат била кўп кимсани қилмишдур мағрур ганж.

Оғаҳий

Бекайд мену хароби сим эрмасмен,
Ҳам мол йигиштуар лаим эрмасмен.

Бобур

Мумин киши бироннинг ҳақига хиёнат қилмайди.
Ҳадис

Одамлар орасида чақимчилик ва буҳтон гапларни
тарқатишдан сақланинг.

Ҳадис

Сидку сафо тұла «Гулистан» аро,
Саъдий гузал сузни айтмиш мутлақо:
«Сузни үйламасдан гапирма ҳар дам,
Яхши суз кечикиб айтилса не ғам?»

Хожа Самандар Термизий

Ҳар кимсаки айламас ошуқмогни хаёл,
Яғрогни ипак қилур, чечак баргини бол.

Навоий

АЗИЗИМ, кенгаш булаётган вақт ақл ва фазлнинг
имтиҳони булаётган соатдир. Сен бу соатда сўз гавҳар-
ларини баён риштасига аввал яхшилаб ўйлаб тергач,
сўнг уни узгалар дикқатига ҳавола эт!

Хожа Самандар Термизий

Жамшид ҳам Анушервон каби түрттга узук ясатиб, унинг ҳар бирига биттадан сүз ёздриб қўйган эди. Биринчи узукда «Оҳисталик ва чора» деган сўзлар ёзилган булиб, бунинг маъноси: «Шошилиш ёмон хислат, барча ишларни шошилмай, чора-тадбирини топиб қилмоқ керак» демакдир. Йиккинчи узукнинг кўзига «Одиллик ва иморат» сўзлари ёзилган эди. Бунинг мазмуни: «Мамлакатда адолат билангина иттифоқлик ва равнақ иморатини тикилаш мумкин» дегани эди. Учинчи узук кўзига: «Ростлик ва шошилиш» сўзлари ёзилган эди. Бунинг маъноси: «Дўстларга фақат рост сўзлаш керак» дегани эди. Тўртинчи узук кўзига: «Жазо ва инсоф» сўзлари ёзилган булиб, бунинг маъноси: «Бирорни жазога тортаётган пайтда инсоф юзасидан иш кўриш керак» дегани эди.

Жамшид ҳар бир узукни шу узук кўзидағи сўзлар мазмунига оид ишга қўл урганида тақиб олар ва унга доим қараб турар эди.

Абулбаракот Қодирий

Ўзинг қайси ишни қилмоқчи бўлсанг,
Аввал сўзинг, кўнглинг билан кенгашгин.

Юсуф Хос Ҳожиб

АЗИЗИМ, уйлаб айтилмаган сўз ҳали қайта ишланиб тозаланмаган олтинга ўхшайди. Сен сўз айтишдан аввал яхшилаб уйла, фикр бойлигини имтиҳон маҳаки билан сина, қайси сўз текширувдан яхши ўтса ўшани тилга келтир! Байт:

Ҳар сўзки яхшилаб ўйланган эмас,
Айтишу ёзишга асло арзимас!

Хожа Самандар Термизий

Иш бошлишда ҳовлиқмай, диққатла боқ
Чақмоқтошни шошиб чақсанг ўчар чироқ.

Маҳмуд Кошғарий

Шошқалоқлик пушаймонликнинг синглисиdir.
Бесабрлик одат бўлса инсонга,
Отган ўқи тегмас асло нишонга!

Ҳаслиддин ал-Ҳасаний

Ишда ошиққон кўп тойилур,
Кўп тойилган кўп йиқилур.

Навоий

Құшиқ ярат, лекин жуда үйлаб иш қылғын,
Назм майдонининг бўрилари еб қўймасин.
Шавқий Каттакурғоний

АЗИЗИМ, барча ишда ҳам шошқалоқлик қилмагинки, шошқалоқликнинг зарарлари ниҳоясиз ва сабр қилишининг манфаати чегарасиздир. Чунончи айтадилар:

Мақсад хазинасин калити сабр!

«Ахлоқ» китобида келтирилишича, ҳар ким ҳодисалар ёмғири остида узини сабр қалқони билан ҳимоя этса, мақсад уки тездагина мурод нишонига бориб тегади. Чунки сабр шодлик калитидир. Бу калитсиз ҳеч қандай мақсад эшиги очилмайди.

Хожа Самандар Термизий

Жавобга шошилган киши хатога йул қуяди.

Мұхаммад Зәхній

Яңглишмас жағ, суришмас туёқ йўқ.

«Курқит Ота китоби»

Эй фарзанд, ҳеч қачон бадгумон ва эгри фикрли бўлма! Бадгумонлик сени барча дустларингдан узоқлаштиради ва ёлғизлатиб қуяди.

Мұхаммад Жабалрудий

АЗИЗИМ, киши бирор кишини гумон билан жазолаши ноўринки, гумон билан қилинган ишдан беҳисоб зарарлар юзланади. Чунончи айтадилар:

Гумон билан асло бирор кишига,
Уқубат етказма, бўлғунг пушаймон.
Ошкор булган ишнинг ҳақиқий сири,
Сунгти пушаймондан фойда йўқ ишон!

Хожа Самандар Термизий

Ғамнинг давоси дўстлар дийдорини куриш.

«Оталар сўзи»

Ғамгин бўлмайин десанг, гиначи бўлма!

«Махзан ал-улум»

Арзимас ғам торгмоқ учун бу жаҳон,
Дунё шод яшамоқ учун, эй инсон!

Дунё дилхушилигу ҳам шодлик учун,
На заҳмат тортмогу бедорлик учун.
Не учун узингга ситам айламок,
Йиллар аро ўзни ғамга бойламок?
Оғирликни асло олма бўйининга,
Олган сари кириб борар қўйининга!

Низомий Ганжавий

«Жомеъ ул-ҳикоёт» китобида ёзилишича, ҳар бир ишни амалга оширишда гумон билан иш тутмаслик, пасткаш қишиларнинг сўзига ишонмаслик, гаразли одамларнинг гапига эътибор қиласлик зарур. Қиши ҳар қандай ишда узига ўзи ҳоким була олиши мумкин. Бунинг учун эса машқ қилиш керак.

Абулбаракот Қодирий

АЗИЗИМ, ишнинг оқибатини ўйловчи кишилар оғзаки эшитилган сұзларга ишонмайдилар, эшитилган гапнинг далил ва ҳужжатини кўрмагунларича шошиб хукм чиқармайдилар. Байт:

Фараз эгасига солсанг қулогинг,
Пушаймондан учар нурли чирогинг!

Хожа Самандар Термизий

Эй ўғил, түрт нарсада бордир хато,
Сол қулогинг, ёдлаб олгил бехато!
Кутмагил ёмон хотиндан ҳеч вафо,
Соддадиллур ким вафо кутса хато.
Ким синаб кўрмай бировга сир айтар,
Эй ўғил, бундан кишига кўп хатар!
Феъли бад хотин, ўғил, сирдош эмас,
Айтма ҳеч сиррингни, у йўлдош эмас..

Фарииддин Аттор

Буқрот Ҳаким шундай деган эди: «Билмаган нарсанги биладигандек гапирма, керак бўлмаган нарсанни қидирма, билмаган йўлингдан юрма, яхши сўзни ким гапиришидан қатъи назар тингла, яхши сўз бир гавҳарки, у ҳеч вақт ўзгармайди. Нимани билмасанг, сураб урган, қилган ёмон ишларингта қайгурма, бундай ишдан афсусланмаслик, яна баттарроқ хато қилишга олиб келади.

Шеър:

Агар сендан хато юз берса, ундан күп надомат чек,
Хатодан кимки ибрат олмаса, күплаб хато қылгай!

Абулбаракот Қодирий


Мүмин кишининг яхши нияти қылган амалидан
ҳам афзалдир.

Хадис

Йулда қараб турсам бир қүш ногаҳон,
Чумолини чўқиб, қилди чалажон.
Ҳануз тумшугидан тушмасдан сайди,
Ўзи ҳам узга қүш зарбини еди!

Низомий Ганжавий

САРФУ-ХАРАЖАТ,
ИСРОФ,
ТЕЖАМКОРЛИК,
ФАЗАБ, ЖАҲЛ, АРАЗ,
ПУШАЙМОНЛИК





Ҳар қандай нарсада исрофгарчилик бор, аммо яхшилик қилишда бўлмайди.

«Оталар сўзи»

Тежамкор одам яхши сайди, яхши ичади, покиза кийинади, хушҳаво уйларда яшайди, кераксиз нарсаларни сотиб олавермайди, ҳақиқий зарур нарсаларни гина харид қиласди. Бирорларга қўлидан келганча ёрдам қиласди. Яхшилик йўлидаги ишларга пулинин аямайди, саховатли бўлади. Ватани ва халқи учун молини ҳам, пулинин ҳам аямайди.

Хасиддин ал-Ҳасаний

Тежамкор киши пулинин керагидан ортиқча сарфламайди. Ўн сумга олинадиган нарса учун ҳовлиқиб, юз сўм сарф этмайди. Пулни фақат керакли нарсаларгагина сарфлайди. Ҳар бир ишда ўртача йўл тутади.

Олиммат ал-Банот

Истрофгарчилик ақлга зид ишдир. Истроф деганда кераксиз нарсаларга беҳудага нул сарф этиш, фойда-сиз сарфлаш тушунилади. Истрофгарчликнинг охири ҳалокат билан тугайди. Истрофчи одам қанчалик бой булмасин, барибир оқибатда камбагалга айланади. Чунки истрофининг сарф эшиги очик бўлиб, тежами

эса булмайди. Очиқ эшикдан ҳар нарса кира олгани
каби камбагаллик ҳам кириб келади.

Хәэлиддин ал-Ҳасаний

Үйлаб ҳозирланган оз нарса исроф буладиган күп
нарсадан афзал.

Мұхаммад Зәхнний

Шамини кундузи ёндирган одамнинг туни қоронғу
булади.

Пулині беҳуда иероф қилған одам, оғир кунда хор
булади.

«Оталар сұзы»

ҲИКМАТ. Бирорнинг дилини хушнуд қилиш ко-
мил кишилар иши, дил оғритиш эса жоҳил кишилар
ишидир. Дил оғритувчи киши куни келиб ҳасрат қони-
ни ичиши мұқаррардир. Байт:

Токайгача, эй нодон, бирорни йиғлатарсан,
Сенинг ҳам дил ойнангни синдирувчи топилар!
Мұхаммад Жавҳар Заминдор

ҲИКОЯТ. Бир киши бир улут қиши ҳузурига ке-
либ, ундан: «Эй фозил киши, одам дунёда қандай
яшаши, қандай йўл тутиши керак?» деб суради. У
киши шундай деб жавоб қилди: «Шод яша, доимо
хурсандчиллик пайидан бул, ҳар нарсага ғам чекаверма,
яхшилик уругини экиб, омонлик ҳосилини олишга
урин. Дуне шундайки, унда хатарли йуллар күпdir,
байзан бу йуллар устига баргу хашак ташлаб қўйилган
ҷоҳга ўҳшайди. Шунинг учун бу йулдан юрган пайтда
аввало яхшилаб ўйлаш, тойиб кетмаслик чорасини ку-
риш керак. Дуне шундай бир экинзорки, экилған нар-
саларни лутғу қарам суви билан сугор. Ундан топган
обру эътибор ҳосилини ҳирс ва тамаъ ҳужумидан ас-
ра!» Шеър:

Дунёга боқ, ичи жуда ажойиб,
Кўз очиб юмгунча булади гойиб!
Мұхаммад Жабалрудий

Оловдан түшаги, илондан ёстиги бўлган одам қандай ухлай олиши мумкин.

Фам-гусса қаришни тезлатади.

Қўлдан кетган нарсага қайғуриш нодонликдир.

Қўлдан кетган нарсага қайғурма, ўлик қабристондан тирилиб қайтмайди.

Орзуси кўпнинг гуссаси ҳам қўп,

Фамли айёмда ўғил асқотар.

«Оталар сўзи»

Ақлдан барча иш яхши бўлади,

То газаб келмаса ақл барқарор.

Бу ҳикматни оқил яхши билади,

Газаб келса ақл бўлади ночор!

Хожа Самандар Термизий

АЗИЗИМ, газаб отини сабот жилови билан қайсарлик йўлидан қайтар! Ҳар қандай шубҳа зимистонини ақл нури билан равшан эт! Шунда сен надомат ва пушаймонлик домига мубтало бўлмайсан!

Бирор гуноҳ қиласа, бўлсанг даргазаб,

Жазо бермай туриб ўйла яхшилаб!

Бадаҳон лаълини синдириш осон,

Бироқ асли каби бўлмайди ямаб.

Килинмаган ишни қиласа бўлади,

Қилгач, надоматдан суд йўқ, неажаб!

Хожа Самандар Термизий

Ғазабнинг аввали жиннилик, охири надоматдир.

Абдулла Авлоний

Луқмони Ҳаким шундай буюради:

— Бирор киши билан биродарлик ва дўстлик ишини боғламоқчи булсанг уни бирор қийинчиллик устида сина, асосан газаби келиб турган пайтда имтиҳон қил. Агар у газабини боса олса, шундагина дўстлик қил, газабини боса олмаган киши билан дўстлик қилиш қийин!

Абулбаракот Қодирий

ҲИКОЯТ. Бир кишининг уйида сичқон пайдо бўлган эди. У уй томини кавлайвериб, илма-тешик қилиб

юборганди. Мушук уни ҳеч тутолмас, уй эгаси томга қараб оҳ тортар, уни тутиш чорасини тополмас эди. Бир куни у жаҳл билан урнидан туриб, сичқон кириб кетган тешикка қулини тиқди ва икки дона марварид топиб олди. Уй эгасининг кунгли хушҳол булди. Шу пайт қайтиб келган сичқон марваридни қидириб, у ёқдан бу ёқса чопа бошлиди. Тополмагач, ҳолсизланиб пастга йиқилди ва жон берди.

Эй азизим, сенинг нафсинг ҳам олтин ва бойлик туфайли доимо сакрашда булади. Мард кишигина нафс жиловини тортиб, уни ўз измига солади.

Муҳаммад Жавҳар Заминдор

Энг кучли киши шундай кишики, газаб келганда уни боса олади, ўз нафсини эса тўғри йўлга бошлий олади. Шеър:

Кучлигу ҳам шер юрак одамни сен мард дема,
Газаб келса газабин боса олган мард эрур!

Абулбаракот Қодирий

Жаҳл аҳли била кимгаки улфат бўлгай,
Ул улфати ичра юз минг офат бўлгай.

Навоний

АЗИЗИМ, газаб шайтоний оловнинг шуъласидир. У шундай бир дараҳтки, меваси пушаймонликдан иборат. Шунинг учун тажрибали кишилар газаб оташини сундиришта уринганлар, жаҳл луқмасини эса иҷларига ютишта ҳаракат қилганлар!

Хожа Самандар Термизий

Ардашер ўтмишнинг доно кишиларидан бири эди. У ўз ходимига учта хат ёзишини буюрди. Сунг унга деди: «Эй ходим, агар менинг юзимда газаб түғенини курсанг, бирор нарса устидан қаттий хукм чиқармасимдан аввал хатлардан бирини менга курсат. Шунда ҳам газабим босилмаса, иккинчи хатни курсат. Шунда ҳам таскин топмаганини курсанг, учинчисини курсат!»

Айтишларича, биринчи хатнинг мазмуни шундай эди: «Шошилма, иродангни газаб қулига асир қилма, шошган киши доимо афсус чекиб, кейинчалик пу-

шаймонлик тортади!» Йккінчи хатнинг мазмуни эса қуидагича әди: «Давлат құлымда деб үзингдан ожизларга жазо бераверма, куни келиб, замонлар үзгарса, улар ҳам сен қандай муомала қылған бұлсант, шундай муомала қилишади!» Учинчи хатнинг мазмуни эса қуидагича әди: «Әй газабланаетган киши, шошиб ҳукм чиқарма, газабингни босиб, инсоф юзасидан иш күр!» Шेър:

Мунча қаттиқ чопма отингни, углон,
Олиб қочса уни қайтармоқ гумон.
Сендан чиққан ҳукм ҳақ ҳукм бұлсин,
Золим ғамда күйсин, ожис шод күлсин!

Абулбаракот Қодирий

Кимики үз жаҳлу газабини қайтарса, Аллох Таоло үндан үз азобини қайтаради.

Хадис

Газаб шундай бир оловки, у үз сохибини ёндиради.
Жавобнинг юмшоги газабни сұндиради, сұзниңг қаттиги одамни ўлдиради.

«Оталар сүзи»

Маъмун үз даврида машхур бұлған бир олимдан илтимос қилиб: «Бир иккى оғиз фойдалы суз айтсанғиз, токи үндан күпчилик манфаат топсын!» деди. Олим үнга қуидагиларни айтди: «Киши учун әнг фойдалы хислат — газаб келғанда үзни босищ, сукут сақлад, жим туриш, газаб босилғандан кейингина фикр ва мулоҳаза билан гапириш. Жаҳлинг чиққанда үзингни бос, бировга фойда келтирмайдиган ва дилни оғритадиган сұзларни галирма, то ишингта қараб харж қыл, киримдан ортиқ чиқим қылсант, үзгаларга мұхтож булиб қоласан, үзингта наф келтириб, бировга зарар келтирадиган фойдадан кеч, ишни қаҳру-газаб билан эмас, чукур үй ва мулоҳаза билан қыл. Бировлар ҳақида гапирганингда уларнинг номини ёмонлаб тилга олма, оранг бузилиб қолған кишидан яхшилик күтма. Бирор сенға сир айтса, бу сирни ҳар кимга гапириб юрма. Айбингни олдингда айттан вә кулфатта қолғанингда ҳамроҳ бұлған кишинигина, дуст деб бил!»

Абулбаракот Қодирий

Газабсиз кишини синмас киши, дейдилар. Мудайым киши шундай кишики, газаб үтини жидду-жаҳд билан танидан чиқара олади. Байт:

Газаб келса ундан енгилмоқ нүқсон,
Газабин енголган ҳақиқий марддир!

Муннаддин Жувайнүй

Үтган ишга пушаймон булиш энг оғир дард.

Охири пушаймонлик билан тугайдиган лаззатдан фойда йүқ.

Яхшиликни күп қилған кишининг пушаймонлиги кам булади.

Пушаймонлик уч хил булади: бир күнлик, бир йиллик ва бир умрлик. Бир күнлик пушаймонлик арзимаган пушаймонлик булиб, у бирор нарсани еяолмай қолиши, арзимаган нарсага эга бўла олмай қолиши сабабли пайдо булади ва тезда унутилиб кетади. Бир йиллик пушаймонлик эса қулидан келса ҳам беларволик туфайли, тайёр ерга экин экмай вактни утказиб юбориш орқали келади. Бир умрли пушаймонлик эса адашиш орқали узига муносиб бўлмаган муросасиз хотинга уйланиб қолиши орқасидан келади.

«Оталар сузи»

Гар пушаймон ўлмайин десанг, яна,
Бўйла аҳволи қабоҳат айлама.

Аваз Үтар

Фалакнинг гардишидан булма ғофил,
Пушаймон бўлгосен охир, не ҳосил.

Хўжанддий

Самарасиз утса бу умринг бўлур тамоми абас.

Ишингни пухта қил, акнун ҳар ишнинг хоми абас.

Толиб Толибий

Кечди умрим нақди гафлат бирла нодонлиғда ҳайф.

Увайсий

Бу жаҳонта келдинг эй тан, булмагил андешасиз,
Баркамол кўклаб туролмайди дарахти решасиз.
Айла ислоҳи ҳаётинг, фикр этиб одоб қил,
Қилмагил умрингни зоеъ дангаса, нобоп ила.

Оразий

Фурқат бошингга тушмайин вуслатни қадрин
билимадинг,
Ранж ила меҳнат чекмайин роҳатни қадрин
билимадинг.
Аваз Утар

Чекиб миннат агадсиз, рўйи роҳат кўрмадим харгиз,
Азалдан, эй биродарлар, жафокашга вафо булмас.
Мужрим Обид

Яна бегонасен, бори нечуксен?
Вафодин ёнасен, бори нечуксен?
Қилиб шарт аввалу охир пушаймон,
Сўзингдан тонасен, бори нечуксен?

Гадоий

Кишининг бемаъни гаплардан тилини тийиши —
унинг мусулмонлиги нақадар чиройли эканлигидан да-
рак беради.

Хадис

Тўгри булким, ундан топарсан камол,
Тўгрига зафар ҳам кўрсатур жамол.
Рост йулдан тойилмай юрса гар киши,
Жаҳонда бўлмагай асло ташвиши!

Низомий Ганжавий

Ростлик шундай зарки, у узининг мукаммалиги ва
бенуқсонлиги билан кишининг улуглик ва эътибор
бозорининг равнақ топишига сабаб бўлади. Агар ҳар
кимсанинг тасарруф чўнтағида ундан бир диноргина
бўлса, обрўйи ва мустаҳкамлиги силсиласининг шеро-
заси ҳеч қандай нуқсоннинг таъсиридан парчалан-
майди. Қадри ва эҳтиросининг баҳористони ҳеч қан-
дай уят ва ҳижолатликнинг сариқ ҳазонидан заволга
юз тутмайди! Фард:

Қуёш каби ҷеҳраси тулиб тобон бўлса ҳам,
Эгриликдан ҳилолнинг қадри доим паст эрур!
Бархурдор ибн Маҳмуд

Деб эмишсен покдомонлиғ мусалламдур манго,
Пок дил аҳли назарға айлагил лутфу карам.

Осмон бирла замин фарқини дарк этмаган эл,
Тутуб одам үзини бошида пиндор, недур.

Равнақ

Кўнгил ва тилни тўгри тут, эй билогон доно,
Уз вақтида сенинг ризқинг камаймайди.
Ўзинг бу дунёда бойлик истасанг,
Тўгри бул, сузларингни тўгри тут.

Юсуф Ҳос Ҳожиб

Тўгри сўзли киши барчанинг эътиборини қозонади.
Яхши ишидан янада улугрок мартабаларга тавсия этилади. Қадр-қиммати ортади, ҳамма ерда сузи мақбул булади. Ёлғончи эса бу фазилатларнинг барчасидан маҳрум булиб, унинг орқасидан одамлар нафрат билан қарашади. Ёлғончи ёлғон сўзи билан узгаларнинг обруйини тўқмоқчи, ҳуқуқидан маҳрум қўлмоқчи булади. Ваҳоланки, унинг ёлғон сўzlари ўзи учун зиён булиб чиқади.

Хаёлiddин ал-Ҳасаний

Дунё давлат билан сени аврамасин,
Ҳамма ишларда ҳам тўгрилик иста.

Юсуф Ҳос Ҳожиб

Тўгри сўз дагалдир, уни сингдиргийн,
Эртага манфаати тегадир, сени суюнтиради.

Юсуф Ҳос Ҳожиб

Ақл эгалари, виждон соҳиблари ҳар вақт курган,
Қилган ва билғанларининг ҳақиқатини ва тўғрисини
сузлайдилар.

Абдулла Авлоний

Одамлар билан муомала қилаётганда эҳтиёт бўлмоқ, рост билан ёлғон сўзни фарқлай билмоқ керак. Хушомад ботқогига ботган нафсга тинимсиз сайқал берив, уни бу дардан халос қилиш йўлини тутмоқ лозим. Хушомад сўзини кўп айтадиганлар кўп бўлганидек, рост сўзни чин дилдан эшитадиганлар ҳам камдир. Бу борада ибрат кўзини очиб, фаросат билан иш тутмоқ лозим.

Абулбәракот Қодирий

Олий ниятли киши шундай бүладики, ростлик ва дүстлик қоидасини ҳақиқатпаастликнинг биринчи боби деб билиб, то имкони борича шу йўлдан юришга ҳаракат қиласди ва ҳар бир ишда садоқат ва дўстликни ҳамда вижонни саодат хазинасининг қалити, деб билади.

Бархурдор ибн Маҳмуд

Вале барча чин ҳам дегулик эмас,
Хирадманд чин сўздин узга демас.

Навоий

Алифдек агар рост бўлсанг мудом,
Сенга олам ичра топилмас назир.

Пошшохужа

ҲИКМАТ. Ҳар ким ростлик йўлини ихтиёр қиласа, сўзида ёлгон бўлмаса, зафар унга доимо ёр булади. Байт:

Ёлгон сўздан сўзнинг қадри кам бўлди,
Кимки ростгўй бўлса, муҳташам бўлди.

Муҳаммад Жавҳар Заминдор

Рост сўз ар таъбингга келса ёмон,
Дема ёмонки, эрур ул нуши жон.

Пошшохужа

Истасангким бўлгосен, эй дил, некӯ,
Бўл ҳамиша рост кору, рост хў.

Оразий

Оқиллардан бири шундай деган эди: «Улуг кишилар атрофида юрадиган кишилар ростгўй кишилар бўлмоги керак, улар хушомад сўзларини кам айтишлари керак».

Шеър:

Заҳарли найзадек бўлса ҳам рост сўз,
Ёлғон ширин сўздан яхшидир минг бор!

Абулбаракот Қодирий

Тугрилик одамни балодан кутқаради.

«Оталар сўзи»

Тұгри бұл, тұгри иш қил, тұгри деб ном чиқар,
Халойик сени тұгри, деб атасин.

Ахмад Ютнакий

Сарвдек озода бұлу росткор,
Е ўруку олма бикин мевадор.

Хайдар Хоразмий

Садафдин инжу, илондин зақар ҳосил бұлғани
каби,
Ростлиқдан фойда, хиёнатдан зарар ҳосил булур.
Абдулла Авлоний

Ростлиққа завол булмас эмиш, билинг!
Вафо ахлига ичмақлик жақонда,
Хақиқатда әрүр душвор савганд.

Аваз Үтар

Елгон ва бұхтон ахлюқ бузилишидан дарак берувчи
феъллардандир. Бу феъллар энг қабих феъллардан хи-
собланади. Бундай феъл соҳиблари одамлар ҳақида
турли-туман бемаъни сўзларни сўзлаб юрадилар.

Елгон билан бұхтоннинг фарқи шундаки, ёлгончи
уз ишлари ҳақида ёлгон гапирса, бұхтончи бошқалар
хақида ёлгон гапларни тарқатиб юради. Бу хилдаги
одамлар халқнинг обрў-номусига, касбу-корига дахл-
дор бемаъни сўзларни тарқатишлири билан оқибат
натижада кўпчиликнинг нафратига учрайди. Бұхтончи-
нинг сири очилгац, қилган бұхтонлари учун ҳатто жа-
зога лойик булиб қолади. Демак, ҳар бир киши бундай
номақбул феъллардан сақланишга қаттиқ тиришиши
ва бундай феъллардан үзини сақламайдиган кишилар-
дан узоқ юришга уриниши лозим.

Хасиддин ал-Ҳасаний

Елгончы булиб яшагандан, умр сурмаган яхши.
«Қўрқит Ота китоби»

Ибни Хатиб айтади:

— Ёлгончиликдан сақланинг, чунки ёлгончилик
фитна-фасодға олиб боради. Ростлик йулини ихтиёр
қилинг, барча эзгуликка стасиз!

Бир ҳаким айтади:

— Кимки ёлгончиликка ўрганған бўлса, у бошқа-
ларни ҳам ёлгончи, деб гумон қиласди.

«Фавоқиҳ ал-жуласо»

Кимки ўзи айлади ёлгон сүзин,
Киэбдек эл чин деса, қолгон сүзин.

Навоий

Энг разил кишилардан бири ёлгончилардир. Бундай кишилар ёлгон нарсаларни накд қилиб, одамлар орасига нифоқ солади. Бирор ҳақида бұлмагур гапларни сенга, сеникини эса уларға еткизади:

Хар киши айтса бирорвнинг айбини сенга қачон,
Сендаги айбни бирорга айтажакдур бегумон.

Мұхаммад Жабалрудий

Ёлгон сүз ила итоб этарсен,
Юз қаҳр бирла хитоб этарсен.
Гар ялгони бұлса зоҳир, эй дүст,
Шарманда бұлурсен охир, эй дүст.

Бобур

Феълу хулку сұzlарида ростлик эрмас аен,
Ман мунча ҳайрон, бу не автор экандур, билмадим.
Қылсалар ҳар вайда шак йуқ мунда ёлғондур бори,
Мунча ёлғон сүз нега даркор экандур, билмадим.

Бағний

Ёлғондан ичилған қасамнинг охири хорлиқдир.
Улим хавфи бұлса ҳам ҳамиша рост сұzlамоқ керак.
Байт:

Эгри юрмоқ бұлса одатинг,
Дилингдан ҳеч гусса кетмайди.
Тұгри бұлғыл, эгри үқ ҳеч вакт,
Нишонга бориб етмайди.

Муиниддин Жувайний

Хар кимки сүзи ёлғон, ёлғони зоҳир бұлғоч уёл-
гон.

Навоий

Барзу ал-Ҳаким айтади:

— Агар сен ёлғончилик балосига дучор бұлмайин десант, үзингта ростгүйлик хислатини шиор қыл, нимаики айтсанг, айттан гапнингта вафо қыл, меҳнатта мұбтало бұлмай десант, меҳнат қылувчиларға раҳм күзи билан бок! Ҳасад дардига йұлиқмай десант, үзгалар,

молу-давлатга етса, хурсанд бўл! Оқил кишиларга ёқ-
май қолишдан қўрқсанг, ҳаётига мин!

«Жовидони хирад»

Ақл аҳли макрингта қачон ўлгай фирсфта,
Ёлғон кароматингни баён қўлмагил абас.

Мунис

Ёлғончи кишининг ўликдан фарқи йўқ. Чунки тирик кишининг фазилати унинг нутқидадир. Тирик киши ёлғон сўзлайвергани учун, унинг сўзларига ҳеч ким қулоқ солмай қўйгач, унинг энди ўликдан фарқи йўқ.

Ёлғончининг дўсти ҳам ёлғончи.

Ёлғон ваъда берини бекорга душман ортиришидир.

«Оталар сўзи»

Ёлғончилик барча гуноҳларнинг бошидир. Ёлғончи уз орзусига стишиш учун ёлғондан иборат сўзларни тўқиёди, уни рост деб исботлаш учун қасамлар ичади. Қасам билан ёлғонни ёпмоқчи бўлади. Бирор киши унинг ёлғончилигини ошкор қўлса уни ўзига душман хисоблади. Натижада икки орада адовать ва жанг со-
дир бўлади. Бу жанг эса кўп кишиларга зарар келтира-
ди.

«Фавоқиҳ ал-жуласо»

Нақд ёлғон нася ошдан яхши,
Ёлғончининг дўсти бўлмайди.

«Оталар сўзи»

Арасту айтади:

— Ростлик йўлида ўлиш ёлғончи бўлиб узоқ яшаш-
дан афзал!

Аммо айтишларича, тўгри сўз ҳар нарсадан яхши.
Бироқ ёлғончи ва ҷақимчидан эшитилган тўгри сўз
ҳам ёқимсиздир. Чунки уларнинг айтган тўгри сўзлари
ҳам одамлар орасида ёлғон сўзлари каби фисқу фасод
кузғотади.

«Фавоқиҳ ал-жуласо»

Эгри дарахтнинг сояси ҳам эгри бўлади.

«Оталар сўзи»

Узларида кашф-ихтиро қуввати бүлмаган кишилар макр-хийла ва найрангбозлик санъати бүйича узларига очик-ойдин маълум бўлмаган турли жинсларни ёқ-лайдилар, ва шу жинсларга ёрдам бериб, турли таълимотларга қарши оёқقا турадилар.

Абу Наср Фаробий

Бўлма утуз олиб оғир соткучи,
Унга кепак, сиркага су қотқучи.

Ҳайдар Хоразмий

Ёнмагил айтгон ҳадисингдин,
Тонмагил айтгон ҳадисингдин.

Бобур

Хам эрур кундтабиатлар эл ичра мумтоз.

Мунис

Бўл саховат боби ичра устароқ,
Чиқиминг булсин кишимга мос бироқ!

Абдибек Шерозий

ГҮЗАЛЛИК, ҲАЛОЛ
МЕҲНАТ, РИЗҚ-РҮЗ,
ЯЛҚОВЛИК
ҲАҚИДА





Киши чиройига ички дунёси эшдир,
Юз кўрки билан унинг феъл-атвори тенгдир.

Юсуф Ҳос Ҳожиб

Кишида икки гўзаллик бўлиб, улар ички ва ташқи гўзалликка бўлинади. Ташқи гўзаликка кишининг барча аъзолари, масалан, кўз, қулоқ, қош, лаб, оғиз, қўл, осқ, қомат киради. Ички гўзаллик эса кишининг ёқимли ҳулқлар билан безанишидир. Бу ҳулқлар мулойимлик, саховат, шижаот, илм, камтарлик, иффат ва шунга ухшашлардир!

Абулбаракот Қодирий

ҲИКМАТ. Икки нарса киши қулида бўлса увол: гўзалликка мағрур бўлган кишига берилган хусн, иккинчиси — гўзаллик қадрини билмайдиган кишига тушиб қолган хотин!

Хуррамий

Гўзаллик ҳам улуғ неъмат бўлиб, у ҳар кимсага ҳам берилавермайди.

Оти гўзалининг ўзи ҳам гўзал бўлавермайди.

«Оталар сўзи»

ҲИКМАТ. Чирой гўзал юзда эмас, чиройли ҳулқда.

ХИКМАТ. Кишини гүзал қилиб күрсатадиган унинг чиройи эмас, балки чиройли ҳулқидир. Чиройли ҳулқ хунук кишини ҳам чиройли қилиб күрсатади. Чиройли ҳулқ чиройли кишиларда мавжуд бўлса, нур аълан нурдир.

Хуррамий

ХИКОЯТ. Бир мансабдор киши ҳақида ҳикоя қилишларича, унинг жаҳли жуда тез, ўта золим, бадфеъл ва ситамкор экан. Айтишларича, унинг бир ўғли булиб, чироида ягона, шўхликда офати замона, ақлда эса тенги йўқ экан. Аммо золим киши ғоғиллиги туфайли уни уйдан чиқармас, дўстларига эса қушмас, доимо якка-ёлгизликда сақлар экан.

Доимо эл кўзидан пинҳон эди ганжи ҳусн,
Дарҳақиқат кимки топса ганж, пинҳон айлагай.
Ганжини эл кўзидан Қорун ниҳон айлар эди,
Лек билмас эрдики, охир пушаймон айлагай!

Хуррамий

Узр сўраб келса душманинг ҳар чоқ,
Үйингдан қувлама, ҳушёр бул бироқ!

Низомий Ганжавий

АЗИЗИМ, сен кечириш хислатини узингта шиор қил, атрофингдагилардан арзимас гуноҳлари учун юз ўтираверма! Уларни афу суви ва марҳамат нуридан баҳраманд эт! Уларнинг аҳволидан доимо хабардор булиб тур! Марҳамат юзасидан шафқат либосини инъом айла! Чунончи айтадилар:

Ўзинг бунёд этган мевали шоҳни,
Ўзинг нобуд этсанг, кўп ёмон бўлар!

Хожа Самандар Термизий

Бирор сендан узр сўраса, узрини қабул эт. Уч олишдан кўра узрини қабул қилишда лаззат кўп!

Муҳаммад Ҳусайн

ХИКМАТ. Ҳар ким гуноҳкор кишини кечира олса, бу улуғлик нишони ва олийхимматлик аломатидир.

Муиниддин Жувайний

ХИКМАТ. Ҳисоб ва сарф муомала учун, узр ва иҳлоҳ дўстлик ва муҳаббат учундир. Байт:

Ҳар кимсага таъна тошини отма,
Гарчи булса ҳамки қайсар ёки шум!
Айбесиз дустларни топмоқ муаммо,
Айтчи, хатолардан ким поку маъсум!
Ҳар ким дустларига хушфесъл бўлмаса,
Дустлик иззатидан бўлади маҳрум! .

Муниниддин Жувайний

ҲИКМАТ. Кичиклар гуноҳини кечмоқ катталар учун чиройли феъл. Байт:

Гуноҳкор гуноҳин кечишдан авло,
Мукофот бўлмагай жаҳонда асло!

Муниниддин Жувайний

Гуноҳкор кишини гуноҳини кечир, адоват илдизини кес ва қўпориб ташла.

Аҳмад Юғнакий

Кечира олишлик мардлик, кечира билмаслик но-мардлик.

«Амир Темур угитлари»

Ҳаддан ортиқ газаб ваҳшийлик келтиради ва бевақт қилинган лутф ҳам обруни кеткизади.

Кошифий

Жонли мавжудотнинг барчаси, шу жумладан инсоннинг ўзи ҳам, табиий равишда пайдо бўлган ва у табиатнинг ривожланиши ва ўзгаришининг натижаси хисобланади.

Абу Райхон Беруний

То бани одам ила олам эрур,
Олам ичиди бани одам эрур.

Навоий

Инсон баъзан мумкин бўлмаган нарсани ҳам қилгиси келади, масалан, абадий булгиси келади.

Абу Наср Фаробий

Инсон ўз суратини ўзгартиришдан ожиз бўлса ҳам, тилсиз ҳайвондан орқада қолишини истамаса, нафсни тозалашдан ожиз бўлмайди.

Абу Райхон Беруний

Табиатга ҳар неки одат булур,
Чу эскирди, одат табиат булур.

Навоий

Хатто (дэхқонлар) ойга қараб ургулар сочиш, экиш,
кучалар ўтқазиш, пайванд қилиш ва чанглатиш, ҳай-
вонларни урчитиш ва бошқа вакъларни аниқлайдилар.

Абу Райхон Беруний

Йүқ хунари ёлгуз эса юз киши,
Қайды киши сонида ёлгуз киши.

Навоий

Кетур элга дили аҳли дилени,
Қабул эт ҳидмати бир муқбилини.
Кимаким лутфу ҳидмат ҳамдам эрмас,
Этур ҳайвони нотиқ, одам эрмас.

Саид Қосимий

Күп күнгүлни бу чаманга боғлама эй андалиб,
Ким, гули мақсуд ҳаргиз очмади гулзори даҳр.

Ҳусайн Бойқаро

Чарх золики жаҳонда ҳеч қилмас вафо,
Оқил эрсанг айлама ул бирла ақди издивож.

Талибий

Ев томондан бирон киши үз жонига омонлик тилаб
келса, уни улдирмангиз.

Ҳадис

Ранж чекмасдан асло ганж насиб қилмас,
Кимки меҳнат қилди баҳтиёр булди!
Хожа Самандар Термизий

Бирор қасбу хунар орқасидан ризқу насибага эга
булиб яшаёттан одам, шу қасбини ўзгартирумасун.

Ҳадис

Бир лирам олмоқ чекибон даст ранж,
Яхшироқ ондинки бирор берса ганж.

Навоий

Дунёда фақат ҳалол е, ҳалол ишла, ҳаромдан топил-
ган мол ҳеч кимга вафо қилмайди.

Мухаммад Жабалрудий

Ҳар дам чекибон минг мاشаққат,
Кун десма ўтган кунингни тундур.

Баєний

ҲИКМАТ. Икки нарса дунёда энг азиздир. Бири құл меңнати билан топилған бойлик. Иккінчisi дилда дүстлик барқарор бұлған содиқ дүст.

Муиниддин Жувайний

Жафо чекмай кишига роҳат үлмас,
Агар күймас ўтунға, жұш бұлмас.

Мажлисий

АЗИЗИМ, то талаб оғи ранжу меңнат тикони билан мажрух бұлмас экан висол құли мақсад гулини өқасига етолмайды. Кишида күчли интилиш бұлмагунича муродининг офтоби Машриқ умиди уфқидан нур сочиб чиқмайды. Чунки гул териш учун тикон захрени чекищ лозим. Ранж чекмасдан туриб, ганж әшигини очиш мүмкін эмас. Демак, мақсадға стишлоқ учун тинимсиз саъй ҳаракат қылмоқ керак.

Хожа Самандар Термизий

Тиларсен ҳосил этсанг номи мардий,
Боини қыл фидойи ахли дарде.
Хомтамаъ одами одам дагул,
Ақлу басарот била ҳамдам дагул.
Кимки тамаъ ришиласина бастандар,
Дарди қабоҳат ила побастадар.

Сайд Қосимий

Ки осон одами мақсуда стмас,
Риєзат тортмайин маъбуда стмас.

Хужандий

Эй үгіл! Бу дунё корхонасида шундай йўл тутки,
кйиган кийиминг ва еган овқатинг ҳалолдан бұлсин!

Абдибек Шерозий

Кимдаки ботини ҳаромдан пок эмас,
Они рухи қобили афлок эмас!

Фаридицдин Аттор

Феълнинг кенглиги ризқнинг мұллиги.

«Оталар сүзи»

Ҳеч биродардан манга келган эмас буйи вафо,
Ахли оламда манингдек пуржафое бормикин?
Мәхр излаб қаҳр курган, шарбат излаб заҳр нүш,
Рүйи роҳат кўрмаган меҳнатадое бормикин?

Мужрим Обид

АЗИЗИМ, ҳар ким бирор ишнинг талабида қадам
қўйса, бу ишнинг қийинчиликларига чидаши керак.
Мақсад каъбаси сари йулга чиқсан одам, заҳмат саҳро-
сидан чўчимаслиги лозим.

Хожа Самандар Термизий

Қачон сочса тупроққа бугдой бирор,
Йўқ имконки ул арпа қилғай дарор.

Навоий

Жигаринг қонини нон қилиб е, аммо текин нон
учун бирорларнинг эшигига ит каби изгиб юрма!

Абдибек Шерозий

Неъматим ошсин десанг уст-устига,
Нон ушогин сочма оёқ остига!

Фаридиддин Аттор

Дастурхонга тўкилган таом ва ушоқларни териб
сайдиган одамнинг гуноҳлари тўкилади.

Ҳадис

Чекмаса деҳқон арақи пой бил,
Емишининг фойдасин топмас эл.

Ҳайдар Хоразмий

Заҳмат чеккан лаззатни яхши билади.

«Оталар сузи»

Дараҳт бесамар улса богида,
Боғбон танида қолмагай ҳаловат.

Дилшоди Барно

Вазифаси юксак одамнинг заҳмати ҳам кўп бўлади.
Заҳмат чекмаган ҳушбахт бўлмайди.

Ҳалол меҳнат билан топилган ва хайрли ишларга
сарфланган бойлиқдан кўра яхшироқ бойлиқ йўк!

«Оталар сузи»

Камол ахли аро, албатта, топгай рутбаи олий,
Маоний касбида кимсаким қилди ҳунар ихлос.

Оғажий

Ер юзида шундай яшашга уринки, топган пулинг
фақат түғрилик орқали келган бўлсин!

Абдигек Шерозий

Бўлмасин оламда ризқим кам десанг,
Масъиятни кам қилғил ғам есанг.

Фариидиддин Аттор

Боқмаса дехқон чаманин туни кун,
Нахли тарин англа қуругон ўтун.

Навоий

Ҳар ким меҳнат қилса, охири пушаймон бўлмайди.
«Махзан ал-улум»

Оқибатуламр бўлур ҳақ зухур,
Меҳнат ўтуб бўлгуси фасли сурур.

Дурбек

Бир ишбилармон ва меҳнаткашдин: «Ночор ва
ожиз киши қандай булади?» деб сурадилар. У киши
шундай деди: «Ночор, ожиз, дангаса, ялқов киши шун-
дай кишики, оилани боқища, нарса топища суст
булади. Гайрати кам, ҳиммати эса паст булади, хотин-
нинг ёнидан чиқмай, уйда ўтираверади».

«Фавоқиҳ ал-жуласо»

Машаққатсиз ҳаёт йўқ бунда асло,
Эзгуликни кўрмасдан умр битар.

Махмуд Кошгариј

ЭЙ ҮГИЛ, ҳунарсиз, дангаса ва ишёқмас кишилар
 билан улфатлик қилма, уларнинг таъсири сенга ҳам
 уради, дангасаларнинг доимий фикру уйи ишламасдан
 катта ейиш, яхши кийинишdir. Улар беҳуда сузлаш-
 ни, вақтни хуш ўтказиши, танини семиртиришни
 уйлайдилар. Семиз кишининг эса дил кўзи бекилган
 булади, доимо ором топиши уйлайди, кўп еб семи-
 риши уйловчи кишиларни донолар «ҳайвон табиатли
 кишилар» дейдилар.

Мухаммад Жабалрудий

Меҳнату ақлу вужуд иттифоқ,
Одамийда булса гар яхни тиљак.
Халқ учун тебратгуси доим билак.

Анбар Отин

Луқмони Ҳаким ўз углига деди:

— Эй углим, ялқовлик күчасига кирма, кўнглинг тор бўлмасин, чунки кимда ялқовлик ва бесабрлик бўлса, у ҳеч қачон баҳтга эриша олмайди!

«Жовидони хирад»

Ҳақиқат аҳликим, чекти бу олам ичра меҳнатни,
Ўшал меҳнат ила охир топар жоҳ ила давлатни.

Пошшохўжа

Узгалардан тамаъ билан нарса тиламоқ кишини танбалликка олиб келади, иззат ва обруни кеткизади, охири кишини баҳтсизлик күчасига олиб келади, кишини шармисор қилиб, назардан қолдиради. Дангаса ва пасткаш кишилар билан улфат булишнинг натижаси шулдир. Демак, сен қудогингга қуйиб олки, пастхимматли кишилар ва хасис табиатли одамлардан узоқлашиш йулини қидир, улар билан яқинлик қилма, уларнинг таъсири сенга уради!

Муҳаммад Жабалрудий

Чу деҳқон чекмаса жавру жафосин,
Емишларнинг киши кўрмас вафосин.

Мажлисий

Ёз офтоби — кишига дори.
Меҳнат саломатлик гарови.

Мискин

Ед этмас эмиш кишини гурбатга киши,
Шод этмас эмиш кўнгулни меҳнатда киши.
Кўнглум бу гарибликда шод улмади, оҳ,
Гурбатда севинмас эмиш албатта киши.

Бобур

Киши ўз меҳнат ва машаққат чекишлиари жараёнида гарчи у инсонларнинг энг ақллиси ва энг зийраги бўлса ҳам, ҳамиша шоду хурсандликни орзу қилиб, севинч келтирадиган нарсаларга мойил булади ва ёлғон кўриладиган нарсалардан торгинади.

Абу Райхон Беруний

Давлатқа етиб мәҳнат элинин унутма,
Бу беш күн учун ўзунгни асру унутма.

Бобур

Гаму мәҳнатародур эътиборим,
Ки мумтоз үлди хористон аро ут.

Мунис

Заҳмат била топқонингни ўзингдин аяма ва мәҳнат
била йиққанингни дустлар билан душманлар учун ас-
рама.

Навоий

На хушдур эмгак ичра топса роҳат,
Чу марҳамдур, туташса гар жароҳат.

Мажлисий

Мәҳнат камола етмай, роҳат нишони қайда,
Топмас иложи корин бечора осий банда.

Толиб Толибий

Келиб ишрат, яна мәҳнат туганди,
Кетиб мәҳнат, яна давлат уланди.

Мажлисий

Дикар нахле чекиб мәҳнат бирорлар,
Вале андин кўрар роҳат бирорлар.

Аваз Утар

Роҳат муяссар ўлмас то чекмасанг машиқкат.
Оразий

Билурсан заҳмина чун тоқатинг йўк,
Қулингни суқмагил акраб инина.

Сайфи Саройи

Кўп ётма, саҳар уйгона кўр арзи самога,
Ғофил юрма, булма гирифтор балога.

Машраб

Тунда ухлагач, кундузи яна ухлаш умрни исроф
қилишдир.

Кўп ётиш хасталик келтиради.

Уйкудаги одамнинг уйғоқ одамдан хабари бул-
майди.

«Оталар сузи»

Дангасалик ҳар вақт инсонни хор қилур.
Абдулла Авлоний

Ялқовлик туфайли ишламай камбагаллашған киши-
ни барча ёмон қуради, дүстлари ҳам ундан узоклаша-
ди, болалари ҳам менсимай құяди, камбагаллик барча
балоларнинг бошланишидир.

«Фавоқиҳ ал-жұласо»

Бұлса таңбаллық кишининг пешаси,
Теккай оғина хорлик тещаси!
Фариғиддин Аттор

Зур бирла хүшбахтлик ҳосил бўлмас.
Сидкий Ҳондойлиқий

Езда дангасага: «Эшикни оч!» десант, «Ташқари
совуқ», дейди. Бошингни фақат уз тирноқларнинг би-
лангина қаший оласан. Умрини дангасалик билан ут-
казган одамга ҳеч қачон муваффакият ёр булмайди.

«Оталар сұзи»

Жаҳонда ниш кўрмай, нұш бўлмас,
Муродин топмайин ошиқ қувонмас.
Мажлисий

ҲИКОЯТ. Айтишларича, бир ялқов қизни узидан
ҳам ялқовроқ йигитта турмушга бердилар. Отаси қизи-
га қараб деди: «Мана бу юмшоқ курпалар ва жиҳозлар-
дан роҳатланиб фойдаланиб олинглар, имоним комил-
ки, сизлар юз йил турсаларингиз ҳам камбагалликдан
узга нарса туғдира олмайсизлар!»

«Фавоқиҳ ал-жұласо»

Вақтни бекор утказиш аҳмоқликдир.
Бекор юргандан кура душманга тош ташиған аф-
зал.
«Оталар сұзи»

Ҳар кимки даҳр шоҳлигин айлади ҳавас,
Бордур насиб гуссаи фикри жаҳон анго.
Оғажий

Эрінчоқдик ва ялқовлик кишини яхши ишлар қи-
лишдан қайтаради, ғайратни йүқотади, касбу кор би-

лан шугулланишдан қолдиради. Баъзи дангаса кишилар гайрат қилиш ва ҳаракатни кучайтириш ўрнига оғир кунга тушиб қолганда құлни қовуштириб, айни тақдирга тұнкайдилар.

«Фавоқиҳ ал-жұласо»

Заҳматни машшота чекади, аммо лаззатни күсв тортади.

Күнгли балиқ тусаганнинг оғиғи совуқ сувда бұлади.
Күп өтадиган одамнинг умрида барака кам бұлади.
Күп өтган оз яшайди.

Кечаси шароб ичиб, кундузи ухлашыдан хонумон барбод бұлади.

«Оталар сүзи»

Булбул чекадур ҳазор нола,
Гул ёнина чунки хор бордир.

Хофиз Ҳоразмий

Ҳакимлар тайинлаб айтадиларки, ялқов кишилар билан улфат бўлишдан қочиш зарур. Чунки улардан маслаҳат сўралса, улар ўзларининг ялқовлик нуқтаи назаридан маслаҳат берадилар. Улар бўладиган ишни ҳам ўзларининг кувват ва идроки тақозоси билан бўлмайдиганга чиқарадилар, кишини гайрат кўчасидан четта чиқарадилар.

«Фавоқиҳ ал-жұласо»

Ки занбур кошонасин эт ватан,
Даҳонингни доим шакар айламиш.

Увайсий

Минг йил подшолик қилди-ю Захҳок,
«Ёмон» деган номи қолди жаҳонда.
Кисро давлатидан асар йўқ, бироқ,
«Одил» деган номи тақрор ҳар оңда!

Мажидиддин Ҳавофий

Дилозорларнииг ҳаммаси дўзахга маҳкумдир.

Хадис

Нотинч қўнгилга ширин уйқу келмайди.

Тинч яшашни истасанг, пасткаш одам билан душманчилик қилма.

Молу пулинг кетса кетсин, аммо вақтингни зос кеткизма.

Тозалик саломатликнинг энг биринчи сабаби ва иллатлардан қутулишнинг улут йўлидир.

Тозалик баданинг кувватини кўпайтиради ва гўзалигига гўзаллик қўшади.

Гузал юз куз нурини оширади.

Езувига бокма, ёзганига бок.

Тинчликдан кура улкан неъмат бўлмайди.

Мухтожлиги кам одамнинг умри узоқ бўлади.

Саломатликдан кура яхшироқ бойлик йўқ.

Бели яра отнинг бошига тушган иш соглом отга осон кўринади.

Ғамлардан, дардлардан озод ҳар юрак,

Узганинг дардини қандайин билсин?!

Тинч булагай десанг, нафсинг хошишига қарама-қарши иш қил.

Саломатликнинг қадри кеттандан сўнг билинади.

Үйқута кетиш жонни бир нафас хатарга топширишдир. Чунки уйқу улим элчиси.

«Оталар сўзи»

Гар қўймасанг бу олам аро накўномлиғ,

Олтунга суд топмагунг отингни қоқтириб.

Комил Хоразмий

ҲИҚМАТ. Ҳақиқий кўз эгаси шундай кишики, ўз феъл ва сўзига ҳамиша танбех назари билан қарайди. Доно юрак эгаси шундай кишики, дунё саройида яхши ишлар орқали маломатга қолмайдиган яхши номта эга булиб кетади.

Муиниддин Жувайний

Кўрклиқ тўнинг ўзининга,

Тотлиғ ошинг ўзининга.

Қўноққа кўргиз иззат,

Ейсин шаънинг узоққа.

Маҳмуд Кошгариј

Йигит бўлса-ю, ундан ҳеч кимса оз бўлса-да бир фойда курмаса, уни йигит деб бўлмайди. Агар кишидан дунёда бирор ёдгорлик қолмаса, уни одам ҳисоблаш нораводир. Агар инсондин дуниёда бирорта китоб ёки иморат қолса, у тириклар қатори йўқланади ва ундан киши ўлик, деб ҳисобланмайди.

«Фавоқиҳ ал-жуласо»

Кур бұл, шол бұл, ном қолдир,
Яхши ном қозониш улкан бойлик топищдан афзal.
«Оталар сузи»

Анушервон бир куни Юнондан:

— Эңг яхши яшаш қандай яшаш? — деб сүради.

— Саломат бұлиш ва хотиржам яшаш эңг яхши яшаш! — деб жавоб берди у ва давом этиб деди: — Аммо яхши ном қолдириш абадий яшаңдир!

«Жовидони хирад»

Кимики одамлар орасини бузиб юрувчи булса, у ҳам аҳли исломдан әмас.

Хадис

Бу муддатни ғанимат бил, бу фурсатда вафолар қил,
Бу иззат бирла бұл күп йил халойиқнинг севар жони.

Сайғи Саройн

Яхшилик яхши ном келтиради, саховат эса кишини баҳтиәр қиласы.

Мұхаммад Ҳусайн

Ёмөн отли киши үлік билан тенг,

Яхши үлса ҳамки тирик әл аро.

Шундай яшагингки сен үлсанг агар,

Бошға тупроқ сочиб чексингилар наво!

Мұхаммад Жабалрудий

Хулқи хушни пеш қил, халқ ичра беозор бұл.

Толиб Толибий

Боқмас жақон совуқ сұз,

Шилқим, юзсиз баҳилга,

Ёқимли бұл, хүшхулқ бұл,

Қолсин номинг күп йилга.

Маҳмуд Кошгариј

Нағс душмандуур яқин билгил,

Дұстум бу сұзумни чин билгил.

Бобур

Инсон ҳар доим қувноқ, хүшчақчақ булиши ва баҳтиәр яшамоги лозим.

Абу Наср Фаробий

Мақсад на эди жаҳона келдинг,
Кайфиятини баён этиб кет.

Нодира

Ғанимат тутмади тоғифил, чу ўткарди ҳаётини,
Вале қылмадики жонига бир зарра нажотини.
Ки йигди бу жаҳоннинг мунча асбоб-олотини,
Бу молдин зарра хайр айлаб, чу бермади закотини,
Сайдийким, бу ишларни суви йўқ анҳоре курдим.

Сайдий

Яша сен барча эл топар роҳат,
Иzzат авжиди накуном яша.

Сидқий Ҳондойликий

Эл ичра ишла, эл бирла тирик булгил амалда,
Ки, танҳо ном чиқармас яхшиликда, дедилар устоз.
Дилшоди Барно

Яхши авсоғ била қил ушбу жаҳон ичра сулук,
То санинг авсоғинг ўлгай олам ичра достон.

Пошибохужа

Қолмади ҳурмат аҳли оламда,
Оламу олам аҳлидин юв илик.

Бобур

Декон үгли, сог бул, мудом яша,
Шодлик билан субху шом яша.

Сидқий Ҳондойликий

Оқил улдурки билиб умр ила давлат қадрини,
Ҳақ ризосини тилабон хайр ила эҳсон айлар.
Роқим

Хуш улким ани жисми бўлғоч ниҳон,
Ки андин қолур даҳр аро бир нишон.
Хиромий

Кимики кузи ожиз одамни қирқ қадам етаклаган
булса, унинг жаннатга кириши муқаррардир.

Ҳадис

Гул тилаган хор жафосин чекар,
Кимки асал олса, ариси тегар.
Дурбек

Егил зердастлар гамин зинҳор,
Санга ҳам забардаст эрур рўзгор..

Оразий

Юз хайфки зоеъ утибдур умри азиз,
Афсуски ботил борадур умри азиз.

Бобур

Сенсиз манга керакмас рубъи маскун,
Гарчи қарин эса ҳар бир умри жовидона.

Баёний

Ишинг ўнгдан келиб зафар бўлса ёр,
Уэр сўровчилар узрин қабул қил!
Гуноҳкор уз феълин қурбони бўлар,
Афу хиди тегса тирилади, бил!

Муҳаммад Ҳусайн



МУАЛЛИФЛАР ВА МАНБАЛАР ҲАҚИДА МУХТАСАР МАЪЛУМОТ*

АМИР ТЕМУР

Соҳибқирон Амир Темур 1336 йили Шаҳрисабз яқинидаги Хўжа Илгор қишлоғида барлос уруғидан бўлмиш Баҳодур Муҳаммад Тарогай хонадонида дунёга келди. Амир Темур ёшлигидан барча билимларни, тарих, жуғрофия, фикҳ, Қуръон ва ҳадисларни пухта ўрганди, Амир Кулол сингари шайхларнинг тарбиясиги кўрди: ҳарбий юришиларда иштирок этди; 1361 йили Кеш вилоятига ҳоким бўлди. Ҳарбий тактика ва стратегияда якто даражасига этди.

Амир Темур узоқ давом этган жанг умумиётлардан сўнг охирги мўғул ҳукмронларидан бири Ҳусайнни орадан кўтариб, 1371 йили «Амири Темури Курагон» номи билан Мовароуннахру Хурросоннинг ягона ҳукмдорига айланди. У оз фурсатда Волғабўйи, Олтин Ўрда, Эрон, Туркия, Кавказ, Ироқ, Миср ва бошқа үлкаларни тадбиркорлик, адолат билан бирлаштириб, ягона улкан империяни ташкил этди. Амир Темур 1405

* Китоб оммавий напр бўлганилиги туфайли библиография қонсаларига изчил риоя қилинмаган. — *Муҳ.*

йили Хитой юриши арафасида касалга чалиниб, Үтрор шаҳрида вафот этди.

Темур ва Темурийлар даврида Ҳуросону Ҳиндистон, Эрону Арабистонда маданият, илм-фан, тасвирий санъат, адабиёт янги тараққиёт босқичига кўтарилиди. У шеъриятни севган, ижодкорларни эъзозлаган, Қуръоннинг баъзи оявларини тафсир этган. Ӯзи ҳам «Темур тузуклари» номли панднома яратган.

АЛИШЕР НАВОЙӢ

1441 йил 9 феврал. Ӯзбек мумтоз адабиётининг асосчиси ва қуёши, адабий тилимизни камолоттга стказган Амир Низомиддин Алишер бинни Ғиёсиддин Навоий Ҳирот шаҳрида Темурийлар хонадони амирларидан бўлмиши Ғиёсиддин Кичкина оиласида таваллуд топди.

1445 йил. Мактабга бора бошлади. Мактабда бўлаҗак подшо Ҳусайн Бойқаро билан бирга ўқиди ва у билан умрбод дўстлашиди.

1447 йил. Ота-онаси билан биргалиқда Ироқقا кучди. Йулда XV асрнинг буюк тарихчиси Шарафиддин Али Яздий билан учрашди ва унинг дуосига мушаррафа бўлди.

1449 йил. Оила Тафтдан Ҳиротга қайтиб келади ва Алишер яна ўқишни давом эттиради.

1452—1457 йиллар отаси Ғиёсиддин Кичкина Абул Қосим Бобур саройида хизмат қилади. Уни подшо Сабзвор шаҳрига ҳоким қилиб жўнатади.

1456 йил. Алишер Машҳадга ўқишга кетади.

1457 йил. Абул Қосим Бобур вафот этади. Абу Сайд Мирзо Ҳирот таҳтини эгаллайди. Алишерни саройга ишга олади.

1459 йил. Алишер Абдураҳмон Жомий билан танишади. Бу танишув буюк дўстликка айланади ва умрбод давом этади. Навоийнинг Ҳусайн билан дўстлигидан чўчиган Абу Сайд шоирни Самарқандга жўнатади.

1467—1469 йиллар. Навоий Самарқандда ўқиди. Бу ерда у машҳур олим Фазлулоҳ Абулрайс ва бошқа стук донишманлар қўлида таълим олди. Замонаси-нинг жуда кўп олимлари, шоирлари, мусиқачилари, меъморлари ва санъатнинг бошқа турлари вакиллари билан танишди.

1469 йилнинг боши. Ҳирот таҳтини Ҳусайн Бойқаро эгаллади.

1469 йилнинг апрели. Ҳусайн Бойқаро чақириғига

биноан Навоий Ҳиротга қайтди. Уни подшо муҳрдор этиб тайинлайди.

1472 йил. Навоий амир (вазир) этиб тайинланади.

1476 йил. Навоий вазирликдан истеъфо беради. Энди у давлат ишларидан йирокда астойдил бадиий ижод билан шугуллана бошлайди.

1483—1485 йиллар. Навоий уз ичига «Ҳайрат ул-абор» (1483); «Фарҳод ва Ширин» (1484); «Лайли ва Мажнун» (1484); «Сабъаи сайёр» (1485); «Сади Искандарий» (1485) достонларини олган буюк «Ҳамса» асарини яратди.

1487 йил. Ҳусайн Бойқаро Навоийни Астробод шаҳрига ҳоким қилиб тайинлади.

1489 йил. Шоир Астрободда икки йил ишлагач, Ҳиротга қайтди.

1488—1501 йиллар. Бу давр давомида Навоий қўйидаги асарларни яратди:

1. «Тарихи мулуки Ажам» — 1488 йил.
2. «Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер» — 1490 йил.
3. «Рисолаи муаммо» — 1491 йил.
4. «Мажолисун-нафоис» — 1491—1493 йиллар.
5. «Ҳамсатул-мутахайирин» — 1492—1494 йиллар.
6. «Муншашот» — 1492 йил
7. «Мезонул-авzon» — 1492 йил.
8. «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад» — 1496 йил.
9. «Насойимул-муҳаббат» — 1496 йил.
10. «Ҳазойинул — маоний» — 1491—1498 йиллар.
11. «Девони Фоний» — 1491—1498 йиллар.
12. «Лисонут-тайр» — 1498—1499 йиллар.
13. «Муҳокамат ул-лугатайн» — 1498—1499 йиллар.
14. «Маҳбуб ул-қулуб» — 1500 йил.

Булардан ташқари қўйидаги диний-аҳлоқий асарларни ҳам ёзган:

«Назмул-жавоҳир» — 1485 йил.

«Тарихи анбиё ва ҳукамо» — 1488 йил.

«Сирожул-муслимин» — 1488 йил.

1501 йил 3 январ. Буюк Навоий дунёни тарк этди. Ҳусайн Бойқаро буйргугига кўра бутун мамлакатда мотам эълон қилинди. Куплаб шоирлар Навоий вафоти муносабати билан марсиялар, тарихлар яратдилар.

«АВЕСТО»

«Авесто» зардуштийлик-оташпарастлик динининг муқаддас китоби булиб, унинг дастлабки қисмлари

эрамиздан олдинги биринчи мингинчى йилларда пайдо була бошлаган. Еттинчи асрнинг бошларига келиб кўпхудолик ва кўпқурбонликка қарши якка худо гояси тарафдорлари кўпайиб боради. Уларни Хоразмнинг тұябоқар қабиласидан чиққан Зардұшт башқаради. Түрон ҳокими Аржасп Зардұштни тутиб үлдириш ҳақида фармон чиқаради. У 300 тарафдорлари билан Эронга қочиб утиб, Исфаҳон шаҳрида янги динга асос солади.

Оташпарастлик коҳинлари «Авесто»ни узил-кесил шакллантирадилар. У 12 минг ҳўқиз терисидан қилинган қоғозга битилади. Вендиод, Ясна, Виспарад, Яшт, Гот каби беш қисмдан иборат «Авесто»да зардустийлик динининг қонун-қоидалари, ибодат даврида ижро этиладиган қушиқлардан ташқари қадимги Түрон ва Эроннинг тарихи, табиати, илм-фани, таълимтарбия, табобат, жамоани бошқариш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, оила ва шахсий поклик, чорвачилик, дәхқончилик, боғдорчилик, савдо-сотиқ, бола тарбияси ҳақида қизиқарли маълумотлар бор. Масалан, «Авесто»да табиб қасамеди, табобат рамзи, қасалларнинг ўн хил муолажа йўллари курсатилган. Амударе соҳилларида яшаган халқларнинг касб-кори, минтақа табиати, жўғрофияси ҳақидаги мулоҳазалари гоятда қимматлидир.

Хуллас, «Авесто» тарихий, илмий, маънавий-маърифий қимматга молик энг қадимги манбадир

ОТОЙИ

Отойи XV асрнинг биринчи ярмида Балх шаҳрида туғилган. Исми маълум эмас. Аҳмад Яссавий авлодларидан булиб, стук лирик шоир эди. Қанча йил умр кўрганлиги маълум эмас. Ҳиротда уқиб, замонасининг стук билимдон кишиси булиб етишган. Маълум муддат Мирзо Улугбек саройида хизмат қилган, деган фикр бор.

Ундан кўплаб лирик шеърлардан иборат девон мерос қолган. Шоир девонининг ягона қўллэзмаси Русия Шарқшунослик илмий-тадқиқот институтининг Петербург билимдида сақланмоқда. Унда 260 тағаззул бор.

Бизнинг давримизда Отойи девони тұла ҳолда биринчи марта Тошкентде 1994 йили чоп этилди. Китобни истеъдодли олим Сайфиддин Рафъиддинов нашрға

тайерләди. Бундан ташқари, унинг шеърлари турли түпламларда күп марта нашр қилинган.

АБДУЛЛА АВЛОНИЙ

Авлоний 1878 йил 12 июлда Тошкентнинг Мерган-ча маҳалласида тўкувчи Миравлон ака оиласида таваллуд топди. Аввал ўқида бошлангич мактабда, сунг шаҳар мадрасаларидан бирида таҳсил олди. Бироқ кўпроқ мустақил ўқиб-урганди, тез орада уз даврининг саводхон, маърифатпарвар кишисига айланади. Авлоний асrimiz бошларида улкамизда авж олган жадидчилик ҳаракатининг фаол иштирокчиси сифатида миллат болаларини саводхон қилиш, улардан етук олимлар, мутахассислар тайерлаш, Ватанин озод куриш, фаронвон этиш йулида фидойлик билан меҳнат қилди. Ана шу мақсадда жуда күп жабҳаларда фаол иш олиб борди. 1907 йил уз уйида «Шуҳрат» номли газета нашр қилди. Бу газета саҳифаларида миллат равнақи учун куйиб-пишиб ёзилган таъсирчан мақолаларни ўқиши мумкин эди. Уз маҳалласида янги усуздаги мактаб очди. «Усули жадид» мактаблари учун тўрт қисмдан иборат «Адабиёт ёхуд миллӣ шеърлар», «Биринчи муаллим», «Иккинчи муаллим», «Мактаб гулистони», «Туркий гулистон ёки ахлоқ» каби дарслик ва ўқиш китобларини тузди. Мактаб-маориф ишларига ёрдам кўрсатиш мақсадида хайрия жамияти ташкил қилди. «Нащриёт» ширкати тузиб, Хадрада «Мактаб кутубхонаси» китоб дўконини очди. У ташкил қилган «Турон» группаси (1913) улкамиздаги биринчи профессионал театр труппаси эди. Адиб драматургияда ҳам унумли фаолият олиб борди. Татар, Озарбайжон драматургари ning асарларини узбек тилига таржима қилди, узи ҳам «Пинак», «Адвокатлик осонми?» номли пьесалар ёзиб, саҳнага қўйди.

1919—20 йилларда Авлоний Ҳиротдаги совет элчи-хонасида Бош консул вазифасида ишлади. Хизматдан қайтгач, маърифатпарварлик фаолиятини давом эттириди. Ҳарбий ўкув юргида, Урта Осиё Коммунистик университетида, Урта Осиё Давлат университетида узбек тили ва адабиётидан дарс берди, профессор дараҷасига кўтарилди. «Меҳнат қаҳрамони» унвонига сазовор бўлди.

Маърифатпарвар адиб, педагог, театршунос, но-

шир ва жамоат арбоби Абдулла Авлоний 1934 йили 25 августда Тошкентда вафот этди.

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ

Абу Райҳон Беруний 973 йили Хоразмнинг Киёт қишлоғида зиёли оиласида дунёга келади. Аввал хусусий муаллимларда, сұнгра Күхна Урганч мадрасасида таълим олади. Хоразмшоҳ Мамъун академиясини бошқаради. Марказий ҳокимият Фазнавийлар қулига утгач, Султон Маҳмуд фармонига кұра Беруний бошчилигидаги бир гурӯҳ олимлар Фазнага боришига мажбур буладылар.

Маҳмуд Фазнавийнинг Ҳиндистон сафарларида Беруний ҳам ҳамроҳ булиб, қадимги хинд тили, табиати, маданияти, адабиетиу тарихини ўрганади. Масъуд Фазнавий Беруний учун маҳсус ижодхона қурдириб берган. Қомусий билим соҳиби Беруний 1048 йили Фазнада вафот этгани. Беруний «Масъуд Жадвали», «Ҳиндистон», «Сайдана» (доривор үсимликлар ҳақида), «Қадимги аждодлардан қолтан ёдгорлик», «Геодезия» сингари 150 дан зиёд асарлар, ёзған, қадимги хинд эпослари «Вед», «Маҳобхорат»ни, шоир Үнсурийнинг «Хингбут ва Сурхбут», «Шодбаҳр ва Айнұлҳаёт» достонларини араб тилига таржима қилған.

АНБАР ОТИН

Анбар Отин 1870 йили Қўқонда зиёли оиласида туғилган. Анбарнинг шоира булиб етишида Увайсий ва Дилшоди Барноларнинг ўрни катта булган. Зероки, Анбарой Увайсийнинг жияни булиб, 7 яшарлигидан Дилшоди Барно мактабида уқиган. Анбарой ёшлигиданоқ ўзининг нозик диди, зукколиги билан маҳалла аёллари орасида катта шуҳрат ортирган. Бир куни Омил мингбоши уйидаги маърифий базмда Анбар Отин зинадан йиқилиб, бир умрга шол булиб қолади. Аммо ногиронлик Анбар Отин руҳиятини сундирмайди. У Жомий, Навоий сингари шоирларга эргашиб жүшқин лирик шеърлар, маърифатпарварларлик руҳида шеърлар ёзди, Россия олиб бораётган истилочилик сиёсатини қоралаб асарлар битди: юрти истиқлолга эришиб, хур замонлар келишини орзу қилди:

Келиб хүшнуд авлодим, мани мулким қилур обод,
Бу вайрона диеримда шаҳарлар айлагай бунёд.

Анбар Отин 1910 йили ижтимоий-сиёсий руҳдаги «Қоралар фалсафаси» асарини ёзди. Шоира 1915 йили вафот этган.

АҲМАД ЯССАВИЙ

Аҳмад Яссавий XII асрда яшаган атоқли узбек шоирнидир. У XII асрнинг бошларида Туркистоннинг Ясси шаҳрида зиёли оиласида туғилган. Дастилабки таълимни бобоси Арслонбободан олган. Сунг Бухорога бориб, мадрасада ўқиган, машҳур шайхулислом Юсуф Ҳамадонийдан сўфизм таълимотини урганган.

Туркистонга қайттач сўфизмнинг Яссавия йулига асос солган. Уз таълимотини ҳалқ орасида тез ва кенг ёйиш мақсадида Яссавий куплаб шеърлар ёзган. Кейинчалик улар «Девони ҳикмат» номи билан алоҳида китоб ҳолига келтирилган. Яссавий 1166 йили вафот этган.

АБУЛБАРАКОТ ҚОДИРИЙ

«Качкӯли Султоний» асари Абулбаракот Қодирий ибн Мұхаммад Насруллоҳ қаламига мансуб. У машҳур хинд тарихчиси, «Тарихи Акбарий» ва «Оини Акбарий» каби йирик асарлар муаллифи Абул Фазл Муборак Алломий (1541—1602)нинг акаси. «Качкӯли Султоний» бобурийлардан Акбаршоҳ даврида ёзилган. «Качкӯл» деб гадойларнинг нарса соладиган идишига айтилади. Гадойлар нима топса, качкӯл идишига аралаштириб ташлайверадилар. Баъзи олим ва шоирлар ҳам хаёлга келган фикрини ифодалаб ёки бошқа олимларнинг асарларидан ёқтириб қолган ҳикмат ва ҳикоятларни туплаб, китоб шаклига келтиргандар ва уни «качкӯл» деб атаганлар. Шарқда качкӯл тузин анъана-га айланган булиб, Шарқшунослик институтида бундай качкӯллардан анчагина бор. Абулбаракот Қодирий ҳам шу йўлдан бориб, ижтимоий фанларга оид кўпгина фикрларни ифодаловчи качкӯл тузган ва уларни маҳсус бобларга ажратган. Бу асар қўлёзма ҳолида кенг тарқалган.

АҲМАД ЮГНАКИЙ

Таниқли туркийгүй шоир Аҳмад Югнакий XII асрнинг охири ва XIII асрнинг бошларида яшаб ижод этган. У Самарқанд яқинидаги Югнак қишлоғида зиёли хонадонида дунёга келган. Самарқанд мадрасаларида таълим олган, тұрма күр бўлган. Ундан бизга қадар «Ҳибат-ул-ҳақойиқ» (Ҳақиқатлар армугони) достони сақланиб қолган. Ун тўрт бобдан иборат дидактик достонни шоир зодагонлардан Додсипоҳсоларга бағишилаган. Асарнинг бизгача бир неча қул ёзмаси етиб келган. Алишер Навоий ҳам «Насойимул муҳаббат»да шоирни эслаб «Ҳибат-ул-ҳақойиқ» дан бир байт келтирган. Достонда илм урганишининг фойдаси, ширинсуханлик, камтарликнинг фойдаси, такобур, хасислик, аччиқзабонликнинг зарари хусусида фикр юритади.

АВАЗ УТАР

Аваз Утар 1884 йили Хивада сартарош оиласида туғилади. У дастлаб мактабда, кейин Хива мадрасаларида үқыйди. Отаси Полвонниёз уша вақтдаги Хоразм шоир ва олимлари билан яқин дўст бўлгани, үқимишли зиёли бўлгани учун угли тарбиясига жиддий эътибор беради.

Аваз Утар 18 ёшидаёқ зукко шоир сифатида шуҳрат қозонади. У Муҳаммад Раҳимхон-Феруз саройидаги адабий муҳитга жалб этилади. Лекин орадан кўп ўтмай у сарой доирасидаги ижодкорлар билан, хон билан келища олмайди, танқидий руҳда шеърлар ёза бошлайди. Шунинг учун хон ҳукми билан 200 дарра калтакланади. Озарбайжон, татар, турк ва рус тилларидаги газеталарни үқиб бориш натижасида Ҳофиз, Навоий, Бедил каби Шарқ мутафаккирларига эргашиб лирик газаллар ёзиш билан бирга, маърифатпарварлик руҳидаги шеърлар ҳам ижод эта бошлайди. Аваз Утарнинг «Мактаб», «Тил», «Фидоий ҳалқим», «Уламоларга», «Сипоҳийларга» сингари қатор асарлари бевосита миллий уйғониш давридаги ирфоний гоялар билан сугорилган. Аваз Утар 1919 йили оғиркасаллиқдан вафот этган.

АБДИБЕК ШЕРОЗИЙ

Хожа Зайн ул-Обидин Али Абдибек Шерозий (1515—1580) ўрта аср Шарқининг кўзга куринган истеъоддли шоирларидан биридир. Унинг ижоди шу пайтгача тулиқ урганилган эмас. Абдибек Шерозий фақат шоиргина бўлиб қолмай, моҳир тарихчи ҳам эди. Унинг «Такомилат ал-ахбор» номли тарихий асари бизгача етиб келган бўлиб, бу асар Ўрта Осиёning XV—XVI асрлардаги сиёсий ва иқтисодий аҳволи ҳақида қимматли маълумотлар беради.

Абдибек Шерозий узидан жуда катта адабий мерос қолдирган. У учта «Ҳамса» ёзган. Бундан ташқари учта газаллар девони тузган, иккита таржима асари бор ва купгина бошқа ҳар хил рисолалар муаллифи. Унинг шу кунгача фақат тўққизта асари босилиб чиқсан, холос. Сўнти пайтда унинг унинчи асари, яъни биринчи «Ҳамса»сининг бешинчи достони «Ойнаи Искандарий» асари босмадан чиқди. Форс тилидаги бу достоннинг танқидий матнини Абдулфазл Ҳошим ўғли Раҳимов амалга оширган. Бу танқидий матн Москвада «Наука» нашриети томонидан чоп этилди.

БОБОРАҲИМ МАШРАБ

Машҳур исенкор шоир Бобораҳим 1641 йили Намангандаги оиласидан дунёга келган. Дастреб у эшон Мулло Бозор Охунд қулида таълим олади; диний ва дунёвий билимларни эгаллайди, «Машраб» тахаллуси билан шеър ёза бошлайди. 25 ёшида уни Қашқардага шайх Офоқхужага мурид қилиб жунатадилар.

Аммо бу ерда пиру муршидлик узоқ давом этмайди. Жўшқин қалб соҳиби Маширб Офоқхужа даргоҳидаги канизаклардан бирини севиб қолади. Буни сезиб қолган шайх шоирни бадном қилиб, уз ҳузуридан ҳайдаб юборади. Шундан сўнг Маширб Самарқанд, Хўжанд, Бухоро шаҳарларини кезиб юради; Қубодиёнда Сўфи Оллоёр билан учрашади. 1711 йили Маширб Балхга келади, вилоят ҳокими Маҳмуд Қатагон уни исломга шак келтирганликда айблаб, дорга осиб улдиртиради.

Маширб уз асарларини тўплаб, девон тузмаган бўлса-да бизга қадар унинг каттагина шеърлар тўплами етиб келган; «Мабдаи нур» китобини ҳам Маширбага

нисбат берадилар. Халқ у ҳақда «Девонаи Машраб» қиссасини яратган. Машраб ўз асарларида дунёвий севгини, илохий ишқ, адолат ҳамда ҳақиқатни тараннум этди.

БАЁНИЙ

Шоир, олим ва таржимон Мұхаммад Юсуф Баённий 1840 йили Хевада зиёли оиласида туғилади; хусусий муаллимларда таълим олади, мадраса хатмидан сүңг Феруз саройидаги адабий мұхитта дохил бұлади; девонбеки вазифасида ишлайди. Ўз давридаги барча билимларни мұкаммал әттілеккен Мұхаммад Юсуф Мунис, Отахайлар изидан бориб «Баённий» тахаллуси билан шеърлар ёза бошлайди. Баённий 1923 йили вафот этган.

Баённидан бизга қадар шеърлар девони, «Шажараи Хоразмшохий», «Хоразм тарихи» китоблари мерос қолған. Унинг девонида ишқий ғазаллар билан бирга илгор илм-ғанни, үлкага кириб келаёттан янги техника, маърифий фикрларни тарғиб этадиган шеърлар ҳам мавжуд. Шоирнинг илмий асарлари XIX аср Хива хонлиги тарихини үрганишда энг мұкаммал ва мұътабар манбалардан ҳисобланади. Улар таркибида турли жанрлардаги бир қанча шеърлар ҳам мавжуд.

БАРХУРДОР ИБН МАҲМУД

«Маҳбуб ул-қулуб» (Күнгилларнинг севгани) асари XVII аср охири ва XVIII аср бошларыда яшаган Бархурдор ибн Маҳмуд Туркман Фарохий томонидан өзилған. Асар муаллифи жуда күп шаҳарларда умр кечирған киши. У аввало «Маҳфилоро» номли ҳар хил ҳикоятларни ўз ичига олган асар өздиди. Бироқ бу асар душманлар ҳужуми пайтида құлғыма ҳолида йўқолади. Муаллиф эсида қолғанларини қайта тиклайди ва уни «Маҳбуб ул-қулуб» деб атайди.

ГАДОИЙ

Гадоий XV асрда яшаб ижод этган забардаст ўзбек шоирларидан бири ҳисобланади. Алишер Навоийнинг «Мажолисун нафоис» (Нафис мажлислар) тазкирасида берган маълумотига қараганда шоир 1403 йилда туғи-

либ, 90 йил умр куриб оламдан утган. Гадоийнинг хаёти ва ижодий фаолияти ҳақида бошқа маълумотлар йўқ. Шоирнинг бизгача сақланиб қолган девонининг ягона қулёзмаси Париж миллий кутубхонасида сақланади. У газаллардан ташкил топган. Ўз шеърларида Гадоий чин инсоний хислатларни тарғиб қиласди:

Васли нигору фасли баҳору шароби ноб,
Ҳар кимга даст берса, зиҳи, баҳти комеб.

ГУЛХАНИЙ

XVIII асрнинг охирги чораги. Атоқли ҳажвчи шоир, узбек масалчилигининг йирик вакили Мухаммад Шариф Гулханий Тоғли Дарвозда туғилди. Аммо айrim олимлар шоир Қўқонда туғилган, деб ҳисоблайдилар.

XIX асрнинг боши. Гулханий Қўқонда уқиди. Айни вақтда узининг шеърлари ва асқиялари билан шуҳрат топади. Шунинг учун бу бақувват йигитни Қўқон амири Олимхон навқарликка олади. Гарчи шоир хон навқари булиб хизмат қиласа-да, жуда оғир иқтисодий аҳволда яшади. Узининг машҳур «Ҳазратим, очликдан улдим, егали нон бер менга», — деб бошланувчи шеърини шу йилларда ёзган.

1810 йил. Қўқон таҳтига амир Умархон утириди. Гулханий энди унинг навқари вазифасида хизмат қила бошлади. Амир Олимхон ва амир Умархон замонларида Гулханий бир қанча ҳарбий юришларда иштирок этди, бироқ унинг жасорати амирлар томонидан етарли даражада қадрланмади.

1822 йил. Амир Умархон топширигига биноан шоир узининг машҳур «Зарбулмасал» номли асарини яратди.

XIX асрнинг 40-йиллари боши. Гулханий вафот этди. Унинг улеми тўғрисида ҳар хил маълумотлар бор. Баъзилар Қўқонда вафот этган, дейдилар. Бошқа олимлар эса мана бундай маълумотни берадилар: Умархоннинг угли Мухаммад Алихон таҳтга утиргач, орадан бир неча вақт ўтгач, шоирни ҳозирги Наманган вилоятидаги Янгиқўргон қишлоғига ҳоким қилиб жуннатади. Аммо хоннинг яширин топширигига кура, Жужа қишлоғида уни тутиб, кечаси Сирдарёга чўктириб юборадилар. Шунинг учун ҳозиргача унинг қабри тошилган эмас.

Умр буйи Гулханий ва Журъат таҳаллуслари билан

лирик шеърлар ва қасидалар яратган. Унинг асарлари ўзбек ва тожик тилларида ёзилган. Бироқ алоҳида девон ҳолида бизга стиб келган эмас. Гулханийнинг шеърлари шоир яшаган даврда ва ундан кейин ёзилган турли тўпламларда мавжуд.

1980 йил. «Зарбулмасал»нинг илмий-танқидий матн мөҳиятидаги нашри яратилди.

ДИЛШОДИ БАРНО

Дилшоди Барно 1800 йили Ўратепада шоир Раҳмонкул Сўфи Истаравшани оиласида таваллуд топган. Амир Умархон 1812 йили Ўратепани босиб олгач, бошика асиrlар қатори Дилшодни ҳам Қўқонга элтади. Умархон саройидан қутилган бўлажак шоира Тошмаҳдум деган кишининг хонадонида паноҳ топади. Ўзбек тилини мукаммал ўрганиб, Дилшоди Барно тахаллуси билан тожик ва ўзбек тилларида газаллар ёза бошлайди.

Дилшоди Барно дастлаб қайнонаси билан, унинг вафотидан сўнг 51 йил мактабдорлик қилади. Сарчашмаларда 891 ўзбек қизи унинг мактабида таҳсил қўргани ёзib қолдирилган. Тўтиқиз, Хайринисо, Баҳринисо, Анбаротун сингари шоиралар бевосита Дилшоди Барнонинг шогирдларидандир. Ундан бизга қадар тожик ва ўзбек тилларида шеърларни ўз ичига олган «Мунтаҳаб-ул-ашъор», «Тарихи муҳожирон» китоблари мерос бўлиб қолган. Икки тилда баробар ижод этган — зуллисонайн санъаткор Дилшоди Барно 1907 йили Қўқонда вафот этган.

ДУРБЕК

XIV асрнинг охири ва XV аср бошларида «Юсуф ва Зулайҳо» номли севги ҳақидаги достоннинг муаллифи Дурбек яшаб ижод этди.

У 1409 йили «Юсуф ва Зулайҳо» достонини ёзди. Асар Балх қамали кунларида битилган. Унда Канъон шаҳзодаси Юсуф билан Магрибзамин маликаси Зулайҳо ўртасидаги чин севги тасвирланган.

Достон биринчи марта тўлалигича Тошкентда 1959 йили босилди. Асар ўрта мактаб дарслкларига киритилган ва мажмуалардан жой олган. Айрим олимлар «Юсуф ва Зулайҳо» Дурбек қаламига мансуб эмас» де-

ган фикрдалар. Аммо бу мулоҳаза баҳсталаблигича қолмоқда.

«ЖОВИДОНИ ХИРАД»

(Боқий ақл-идрок) китоби йирик олим Абу Али ибн Мұхаммад ибн Яъқуб ибн Мисковайқ томонидан өзилған. Китоб муаллифи тарихчи, файласуф, филолог, табиб сифатида бир қанча асарлари билан машҳур. «Жовидони хирад» ўтмиш олимларининг ахлоқий ма-салаларга багишиланган ажойиб фикрларини ўзида мұжассамлаشتырган булиб, унинг құләзма нусхалари Шарқда көнг тарқалған.

ЗАХИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР

1483 йил 14 февраль. Таниқли давлат арбоби, иқтидорли қүшин қўмондони, ажойиб лирик шоир ва адабиёт назариётчиси, уз даврининг буюк тарихчиси ва наср устаси Захириддин Мұхаммад Бобур Андижон шаҳрида (баъзи олимлар фикрича, Наманганд вилоятидаги Ахсикатда) темурийзода подшо Умаршайх мирзо оиласида дунёга келди.

1494 йилнинг июни. Фожиали вафот этган отасининг урнига 12 ёшли Бобур таҳтга ўтириди. Шу кундан бошлабоқ у ўз олдига улуг бобоси Амир Темурнинг буюк давлатини тиклашни мақсад қилиб қўйди.

1497 йил ноябрь. Бобоси Темурнинг пойтахти бўлган Самарқандга ҳужум қиласи ва уни эгаллайди. Аммо юз кундан сўнг Андижонни қўлдан чиқармаслик учун бу ерни ташлаб кетишга мажбур булади.

1498 йил февраль. Ўзини Андижон ҳокими деб эълон қилган Узун Ҳасан Бобурни шаҳарга киритмайди. Бобур мадад излаб тогаси Султон Маҳмуд олдига — Тошкентга келади.

1501—1502 йиллар. Тогаси ёрдамида Андижонни эгаллайди.

1503 йил. Андижонни Шайбоний забт этади.

1504 йил. 300 тача йигити билан Бобур Афғонистонга жунайди. Тез орада Афғонистонга подшо булади.

1505 йил. Онаси Қутлуг Нигорхоним вафот этади.

1512 йил. Бобур Самарқандга ҳужум қилиб, уни эгаллайди.

1513 йил. Шайбоний сүлоласидан бўлган Убайдулло Султон ва Муҳаммад Темур Султон Самарқандга қарши юриш бошлайдилар. Бу урунда Бобур енгилади ва Самарқандни ташлаб, Ҳисорга қочади. Шундан сўнг у бобоси юртини эгаллаш ва давлатини тиклаш умидидан воз кечади. Энди Бобур Афғонистонда илм-фан, маданият, ҳунармандчилик ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириша, мамлакат осойишталигига катта эътибор қилади. Айни замонда Афғонистондаги давлатни жануб ва Ҳиндистон ҳисобига кенгайтириш ресжаларини тузса бошлайди.

1519 йил. Бобур ўз лирик шеърларини тўплаб, Ко-булда биринчи девонини тартиб берди. Аммо бу девон ҳозиргача топилган эмас.

1519—1525 йиллар. Ҳиндистондаги ўзаро келишмовчиликлардан фойдаланган Бобур 5 марта юриш қилди ва охири Ҳиндистонни батамом бўйсундириди.

1526 йил 27 апрель. Бобур Ҳиндистонни ҳокими мутлақи, деб эълон қилинди ва ҳамма жойда унинг подшолиги тан олинди. У Агра шаҳрини ўзига пойтахт қилди. Мамлакатда тинчлик ўрнатиб, ободончиликка, маданият ривожига катта эътибор берди.

1528—1529 йиллар. Бобур Ҳиндистонда иккинчи шеърлар девонини тузди.

1530 йил 26 декабрь куни Бобур Аграда вафот этди.

1533 йил. Бобур васиятига кўра унинг хоки Кобулга кучирилди ва унинг ўзи барпо қилган богда курилган мақбарага дағн қилинди. Ҳозир ҳам Бобур қабри уша жойда. Бобур умр бўйи лирик шеърлар ёзди.

Кундалик дафтар юритиб, улар асосида машҳур «Бобурнома» номли мемуар асарини яратди. Унда 1499—1529 йиллар воқеалари тасвиrlанган.

«Хатти Бобурий» деб аталган алифбе яратган (1503—1504 й.).

Бобур Аруз назарияси ҳақида «Муфассал» рисоласи (тахм. 1525 й.)ни ёзди.

Булардан ташқари Бобур: «Мусиқий илми», «Мубаййин», «Волидия» каби музика, ҳуқуқ ва фалсафага доир асарлар ёзган.

ЗЕБУННИСО

Шарқ шеъриятининг ёрқин юлдузларидан бўлмиш Зебуннисо 1636 йили Бобур авлодларидан шоҳ Авранг-

зеб хонадонида Дехлида таваллуд топди. Уни Ҳофиз Марям тарбиялайди: ун яшарлигига қадар диний билимларни тұла урганиб булади; иккى йил давомида Құръонни ёд олади. Шундан сүңг саройдаги донишманлардан араб тили, мантиқ, фалсафа, адабиёт, тарих ва бошқа фанларни үрганади. Зебуннисонинг ҳар жиҳатдан комил донишманд булиб етишишида сарой адаби мулло Мұхаммадсаид Ашрафи Мозандаро-нийнинг хизмати катта.

Зебуннисо «Махфий» тахаллуси билан шеърлар езган. Бундан тащқари «Зебун-нишот», «Иродаи фаҳм» сингари асарлар езган. Тарихий маълумотларга қаранды Аврангзеб қызига ҳар ойда 400 минг рупия маош тайинлаган. Зебуннисо ана шу маблагға турли вилоятлардан, ҳалқдан күхна китобларни сотиб олиб, улкан кутубхона ташкил эттән. Мир Гуломалихон Озодий (XVIII)нинг ёзищича, бу маърифат масканида юздан зиёд хаттот, лаввоҳ, чөхракушо, давотчи, қоғозрезлар китоблардан нусха кучириш, зеб-зийнат бериб, миниатюралар чизиш билан машгул бўлган. Мұхаммад Ашраф ҳам Зебуннисо ижоди ҳақида қизиқарли маълумотлар ёзиб қолдирган. Зебуннисо 1707 йили вафот эттән. У ўша давр анъанастига кура форсий тиљда ижод қилган. Зебуннисонинг айрим шеърлари узбек тилига таржима қилинган. Машхур адаби Тұхтасин Жалилов шоира ижоди ҳақида маҳсус мақола ёзган.

ИРҚ БИТИГИ («ТАЪБИРНОМА»)

Бу ёдгорлик туркій ҳалқларнинг барчаси учун ягона мұштарақ шеърий асардир. У IX асрда яратылған булиб, илм-фанга XIX асрдан маълум бўлди. Уни узбек тилица биринчи марта 1991 йили филология фанлари доктори Бокижон Тухлиев эълон қилди ва ҳозир 9-синфлар учун ёзилган «Узбек адабиёти» дарслигига киритилған. Асар «Таъбирнома» деб аталса-да, китобхонни инсондуст, ватанпарвар, жасоратли, имон-эътиқодли булишга үргатадиган китобдир.

ИМОМ АЛ-БУХОРИЙ

Имом Исмоил ал-Бухорий 810 йили туғилиб, 871 йили вафот эттән. У киши Ислом оламида Пайғамбар

ҳадисларини тўплаб «Ал-жомиъ-саҳиҳ» (Ишонарли тўплам) китобини яратувчи сифатида машҳурдир. Бундан ташқари олимнинг Шарқ халқлари ҳамда Ислом тарихига доир бир неча асарлар ёзгани ҳам маълум.

Ушбу тўпламга киритилган ҳадис намуналари «Ҳадис» (1992—93), «Минг бир ҳадис» (Абдулазиз Мансуров таржимаси, 1991 й.) китобларидан олинди. Шарқда Ислом таълимотини ёйишда Имом ал-Бухорийнинг хизмати бекиёсдир.

ИБН КАМОЛПОШШО

Ибн Камолпошшо номи билан машҳур бўлган Мавноно Аҳмад ибн Сулаймон XV—XVI асрларда яшаган йирик олим ва шоир. У кўпгина арабча ва форсча асарлар муаллифи. Шулардан бири «Нигористон» китоби бўлиб, у форс тилида ёзилган. Ибн Камолпошшонинг ёзишича, у мазкур асарини Саъдийнинг «Гулистан» асари таъсирида ижод қилган. Унинг бир неча қўлёзма нусхалари Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланмоқда.

КОШИФИЙ

Нозиктабъ адид, нуктадон олим, маърифат даргаларидан бири Ҳусайн Воиз Кошифий 1440 йили Сабзавор вилоятининг Байҳақ ноҳиясида дунёга келган: дастлабки таълимни уз ватанида олган бўлгуси олим кейинчалик Нишопур, Машҳад шаҳарларида ўқишини давом эттиради. 1470 йили Ҳиротга келган Кошифий Жомий ва Навоийлар ҳомийлигига мадрасада таҳсил куради: нотиқ, воиз, олим, ёзувчи, мударрис, хаттот сифатида шуҳрат қозонади. Кошифий 1505 йили Ҳиротга вафот этади.

Кошифийдан бизга қадар нотиқлик санъати, барча билимларнинг муқаддимаси, тарих, фиқҳ, ахлоқ одобга доир ўнлаб асарлар мерос қолган. Адиднинг «Йскандар ойнаси», «Анвори Суҳайлий», «Ахлоқи Муҳсиний», «Калила ва Димна», «Сабъай Кошифий», «Махзан-ул-иншо», «Футувватномаи Султоний», «Рисолай Ҳотамия» сингари асарлари Шарқ илм-адаб аҳли орасида катта шуҳрат ва эътирофга муюссар бўлган. «Ахлоқи Муҳсиний» узбек шоири Оғаҳий томонидан таржи мақилинган.

КОМИЛ ХОРАЗМИЙ

1825 йил. Комил таҳаллуси билан шеърлар ёзган таниқли шоир, мусиқашунос, тарихчи ва маърифатпарвар Ниёзмуҳаммад Хива шаҳрида туғилди. Унинг отаси Абдулла Охунд мадрасасда мударрис эди.

1832 йил. Мактабга уқишга кирди.

1844—45 йиллар. Мадрасага боради. Уқиб юрган кезларда отаси вафот этади.

1856—65 йиллар. Хива хони Сайд Муҳаммадхон саройида хаттот вазифасида ишлади.

1865 йил. Хива таҳтига Муҳаммад Раҳимхон II утиргач, Комил миrzабоши этиб тайинланди.

1873 йил. Хоразм хонлиги Россия вассалига айланди. Рус шарқшуноси Н. Кун билан Комил илмий ҳамкорлик қиласиди.

1883 йил. Биринчи марта Москва ва Петербургга элчи сифатида келади. Кейинчалик яна борган.

1891 йил. Тошкентга келади ва бу ерда Лахтин босмахонаси билан танишади.

1896—97 йиллар. Яна Тошкентга келади. Бу сафар у Тошкент ҳакида «Дар баенни таърифи ва тавсифи Тошканд» (Тошкент таърифи ва тавсифи баенида) асарини ёзди. Бу асар «Қасидаи наврӯз» номи билан ҳам машҳур. Қасида «Туркистон вилояти газети»да босилган.

1899 йил. Комил Хивада вафот этди. Унинг қабри Хивада.

Умр бўйи лирик шеърлар, қасидалар ва манзумалар ёзган.

1865 йил. Комил Маҳмуд Фароҳийнинг «Маҳбуул кулуб» ва Фаҳриддин Али Сафийнинг «Латойиф-ут-тавойиф» асарини форсийдан узбекчага таржима қиласиди.

1880—81 йиллар. Комилнинг 204 саҳифали шеърлар девони Хивада нашр этилди.

КАРИМБЕК КАМИЙ

Таниқли маърифатпарвар шоир Каримбек Камий 1895 или Тошкентда туғилади. Дастваб Мансурхон домлада таълим олган Камий кейинчалик Девонбеги мадрасасида уқииди: замонасадаги барча билимларни эгаллайди. У мумтоз адабиётимизнинг барча жанрларида ижод этган. Шеърлар девони 6 минг мисрадан зиёддир: XIX асрнинг охирида тузилган барча баёзлар-

га шоир асарларидан намуналар киритилган. У Муқий, Фурқат, Юсуф Сарёмий каби шоирлар билан яқиндан ҳамкорлик қилган, узаро мактублар олишган, бир-бирларининг шеърларига мухаммаслар битган.

Камий уз шеърларида илм-фан, маърифатни, қасб-хунарни, ҳаётга кириб келаётган янги техникани тарғиб этди. «Темур йўл хусусида», «Гимназия хусусида» сингари шеърларида улка ҳаётига кириб келган илгор илм-фан, маърифий йўналишлар ташвиқ этилиб, жаҳолат ва нодонлик, маънавиятга беписандлик, бидъят қораланади. Шоир 1922 йили вафот этади, унинг ҳаёти ва ижодий мероси ҳали мукаммал ўрганилмаган.

МАЖИДИДДИН ХАВОФИЙ

«Хористон» (Тиконзор) китобининг муаллифи Мажидиддин Хавофий XV асрнинг кўзга кўринган олими, факиҳи ва воизи эди. У уз умрининг кўп қисмини саёҳат ва дарбадарликда утказиб, охири 1443 йилда Ҳиндистонда вафот этган. У ўзининг курган кечиргандари асосида «Равзат ул-хулд» (Боқий боғ) номли асар ёзган. Кейинчалик муаллиф камтарлик билан уни «Хористон» деб атаган. Бу асарни олимлар Саъдий Шерозийнинг «Гулистон» китоби билан тенглаштирадилар. Асрлар утиши билан «Хористон» китобининг муаллифи ким эканлиги номаълум булиб қолган. Ҳиндистон олимлари узоқ изланишлардан сўнг муаллифни аниқладилар, уни чоп қилиб, муаллифга ва китобга иккинчи умр бағишладилар.

МАЖЛИСИЙ

Мажлисий XV асрнинг охирларида Хоразмда тугилди. Исми маълум эмас. Ўқиши мақсадида Бухорога келди. Ундан бизгача ёзилган йили номаълум булган «Қиссаи Сайфулмулк» номли достон қолган. Бу асар ишқий-саргузашт қисса булиб, илм-адаб аҳли орасида кенг шуҳрат тутган. Унда шаҳзода Сайфулмулк билан малика Бадеъулжамол уртасидаги севги тасвирланган. Нишотий ундан илҳомланиб «Хусну дил» достонини ёзган.

МАҲМУД ИБН МУҲАММАД

«Одобу-л-музийфийн ва зоду-л-оқилийн» (Мехмондорчилик одоби ва меҳмонлар гизоси) номли фореча

асар муаллифи Маҳмуд ибн Муҳаммаддир. Бу асарниң 2338/II рақами 1094 ҳижрий йилда күчирилган қўлғозма нусхаси Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлғозмалар хазинасида сақланмоқда. Унинг айрим қисмлари форс тилидан таржима қилиб берилди.

МАҲМУД КОШГАРИЙ

Маҳмуд ибн ул-Хусайн ибн Муҳаммад ал-Кошгариий XI асрда яшаган қомусий билим соҳибидир. Унинг бизга қадар 1072 йили ёзилган «Девону луготит турк» (Туркий сузлар туплами) китоби етиб келган. Соғ тилшуниносликка доир бўлган бу асарда олим турли сўз ва ибораларни изоҳлаш, маъноси ва келиб чиқишини тушунтиришида туркий халқлар оғзаки ижодидан 300 дан зиёд мисол қелтирган. Бу шеърий парчалар тематик жиҳатдан ранг-барангдир. Мазкур асар туркий тиллар тарихини урганишда нодир манбаа булибгина қолмай, балки энг қадимги туркий шеъриятни, адабиётшунинослик атамаларини урганиш жиҳатидан ҳам ягона дастхатдир.

МУИНИДДИН ЖУВАЙНИЙ

«Нигористон» китобининг муаллифи Муиниддин Жувайний ҳақида маълумотлар кам сақланган. Сомибекнинг «Қомус ул-аълом» китобидаги маълумотларга қараганда, Жувайний бу асарини 1431 йили ёзган. «Нигористон» жуда кўп ахлоқий ҳикоят, ҳикмат ва шеърларни ўз ичига олади. Давлатшоҳ Самарқандийнинг «Тазкират уш-шуаро» китобида ёзилишича, бу китоб гоятда гўзал хатда кўчирилиб, Улугбекка тақдим қилинган. Улугбек эса уни севиб ўқиб, ўзи билан бирга олиб юрган экан.

МИРИЙ

Очилдимурод Неъматулло угли Мирий 1839 йили Каттақурғоннинг Эшонқишлоқ мавзесида дехён оиласида дунега келади. У дастлабки бошлигич таълимдан сунг, Нақибхон мадрасасида ўқиуди. Шавқий, Роқим

каби шоирларга эргашиб газаллар ёза бошлайди. Мадраса хатмидан сўнг Мирий забардаст шоир, донишманд мутаффакир сифатида танила бошлайди ва имомлик, қозилик вазифаларида ишлайди. Аммо мухолифлари шоир атрофида фитналар қузгайдилар, икки ўғлини ўлдиртирадилар, узи эса ғам-хасратлар оғушида, 1899 йили галдаги фитна касофатида ҳалок бўлади.

Очилидимурод нозиктабъ лирик шоир, хушнавис хаттот, моҳир достоннавис, салиқали таржимон сифатида ўзидан кейин катта мерос қолдирган. Унинг шеърлар девони, «Чойнома», «Гулнома», «Раъно ва Зебо», «Анвори Суҳайлий», «Қиссан Салим Жавҳарий», «Маждиддин ва Фахруннисо» достонлари, Фирдавсийнинг «Рустам ва Суҳроб» достонининг таржимаси илм-адаб аҳли томонидан ўзбек адабиети тарихининг зарварақлари сифатида юксак баҳоланади. Бу асарларнинг етакчи гояси севги, садоқат, инсонтарварлик, маърифатпарварлик тарғибиdir.

МИСКИН

Мулла Қўшоқ Тошмуҳаммад ўғли Мискин 1880 йили Тошкентда тугулиб, 1937 йили вафот этган. Бўлаҗак шоир Кўкалдош мадрасасини тугатади, темирчилик, баққоллик, новвойлик билан шугулланади. 12 ёшидан «Мискин» таҳаллуси билан шеърлар ёзган шоир илм-маърифатни тарғиб этди; зулм-зўрлик, бидъат ва хурофтни қоралади. Мискин шеърларини туплаб, алоҳида девон тузмаган. Унинг асарлари «Армутони Хислат», «Савготи Хислат», «Баёзи Мужалло», «Баёзи Ҳазиний», «Савготи Сидқий» тупламларига киритилган; уша даврдаги вақтли матбуотда чоп этилган.

МУҲАММАД СИДДИҚ РУШДИЙ

Муҳаммад Сиддиқ Рушдий XVIII асрда яшаб ижод этган шоир, таржимон ва ёзувчидир. Унинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида маълумот етарли эмас. Фақат адабининг Қўқонда туғилиб, умрининг охирини Кошгарда ўтказганлиги маълум.

Бизга қадар ёзувчининг араб ҳамда форсий тилдаги ун еттига манбалардан фойдаланиб, 4 йил давомида ёзган «Тазкират-ул-авлиёи туркий» китоби, «Ғавсул Аъзам» қиссаси етиб келган. Тазкирада Рушдий илк сў-

фий-авлие Увайс Қаранийдан тортиб Робия Адвия, Башир Ҳофий, Жунайд Багдодий, Мансури Халлож, Ҳаким ат-Термизий, Абулхасан Ҳаррақоний, Абу Туроб Нахшабий сингари 88 та сүфизм алломалари ҳақида маълумот беради; шогирдлари тилидан улар ҳақидағи ҳикоятларни нақл этади, ҳикматли сұзларидан келтиради. Зикр шаклида берилған айрим бўлимлар яхлит қиссани ташкил этади.

Бу китоб Шарқ машойихлари ҳақида мұкаммал маълумот берадиган энг камеб құләзмалардан ҳисобланади.

МУҲАММАД СОЛИХ

Атоқли лирик шоир ва достоннавис Мұхаммад Солих 1455 йили Хоразм ҳокими Нурсаидбек хонадонида туғилади, 1467 йили Ҳиротта келиб мадрасада үқииди. 1499 йили шоир дүстлари маслаhatи билан Самарқандга — Шайбонийхон даргохига боради. У Шайбонийхоннинг юриш ва сафарларида ҳамроҳ булади. Мұхаммад Солиҳ қисқа мұддатларда Нисо, Марв ҳамда Бухоро шаҳарларида ҳоким булади. Шайбонийхон вафотидан сүнг (1510) Мұхаммад Солиҳ Бухорода муқим яшаб, 1534 йили вафот этган.

Мұхаммад Солиҳ умр буйи үзбек ва тожик тилларида газаллар яратған, «Шайбонийнома» достонини ёзған. Аммо бизгача шеърлар девони етиб келмаган; турли баёзларда бир нечта тожикча шеърлари сақланған, холос. «Шайбонийнома» достонида Мұхаммад Солиҳ Шайбонийхоннинг сафарлари, урушларину зафарларини құкларға күтариб мақтайды, таърифлайди.

МУЖРИМ ОБИД

Ўзбек шоири Мирак ибн Мужрим XVIII асрда Бухорода яшаб утган. «Ҳасби ҳол» шеърида таъкидланишича, шоир ўз давридаги барча билимларни пухта эгаллаган; Мири Араб мадрасасида таҳсил курган. Вафот этган йили ҳам номаълум. Шеърларидаги ишораларга қараганда Мужрим Обид таҳаллуси билан асарлар битган, шоир Қарилигида хор-зор яшаб утган.

Мужримдан бизга қадар үзбек ва тожик тилида шеърлар девони сақланиб қолған. Унинг бир қисменин адабиётшунос Рустам Комилов 1960 йили нашр эттири-

ган. «Гулистон ичра кирсам, ҳолима сарву суман йиглар» деган шоир аксарият шеърларида замона зулмидан шикоят қилади, аччиқ тақдиридан нолиб, одамларни инсоф, адолатта чорлади.

МУҲАММАД ЖАБАЛРУДИЙ

«Жомиъ ут-тамсил» китоби муаллифи Оқо Мухаммад Жабалрудий форс донишмандларидан булиб, узининг асарини одоб-ахлоқ масаласига багишланди. Бу китоб Эронда бир неча бор нашр қилинган, халқ орасида кенг тарқалган. Муаллиф ўз олдига форс халқ мақолларини жамлашни мақсад қилиб қўяди. Сунг уша мақолларга мос бўлган ибраториумуз ҳикоятларни мисол тариқасида келтиради.

МУҲАММАД ЗЕҲНИЙ

Машҳур турк олимни одоб-ахлоқ ҳамда фаннинг бошқа соҳаларига багишиланган унлаб асарлар муаллифи. Асосан араб тилида ёзган. Асарлари Истанбул ва Бомбай шаҳарларида қайта-қайта нашр қилинган. Унинг арабча хикматларни ўз ичига олган «Муқаттаоти арабийа» (Арабча хикматлар сайланмаси) китоби Шарқда кенг шуҳрат топган.

МУСТАФО ҲОМИЙПОШШО

Турк олими Мустафо Ҳомийпошшо узининг «Вазоифи атфол» (Болаларнинг вазифалари) деган китобини ўсиб келаётган ёш авлоднинг таълим-тарбиясига, уларнинг одоб-ахлоқ масалаларига багишилаган. Китобда болаларнинг Ватан ва халққа садоқатда булиши, ота-онани ҳурмат қилиши, устозни эъзозлаш, мард, инсофли, ҳаёли, тўгри сўзли булиши ҳақидаги масалалар баён қилинади.

МУҲАММАД ЖАВҲАР ЗАМИНДОР

«Нукоти гариба» (Ажойиб ҳикматлар) асарининг муаллифи. Асан форс тилида булиб, таҳминан Ҳиндистонда ёзилган. 2775/I рақамили нусхаси Шарқшунослик институтининг кўлэзмалар хазинасида сакланмокда.

МУҲАММАД ИБН МУҲАММАД АЛ-ЖОМИЙ

Машхур ҳадисчи олимлардан бири. Унинг «Риёз унносихийн» (Насиҳатчилар бўстони) асари қомусий китоб булиб 835/1431 йили Шоҳруҳ хукмронлиги даврида ёзилган. Муаллиф бу асарни ёзишда 44 та китобдан фойдаланган. У форс тилида. Унинг 1035/1625 йили кўчирилган бир нусхаси Шарқшунослик институтининг қўлэзмалар хазинасида сақланмоқда.

«МАҲЗАН АЛ-УЛУМ»

«Илмлар хазинаси» — Ҳиндистонда тартиб берилган тўплам булиб, у 1873 йили Кантур, 1861, 1863 йиллари Бомбай ва 1891 йили Истанбулда нашр этилган. Китобда фаннинг кўпгина соҳалари бўйича ёзилган асарлардан парчалар берилган. Катта қисмини табобатга оид лавҳалар ташкил этади. Баёз форсийда битилган.

МУҲАММАД ҲУСАЙН ВА УНИНГ «МЕБОЯД ДИД» КИТОБИ

Муҳаммад Ҳусайн Толибпурӣ ибн Шайх Али Афсан Ҳиндистоннинг Муршидобод шаҳрида яшаган. У ўз даврининг олим ва доно одамларидан бири бўлган. Муҳаммад Ҳусайн ва унинг бир неча авлодлари муншийлик ва дабирлик вазифасида ишлаганлар. Муҳаммад Ҳусайн 1877 йили ўзининг «Мебояд дид» (Кўрмоқ керак) номли китобини ёзib тутатди. Асар форс тилида ёзилган. Асарнинг муқаддимасида келтирилишича, Муҳаммад Ҳусайннинг Миён Муҳаммад Абдул Азим исемли ўғли булиб, бу китобини унга атаб ёзган. Муаллиф бу китобни ёзишда ўзидан олдин ўтган доноларнинг асарларини ўқиб, улардаги ибратли ҳикматларни тўплаб, янги тамсиллар билан тўлдириб, қайта ишлаган. «Агар фурсат ёр бўлса, — деб ёзади муаллиф, — бу рисоланинг жумлаларини ўқисинлар ва унга амал қилинлар. Чунки беамал илм — асалсиз мум каби белаззат бўлади!» Муҳаммад Ҳусайннинг китоби 1900 йилгача Ҳиндистонда беш марта нашр қилинган. «Мебояд дид» китоби 1900 йили Лакҳиавда бешинчи марга нашр қилинган.

НИШОТИЙ

Нишотий XVIII асрда яшаган ўзбек шоиридир. Унинг Бухородан эканлиги маълум. Аммо ҳаёти ва ижодий мероси ҳакида мукаммал маълумот мавжуд эмас. Бизгача шоирнинг кичик шеърлар девони ҳамда 1776 йили ёзилган «Хусну Дил» достони сақланиб қолган. Газаларида шоир асосан юксак инсоний тўйгу—севгини тараним этади. Нишотий «Хусну Дил» достонида эса Оқилшоҳ, Иноқшоҳ, Фуод, Ҳусн, Назар, Ҳиммат, Қомат, Ҳаёл сингари мажозий образлар орқали адолат, инсонпарварлик, ҳалоллик, маърифат, тингчлик, фаровонлик, мардлик ва жасорат гояларини тарғиб этади. Достон таркибидағи масаллар асар гоясининг янада тулақонли чиқишини таъминлашга хизмат қиласиди.

НОСИРИДДИН БУРҲОНИДДИН УГЛИ РАБГУЗИЙ

XIII асрнинг охири ва XIV асрнинг боши. Хоразмнинг Работи Угуз мавзеида қадимги ўзбек насрининг илк вакили Рабгузий туғилади ва уша ерда яшаб ижод қиласиди. Умр буйи қозилик қиласиди.

Рабгузийнинг бизгача етиб келган яккаю ягона асари «Қиссан Рабгузий» (1311) ёки «Қиссасул-анбиё»дир. Китоб қисман назм аралаш қисса ва ҳикоятлардан иборат.

XV асрда китобнинг бизгача етиб келган энг қадимий қўлзомаси кўчирилди. Ҳозир бу қўлзома Лондонда сақланади. Пайгамбар ва саҳобаларга бағишиланган қисса ва ҳикоятларда ахлоқ-одоб, одамийлик гоялари тарғиб этиласиди.

НОДИРА

1792 йил. Таниқли ўзбек шоираси, давлат арбоби, илм-фан ва маданият ҳомийси Нодира Андижон шаҳар ҳокими Раҳмонқулибий оиласида туғилди. Унинг исми Моҳлар ойим бўлиб, у ўзбек ва тожик тилларида ёзган асарларида Нодира, Макнұна ва Комила тахаллусларини кўллаган. Ёшлигидан илм-фан, турли тиллар ва хусниҳат билан шутулланган, хусусан, шеърият уни ўзига мафтун қиласиди. У Камол Ҳужандий, Жомий,

Навоий, Лутфий, Бобур, Фузулий, Бедил каби Шарқнинг буюк шоирлари ижодини севиб ўрганди. Ўзи ҳам шеърлар ёза бошлади ва тез орада шоира сифатида шуҳрат топди.

Нодира талантли шоира бўлишдан ташқари, багоят гўзал, латиф тарбияли ва юксак дидли қиз бўлиб стишган эди. Унинг таърифини эшигтан, ўша вақтларда Марғилонда ҳокимлик қилиб турган, ўзи иқтидорли шоир бўлган Умархон унга гойибона ошиқ бўлиб қолади ва акаси Қўқон хони Олимхон ёрдамида унга одам қўяди.

1808 йил. Нодира ва Умархонларнинг никоҳ тўйла-ри булади. Нодира Марғилонга кўчади. Ўша йили Но-дира шоира Увайсий билан танишади ва уни девонга олиб келади.

1810 йил. Олимхон улемидан сўнг Қўқон таҳтини эгаллаган Умархон Қўқонга кўчади. Нодира у билан кетади.

1822 йил. Нодиранинг суюкли ҳамдами Умархон вафот этади. Энди мамлакатни бошқариш, эл-юртга раҳнамолик, ўлканинг хавфсизлиги ва бошқалар Нодира зиммасига тушади.

1842 йил. Қўқонга бостириб кирган Бухоро амири Насруллоҳон Нодирани, унинг фарзандлари ва наби-ралари билан биргаликда ваҳшиёна қатл қилдиради.

Умр бўйи Нодира ўзбек ва тожик тилларида лирик шеърлар битди. Ўзбекистон Шарқшунослик ҳамда Ҳамид Сулаймон номидаги Қўлзэмалар институтларида шоиранинг икки мўътабар қўлзэмаси сақланади. Намангандар шаҳрида истиқомат қилган ва Нодимга набира бўлган Мусалламхоннинг шахсий кутубхонасидан то-пилган қўлзма анча тўлиқ ва муқаммадир.

Шунингдек, Шарқшунослик илмий-тадқиқот институтида шоиранинг Макнуна тахаллуси билан ёзган тожикча шеърлар девони ҳам сақланади.

НОДИМ

Сулаймон Улугхўжа ўғли Нодим 1844 йили Наман-ган шаҳрида зиёли оиласида туғилган. Хусусий муаллимда хат-саводини чиқаргач, 1855 йили шаҳардаги Сайдқулибек мадрасасига ўқишига киради. Талабалик йилларида ёки «Нодим» тахаллуси билан шеърлар ёза бошлайди ва нозиктабъ шоир сифатида танилади.

1899 йили шоир Бухоро, Самарқанд, Тошкент, 1902—1903 йиллари эса Туркия, Миср ва Арабистон саёҳатида бўлади. Ҳажга боради. Нодим 1910 йили она шаҳрида вафот этади.

Нодимдан бизга шеърлар девони, «Баёни саёҳати Нодим», «Баёни саёҳати Тошканд», «Баёни воқеоти сафари Бухоро ва Самарқанд» сингари асарлар мерос қолган. Унинг шеърлари «Туркистон вилоятининг газети»да босилиб турган, «Тұхфат-ул-обидин», «Анис-ул-оциқиң» сингари ўша йиллари тузилган баёзларга киритилган. Нодим уз асарларида ишқ-муҳаббатни куйлаш билан бирга, илм-маърифат, янги техникани тарғиб этган.

НИЗОМИЙ ГАНЖАВИЙ

Озарбайжон халқининг буюк шоири Илес бинни Юсуф ўғли Низомий Ганжавий 1141—1143 йиллар орасида Ганжа шаҳрида зиёли ойлада дунёта келган. Унинг отаси Эроннинг Кум шаҳридан бўлган, онаси ҳарбий саркарда қизи эди. Ота-оналари болалигига ёвот этгани учун, унинг тарбияси билан амакиси Умар шуғулланган. У аввал мактабда, сунгра мадрасада ўқиган, араб, форс, юнон, санскрит, пахлавий тилларни ўрганган; замонасадаги барча билимларни эгаллаган. Низомий ёшлигиданоқ форсий ва араб тилларида газаллар ёзган; шоир Хоқоний Шервоний билан яқин дўст бўлган. Моддий муҳтоҷликда яшаган бўлса ҳам, бирон ҳукмдор саройида хизмат қилмаган. Низомий Шарқда «Ҳамса» ёзишига асос солиб, ахлоқий-тъалимий мавзуда «Махзан-ал-асрор», ишқий-саргузашт мавзуда «Хусрав ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Ҳафт пайкар», ижтимоий-фалсафий йўналишда «Искандарнома» достонларини битган. Охирги асари «Икболнома» ҳамда «Шарафнома» сингари икки қисмдан иборат. Бизга қадар 200 дан зиёд қасида, газал ва рубоийлари етиб келган. Шоир 1209 йили Ганжада вафот этган.

НОСИР ХИСРАВ

Машхур шоир ва давлат арбоби Носир Хисрав 1004 йили ҳозирги Тоҷикистоннинг Кубодиён шаҳрида ту-

гилган. Она юртида хат-саводини чиқарған Носир Хисрав Балх ва Марв шаҳарларида мадрасада таҳсил қурған; Салжуқийлар саройида 17 йил солик маҳкамасининг бошлиги булиб ишлаган. 1040 йили вазифасидан истеъфо берган Носир Хисрав 7 йил Шарқ мамлакатларини кезиб чиқади, уч маротаба пиёда ҳажга боради. 1063 йили күп сарсонликлардан сунг Тогли Бадахшоннинг Юмғон қишлоғида үрнашиб, муаллимлик қилади, илмий, бадиий ижод билан машгул булади; 1088 йили шу ерда вафот этади.

Носир Хисрав Шарқда адолат, ҳалқпарварлик, маърифатпарварлик гоясини дадил куйлаган шоир, жасоратли фикҳ донишманди сифатида шуҳрат топган. Ундан бизга қадар араб ва форсий тиллардаги шеърлар девони, «Зодул мусофирин» (Мусофириларнинг йўл озиқаси), «Рушноинома», «Саодатнома», «Сафарнома» ҳамда дин ва сўфизм назариясига доир бир неча рисолалар мерос булиб қолган. Носир Хисравнинг айrim шеърлари профессор Ш. Шомуҳамедов томонидан узбек тилига таржима қилинган.

ОРАЗИЙ

Алихон Муллаохун ўғли Оразий 1867 йили Намангандаги руҳоний оиласида туғилган. Рус-тузем мактаби ҳамда мадрасада ўқиган. Мактабларда муаллимлик, жамоат ташкилотларида котиблик қилган; Фурқат, Муқимий, Завқий, Ҳайратийларга эргашиб шеърлар ёзив, Фарғона водийси матбуотларида мунтазам чоп эттирган. Шоир газал, мухаммас, мурабба, робойларида, жумладан «Ўқи», «Илм», «Рузгор ойнаси» шеърларида илм-маърифат, хуррият ва касб-хунарни тарғиб этган. Оразий 1942 йили вафот этган. 1959 йили Ўзбекистон бадиий адабиёт нашриёти Оразийнинг танланган асарларини чоп этган.

ОГАҲИЙ

1809 йил. Таниқли узбек шоири, тарихчиси, таржи-мони ва жамоат арбоби Муҳаммадизо Эрниёзбек ўғли Огаҳий Хива яқинидаги Қиёт қишлоғида туғилди.

1811 йил. Отаси Эрниёзбек вафот этди. уни тогаси, машхур шоир Мунис ўз тарбиясига олди.

Бұлажак шоир Муниснинг назорати остида мектапта мадрасада жуда яхши уқиди. У ёшлигидан бадий адабиетта ҳавас қўйди. Жомий, Навоий каби Шарқ мутафаккирларининг асарларини қунт билан ўрганди. Кўп-лаб тарихий асарлар билан танишди.

1829 йил. Тогаси Мунис вафотидан сунг мироблик мансаби Оғаҳийга топширилди.

1840 йил. Отдан ийқилиб, оғиши шикастланди. Бироқ қўйналиб бўлса-да, анча йил хизматни давом эттириди.

Тогаси Мунис бошлаган «Фирдавсул-иқбол» номли тарихий асарни ёзib битирди.

1857 йил. Оғаҳийнинг оғиги батамом ишдан чиқиб, шол бўлиб қолгани учун истеъфога чиқди ва уйда фақат ижодий ва илмий ишлар билан шуғулланди.

1874 йил. Оғаҳий вафот этди. Унинг қабри Хивада. Умр буйи Оғаҳий лирик шеърлар яратди. Унинг шеърлари «Таъвизул ошиқин» номли девонга тўплланган. Девон шоир умрининг охирги йилларида жамланган. 1832 йил. «Таъвизул-ошиқин» девони Хивада биринчи марта босилди. Оғаҳий 19 та асарни араб ва форсий тилилардан ўзбек тилига таржима қилган.

«ОТАЛАР СЎЗИ»

Озарбайжонда нашр этилган асар номи. Унда араб тилидаги кўлтина ҳикмат ва мақоллар ўрин олган бўлиб, уларнинг озарбайжон тилидаги муқобиллари ҳам келтирилган. Ундан айрим намуналар таржима қилиниб, ушбу китобга киритилди.

ОЛИМАТ УЛ-БАНОТ

Тулиқ исми Олиммат ул-Банот бинти Лутфуллоҳ Сулеймоний. Маърифатпарвар татар олимаси. Унинг «Тарғиб ул-банот фий таълим ил-адабиёт» (Адабиёт таълими борасида аёлларга тарғибот) асари 1897 йили ва «Муошарат одоби» (Ҳаёт одоблари) китоби 1898 йилда Петроградда босилган. Бундан ташқари унинг яна «Қизлар тарбияси», «Оила дарслари», «Иршод ёки кўзгу» каби асарлари ҳам бор.

ПАХЛАВОН МАҲМУД

XIII асрнинг охири ва XIV асрнинг бошлари Хоразмда улуг мутафаккир ва шоир Пахлавон Маҳмуд яшаб ижод этди. Унинг иккинчи тахаллуси Қитолий эди. 1247 йил шоир Хива шаҳри яқинида туғилди.

1326 (байзилар 1322 йил дейдилар) Пахлавон Маҳмуд вафот этди. Ундан бизгача кўпкаб руబоийлар қолган. Унинг руబоийлари тожик тилида яратилган бўлиб, шакли ва мазмуни жиҳатидан улуг Хайём руబоийларини эслатади. Шоир руబоийлари бизнинг давримизда кўп марта ўзбек тилига таржима қилиниб, нашр этилган.

РОЖИЙ

Хужа Низомиддинхўжа ўғли Рожий 1834 йили Марғилонда туғилган. Қуқон ва Бухоро мадрасаларини туттатган; хушҳат бўлгани учун муаллимлик ва котиблик қилган. Рожий 1918 йили вафот этган. Бизгача шоирнинг 10 минг мисрадан иборат шеърлар девони этиб келган. Унда газал, мухаммас, мусаддас, маснавий, муаммо, руబой, туюқ сингари жанрлардаги асарлар жамланган. «Қози сайлов», «Сайлов», «Тойчоқ», «Той» каби шеърларида Рожий Россия истибоди зулми остида эзилган халқнинг аянчли турмушини тасвирлаган.

РОҚИМ

Роқим XVIII асрнинг охири XIX асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод этган ўзбек шоиридир. У тахминан 1742 йили Хивада туғилган, мадрасада ўқиган, қозихонада мунши бўлиб хизмат қилган, хусусий мактаб очиб, муаллимлик қилган.

Тарихий сарчашмаларда Роқим хушнавис ҳафтот, моҳир таржимон, забардаст лирик шоир, мактабдор мураббий сифатида таърифланади. Аммо бизга қадар Роқимнинг газаллари, мухаммасу ахлоқий-маърифий характердаги шеърлардан иборат девони сақданиб қолган. Унинг таҳланган асарлари 1965 йили чоп бўлган.

САЙФИ САРОИЙ

Лирик шоир ва достоннавис Сайфи Саройи 1321 йили ҳозирги Хоразм вилоятининг Сариқамиш қишлоғида туғилган. Кейин Олтин Урданинг Сарой шаҳрига келган ва шу ерда яшаб ижод қилган. Шоир Мисрга бориб, умрининг охиригача шу ерда муқим яшаган.

1390—1391 йиллар улуг форс-тожик шоири Саъдийнинг «Гулистон» асарини «Гулистони биг-туркий» номида узбекчага таржима қилди. 1934 йил «Суҳайл ва Гулдурсун» достонини ёзди. 1396 йили Сайфи Саройи вафот этган.

1398 йили Мисрда Абдул ибн Қодир деган киши Олтин Үрдалик бир гурӯҳ туркӣзабон шоирлар щеърларини кутириб китоб қилди. Булар орасида Сайфи Саройининг асарлари ҳам бор.

СУФИ ОЛЛОЁР

Суфи Оллоёр 1620 йили Самарқанд яқинидаги Минглар қишлоғида зиёли Оллоқули хонадонида дунега келган. У бошлангич таълимни маҳалла масжиди ҳузуридаги мактабда олгач, Бухорога бориб Жуйбор шайхлари кулида тарбияланади, оила қуради. Бироз вакт Бухоро божхонасида ишлаган шоир, уни тарқ этиб, ун икки йил давомида Шайх Ҳабибулло ҳузурида сүфизм таълимотини урганади.

Шундан сунг Суфи Оллоёр машҳур шоир, кароматгай шахс сифатида шуҳрат ортиради. У куплаб шеърлар, «Маслак-ул-муттақин», «Нажот-ул-толибин», «Сирож-ул-ожизин», «Сабот-ул-ожизин», «Мурод-ул-орифин» сингари маснавий, рисолалар ёзди. Шоир 1721 йили вафот этган булиб, қабри Денов туманидаги қабристонлардан бириладир.

Суфи Оллоёр исломий аҳкомларга асосланиб, фарз ва суннатларни тарғиб қилиб, комил инсон гоясини бадиий адабиёт орқали тоятда моҳирона тарғиб эта билган, сүфизм шеъриятини узбекона усуlda ҳалқка янада яқинлаштирган, оммабоп, ҳаммафаҳм қилиб яратган санъаткордир:

Ҳамма аъзо раиятдур, кўнгил шоҳ
Омонлиқ бўлгуси шоҳ адлидан роҳ.
Агар сulton ўзи қilsa ёмонлиғ,
Қачон булгай раиятда омонлиғ.

СИДҚИЙ ХОНДОЙЛИҚИЙ

Сирожиддин Сидқий 1884 йили Бўстонликнинг Хондойлик қишлоғига туғилган. Саводини ўз қишлоғида чиқарган бўлажак шоир Тошкентга келиб Бекларбеки, Кўкаaldoш мадрасаларида ўқиёди, айни пайтда хаттотлик, уймакорлик, сангтарошлиқ ҳунарларини ҳам ўрганади. Шеърлар ёза бошлайди. «Баёзий Ҳазиний», «Баёзий мужалло», «Баёзи Ҳислат» каби тўпламларда ўз газаллари билан иштирок этади.

Сидқий классик адабиётимиздаги барча жанрларда шеърлар битиш билан бирга, «Тухфаи Шавкат» (1913), «Савти Шавкат» (1914) сингари баёзлар тузган: «Рабочийлар келиши», «Тоза ҳуррият», «Русия инқилоби», «Рабочийлар намойиши» каби достонлар ҳам ёзган. Шоир ва ношир Сидқий Шарқ адабиётининг нодир намуналари «Минг бир кеч», «Бўстон», «Ажойиб-ул-махлуқот» китобларини ўзбек тилига муваффақият билан таржима қилган. Сидқий Хондойлиқий 1934 йили вафот этган.

САИД ҚОСИМИЙ

Сайд Қосимий XVI асрда яшаб ижод этган ўзбек шоири. Унинг ҳасти ва ижодий фаолияти ҳақида бизга қадар старли маълумотлар сақланиб қолмаган. Филология фанлари номзоди Б. Қосимхонов «Сайд Қосимий маснавийлари» номли китобини нашр эттирди. Унда шоирнинг ахлоқий-таълимий характердаги «Гулшани роз», «Мажмаул ахбор», «Ҳақиқатнома», «Садоқатнома» сингари достонлари жамланган. Ушбу достонларда шоир ўзининг илм-маърифат, ахлоқ-одоб, хайр-эҳсон, адолат ва одил шоҳ, ризқ, шукр, қаноат, ибодат, тақво, имон, ишқ, ризо ҳақидаги мулоҳазаларини баён этган. Ҳар бир масала хусусидаги назарий қарашларини тарихий шахслар, ҳаётий воқеалар хусусидаги ҳикоят ҳамда масаллар билан исботлаб, тасдиқлаб боради, кишиларга панд-насиҳат беради.

САЙҚАЛИЙ

Таниқли ўзбек шоири Собир Сайқалий 1730 йили Ҳисорда туғилган. У дастлаб хусусий муаллим қўлида,

сунгра Бухоро мадрасаларида таълим олган. Шоир 1798 йили ватанида вафот этган. Сайқалий лирик шеърларини тұплаб девон түзған бұлса ҳам, унинг қуләзмаси ҳали топилмаган. Аммо шоир «Қиссаи Сайқалий», «Қиссаи Ҳамроҳ ва Ҳурилиқоҳ», «Қиссаи Иброҳим бинни Мұхаммад», «Вайс-ул-қаран», «Жангномаи имом Ҳанафия», «Равзот-уш-шұхадо», «Зайн-уд-араб» қиссалари ҳамда «Баҳром ва Гуландом» достони билан үзбек адабиети тарихида мұхим мавқета эга.

САЙЕДИЙ

Сайид Мұхаммад Сайедий XVIII асрда яшаб ижод этган үзбек шоири. Унинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида маълумот жуда кам. Сайедийнинг бизга қадар 50 дан зиёд ғазаллари ҳамда халқ оғзаки ижоди анъаналари асосида яратылған «Тоҳир ва Зухра» достони етиб келған, холос. Үшбу достон асосида шоир ва драматург Собир Абдулла «Тоҳир ва Зухра» (1938) музикалы драмасини яратған; кейинчалик машҳур кинорежиссер Наби Фаниев «Тоҳир ва Зухра» (1950) кинофильмини суратта олган.

ТОЛИБИЙ

Толибий XVIII асрда яшаб утган үзбек шоири. Унинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида маълумот кам. XVIII—XIX асрларда түзилған қуләзма ҳамда босма баёзларда шоирнинг ишқий газалларидан намуналар жой олган. Бундан ташқари шоирнинг ихчамгина «Толибнома» ахлоқий-таълими харakterдаги достони етиб келған. Үнда Толибий ҳалоллик, ростгүйлик, ширинсуhanлик, инсонпарварлик, меҳнатсөварлик, имон, диёнат, мустаҳкам эътиқодни; исломий ақкомларни тарғиб этиб, зулм-зўрлик, барча гайриинсоний хатти-харакатларни лаънатлайди.

ТУРДИ

Үзбек адабиети тарихида ҳажвий мұхаммаснинг асосчиси, оташнафас шоир Турди Фарогий 1641 йили Бухорода зодагон оиласида туғилған. Ешлигіда яхши-

гина билим олган Турди Бухоро мадрасаларида ўқиган; Абдулазизхон даврида хон саройида катта мансабларда ишлаган.

Бухоро хонлигини Субҳонқули эгаллагач, олдинги амалдорлар ишдан четлатилади, таҳқирланади. Турди сарсон-саргардонликда Самарқанд, Жиззах, Хужанд вилоятларида юради; 1685 йилги Миёнкол қўзғолонида иштирок этади; кўхна дўстлари Норбутабий, Ҳалимбийлардан мурувват кутади, аммо умидлари пучга чиқади. Шоир тахминан 1712 йили Хужандда вафот этган.

Турдидан бизга қадар мухаммас, газал, рубоий ва тарих жанрларида яратган кичик ҳажмдаги шеърлар китоби етиб келган. Бошқа шоирлардан фарқли улароқ Турди Субҳонқулихон давридаги зулмни рўй-рост танқид қилиган; тарафкаш феодал зодагонларни бирлашиб, юртни обод қилишга чақирган.

УВАЙСИЙ

1779—80 йиллар орасида таниқли ўзбек лирик шоирраси Жаҳон Отин Увайсий Марғилон шаҳрининг Чилдухтарон маҳалласида дунёга келди. Унинг отаси, онаси Чиннибиби ва акаси Охунжон Ҳофиз ўз даврининг маърифатли кишиларидан булиб, Увайсийнинг тарбиясида катта рол уйнашган.

XIX асрнинг 90-йиллари охири. Шоирани марғилонлик Ҳожихон исмли кишига турмушга берадилар. Увайсий Куёшхон исмли қиз ва Мұҳаммадхон исмли угил кўргач, орадан бир оз вақт угил, Ҳожихон вафот этади ва шоира тул қолади.

1800—1809 йиллар. Увайсий шоира сифатида шуҳрат ортиради. Уша вақтларда Марғилонда яшаётган Умархоннинг рафиқаси Нодира Увайсийни девонга олиб келади ва бу икки катта шоира ўртасида умрбод дўстлик ришталари боғланади.

1810 йил. Нодира Қўқонга кучиб келгандан кейин Увайсийни маҳсус ёрдик билан Марғилондан чақиртириб олади ва унга алоҳида ҳовли-жой олиб бериб, доимий раҳнамолик қиласди. Увайсий саройда Нодира билан биргаликда умргузаронлик қиласди.

1822 йилдан сўнг Увайсий бошига кетма-кет ташвишлар тушади; унинг Ҳокий тахаллуси билан шеърлар ёзувчи шоира қизи бевакт вафот этади, ўғли Му-

ҳаммадхон Умархон ўрнига тахтга утирган Мұҳаммадалихон томонидан Кошгарга жунатилади.

1840 йил. Мұҳаммадалихоннинг тазиқи ва фарзандларидан айрилиқ шоирани тез қаритди. Шунинг учун у Нодирадан рухсат олиб, уз она шаҳри Марғилонга кучиб кетди ва уша ерда қашшоқликда умр кечирди.

1842 йилдан кейин, олимларнинг тахминига кура, Увайсий 65 ёшларида вафот этган.

Умр бўйи тасаввуф фалсафи гояларини ифодаловчи ва дунёвий масалаларга багишланган лирик шеърлар ёзди. Шоира шеърларини уз ичига олган бир қулёзма девон Узбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик илмий-тадқиқот институтида сақланади. Унда Увайсийнинг лирик шеърлари ҳамда «Шаҳзода Ҳасан» ва туталланмай қолган «Воқеаи Мұҳаммадалихон» номли тарихий достони мавжуд.

ФАРОБИЙ

Абу Наср Фаробий 870 йили Сирдарё бўйидаги Восинч қишлоғида ҳарбий хизматчи оиласида дунёга келади. Хусусий муаллимларда савод чиқарган Фаробий Бухоро ва Самарқанд мадрасаларида ўқийди. Сунгра у отаси билан Исфаҳон, Рай, Ҳамадон шаҳарларида сафарда булиб, охири Багдодда муқим яшаб қолади. Булажак файласуф олим Абубашр Маттон ҳамда Юҳан ибни Ҳатлон каби машҳур олимлардан тил ва мантиқ бўйича дарс олади, муаллимлик қилади, Шом мадрасаларида дарс айтади. Фаробий 950 йили Багдода вафот этган.

Қадимий манбааларда Фаробийнинг мантиқ, фалсафа, тил билими, илми бадеъ, мусиқа назарияси, фалсафанинг ўрганиш усули ва бошқа масалаларга доир 160 та асар ёзганлиги қайд этилган. «Фалсафага кириш», «Сиёsat ва маданият», «Рисолаи мусиқий», «Идеал шаҳар кишиларининг ахлоқий қарашлари», «Илмлар мажмуаси» шулар жумласидандир. Фаробий қадимги грек философларининг асарларини таржима қилиб, араб тилида кенг шарҳлагани, фалсафада янги бир йўналиш яратгани учун Аристотелдан сунг иккинчи муаллим — «Муаллими соний» лақабини олган.

ФАРИДИДДИН АТТОР

Йирик мутасаввуф олим ва етук шоир, куплаб шеърий ва насрый асарлар муаллифи Фаридиддин Аттор 1148 йили Нишопурда туғилган. Умр бўйи табобат ва дўкондорлик билан кун кечирган, газаллар, маснавийлар битган. Буюк адаб 1220 йили ватанида вафот этган.

Фаридиддин Аттор юздан зиёд китоб ёзган. Улардан «Мантиқут тайр», «Хусравнома», «Мусибатнома», «Илоҳийнома», «Мухторнома», «Шархул-қулуб» бизгача етиб келган. Мазкур мажмуада шоирнинг «Панди беҳад» номли шеърий асаридан намуналар берилди.

ФАЗЛУЛЛОҲ АЛМАЙ

Нозиктабъ шоир, ҳаттот, қори ва таржимон Фазуллоҳ Алмай 1850 йили Тошкент шаҳрида туғилди. Тошкент, Бухоро ва Қуқон мадрасаларида таҳсил кўрди. Умр бўйи узбек, тоҷик ва араб тилларида газал, мухаммас, маснавийлар ёзди. Тоҷик тилидан қадимги хинд масаллар мажмуаси «Калила ва Димна»ни узбекчага таржима қилди. 1918 йили Алмай Тошкентда вафот этган.

Алмай ўз газал ва мухаммасларида дунёвий севгини улуглади: «Этти», «Ҳаёт», «Ярашур», «Кулсанг-чи» сингари газаллари китобхонни яшашга, гўзалликка интилишга, меҳр-оқибатли булишга ундейди; «Ҳат», «Эрур», «Қилсанг-чи», «Тилдин» радифли газалларида эса Алмай илм-маърифатни, ростгўйлик, ширинсуҳанлик, ҳалоллик сингари инсоний хислатларни таргигб этади.

«ФАВОҚИҲ АЛ-ЖУЛАСО»

«Фавоқиҳ ал-жуласо» (Дўст богининг мевалари) асарининг муаллифи Қаюм Носирийдир. Қаюм Носирий арабча машҳур «Мустатраф» ва «Равза ал-ахр» китобларидан керакли қисмини танлаб олиб, татар тилига таржима қилган ва уни бобларга ажратиб, китоб шаклига келтирган. Асар 1884 йилда Қозонда нашр қилинган булиб, у узбек тилига ҳам таржима қилинган ва Тошкентда литографик усулда чоп қилинган. Ёзувчи-

нинг Ибни Сино ҳақидаги қиссаси ҳам илм-адаб аҳли орасида машҳур.

ХИРОМИЙ

Мулла Қўрбон Хиромий 1810 йили Китоб шаҳрида косиб оиласида туғилган, Бухородаги Мири Араб мадрасасида ўқиган; Саъдий, Ҳофиз, Жомий, Навоийлар анъанасини давом эттириб, лирик шеърлар ёзган, 200 дан ортиқ шеърларини уз ичига олган «Муҳаммаслар девони»ни тузган. У ишқий саргузашт мавзусида «Махфилоро» (1844), «Тутинома» (1853), «Чор дарвеш» (1856), «Раъно ва Зебо», «Юсуф ва Зулайҳо» (1862) каби достонлар ёзган. Шоир 1891 йили вафот этган.

Хиромий достонларида чин инсоний севги билан бирга инсондустлик, ватанпарварлик, илм-фан, касбхунарга меҳр кўйиш, маърифатчилик тарғиб қилинган. У ўзбек адабиётида муҳаммаслардан девон тузган ягона шоир ҳисобланади.

ХУЖАНДИЙ

Хужандий XVII асрда яшаб ижод этган ўзбек шоиридир. Хужандийнинг хаёти ва ижодий мероси ҳақида маълумот кам. Унинг бизга қадар Хоразмийнинг «Муҳаббатнома»си таъсирида ёзилган «Латофатнома» китобигина етиб келган. Асар ўнта номадан ташкил топган булиб, асосан дунёвий севги тасвирига бағишиланган. Аммо айрим номаларда ахлоқ-одоб, илм-маърифат, одамийлик, адолат тасвирига алоҳида эътибор беради. У зодагонларга мурожаат қилиб, жаҳонда аморат (амир)лик қилишни истасанг, бева-бечораларнинг кунглини ол, дейди:

Тилар бўлсанг жаҳон ичра аморат,
Факирлар кунглини қилгин иморат.

ПОШШОХУЖА

Асли исми Ибодулло Саййид Пошшохужа бинни Абдулваҳҳобхужа булиб, Хожа таҳаллуси билан бадиий асарлар яратган таникли ўзбек шоири ва адаби 1480

йили таваллуд топган. Ҳозирча унинг тугилгани жойи ҳақида аниқ мәденимүттөштүк. Унинг ота-боболари мансабдор шахслар булишган. Ака-үкалари замонасида анча таникли шоирлар булишган. Ҳожанинг ўзи анча вақт Балх шаҳрида яшаган, ўқиган ва ишлаган.

Ҳожа Балхда садр (солиқ ишлари нозири), кейинчалик шайхул — исломлик вазифаларини бажарган.

Умр буйи Ҳожа шеърлар ёзган. У икки тилда — узбек ва тожик тилларида асарлар яратган. Маъдумотларга қараганда у узбек ва тожик тилларида девонлар тузган, аммо улар бизгача етиб келмаган.

1538—1539 йиллар. Ҳожа томонидан «Гулзор» ва «Мифтоҳул-адл» (Адолат калити) номли асарлар яратилди. Бу асарларда буюк Саъдийнинг «Гулистан» ва «Бўстон» асарларига ухшаш дидактика — панд-насиҳат гоялари ифодаланган. 1528 йили «Махзанул-асрор» номли достони ёзилган. Ҳожа 1566 йили вафот этган.

«ХУЛОСАТ АЛ-ҲУКАМО»

«Хулосат ал-ҳукамо» (Ҳакимлар хулосаси) асари 1860 йилда Ҳофиз Калон ибни Бадриддин Қори томонидан ёзилган. Асар 33 бобдан иборат булиб, табобатга оид масалалар ҳар хил муаллифларнинг китобларидан танлаб олинган ва китоб шаклига келтирилган. Унинг бир нусхаси 436/III рақами билан Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланмоқда.

ҲОЖА САМАНДАР ТЕРМИЗИЙ

«Дастур ул-мулк» (Подшиларга күлланма) асарининг муаллифи Самандар Термизий Абдулазизхон (1645—1680) ва Субҳонқулихон (1680—1702) ҳукмронлиги даврида яшаган. Асар Субҳонқулихонга багишланган. Унинг 1829 йили кучирилган нусхаси Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар хазинасида сақланмоқда.

ХУРРАМИЙ

«Равзат ул-ошиқин» (Ошиқлар боғи) асарини Хуррамий форс тилида биттан. 954/1547 йили Бухорода

Абдулазиз Баҳодурхон (1540—1549) даврида ёзилган. Китобнинг 1102/1691 йили кўчирилган нусхаси Шарқшунослик институтига сақланмоқда.

ШАВҚИЙ КАТТАҚҮРҒОНИЙ

Муҳаммад Шариф Шавқий 1785 йили Каттақүргон шаҳри яқинидаги Алижон қишлоғида зиёли ойлада туғилган; хусусий таҳсилдан сўнг, 1815 йили Бухородаги Говқушон мадрасасини тутатган. Узбек, араб ва тоҷик тилида ижод қиласан, мукаммал шеърлар девони бизгача етиб келган. У Жомий, Навоий, Бедил, Хусрав Деҳлавий анъаналарини давом эттириб, дунёвий муҳаббатни қўйлади, илм-маърифатни тарғиб этиб, мавжуд ҳукуматдорларни инсоф ва адолатга чорлади.

Бундан ташқари Шавқий бир неча илмий рисолалар ҳам өзади. Жумладан «Мұхтасар-ул-виқоя»ни тоҷик тилида шарҳлади, «Рисолаи қоғия»ни өзи, ислом дини қонун-қоидалари ҳақида маҳсус рисолалар битди. Возеҳ, Нокис, Ахгар, Мирий сингари замондошлари Шавқийни устоз сифатида таърифлаб, газалларига мухаммаслар битганлар. Шавқий 1861 йили вафот этган.

ШЕРМУҲАММАД МУНИС

1778 йил. Хоразм адабий мухитининг энг пешқадам шоирларидан бири Шермуҳаммад Мунис Хева яқинидаги Қиёт қишлоғида саройнинг бош мироби Авазбий оиласида туғилди. Болалиги Қиёт ва Хевада утди. Аввал мактабда, сўнг мадрасада ўқиди. Шарқ мумтоз шоирларининг асарларини ўрганди.

1800 йил. Отаси вафот этди. Ўша йили Хоразм хони Авазбий иноқ Мунисни фармоннавислик (хон фармонларини қоғозга тушурувчи — котиблик) вазифасига тайинлади.

1806 йил. Муҳаммад Раҳимхон I хон булгач, отаси ўрнига шоирни мироблик лавозимига ишга тайинлади.

1825 йил. Хоразм таҳтига Оллоқулихон утирди. Мунис унинг саройида ҳам мироблик вазифасини бажарди.

1829 йил. Хоннинг Хуросонга қиласан юришида иш-

тирок этди. Қайтишда вабо касалига йулиқиб, йулда вафот қилди. Уни Хоразмга олиб келиб дағын этиши.

1804—1805 йиллар. Шоир үзининг биринчи девонини тузди.

1813—1814 йиллар. Биринчи девонга кейинги ёзган шеърларини қўшиб, иккинчи девонини тузди. Унга «Мунисул-үзинюқ» деб ном қўйди. Бу девонда шоирниң турли жанрларда яратган 8500 байтга яқин шеъри жамланган. 1803 йил. «Саводи таълим» асари ёзилди.

1813 йили. «Фирдавсул-икబол» номли тарихий асарининг 1813 йил воқеалари тасвиригача бўлган қисми-ни ёзди.

ЮСУФ ХОС ҲОЖИБ

Атоқли давлат арбоби, илк туркий достоннавис Юсуф Ҳос Ҳожиб 1020 йили Қораҳонийларнинг марказий шаҳарларидан бири Боласогунда туғилади. Булажак шоир уз давридаги барча билимларни, араб ва форсий тиллар ҳамда ундаги адабиётларни пухта эгаллайди. Шоир 1069—1070 йиллар орасида 73 бобдан иборат панднома характеристидаги «Қутадғу билиғ» достонини ёзив, қораҳоний хукмдор Буграхонга тақдим этади. Хон Юсуфга «Ҳос Ҳожиб» деган мансабни инъом этади. 80-йилларга келиб Қораҳонийлар салтанати таназзулга юз тутади. Юсуф Ҳос Ҳожиб умрининг охирги йилларини хор-зорликда, саргардонликда утказади. Шоир асарда адолатли хукумрон, давлатни тадбир билан бошқариш, илм урганиш, касб-хунар эгаллаш, ҳалқ ғамини ейиш ҳақида панд беради.

«ҚҰРҚИТ ОТА КИТОБИ»

Бу асар туркий ҳалқларнинг энг қадимги оғзаки ижод намунаси бўлиб, ҳалқни қаҳрамонлик, ватанпарварлик, инсондустлик руҳида тарбиялайди. Китоб 1988 йили эски туркийчадан ҳозирги ўзбек тилига таржима қилинди ва «Ёшлик» журналида эълон қилинди. Назм ва наср аралаш бу қаҳрамонлик қиссаси X—XIV асрлар орасида яратилиб, XV асрда китоб ҳолига келтирилган. Үн икки ҳикоятда воқеа насрда баён этилади, руҳий ҳолатлар шеърда тасвириланган. Ровий тимсолида келадиган Құрқит Ота адолат, ҳалқ донишманлдиги

тимсоли, зодагону авом, имом, олиму баҳодиру дөхқон, савдогару хунарманд маслаҳатчиси, пешвосидек гавдаланади. «Құрқит Ота китоби» халқ қаҳрамонлиги донишмандалиги ҳақидаги асардир.

ҲАЙДАР ХОРАЗМИЙ

Ҳайдар Хоразмий XIV асрнинг охири ва XV асрнинг бошларидан яшаб ўтган лирик шоир ва достоннависdir. Алишер Навоий ва Захириддин Бобурлар уни лирик шоир сифатида таърифлашган. Бизга қадар Ҳайдар Хоразмийнинг Низомийнинг «Махзан-ул-асрор» достонидан файз топиб яратган ахлоқий-таълимий «Гулшан-ул-асрор» достони ҳамда 1411 йили ёзған «Гул ва Наврӯз» ишқий-саргузашт маснавийси сақланиб қолган. «Гулшан-ул-асрор»да шоир бир неча боб ва мақолотларда ростлик, меҳнатсеварлик, ҳалоллик, инсондустлик, илм-хунар ўрганиш ҳақида панд беради, уз фикрларини ҳаёттій ҳикоятлар билан тасдиқлайди. «Гул ва Наврӯз»да эса, икки ёшнинг чин инсоний севгисини тасвирлайди, шахзода Наврӯз ва малика Гулнинг ният йулида садоқат ва фидоийлитетини курсатади.

Ҳайдар Хоразмийнинг достонлари узбек адабиетида панднома ҳамда ишқий-саргузашт мавзуидаги маснавий ривожида муҳим урин тутади.

ҲОФИЗ ХОРАЗМИЙ

Абдураҳим Ҳофиз Хоразмий XIV асрнинг охири XV асрнинг биринчи чорагида яшаб ижод этган узбек шоиридир. У Хоразмда туғилиб, умрининг охирги йилларини темурийзодалардан Иброҳим Султон саройида — Шерозда ўтказған.

70-йилларгача Ҳофизнинг мероси маълум эмасди. Мащхур олим, филология фанлари доктори, профессор Ҳамид Сулаймонов Ҳиндистоннинг Ҳайдаробод шаҳридан шоирнинг девонини топиб, нашр эттириди (1981). Маълум бўлишибча Ҳофиз Хоразмий уз замондоши Ҳофиз Шерозийга эргашиб, лирик турнинг тўққиз жанрида асарлар ёзған, қасида, марсиялар битган. 18 минг мисрадан иборат бу шеърларда Ҳофиз Хоразмий дуневий ҳамда илохий муҳаббатни узига хос соз да

овозда куйлаган. Шоир мероси ҳали атрофлича таҳлил қилинмаган.

ҲУСАЙНИЙ

Атоқли давлат арбоби, нозикбин шоир Ҳусайн Бойқаро 1439 йили Ҳиротда темурий зодагон оиласида дунега келган. Бобур уни ҳар икки — ота ва она томонидан Амир Темурга уруг эканини уқтирган. Ҳусайн Бойқаро болалитигида Навоий билан мактабдош бўлган, мадрасада уқиган, «Ҳусайнний» тахаллуси билан шеърлар ёза бошлаган. Аммо у 1456 йилдан тож-тахт учун кураш можароларига қушилиб кетади.

Ҳусайн Байқаро узоқ давом этган жанглардан сунг 1469 йили Хурросон пойтахти Ҳиротни эталлайди. Мамлакатни Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоийлар кўмагида тадбиркорлик билан бошқариб, 1506 йили вафот этади. Ҳусайн Байқаро давлатни мустаҳкамлаш, ободончилик; илм-фан, маданият ва адабиётни ривожлантириши борасида жиддий ишларни амалга оширди; юзлаб мактаб, мадраса, хонақоҳ, мачит, ҳаммол, табобатхона, карвонсаройлар қурилди; ҳовуз, каналлар қазилди, ариқлар чиқазилди. Ҳусайннидан бизга қадар кичик ҳажмда шеърлар девони ва дўсти Навоийга бағишлинган «Рисола» мерос қолган.

ҲАКИМ ҚООНӢӢ

«Паришон» китоби Ҳаким Қоонӣ номи билан машхур булган Мирзо Ҳабибулоҳ Шерозий қаламига мансуб. Муаллиф одоб-ахлоқ мавзуларига оид фикр ва мулоҳазаларини шеър ҳамда ҳикоятлар билан ифодалаб, уни «Паришон», яъни «Сочилган» деб атаган. Чунки унда мавзулар боб ва фаслларга бўлинмаган ва аралаш ҳолда бериб кетилаверган. Ҳаким Қоонӣнинг куллиёти Бомбай ва Техронда чоп этилган бўлиб, «Паришон» асари ҳам шу куллиётга киритилган.

ҒОЗӢӢ

Узбек шоири Муҳаммадғозий XVIII асрнинг урталарида Қўқонда туғилган. Бухоро мадрасаларида уқи-

ган, Құқондаги Мадрасаси Мирда дарс айтган, шаҳар мұфтиси бұлған. Ешилигиданоқ «Фозий» тахаллуси билан узбек ва тожик тилларida шеърлар ёзған. Фозий 1818 йили вафот этған.

Фозийдан бизга қадар катта ҳажмдаги шеърлар деңовни сақланиб қолған. Академик А. Қаюмов шоир ҳақида «Фозий» (1959) номли рисола биттән. Зуллисонайын шоир, бир томондан, дүнёвий мұхаббатни үзига хос бадиийликда тасвирласа, ҳажвий шеърларида замонасидағи зулм-зүрлікни, айрим амандорлар шахсиятидаги гайриинсоний хатти-харакат, иллатларни танқид қиласыди. У лирик турнинг тарих, марсия, чистон, рубойй, мусаддас, ширү-шакар сингари жанрларда мұмтоз асарлар ёзған санъаткордир.

ҒУЛОМ МУҲАММАД ВОСИФ

«Ҳикояти дилписанд» (Күнгилға ёқадиган ҳикояттар) деб номланған ва айрим парчалари диққатшынға ҳавола этилаётған бу китоб ҳиндистонлик олим Ғулом Мұҳаммад (Восиф) қаламига мансубдир. Ғулом Мұҳаммад бу китобни XIX асрнинг иккинчи ярмида ёзған ва у Лакнав ҳамда бошқа шаҳарларда бир неча бор босильтан. Китоб бошдан-оёқ масаллардан ибораттадыра ғана бу масаллар, китоб мұаллифининг тили билан айтганда: «Күшли құдратта зәға булиб, хилма-хил ваъз ва ҳикматтарни үз ичига олади, ибрат күзига узоқни күра олиш сурмасини суриб, ҳаётдаги тажрибасиз кишиларни олийлик даражасига етказади, баднафслық иллатини йүқотиб, Исо нағасидек хуш таъсир күрсатади».

ЛУГАТ ВА ИЗОҲЛАР

«А»

Абас — бехуда, фойдасиз, бемаъни
Абтар — узилган, юлиқ, бенасл
Адам — душман, ёв
АЗОЛИҒ — ранж, азиат
Ал — қўл
Аммора — нафси аммора-жисмоний нафс, нафси бузук
Анушервон — қадимги Эрон шоҳи
Асрор — сирлар
Асгар — кичикрой
Афлоқ — фалак, осмон
Афлотун — қадимги юнон файласуфи — Платон
Ахий — биродар, дуст
Ашжор — дараҳт, ўсимлик
Ашҳаб — кулранг, кўк от
Ақраб — чаен
Ақдом — қадам, энг олдин
Ақрон — яқин, яқинлик

«Б»

Бадр — тўлин ой
Бози — ўйин
Бозу — билак
Бок — даҳшат, қурқинч
Бегазанд — зарарсиз
Борон — ёмғир
Бонола — мунгли, нола чекучи
Баруманд — самарали, омадли
Бархурлор — манфаатдор, фойдаланувчи
Болият — азоб, ранж, кулфат
Батлимус — қадимги юнон файласуфи — Птолемей
Басорат — тетик кўз
Бебор — ҳосилсиз, бесамар
Бикин — каби, сингари

Бутимор — денгиз соҳилида балиқ билан тириқчилик қилувчи, лайлаксимон қуш. Чайканинг бир тури
Башар — одамзод, инсон, халқ
Бухл — баҳил, зиқна

«В»

Васат — урта, оралиқ
Вижод — дүстлик, мұхаббат
Вуслат — висол, етишмок

«Г»

Ганж — хазина, бойлик
Газанд — зарар, ёмонлик
Ганда — ёмон
Гил — лой, балчик
Гов — сигир
Гунжайиш — сиғиши, сиғим
Густох — беақл, нодон
Гүй — чөвған тупи, соққаси

«Д»

Додхоҳ — одил, адолат талаб қилувчи
Давомат — мудом, доим
Даҳр — замон, дунё
Даф — Шарқ мусиқа асбобларидан бири

«Ж»

Жав — арпа
Жалис — улфат, сұхбатдош
Жуд — саховат; жуд аҳли — сахийлар
Жовидон — доимий, абадий
Жүен — истовчи, қидирудычы
Журм — гуноҳ, жиноят
Жафф — теран
Жамил — гузал, чиройли
Жаҳл аҳли — нодонлар
Жигой — авом, оддий халқ
Жуз — булак, бошка

«3»

Залил — сояли, серсоя; пасткаш, тубан
Занбур — болари
Заъф — нотавонлик, кучсизлик
Зубда — сара, асил
Зол — кампир, жодугар
Зохир — ташқи күриниш

«И»

Идбор — бахтсизлик, омадсизлик
Издивож — никоҳ, уйланмоқ
Иззу жоҳ — салтанат, тахт ва ҳашамат
Иксир — ҳар қандай жисмни олтинга айлантирадиган тош,
модда
Илик — қўл
Инфи — уялиш, ҳаё, ачиниш
Итик — шаффоф, ялтироқ
Ихтилот — араласиши, юришиш

«К»

Кавокиб — юлдузлар
Кайқубод — қадимги Эрон шоҳи
Каср(*i*) — татьсири
Кизб — ёлғон, сафсата
Ком — мақсад, ният, истак
Колас — подон, ақлсиз
Кушодруй — очиқ юзли
Кўфта — эзилган, янчилган

«Л»

Лаванд — аскар, сипоҳи (киноя тарзида «ношуд» маъноси
ҳам бор)
Лаим — пасткаш, очкӯз
Лайлу наҳор — туну кун, кечага ва кундуз
Лафка — лавка, кичик дўкон
Луқмон — Шарқ исломий донишмандларидан бирининг но-
ми; у Қуръони каримда алоҳида сурада зикр этилган
Лос — ипак чиқинидиси; мато маъноси ҳам бор

«М»

Мажасти — қадимги юонон олими Ал-Магеста
Маздур — хизматкор, мардикор
Митра — мифологик тимсол, Қуёш ва адолат тангриси
Моя — асос, сабаб, боис, мол-мулк, муҳим фикр, асбоб-анжом
Маснад — таҳт, ўрин
Малаҳ — чигиртка
Малул — гамгин, хафа
Мужола — ҳамдам, ҳамсуҳбат
Мужрим — гуноҳкор, айбли
Мул — май, шароб
Мувасвас — васвос, васваса қилувчи
Муттағиқ — иттифоқ, бирлаштирувчи
Махмур — хумор, кайф
Маҳрам — яқин дүст, ҳамдам, ҳамроҳ
Маҳқ — кумуш ва олтинга сайқал беришда ишлатадиган қора тош.
Маҳз — шу сабабли, шунинг учун
Магфур — авф қилинган, вафот этган
Макдам — келмоқ, ташриф буюрмоқ
Маъмун — Хоразмишоҳлардан бири, астроном олим
Маъсият — гуноҳ, гайришаърий хатти-харакат
Машшота — пардоҳчи, келинларни ясантирадиган хизматкор

«Н»

Нагун — сарнагун — эгилган, остин-устун булган
Надим — амиру шоҳларнинг ҳамсуҳбати, яқин кишиси
Наҳл — ниҳол, кӯчат
Низор — заиф, хароб, ночор
Носазо — нолойик, номуносиб
Носиҳ — насиҳатчи, пандчи
Нушдору — тарёк, шифобахш дору
Ноф — кийикнинг мушк ҳосил қиласидиган бези

«О»

Ожун — олам, дунё
Оғоз — ибтидо, бошланиш
Шинно — сузиш, дарёда чумилиш

«П»

Пироҳан — либос, кийим

Пинзор — мағрурлик, такобур

«Р»

Равза — бог, жаннат боғи

Раятписанд — халқсөвар, адолатпеша

Рубъи маскун — ер юзи, қуруқлик

Рүй — юз, афт

Рузи — тирикчилик

Рұфта — тозаланған, супурилған

Роз — сир

«С»

Саҳбо — шароб, май

Сандал — ағсонавий, хүш ҳид таратадиган даражат

Синон — найза

Сим — зар, олтин

Сирож — чироф

Сипанд — исириқ

Соир — башқа, бокимапда, сайдер этувчи, машхур, ёйилған

Сомсы — эшитувчи, тингловчи

Сорап — жом, қадақ

Сифла — ңокас, пасткап

Сузон — күйган, күйдирувчи

«Т»

Тавонгар — бой, құдратли, давлатманд

Тазвир — алдаш, найранг

Тавсан — от, тұғиҷоқ

Такаллум — сұзламоқ, сұзамол

Талим — барча

Тихи — бүш, холи

Тобанды — бардошли, чидамли (товланувчи маъноси ҳам бор)

Тар — ҳұл

Туз — тик, тұғри

Таҳқиқ — аниқламоқ, тафтиш этмоқ

«Y»

Үд — Шарқ чолгу асбобларидан бири, дараҳтинг номи
Үкуш — күп
Улум — илмнинг кўплиги, илмлар

«Φ»

Фис (фас) — қимматбаҳо тош

«X»

Ҳасм — душман, рақиб
Ҳар — эшак
Ҳайл — оломон, тұда, гурух
Ҳома — қалам
Ҳор — тикан
Ҳон — дастурхон
Ҳулд — жаният, абадийлик
Ҳужаста — муборак, баҳтли, қутлуг
Ҳуффош — кўршапалак
Ҳуша — бошоқ

«Ч»

Чутз — бойугли
Чин фагфури — Чин шохи

«III»

Шарр — ёмон, бадфеъл
Шаҳд — асал, шириналык
Шингарф — қимматбаҳо тош

«Ә»

Әваз — тенг, баробар

«K»

Қаму (қамук) — барча, кўпчилик
Қави — забардаст, бақувват
Қилу қол — гап, сўз; қилу қол айламоқ-гапирмоқ

«F»

Fappa — алданган, мағрур

Fariq — сувга чүккан

Fizo — овқат, егулик

«X»

Xамида — баҳтли, таърифланған

Xасаб — буюклиқ, шараф

Xаким — донишманд, табиб, файласуф

Xарис — очкұз, зиқна

Xашмат — шұхрат, дабдаба

Xанзал — аччиқ қовоқ, ит қовун

Xүкқа — қутича, жавоқырлар сандуқчаси

Xұрмұс — оташпаастлар тангриси

Xилім — мұлойимлик, юмшоқлық

МУНДАРИЖА

Дониилмандар сүзлайды	4
Одоб, таълим-тарбия, истеъод фойдалари ҳамда беодобликдан етадиган зарари	13
Олим, илм, китоб, қалам, устоз, касб-хунар, яхши фазилатлар	25
Ота-она, оила, қариндош ва күшнилар	47
Сұхбат, сұхбатдошнинг яхши ва емон таъсирлари	65
Дүст, дүстлик қоидалари, дусту дүшманни фарқлай билиш	73
Ақл, ақлнинг фазилатлари, доноликнинг фойдаси ҳамда нодон- ликининг зарари	93
Халқ, Ватан, сафар, сасхат, ешлик, йигитлик, кексалик	113
Мардлик, шижақ, гайрат, хүшерлик фойдалари ҳамда номард- ликининг зарари	127
Ишк, мұхаббат баенида	135
Хұпакулқыл, ширинсузлик, раҳм-шағқат, муруваттнинг фой- даси, миннатнинг зарари	145
Вафда, ваядага вафо, ҳәе, иффат ва камтарлар	157
Яхшилик, ёмонлик, тұғрилік ва әгрілік	163
Суз, сузлаш қоидаси, үйлаб гапириш, тиљни тийиш, сукут баे- нида	173
Иzzат, обрӯ, улутглик, қадр-қиммат, буюклиқ, амал, баҳт-саодат .	195
Мембон, мезбон, меҳмондорчиллик одоби	205
Сабр, чидам, қаноат, умид баенида	213
Такаббурлық, худбинлик, гарәз, риє, камтарлар, тамагарлар .	223
Панду насиҳатта қулоқ тутиш ва маслаҳатлашиб иш күриш .	230
Бахиллик, бадиғаслик, очқузлик, хасад, хасислик	243
Саховат, химмат, ойлижаноблик, ҳадия, шодлар ҳақида	257
Оз ва күй ейиш қоидалари, ичкилик, саломатлик, табиблар .	263
Үйланиш, әр-хотин, яхши аёллар хусусида	275
Сир сақлаңыз ва тиљни тия билиш	285
Фийбат, тұхмат, бұхтон, угрилік, омоңатта хиенәт хусусида .	291
Адолат, ҳақиқат, инсоф, хато, гүмөн, шошқолоқлик, үйлаб иш қишиш ҳақида	301
Сарғу-харажат, исроф, тежамкорлик, газаб, жаҳл, араз, пушай- монлик	319
Гузаллик, ҳалол мәхнат, ризқ-рұз, ялқовлик ҳақида	333
Мұаллифлар ва маңылалар ҳақида мұхтасар маълумот	349
Лугат ва изохдар	391

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА УРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БҮСТОНИ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг
Бош таҳририяти
Тошкент — 1997

Мұхаррир *Барнобек Эшпұлатов*
Жамоатчи мұхаррир *Карима Шайхова*
Мұсаввир *Темур Сайдуллаев*
Бадий мұхаррир *Феруза Башарова*
Техникавий мұхаррир *Лина Хижова*
Мусаҳидлар *Х. Ҳожиматова, Ю. Биззатова*